

Оила китоби



Эркин Малик

# Дуо олган келинчак

**“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2019**



*Ёзувчи, Республикада хизмат кўрсатган журналист, Халқ маорифи аълочиси Эркин Малик китобхонларга “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари”, ҳақидаги хотира китоби, “Субҳидам ҳикоялари”, “Болалигим эртаклари”, “Ижобат бўлган дуо”, “Зулфия она бир кун...”, “Набирамга мактублар”, тўрт китобдан иборат “Шайтонваччанинг найранглари”, “Чампо отли илон”, “Она шаҳрим – Тошкентим” ва бошқа китоблари билан яхши таниш. Адибнинг ушбу китоби бир неча бор чоп этилган бўлиб, инсонлар ва уларнинг қалб эврилишлари ҳақида ҳикоя қилади.*


*Оила китоби*

**Эркин Малик**

*Дуо олган  
келинчак*

*(Дикоялар, пандномалар)*

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБAA  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 2019



УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

М – 22

**М – 22 Малик, Эркин.**

Дуо олган келинчак (Оила китоби: хикоялар, панд-  
номалар). – Т.: “Sharq”, 2019. – 336 б.

Инсон дегани – унутувчи ва хатокор дегани. Яхши кунларида  
ёмон кунини, ёмон кунда яхши кунларини унутиб кўйдими, демак, у  
хато қилади. Ажабо, бу дунёда хато қилмай яшаш мумкинми?

Муаллиф ушбу рисолада ана шу азалий ва абадий саволга жавоб  
излаган бўлади.

ISBN 978-9943-26-772-5

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-26-772-5

© Эркин Малик.

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2018, 2019.

## ОРДЕНЛИ ДАВРОН

Уйга келсам, набиралар жам бўлишган экан. Улар хонтахта устига мук тушиб, бири олиб, бири кўйиб чуғур-чуғур килиб ётишибди:

– Буниси меники...

– Унда, буниси меники...

– Хо-о-о...

Нимани талашишяпти экан, деб қизиқиб қарадим. Рангли журнал экан. Унда Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларининг расмлари берилибди. Набираларим қолиб, ўзимнинг ҳам ҳавасим келиб кетди.

– Оббо тайёрга айёрлар-эй, ҳаётда орденли бўлиш осон эканми, – деб кулиб кўйдим...

Шундай дедим-у беихтиёр тилимни тишладим. Вақтики келиб, бу орденларни шулар олмаса, ким олади? Ажабо, менинг набираларим орасидан ҳам орденлилар чиқармикан? Хаёлим нимагадир Давронда тўхтади. Қизиқ, нимага энди Давронда?!

Уйда ўтирган одам Давроннинг ховлида юрганини билиб туради. Хархашасидан эмас, йўқ, у товони билан “гурс-гурс” қилиб юради. “Кеккаймасдан юр”, деб онаси ҳам, дадаси ҳам танбеҳ бериб туришади. Унинг бундай қадам ташлаши менга ёқади. Унда мен бирон-бир кусур кўрмайман. Давронга ўхшаган болалар улғайганда кадди тик, хушқомат бўлади. Бўлар-бўлмасга икки букилишни, ишим битсинга ялтоқланишни билмайди.

Давроннинг яна бир яхши хислати бор. Нева-ралар ўртасида бирор нарсанинг тақсимооти бўлса: “Нимага акамга оз, менга кўп?” деб эътироз билдиради. Ўзинимас, акасини ёки укасини ўйлайди. “Вой нокас-эй, шунга ҳам билдингми?” деб онаси уни жер-

киб беради. Мен яна кулиб кўяман. Ахир у нокаслик қилмаяпти-ку. Қайтага тақсимот тенг бўлсин деяпти.

Унинг уйдагиларга “ёқмайдиган” яна битта ода-ти бор. Бирор ишга уннаса ҳамма нарсани унутади, муккасидан кетади. Тиришади-тирмашади, терлайди-пишади, бир ахволга тушади. “Овқатинг совиб қолди-ку!” деб онаси жағ уради. “Ўзи сенга иш буюрмаслик керак эди”, деб отаси хуноб бўлади.

Хуллас, Даврон тушмагур бошқа набираларимга ўхшамагани билан гап эшитади, аммо айтганимдек, менга ёқади. Юртнинг бир фидойиси улғайиб бораётганидан қувонаман. Вақтики келиб, муборак нишонлардан бири унинг ҳам кўксидан жой олишини ўйлайман. Ўша кунларга етказсин!

### ЧУМОЛИНИНГ ИНИ

**У** пайтларда кишлоғимизга газ келмаган, кишли, қировли кунларда самовар ўтинга қийналиб қолардик. Кўпинча чойни похол, гўзапоя ёқиб, қумғонда қайнатардик. Чойга тутун иси уриб қоларди. Айниқса, меҳмон келганда ноқулай бўларди.

Бир куни бувимларнинг товлари қочиб, кўнгиллари самоварчой тусаб қолди. Аксига олиб, уйда тирноқдек ҳам тараша йўқ. Ҳаммаёқни қалин қор босган.

Кўшнимиз сезиб қолиб, каттагина бир тўнкани чиқариб берди. Буни эшитиб, бувимлар ётган жойларида роса дуо қилдилар. Мен шошиб чопқи билан тўнкани кертишга тушдим. Тўнкага чумоли ин қурган экан. Икки-учтаси оппоқ қор устига думалаб тушди. Ўлик-тириклигини билиб бўлмас, уйқуда эди, шекилли. Кўлим ишга бормай қолди. Кириб бувимга айтдим.

– Ҳай-ҳай, – дедилар бувим ётган жойларида бир ахволга тушиб, – самоварчой ичмай мен ўлай, тўнкани тек қўй, баҳоргача қимирлатманглар, чумолининг ини бузилмасин-а...

Бу гапдан севиниб кетдим.

Баҳор келди. Чумолилар тўнка ичидан чиқиб, аста-секин ҳар тарафга ўрлаб кетишди. Аммо бу пайтда бувимлар оламдан ўтган эдилар. Мен чумолиларга бувим ҳақда гапириб бердим.

### БАҒРИКЕНГЛИК

*М*устақиллик шамоллари эса бошлаган дастлабки йиллар эди. Жума намозининг маърузасида имом домла хитобан шундай деб қолди: “Ҳой биродар, кўлтиғингдаги ароғинг масжидга киришга халақит қилаётган бўлса, уни бирон жойга қўй-да, бу ёққа киравур, маърузани эшит, кейин чиқиб кетавур, ҳеч ким кўлингдан ушлаб қолмайди. Жилла курса, ҳафтада бир марта шундай қилиб тур, у ёғига Худо пошшо...”

– Гапини қаранг, – деди ёнимда ўтирган одам имомга маломат қилиб, – ароқхўрга мачитда нима бор?

Ўшанда ҳалиги одамга бир нима дея олмадим. Тўғриси, нима дейишни ҳам билмасдим. Бироқ имомнинг гапи менга ёқди. Уни маъқуллаб дўстларимга гапириб бердим. Улардан баъзилари ичса ҳам жума намозига бориб юришди ва аста-секин ичкиликни ҳам ташлашди. Исломда бағрикенглик деганлари шу бўлса керак-да.

### КЎЗ ТЕГМАСИН

*Д*унё эшиклари бизга, бизнинг эшикларимиз дунёга очилган пайтлар. Бир биродаримиз билан сафарда эдик. Сухбат чоғида тижорат билан шуғулланмоқчилигини айтиб қолди.

– Бўлмайди, – дедим мен қатъий.

– Нимага, Пайғамбаримиз тижорат қилинлар, боинлар деган эканлар-ку, – деди. Сездимки, у бу ҳадисни бирон-бир тижоратчидан эшитган.

Мен унга қатъиян йўқ деганимнинг сабаби бор эди.

– Тижорат жуда нозик, бунинг устига покиза иш, сиз ичасиз-да, – дедим унга.

– Нима, ҳамма тижоратчилар ичмайди дейсизми? – эътироз билдирди у.

Мен ўзим билган тижоратчиларнинг исмини бир чеккадан санаб чиқдим. Баъзиларини у танир эди. Улар ёввойи алафдек бир гуркиради-ю, кейин қуриб қолишди, – дедим. У гапларимни мулоҳаза қилиб, ўйланиб қолди. Кейин:

– Ичкиликни ташлашга кўп уриндим, бўлмади, – деб ғудранди.

– Худога астойдил тавба қилмагансиз-да, – дедим.

– Астойдили қанақа бўлади?

– Тавбадан кейин ичкиликнинг яқинига бормайди, вассалом! Натижада иш юришаверади.

У билан бир куни жума намозига бордик. Буни қаранг, имом худди олдиндан мен билан келишиб кўйгандек, тижоратчилар ҳақида шундай маъруза қилдики, биродаримизнинг кўзлари бирдан ярқ этиб очилди. Мен унга тўғри йўл-йўриқ кўрсатганимга ишонди.

Биродаримизнинг ишлари юришгандан юришиб ётибди, илоҳа кўз тегмасин.

## КИТОБ

*Б*ир тийин устида етти думалайдиган зикнарок дўстимиз бор эди. Бир куни уч-тўртта дўсту кадрдонни мехмонга чақириб қолди. Ишониб-ишонмай бордик. Қарасак, қозонга энди унналапти. “Бундан баттари бўлмайди, ўчокни овора қилмай кўяколинг, бермаснинг оши пишмас”, деб тегишдик.

– Йўк, – деди у хафа бўлгандек, – унчалик эмас, битта ғўшт, битта гуруч қилиб ошни дамлаб кўйган эдим, кўшнимнинг хотини йиғлаб чиқиб қолди. Қудалари келган экан. Қўлга сув бериб, ошнинг тузини кўрса, номақоб қилиб кўйибди, денг. Яхшики, биззи хонадонда ҳам ош эди.

– Бундан чикди пуллаворибсиз-да, – яна кулишдик биз, – бизга куриғиям бўлаверади, беровринг.

– Агарда битта китоб кўлимга тушиб қолмаганда, албатта, пуллаган бўлардим, – деб кулди у.

– У кандоқ китоб эканки, одамни бир кунда тарбиялаб кўядиган?

– Китобдақа китоб-да, унда ёзилишича Аҳмад деган одам кийналиб қолган бир кўшнисига чин дилдан қарашган экан, тушига бир нуроний одам кириб, Аҳмад сен ҳаж савобини олдинг, депти. Менам бир қозон ошни шундоқ ҳадя кивора қолдим.

– Э, ўлманг, – дедик астойдил қувониб, – сиз ҳам Худо хоҳласа, ҳаж савобини олибсиз, кўшнини хижолатдан, хотинини калтақдан қутқариб қолибсиз, – дедик.

Қаранг, битта ривоят битта доно устознинг ишини кипти. “Китоб – тарбиячи”, деганлари шу бўлса керак-да.

## КУТИЛГАН ТАШВИШ

*Т*урсунбой ишга отланаётган эди, хотини нолиб қолди:

– Бундоғ ниманг бор, ниманг йўғам демайсиз-а, кеч бўлса, юрагим безиллайдиган бўб қолди...

Турсунбой деди:

– Бугунчаям амаллаб тур, эртадан уйимиз “сен же, мен же” бўп кетади. Қассобга айтиб қўйдим, сўқимни сотамиз...

Қассоб сўқимни кўриши билан харидор бўлди. Бироқ нархини мўлжалдан паст айтди. Гўштнинг нархи тушиб кетганини баҳона қилди. Сабр қилса, сал кунда кўтарилиб қолармиш. Бу гап Турсунбойга маъкул тушди. Ахир озмунча боқдими, бола-чақасига едирмаса ҳам шу сўқимга едирди.

Қассобни кузатиб қўйди-ю, баттар ташвиши ортди. Аксига олиб сўқимнинг ем-хашаги ҳам тугаб

қолган эди. Одам боласи-ку йўқчиликка чидайди, ҳайвон чидармиди?

Турсунбой нажот қидиргандек чор-атрофга қаради. Ҳовлида пулга чақадиган ҳеч вақо йўқ. Аксинча, кўшнисининг данғиллама иморати кўзини ўйнатди. Бундай пайтда ҳасад қилмаса ҳам, лекин кўнглидан бир нималар ўтади. “Зап омадли кўшним бор-да. Тижорат дегани ёққанда шу кишига ёқяпти. Ана уй-у мана уй. Бир эмас, иккита машина. Бири жомакорга, бири хўжақўрсинга”.

Турсунбой бирор марта кўшнисиникига бош эгиб, пул сўраб чиқмаган. Шу гал сўраса нима қипти? Юз, икки юз минг нима бу одам учун? Сўқимни пуллайди-ю, қарзини қайтаради. Қарз орасига сув кирмас.

Турсунбой шундай ўй билан кўшнисиникига чиқди. Аммо худди миллион сўраётгандек кўшнидан ҳадеганда садо чиқавермади. Турсунбой ўзича писанда қилди:

– Пулим йўқ эмас, кўшни бор, ана, оғилхонада пишқириб ётибди...

– Менам шунга хайрон бўляпман-да, – деди кўшни тилга кириб, – пишқириб ётган бўлса, сотиш керак, зарилми қарз сўраш?

– Қассобни опкелувдим, гўштнинг нархи тушиб кетибди, шунга сал сабр қилсаммикан деяпман, – бу ёғини ўзингиз тушунасиз-ку, деб тижоратчилигига писанда қилди Турсунбой.

– Бозорнинг иши бориға бозор, менам бугун бир сўмга сотган нарсамни, эртага ярим сўмгаям сотавераман. Нархи кўтарилсин деб кутиб ўтирмайман.

Турсунбой чайналди:

– Ҳа, энди сиздақа бўлишга бизга йўл бўлсин, кўшни.

– Хўп, бериб тураман, қачон қайтарасиз? – гапни чўрт кесди кўшни.

Турсунбой довдираб қолди. Сўқимни пуллаган-

---

*Дуо олган келинчан*

да демоқчи бўлди-ю, бунақа даргумон жавобдан кўшниси қоникмаслигини сезиб:

– Ўн куннинг у ёқ-бу ёғида қўлга ойлик тегадиган, – деди.

Турсунбой олган қарзига дарровда ем-хашак олиб келди. Ҳарна, сўқимнинг этига эт кўшилиб туради. Бироқ мол янги емни ҳидлаб кўрди-ю, оғзигаям олмади. Моғор хиди уриб қолган эканми, бошқасини олиб келди. Яна ўша аҳвол. Бир, икки кун қантарди. Бўлмади. Мол дўхтирига кўрсатди...

Бу ўртада ўн кунлик муддат ҳам келиб қолди. Турсунбой қарзидан қутулиш учун хазиначига йўликди. Ишхонадан қурилиш материаллари олган экан, ойликни ўшанга босиб қопти.

Бир сўмга бўлсаям сўқимни чиқариб сотаман, деган ўйда уйига келди-ю, нақ елкасига тоғ ағдарилгандек бўлди. Ишонган сўқими ҳаром ўлиб қолибди.

Турсунбой эртасига кўшнисиникига чиқиб, аҳволдан шикоят қилди.

– Сиз бу ташвишни ўзингизга қачон сотиб олганингизни биласизми? – деди кўшни, – сўйиладиган молни сўймай, мендан қарз сўраб чиққан куни. Худо бандаларининг ризқини бандаларининг қўлига сочиб кўяди. Сиз бўлса нарх-наво кўтарилишини кутиб ўтирдингиз. Нафсга бир уриб, борига бозор қилганингизда олам гулистон эди... Энди ўртадаги қарз масаласига келсак, мен ундан кечдим.

Турсунбой кўшнисини энди таниётгандек гангиб қолди. Бу одам хақида нималарни ўйлаб, нималар демади-ю.

– Мени кечиринг, кўшнижон, – дея олди, холос.

## ИНСОФ УЙҒОНДИ

– *Жўжайин*, – деди пардозчи йигит уй эгасига қараб.

– Нима дейсан?

- Ишимиз ёқяптими сизга, ишқилиб?
- Ёкмаса аллақачоноқ думларингни туккан бўлардим.
- Хўжайин...
- Яна нима дейсан?
- Пастки қаватдаги чол билан кампир яна чиқиди, ремонтимни қачон қилиб берасизлар деб.
- Нима дединг?
- Уйингизга сув тоширганлар бошқа биргадиди, биз бошқа биргадамиз дедим. Тўғрисиям шуда, хўжайин. Аммо олдингилар чинданам ноинсофлик қилишган. Шунга пастдаги кўшнига ўзингиз учрашиб, хотиржам қилиб қўймасангиз бўлмайди. Эртага яна чиқиб, бошни қотиришади.
- Э, мен уларни танитайман ҳам, кейин ваъдаям бермаганман.
- Баҳонада танишиб оласиз, эртага барибир кирди-чиқди қиласиз-ку.
- Қилмасам-чи, – сувоқчининг ақл ўргатиши хўжайинга ёкмади.
- Ихтиёр ўзингизда, хўжайин, бир оғиз уларга “ха” ё “йўк”, деб қўйсангиз, олам гулистон. Биззиям қулоғимиз тинчирди. Чол-кампир мўлтираб чиқаверишса, ноқулай экан-да.
- Хўжайин қарияларни пастдаги майдондан топди. Бир-бирига суяниб, оёқларининг чигилини ёзиб юришган экан. Наридан-бери салом-алик қилган бўлди-да:
- Усталаримга хархаша қилаётганмишсизлар? – деди.
- Э... омон бўлинг, янги кўшнимиз сизмисиз, ўғлим, – жилмайди чол. – Аввало, уй муборак бўлсин. Илоё, шу ерларда униб ўсинг, тўйлар қилинг...
- Чол мўлтонилик қияпти деб, йигитнинг пешонаси тиришди. Ремонтдан гап очса “иложим йўк”, деб қўя қолади. Олдинроқ билганда ўша сув тоширган дардисарлардан ремонтнинг пулини чегириб қолган бўларди.

– Энди, ўғлим, – деди чол бўлажак кўшнисига бошдан-оёқ қараб, – биз кеча кампирим билан яхшилаб гаплашиб олдик. Сизга ремонт қилдириш даъвосидан кечдик.

Йигит “нечук” дегандай чолга қаради.

– Хабаримиз бор, ўғлим, квартирани каттагина пулга олдингиз. Кўрдим, бузиб, тузатишингизга ҳам тенгма-тенг кетаётганга ўхшайди. Топганингизни пешма-пеш чаплаб ётибсиз. Ишни кўзи кўр бўлади. Бошлагандан кейин ташвиши чиқаверади, шунга биз сизга ортиқча юк бўлмай кўя қолайлик. Ҳисобласак, икковимизнинг бир ойлик нафақамиз ремонтга етаркан. “ЖЭК”дагилар билан гаплашиб кўйдим. Ҳа, хижолат бўлманг. Ўзимиз амаллаймиз, бу ёғини.

– Қанча нафақа оласизлар? – тишлари орасидан кулди йигит.

– Анча, ўғлим, анча, айтдимку икковимизникини кўшсак етади деб...

– Нафақа ремонтга кетса, қорин нима бўлади? – кулиб юборди йигит.

– Худо беради, ўғлим, берадики, биримиз етмишни, биримиз саксонни қоралаб қолдик.

Чол шундай деб, бўлажак кўшниси билан самимий хайрлашди-да, нарироқда кутиб турган кампир томон юрди.

Йигит ўзини мулзам бўлгандек ҳис қилди. Чол-кампирнинг бир ойлик нафақа пулини у бир кунда толиб қўяди. Уни ким деб ўйлашяпти бу томи кетган чол-кампирлар? У “Мерс”нинг бардачогидан сигарет олиб тутатмоқчи бўлди. Кўзи бардачокдаги бир боғлам пулга тушди. Пардозчилар хархаша қилишса, бераман деб олиб келган эди. Пардозчилар нимагадир чол-кампирнинг ташвиши билан бўлиб, сўрашмади ҳам. У сигаретни тутатиб, лабига босди. Чолнинг гапи ҳамон унга малол келарди: “Ортиқча юк бўлмайликмиш”. У ўтирган жойида чол билан кампирни қидирган бўлди. Ана улар сайр қилиб чарчашди

шекилли, бино йўлагига кириб боришарди. У сигаретни чўғлантириб, тутунини ичига ютди-да, кўзини чирт юмиб, бардачокдаги пулни олиб, чол-кампир кириб кетган йўлакка қараб юрди... инсоф уйғонди чоғи...

## ДАРС

Ўлим шаробини ичиш қийин кечмади. Ота асрга томон катта ўғилнинг кўлида жон берди. Беш ўғил, икки қиз, куда-анда, ёру биродарлар йиғилиб келгунча шом бўлди. Маййитни чиқариш эрталабга қолди. Фарзандларнинг олди набиралик, кети икки, учта болалик бўлсалар-да, шошиб қолишди. Оналари оламдан ўтганда оталари бош-қош бўлган эди-да. Энди кимга суянишади? Уларнинг она тарафдан битта тоға-ю, ота тарафдан битта амакиси қолган эди. Маййитнинг атрофида давра олиб, йиғлашар экан, амаки билан тоғага мўлтираб қарашар эди. Амаки анчагина бетоб. У кишини кўпдан қанд касали қийнайди. Шундай бўлса-да, бир қориндан талашиб тушган жигаргўшаси устида эзилиб ўтирибди. Ахволни тоға қўлга олди:

– Сиз, – деди у амакининг елкасини силаб, – уйга боринг, кетган кетти, энди тирикларни асрашимиз керак, эртага келди-кетди бўлади, толиқиб қоласиз.

Бу гап бошқаларга ҳам айтилгандек бир муддат йиғидан тўхтаб, жимиб қолишди. Ота раҳматликни бутун қишлоқ танирди. Бригадир, мироб, ҳисобчи бўлиб, кўпнинг хизматини қилиб ўтган. Ёши ҳам саксондан ошди. Тоға айтмоқчи, эртага издаҳом катта бўлади. Отам ўлди деб ўзини йўқотмасдан, орқабошни йиғиштириб олиш керак. Амаки жиянларим нима деркин дегандек, уларга кўз ташлаб олди. Ҳар бирининг кўзидан “тоғам тўғри айтяптилар”, деган маънони уқиб, ўрнидан оғир кўзгалди.

– Хотиржам бўлинг, – деди тоға яна гап қўшиб, – акангиз бугун энди меҳмонлар, Худо хоҳласа, у кишини яхшилаб “зиёфат” қиламиз.

“Зиёфат” сўзи фарзандлар кулоғига ғалати эшитилди. Отанинг бир бор кўз очишига жонларини нисор қилишга ҳам тайёр эдилар улар. Тоға “зиёфат” деяптилар, нима қилиш керак экан? Кўй сўйиш керакми, мол сўйиш керакми?

– Гап бундай, – деди тоға амакини кузатгач, жиянларига қараб, – йиғидан фойда йўқ, уни ўрнига хар бирингиз “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб мингтадан, етти танглар етти мингта таҳлил айтасизлар... Зиёфат дегани шу бўлади.

Фарзандлар “зиёфат”нинг маъносини тушунгандек бўлдилар. Улар шу тобда оталари учун ўн мингталаб таҳлил айтишга ҳам тайёр эдилар.

Хонага жимлик чўкди. Йиғи тинди. Фарзандлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар. Анча фурсатдан кейин вазифани уддалаган фарзандлар “бўлдик” дегандек бирин-кетин тоғага қарашди.

Тоға мамнун бош ирғади-да, “Бақара”дан анчагина оят ўқиди. Кейин жиянларига яна мингтадан таҳлил буюрди. Иккинчи мингталиқдан сўнг тоға “Ёсин”ни ўқиди. Учинчи мингталиқка вазифа берди.

Хонада сокинлик, осойишталик... Гўё бу сокинликдан маййит ҳам ором олар эди. Вақт тун ярмидан ўтди. Фарзандлар бажонидил учинчи мингталиқ таҳлилини ҳам охирига етказишди.

– Баракалла жиянларим, – деди тоға, – таҳлилларингизни отангизни лаҳадга қўйишдан олдин ҳадя қиламиз. Савол-жавобларини осон қилади. Энди отангиз тупроққа қўйилмасдан олдин ҳал қилиб оладиган иккита масала бор. Фарзандлар янада хушёр тортиб тоғага қарашди. – Биринчиси, мерос масаласи. Мана шу уй-жойлар сизларга мерос бўлиб қолди. Гарчанд кенжатой “чироғини ёқиб ўтирган бўлса-да, мерос пулга чақилиб, қизларга бир ҳиссадан, ўғилларга икки ҳиссадан қилиб тақсимланиши керак. Мусулмончиликнинг ҳукми шу. Ота-она ҳам гўрида тинч ётиши керак. Шунга нима дейсизлар?

Орага баттар сукунат чўкди. Во дариг, хаётда бунақа гаплар ҳам бор экап-да? Меросда аканинг хақи укага, уканинг хақи акага ўтиб кетмаслиги керак экан-да. Адолат шу экан-да.

Катта ака томоқ қириб, гап айтган бўлди:

– Кичигимиз ўтирибди-ку, тоға?

– Сен ҳамманинг номидан жавоб берма.

– Худога шукр, ҳаммамизнинг уй-жойимиз бор, – деди катта она ҳам.

Бошқалар ҳам катта ака билан катта опанинг сўзларини маъқуллашди.

– Энди бундок, – деди тоға, – гапни мухтасар қилишимиз керак, ҳар бирингиз менинг гувоҳлигимда, меросга даъвойим йўқ, уй-жой укамга қолишига розиман деб айтасизлар ва бу гапни маъракалар ўтгандан кейин ёзма равишда қўлимга берасизлар, хужжатлаштириб кўямиз.

Акалар ва опалар овоз чиқариб меросга даъволари йўқлигини айтишди. Кенжа ўғил ўрнидан дик этиб туриб, ака ва опаларига қуллук қилди ва деди:

– Яхши кунларингизга қайтарай.

– Балли, – деди тоға ҳам мамнун бўлиб, – меҳроқибатингизни Худойим бунданам зиёда қилсин. Бу иш пишди, энди иккинчи масалага ўтамиз. Отангизни маъракаларини қандай ўтказасизлар? Юртчилик, қилма деган билан, барибир, қиласизлар. Йиғма қилиб, бир кишига топширасизларми, ё бўлишиб оласизларми? Кенжатой яна дик этиб ўрнидан турди-да, шошиб деди:

– Маъракаларини ўзим ўтказсам.

– Шошма, бойвучча, – деди тоға дашном берган бўлиб, – ака-опаларинг розилик берсагина қиласан, уларам сендан каммас.

– Хўп дея қолинглар, жон акалар, жон опалар, – деб кенжатой хўнграб, йиглаб юборди. У анча эрка ўсган, эркалигини ўтказа оларди ҳам.

– Саломга яраша алик, – деди тоға орага тушиб, –

сизлар укага марҳамат қилган эдинглар, у ҳам ўз навбатида марҳамат қиляпти, ҳа, марҳаматли бандаларини Худо ҳам хуш кўради.

Ака-укалар кенжатоёга изн беришди. Тоға тунни бефойда йиғи-сиғилар билан эмас, ибодат билан ўтказганига хурсанд эди. Жиянларининг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларидан боши осмонга етди. Уларни дуо қилди. Ташқаридан одам кириб, ғассол келганини айтди. Тоға икки ўғилни ғассолга ёрдамчи қилиб, ўзи жанозага келувчиларни кутиб олгани ташқарига чиқди.

## НОВВОТРАНГ КЎЙЛАК

Зухра онасини тез-тез тушида кўриб туради. Тушларки ёрқин, ёрқин... Гоҳ тўй-тўкин, издахомларда, гоҳ неваралари даврасида. Доимо хушчакчак, худди тирикдек, ўлмагандек.

Аммо кейинги кунларда... Нукул битта тушни қайта-қайта кўрадиган бўб қолди. Онаси хомуш, дардман, бесаранжом. Зухра гадойга садақа берди. “Қуръон”ни хатм қилдириб, бағишлатди. Ўзини, оила аъзоларини ички бир тафтиш ҳам қилиб чиқди. Бирон-бир гуноҳи кабира содир бўлдимикин, деб хавотирга тушди.

Лекин... онаси раҳматлик хаёлида шундоқ мўлтираб тураверди. Кўзига кўринаверди. Онам мени ёнларига чақиряптилармикан, деган ўйга ҳам борди. Йўк, оналар тирикликларида ҳам, ўлганларидан кейин ҳам фарзандларини бу ёруғ дунёда узоқ яшашларини истайдилар. Ҳеч қачон ўлгандан кейин “бу ёкка кел”, деб чақирмайдилар. Буни Зухра бир марта бошидан кечирган.

Ҳа, ўшанда онаси тупроққа қўйилган кунлар эди. Зухра илгари онамсиз бу дунёда қандоқ яшар эканман деб кўрқиб юрарди. Онам ~~Мана бу кундан бу кунга~~ қолди. Ҳа, дунё кўзига ~~корона~~ кўриниб кетди.

Дўхтир берган дори-дармонларни ҳам ичмай қўйди. Онасининг ёнига боргиси келаверди. Ҳатто кечалари Яратгандан пинҳона ўлим ҳам сўради. Нима бўлди-ю, бир куни онаси тушида хивчин билан роса савалади. Тирикликларида чертмаган, “ўймалаб” олмаган, шамолни раво кўрмаган онаизор шундай қилди-я. Зухра калтак зарбидан уйғониб ҳам кетди. Ҳатто баданида бўртиб-бўртиб чиққан хивчин изларини ҳам кўрди. Бу ҳолни кўрқа-писа холасига айтган эди. “Дардларинг арибди, яхши бўб, кетасан”, деди яхши ният қилиб.

Аммо Зухра ўзини ўлимга бичиб қўйгани учун тушида саваланганини билиб қолди. Минбаъд бундай ўйларга бормасликни кўнглига тугди.

Унда, онаизори нимага безовта бўляпти, экан? У ўзида кечаётган бу ҳолни на акасига, на укасига, на холасига айта оларди. Акасини биледи, дарровда қўй сўйиб, худойи қилиш ташвишига тушиб қолади. Укасининг қўли калта-ю, аммо у ҳам жим турмайди. Холаси қариб қолди. Бунақа гаплар у кишининг кўнглига сиғмайди.

Зухра “аёл кишининг қабристонга бориши дуруст эмас”, деган гапга амал қилармиди ёки кўрқармиди, ишқилиб, онаси ётган қабристонга бормаган эди. Айтишларича, онаси қўйилган қабристон жуда обод эмиш, ёнига катта масжид тушганмиш. Зухра топган-тутганини бир тугунга тугди-да, масжидга элтиб, онамни дуо қилинглари, деб келмоқчи бўлди. Отаси бошқа бир қабристонга қўйилган, ака-укалари ёш бўлгани учун, белги қўйилмай йўқолиб кетган. Бир марта борганида онасига кичикроқ мармар тахтача қўйилгани, қабр рақами Зухранинг ёдида қолган эди.

У қабристон остонасида бир одамга дуч келди. У гўрков экан. Атаганларини унга берди.

– Кўрқмасангиз, қабр бошига олиб бораман, яна ўзингиз биласиз, дуо ҳамма жойдан ҳам ўтаверади, – деди у.

Зухра бирдан дадиллашди. Худди онасини тириклайин кўрадигандек юраги уриб кетди.

– Майли, ўша ёққа бора қолайлик, – деди тўликиб.

Қабристон деганлари ҳеч ҳам кўрқинчли жой эмас экан. Қабрларнинг усти сувалган, гуллар экилган, йўлаклар супурилган, топ-тоза. Худди саранжом-сариптали ҳовлига ўхшайди. Унда-бунда челак кўтариб гулларга сув қўйиб юрган одамлар кўринади.

Зухра қабристонга кириши билан ўзимни йиғидан тўхтата олмасам керак, деб ўйлаган эди. Аксинча, бу ердаги олам унинг юрагига бир босиқлик олиб кирган эди. Мармар сағаналарни, исмлар ёзилиб, “фарзандларингиздан” дейилган лавҳаларни ўқиб борди. Онаси раҳматлик мрамртош қўйманглар, шундоқ суваб қўйинглар, нафас олиб ётай, деб васият қилган эди.

– Шу ерга ўтиринг, қизим, – деди гўрков йўлак чеккасидаги ўриндиққа ишора қилиб. Ўзи рақамларига қараб бир қабр бошига бориб чўнқайди. Шунда Зухранинг кўзи онасининг исми-шарифи ёзилган мрамр тахтачага тушди. Ҳа, тахтачадан онаси қарагандек бўлди. Худди тушидагидек. Гўрков бўлса тиловат қилишдан олдин “шундай қилиш керак”, дегандек, қабр устидаги қовжираган ўтларни синдириб олиш билан овора бўлди.

Шундагина Зухра тушнинг таъбирини англаб етди. Бошқа қабрларнинг усти сувалган, саришта эди. Онажонисининг ва яна бир-иккита қабр шу аҳволда қаровсиз ётарди.

Шундан кейин Зухра кўзёшларини тўхтата олмай қолди. Онасининг қабри қаровсиз қолганига гўрков айбдордек унга маломат қилди.

– Нимага менинг онамнинг қабрига қарамадингиз, хас-хашагини юлишни биларкансиз-ку.

– Қабрларга биз қарамаймиз, ўтганларнинг яқинлари қарайди. Иложи бўлмаса хизмат ҳақини беришадди, биз қараб қўямиз. Тупроқни ҳам бошқа жойдан олиб келамиз, сомон ҳам пул, қизим.

Зухра чўнтагида қанча пули бўлса барини чиқариб берди:

– Илтимоc, ота, иложи бўлса шу бугуноқ суваб кўйинг, анови қаралмаган қабрларни ҳам.

Зухра шу куни ер-у кўкка сиғмади. Ҳамма билан, акаси, укаси, кимга ҳадди сиғса ўшалар билан хаёлан уришиб чикди. Лекин бирортасининг уйига бориб, кўнғирок қилиб, безовта қилмади, маломат топларини отмади. Қилган ишини миннат қилмади. Шу куни яна туш кўрди. Во дариф, онажониси илгаригидек бир издаҳомда эмиш. Устиларида новвотранг кўйлак, бирам ярашган. Кўзга офтобдек иссиқ босилармиш.

– Вой бунча чиройли экан, ким олиб берди, – деб сўрашармиш онажонисининг дугоналари.

– Қизим Зухра олиб берди, Зухра, – деб кўз-кўз қилармиш онажониси...

## БУГУНГИ ЁШЛАР

Тоҳир хожи машина ишқивози. Бир вақтлар автосервисда ишлагани учунми, минмаган машинаси қолмаган, ҳисоб. Яқинда яна битгасини олибди. Чет элники экан. Юришини кўрайлик, деб бекаларимизни олиб, тоғдаги боғҳовлига жўнадик.

Тоҳир хожи нимагадир бугунги ёшлардан хафа. Орада ўзининг ўғилларини ҳам кўшиб кўярди: ёшлар бефарқ, дангаса, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, катгаларнинг ҳурматини қилмайди. Инсоф деган нарса қолмади. Муштдайдан тортиб, тошдайигача қўлида “сотка”, қулоқларида алламбало мусиқалар...

Хуллас, бора-боргунча дийдиёсини эшитиб кетдим. Куйиб-пишганича бор. У ўзини ўйламаяпти, эртанги кунларни ўйлаяпти. Хоҳлаймизми-йўқми, ёшлар эртанги кунимиз-да. Қанийди ҳамма ҳам шу ташвиш билан яшаса. Гарчи ҳамсуҳбатим баъзи ўринларда ошириб-тошириб юбораётган бўлса ҳам, баъзи гапларига кўшилмаётган бўлсам ҳам, “кўйинг”, демадим. Руддаги одам билан баҳслашгим келмади. Шусиз ҳам асаби таранг. Бир юрагини ёзиб олса олибди-да.

Қизиғи шундаки, худди Тохир ҳожининг гапларини тасдиқлагандек, машинамизни ҳали ўнгдан, ҳали чапдан ёшлар қувиб ўтишади. Вой бу ҳовликмаларни... Тоғ йўли равон, табиат гўзал. Енгил машиналар бамисоли калдирғочдек учади. Гумбира-гумбур мусиқа-ашулалар.

Манзилга етгач, у киши хотини билан сув идишларини олиб, машинада булокқа кетишди. Мен ошга уннадим. Ҳожининг каерда бўлса ҳам, соат бирга етиб келишини билардим. Пешин намозини ўқишимиз керак-да. Соат бирга қараб ошни дамладим.

Аммо ҳадеганда меҳмонимдан дарак бўлавермади. Соат икки ҳам бўлди, йўқ. Ош ланж бўлиб кетди. Хавотир олиб, кўчага отланиб турган эдим, хартугул келиб қолди.

– Э, – дедим мен, – сизларни талқон еб, сувга юборадиган экан-ку...

– Ошни сузинг, кейин гапириб бераман, ўзиям сиз эшитадиган гап, – деди у кулиб.

Ошни еб бўлгач, бир пиёла чой устида Тохир хожи ҳикоясини бошлади.

– Идишларга булокдан сув тўлдиргач, тоғ манзараларини келинингизга тепарокдан кўрсатгим келиб қолди, денг. Бир ерга чиқиб тўхтадик. Машинани йўл чеккасига кўйиб, чор-атрофни роса томоша қилдик. Сўнг қайтайлик десак, машина юрмайди денг. У ёқ-бу ёғини кавлаштирган бўлдим, аммо бир иш чиқара олмадим. Охири ёши улуғроқ бир ҳайдовчини тўхтатдим.

– Эй ака, – деди у кулиб, – биз ҳам сизга ўхшаган “лётчик”миз – ҳайдашни биламиз-у, ўзини билмай-миз.

Яна бир кишини тўхтатдим. У ҳам елка қисди.

Шу пайт ёнимиздан шув этиб битта “Тико” ўтиб кетди. Нарироққа бориб, тисарилиб олдимизга келди. Рудда ёшгина йигитча.

– Ассалому алайкум, тинчликми, дода?

– Э-э, мана бу савил юрмай қолди, ўғлим.

– Кўрсам майлими?

– Билсанг, кўрақол...

Йигитча уни-муни кўрди, машинанинг тагига ҳам кириб чиқди. Бир пайт машина гуриллаб ўт олиб кетди. Бир-биримизга қараб жилмайишдик. Ҳалитдан бери энди тоғда қолиб кетамизми, деб хуноб бўлаётган келинингизнинг чеҳраси ёришди.

– Баракалла, болам, ёш бўлсанг ҳам, бало экансан, мана бу хизмат ҳаққинг, қандингни ур, – деб унга пул узатдим.

– Пулингизни олмайман, – деди йигитча, – менга инсоф сўраб, дуо қилинг.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Гўё йигитча менга писанда қилаётгандек.

– Эй болам, ўзинг инсофнинг ичида экансан-у, – дедим ҳайратимни яширмай. – Худо иймонингни янаям зиёда қилсин, – деб дуо қилдим.

Йигитча қўлини кўксига қўйиб, “Тико”ни учирди-кетди.

Машина бир оз юргач, яна иш кўрсатди. Бу сафар ёши ўттизлар атрофидаги, янги “Нексия” минган йигит ёнимизга келиб тўхтади.

– Ассалому алайкум, ҳа, отахон?!

– Кўрмайсизми, бир барака топкур болам ҳозиргина юргизиб берувди, яна иш кўрсатиб қолди, бу жин ургур.

Йигит бўйнидан бўйинбоғини ечиб, енгини шимариб, ишга тушиб кетди. Афтидан, биладиган кўринарди. “Чет машинасининг оҳангжамаси кўп-да”, деб қўйди иш орасида. Кийимлари жуда тоза, аммо у парво қилмай, берилиб уннар эди. Уни уринтириб қўйганимдан хижолатда эдим. Лекин йигит қанча уринмасин, машина ўт олмади. Охири қўл телефони орқали ким биландир боғланди. Машинанинг маркасини айтди. Аҳволни тушунтирди. “Ҳа, хўп”, деб бир жойини ковлаштирди, иш чиқмаганини айтди.

Хуллас, у ёқдан айгиб тураверди, бу йигит айтгани қилаверди. Қанча вақт ўтганини билмайман, бирдан машина ўт олиб кетди. Воҳ, кудратингдан, қўл телефони орқали ҳам машинани тuzатса бўлар экан. Энг ноқулай бўлгани йигит, ҳатто қўл телефонининг ҳақини ҳам олмади. Дуо қилинг, йўлга чиққандан кейин ҳаммамиз битта одаммиз, бир-биримизга қарашмасак ким қарашади, деса бўладими, барака топкур. Хуллас, қадрдон, боягида ёшларга ҳаддан зиёд маломат қилиб, ҳаддимдан ошибман. Яратган эгам ақлимни киритиб қўйди. Бир тавбадан минг тавба..

## ПОМИДОР

Отанинг куёви деҳқончилик билан шуғулланарди. Бир куни қиш чилласида ўғилчаси билан помидор кўтариб келиб қолди.

– Парникдан, – деди завқланиб, – тўрт дона қизарибди, олдини сизларга олиб келдим, ойим билан еб, дуо қилинг.

Ота куёвининг деҳқончилигига барака сўраб дуо қилди. Кейин ҳадядан иккита каттасини четга ажратиб, кампирига деди:

– Шуни сувхалтага соб қўйсинлар, қўшни ўртоғимнинг сал тоби қочиб турибди, янгилик, зора оғзига ёкса...

– Дода, – деди ҳалидан бери жим ўтирган набира тилга кириб.

– Лаббай, тойчоғим.

– Памилдорининг катталарини бувим билан ўзила емайсизларми?

Ота набиранинг меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, кулди-да:

– Унақа қила олмаймиз-да, болам, – деди.

Набира ҳайрон бўлди:

– Нега унақа қилолмайсиз, бобо?

– Ўзимнинг зийрак болам, – деди бобо уни бағрига

тортиб, – у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол, болам. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлардан бирортангиз то ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди”, деганлар. Сен, болам, тўғри айтдинг, ҳамиша меванинг каттаси ширин бўлади. Лекин биз яхшисини ўзимиз еб, ёмонини бошқаларга берсак, унда ёмон одам бўб қоламиз, уқдингми?

– Бобожон, менам энди ўртоқларимга энг яхши кўрган нарсаларимни бераман, бўптими?

– Бўпти, болам, ҳамиша шундай қил.

## ТЎШАК

Тўй-маъракаларда кўпнинг хизматига яраб қолган пайтларимиз эди. Ўзига тўқ хонадон аъзоларидан бир киши оламдан ўтиб қолди. Қиш, ҳаво совуқ. Таъзияга келувчилар учун эшик тагига тўнка ёқиб қўйишган. Таъзия ўтгач, хонадон эгаси биз тўрт ўртоқни чақириб, қўлимизга бир кўрпа билан бир тўшак бериб, маҳалланинг имоминикига, яъни домланикига элтиб беришни буюрди. Домланинг уйи қишлоқ чеккасидаги бир чакалакзорда эди. Ёлғизоёк йўлда турганиб, суртиниб кетиб боряпмиз. Дам ўтмай қўлимиз совқотади. Юкни малол олиб, бир-биримизга оширамиз. Домланинг уйига етибоқ, исиниб олишни ўйлаймиз.

– Домлага мазза экан-да, – дейди ўртоқларимдан бири елкасидаги юкка ишора қилиб.

– Домлага кўрпа-тўшак берса, ўлган одамнинг гўри юмшоқ бўларкан, – дейман мен.

– Шунча кўрпа-тўшакни нима қиларкан-а? – дейди яна бири.

Шунақа гап-сўзлар билан манзилга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Домланинг салобати босиб, исиниб олиш ҳам эсдан чиқди. Ортимизга қайтмоқчи бўлдик. Аммо домла қўймай бизни ичка-

ри олиб кирди. Темир печка гуриллаб ёниб турарди. Юзимизга иссиқ урилиб, яйраб кетдик. Уй тўрига хонтахта кўйилган. Ўртадаги гардишда қоқилар бор эди. Домланинг катта-кичик болалари ўрниларидан туриб, ўтиришга жой кўрсатишди. Битта кўрпачага зўрға тикилишиб ўтирдик. Сурилайлик десак, пойгакда кўрпача йўк, бўйраси чиқиб ётибди. Домла Курьон ўқиб, ўлганнинг руҳига бағишлади. Ҳаммамиз дуога кўл очдик. Кейин домла бизни қоқи ейишга кистади. Жон деб рози бўлдик. Охири кетмоқчи бўлиб домлага қарадик. Маза қилиб исиниб ҳам олган эдик. Домла чўнтақларимизга қоқидан солиб олишни буюрди. Бу таклифни ҳам жон деб бажардик.

– Сизларга битта юмуш бор эди, – деди домла сал хижолат бўлиб.

– Айтаверинг, – дедик тўртталамиз ҳам бараварига.

– Энди бу кўрпа билан тўшакни Каримбой чолни-кига элтиб берсаларинг...

Мен “ялт” этиб бўйраси чиқиб турган пойгакка, кейин тахмонларга қарадим. Тахмонлар ҳам бўм-бўш... Келаётганимизда “Домлага мазайкан-да”, деган ўртоғим ҳам хайрон бўлиб қараб турарди.

– Шундай қилсаларинг, савобнинг тагида қоласизлар, – деди домла.

Олиб борган юкимизни кўтариб, яна орқамизга қайтдик. Энг қизиғи, Каримбой чол ўлик чиққан хонадоннинг кўшниси эди. Шунча жойга кўтариб борган нарсамизни яна қайтариб келдик.

Мен, ўша пайтларда шунақа килинар экан-да, деб бу воқеани эсимдан чиқариб ҳам юборган эдим. Аммо домла ўшанда урушдан кейинги оғир йиллар бўлишига қарамай, бир ҳадиси шарифга амал қилган эканлар: “Эркакка бир тўшак, аёлига бир тўшак. Учинчиси меҳмонга. Тўртинчиси шайтонга!”

## ҚАЙСАР БОЛА

Қайсар бола ош еб ўтирарди. Ойиси устухонларни ҳамиша лаганнинг ўртасига уйиб, кейин устига ош сузарди. Устухон охирида ейилар, унгача ошни иссиқ тутиб турар эди. Катта аканинг олдидан устухон чиқиб қолди. Одоб билан уни дадасининг олдига сурди.

– Суякни мен ейман, – деди қайсар бола устухонга кўзи тушиб.

– Сен тозалай олмайсан, ўзим сенга пичокда олиб бераман, – деди дадаси.

– Йўқ, ўзим пичокда ейман.

– Қўлингни кесиб оласан.

– Кесмайман, – деб тихирлик қилди қайсар бола.

– Берақолинг, дадаси, ошни захар қилмасин, – деди ойиси.

– Ма, ол, ҳе қайсар, – деб дадаси унга устухонни берди, аммо пичокни бермади.

Қайсар бола дастурхонга фотиҳа ўқилганида ҳам устухонни зўр бериб ғажиб ўтирарди. Унга пичокни беришмагани алам қиларди. Охири ғажишдан зерикиб, устухонни дуч келган томонга қараб отди. Қайсарлиги тутиб, кўл-бетини ювмай ухлаб ҳам қолди.

Кечаси сичқон инидан чиқди. Уй ичида искаланиб юриб, қайсар боланинг кўлини топиб олди. Ялади, юлқади. Бироқ нафси қонмагач, тишини ботирди. Қайсар бола дод деб жон аччиғида бармоғини оғзига олиб борди. Сичқон касалланган эди. Қайсар бола сариққа чалинди. Касаллик акаларига ҳам юқди.

Пайғамбаримиз (алайҳи васаллам): “Ким кўлидаги таом юқи билан, уни ювмасдан ухлаб қолса-ю, унга бирон мусибат етса, ўзидан бошқани маломат қилмасин!” деганларида қанчалар ҳақ эканлар.

## МАМАРИЗО ТОҒАНИНГ САБОҚЛАРИ

– Э... ҳозирги болалар бола бўлмади... эсиз...

– Боламас, балонинг ўқи десангиз ҳам ҳаққингиз кетади, ҳа!

– Уят, ҳаё деган нарсалар қолмади уларда!

Шунга ўхшаш гапларни эшитиб қолсам, болалигим ёдимга тушади. Биз ҳам шунақамидик? Биз ҳақимизда ҳам шунақа дейишармиди?

Маълумки бола одоби учта маконда: оилада, мактабда, кўчада камолга етади.

Ҳозир энг кўп муаммо келтириб чиқараётган нарса, бу кўча бўлиб қолди. Болаларнинг кўчадаги ҳаётига ким жавобгар? Уйда ота-она, мактабда ўқитувчи, кўчада-чи? Дарвоқе, биз ҳам шу уч маконда улғайдик-ку!

Биз болалар катталарнинг олдида ўз-ўзидан сипо тортиб қолардик. “Бирор ишингиз йўқми”, деган ифода бўларди юз-кўзимизда. Мабодо, иш буюриб қолишса, суюниб кетардик. Оёғимиз олти, қўлимиз саккиз бўлиб кетарди.

Шунга яраша “Ҳа, баракалла, умрингдан барака топ, отанга раҳмат” каби мақтовлардан бир қоп семириб юрардик. Шуларни эслар эканман, хотиралар уммонида бир нурли сиймо жилмайгандек бўлди. У кишини катта-ю кичик Мамаризо тоға дер эди.

Тоға қишлоғимизнинг имоми эдилар. Тоғани ўз тенг-тўшлари орасида камдан-кам кўрардик. У киши нукул далада – колхозчилар орасида бўлардилар. Мамаризо тоға ҳаммага ўхшаб эгат олиб, чопиқ қилмасдилар. Дала уватларида сув қулоқларини тутатиб, тутларнинг ортикча шохларини бутаб юрардилар. У киши шу атрофда бўлсалар, далада қандайдир босиклик ҳукм сулар, шаддод аёлларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқмас, гапирадиган бўлишса ҳам у ёқ-бу ёққа бир қараб олишарди.

Мамаризо тоға эрталабки нонушта, тушлик, тол-

мачой пайтларида ҳам катталар билан ўтирмасдилар. Биз болаларнинг ёнига келиб чўкардилар. Ёки бизни ёнларига чакирардилар. Қараб туриб, ўзимиз билмаган ҳолда тўрига чиқиб қолардик. Бошқалар Мамаризо тоғадан юқорига ўтолмасди. Мана шу ҳаракатлари билан у киши болаларни ҳурматини жойига қўяйлик, демоқчи бўлганларини биз кейинчалик тушундик. Тоға “болалар жаннатнинг райҳонлари, болалар Аллоҳнинг неъматидир”, деган ҳадисларни билгандирларки, шундай қилганлар.

Мамаризо тоға билан ёнма-ён ўтириш маза эди-ю лекин ноқулайлиги ҳам бор эди. Ўтириш-туришимиз, ўзимизга қарашимиз керак бўларди. Уйдагидек шошиб-пишиб нон чайнашлар, хўриллатиб чой ичишу қошиқни товоққа тарақлатиб уришлардан иложи борича тийилишга мажбур эдик. Мамаризо тоғанинг овқатланаётганларини мўйлабларининг қимирлашидангина билиш мумкин эди. У киши ҳар нон тишлаганларида, товоққа қошиқ урганларида сездирмайгина “бисмиллоҳ”, деб қўярдилар. Биз бўлса тоға эшитсинлар, деб овозимизни кўтариб айтардик.

Мамаризо тоға жуда камгап одам эдилар. Лекин улар қандай иш буюрсалар уддасидан чиқишга ҳаракат қилардик. Тоға билан бирга ўтиришнинг мазза томони катталарнинг “чой обке, исиб кетдик, елпиб қўй, идишимни ювиб ке” каби буйруқларидан кутулиб қолардик. Кейин, кунора-кунда устига шакар сепилган қатлама, ёғда пишган чалпаклар келиб турар, “еб, Қуръон ўқиб юборинг”, деб тоғадан илтимос қилишарди. Бу мазали таомларни Мамаризо тоға олдимизга қўйиб, ўзлари чимдинибгина ўтирардилар. Биз иштаҳа билан бу лаззатли егуликларни пок-покиза туширардик. Кейин тоға шундай тиловат қилардиларки, юракларимиз эзилиб, кўзларимизга ёш келарди.

Кўпинча тушки овқатдан кейин далачилар мудраб олиш учун ўзларини соя-салкинга олишарди. Биз шундоққина дала шийпони ёнидаги катта ариққа қараб чопардик.

Қанчалик малол келмасин, албатта, калта иштон билан сувга тушишга мажбур эдик. Бўлмаса, ҳализамон орқама-орқа Мамаризо тоға келиб, яланғоч бўлсак сувдан чиқолмай қолардик. У киши эшагини етаклаб келиб, атайлаб бизнинг олдимизда суғорар, бизни кизиқиб, томоша қилган бўлардилар. Оғзимиздан бепарда сўзлар чиқиб кетмаслигига ҳаракат қилардик. Ишқилиб, тоға далада бўлсалар, у кишига бўладиган ҳурмат ва эҳтиромнинг шамоли бизга ҳам тегиб турарди. Эҳтиётсизликдан бир туп ғўзани чошиб кўйган болани чошиб ташлашга тайёр турган баджаҳл табелчи ҳам тоғадан ҳайиқиб турарди. Тоға ёнимизда бўлса эркаланиб, далани ўзимизники қилиб олардик.

Баъзан бошқоронғи келинчаклар довучча, курут, шўртанг ғўштми, қоқ балиқми топиб келинлар, деб илтимос қилишар, айланиб-ўргилиб бизни йўлдан уришарди. Биз тўпланиб, кишлоқда кимнинг боғига тушишни, кимнинг томига чиқишни режалаб олардик. Шундай пайтларда “Ҳа, хумпарлар, ҳаммасидан хабарим бор”, дегандек Мамаризо тоға пайдо бўлиб қолардилар. У кишини кўришимиз билан кўрқиб кетардик, дарров ниятимиздан қайтардик.

Энди билсам, домла буванинг биз болалар атрофида гирдикапалак бўлиб юришлари бекорга эмас экан. Бировлар “Бу дунёда нима деб юрибман, болам-чакам деб юрибманда”, деб айноҳаннос солишади-ю, “Бола эртамыз, чироқбонимиз”, деб кўкракка уришади-ю, болаларни балонинг ўқиға чиқариб, ҳасратларидан чанг чиқади-ю бирортаси Мамаризо тоға бўлолмайди.

Бир сафар қизиқ бўлди. Ҳар куни тушлик дастурхонидан толмачойга деб бир бурда-ярим бурда нон орттириб кўярдик. Ҳар биримизнинг бир хил катталикда халтачамиз бўларди. Шу десангиз, биттамизнинг халтачамиздаги насиба йўқолиб қолса бўладими. Бир-биримизни айблаб, ёқа бўғишиб турсак Мамаризо

тоға келиб қолдилар. Тоғага арз қилган бўлдигу тинчидик. “Ким ўғри?” деган савол очик қолди. Жим-жим ўтириб толмачойни тоға билан бирга ичдик. Нони йўқолганнинг ҳам қорни тўйди.

Бироқ орадан ғашлик кўтарилмаган эди. Тоға кетиши билан яна ёқа бўғишимиз аниқ эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, тоға бармоқлари билан соқолини узок тараб ўтирдиларда, учта нон халтачани сўраб олдилар. Уларни тескари ағдариб, ҳар бирига марза четигадаги майин тупроқдан тўлар-тўлмас қилиб солдилар. Халтачаларнинг оғзи боғланди. Шундан кейин халтачаларга ишора қилиб дедилар:

– Яхшилаб эшитиб олинглар, Худойимнинг марҳамати кенг, бандасини дунёга келтирар экан, ҳар бирига мана шунчадан бир хил насиба улашади. Бировни ортиқ, бировни кам қилмайди. Энди халтачаларни уч тарафга қараб отинглар-чи.

Халтачаларни ота айтгандек қилиб уч тарафга қараб отдик. Бу иш биз учун ҳам сирли ҳам ғалати туюлди.

– Обкелинглар.

Обкелдик. Тоға халталарни кўздан кечирдилар-да:

– Учовиям бус-бутун-а, – дедилар ҳайрон бўлгандек.

Мамаризо тоға битта халтачадаги тупроқни иккита халтачадаги тупроқнинг устига босиб-босиб солдилар. Халтачалар тикмачоқдек бўлиб тўлди. Оғзини зўрға бўғиб боғладилар.

– Ана энди манави икковини улоқтиринглар-чи, – дедилар синовчан бир назарда.

Халтачалар боягидан оғирлашган эди. Бор куч билан улоқтирдик.

– Энди бориб обкелинглар. Не кўз билан кўрайликки, халтачалар ёрилиб кетган эди. Эгаларининг қовоқ-тумшуғи тушиб кетди. Мамаризо тоға, “Шундай бўлишини билгандим”, дегандек жилмайиб қўйдилар. Халтачаларнинг чангини яхшилаб

қоқдилар-да, дўппиларининг кизагидан игна, ип олиб уларни ҳафсала билан тика бошладилар. Биз нималар бўлганига тушунмай, тоғанинг хатти-ҳаракатларини кизиқиб, кузатиб ўтирардик.

– Хў-ўш, – дедилар улар ҳамон синашта оҳангда, – билдиларингми, тўрвалар нимага ёрилиб кетди?

– Тупроқ кўплик қилди-да, – дея билағонлик қилдик.

– Баракалла, энди яхшилаб эшитиб олинглар, бировнинг ҳақи бировга кўплик қилади. Кимки бировнинг ҳақига, бировнинг молига кўз олайтирса, унинг ҳам қорни мана шу халтадек тарс ёрилиб кетади. Эрта кунда Худо берган насибаси ўзига буюрмай, ўл-и-иб қолади.

Шу пайт бир ўртоғимиз, дод деб ўзини ерга отди. Маълум бўлдики, нонни ўша ўғирлаб еган. Энди қорним ёрилиб ўлиб қоламанми, деб йиғларди, бечора.

Мен Мамаризо тоғанинг тарбиясини олиб ўсган кўпгина дўстларимни яхши биламан. Улар ҳаётда қоқилмадилар. Овоз беринг, қайдасиз бугуннинг Мамаризо тоғалари?

## ҒОЙИБДАН КЕЛГАН ОВОЗ

Амманинг киз ўртоғи кишлоқдан тўйга айтиб келди, супрақоқтисини уйлантираётган экан.

– Албатта бор, ўртоқжон, кутаман-а! – деди у шошиб турганини баҳона қилиб. – Ҳа, эсим курсин, – деди у яна бир зарур гапни эсдан чиқарганини пайқаб, – аканг айтворувди, улар неваралик бўлишди, келини кўчқордек ўғил туғиб берди. Аканг билан келинойингнинг оғзи қулоғида...

– Вой-й-й... дарровда тўйга бир йил бўлдимми-а?

Қиз ўртоғининг бирров кириб чиқиши ҳам Аммани алланечук қилиб юборди. Ота-онаси ҳаётлик пайтларида кишлоққа ҳафтасига бир бормаса кўнгли ўрнига

тушмасди. Энди-чи, қишлоққа бормаганига бир йил бўпти-я. Ўшанда ҳам жиянининг тўйи баҳона борган эди. Акаси тўрт қиз-у, бир ўғил кўрган, ўғил бўлмиш ўқишма-ўқиш юра-юра ўтгизга кирганда уйланувди. Сочи кесик, шаҳарлик бир қизга. Бемехрлар, болалик бўлишибди-ю, битта-ю битта аммам деб суюнчилаб ҳам келишмабди. Бу янгиликни уларнинг ўзиданмас, қиз ўртоғидан эшитгани унга алам қилди. Жияним ҳам акамга ўхшаб бемехр чиқди. Келинни ҳам танлаб-танлаб, тозисига учрагандир.

У қишлоққа ана шунака гина-кудуратлар билан тушиб борди. Аввалига акаси, келинойиси, жиянидан гина қилди. Чақалоқни кўлига олиб эркалади, совға-саломларини берди. “Сен бемехр бўлмагин, кичкина жиянчам”, деб катталарга текказиб ҳам олди. Аммо келин тушмагур тилли-жағликкина экан, амманинг ўгидан кириб, кулидан чиқиб, ҳар қанча гина-кудуратлар бўлса ўртадан кўтариб юборди. Чет тилидан дарс берар экан. Қишлоқда ўқимишли келин бўлиб номи чиқибди. У тўйда кўрган ўша сочи кесик келинчакка сира ўхшамасди. Узун кўйлак, лозим, бошида бир парча бўлса ҳам рўмол. Бир қарашда ярашиб тургандек. Акам билан кеннойим келиндан ёлчиганга ўхшайди, ишқилиб кўз тегмасин, кўнглидан ўтказди Амма.

Амманинг хаёлларини алғов-далғов қилиб юборган воқеа сал кейинроқ юз берди.

– Бўлақолинг, – деди у келинойисига, – тўйхонага қоронғи тушмай кириб борайлик, бўлмаса ит эгасини, мушук бекасини танимай қолади-я.

У шундай деб атайлаб олиб келган тўй либосларини кийиб чиқиш учун ичкари хонага кирди-ю, келинни кўриб қотиб қолди. У жойнамоз устида кафтларини дуога очиб ўтирарди.

– Вой, бу нимаси? – деб юборганини Амманинг ўзи ҳам билмай қолди.

Келин намозини тугатган эканми, ўрнидан туриб, салом берди-да:

– Худога шукур аммажон, Худо менга ота-онамдан ҳам меҳрибонроқ қайин ота, қайин она, эр берди, яна ўғил фарзанд ҳам, шуларнинг шукронасини қиламан, аммажон, – деди жилмайиб.

Келинпошша қайнонаси билан аммажонисини иззат-икромини жойига қўйиб, тўйга кузатиб қўйди.

Амма бўлмиш тўйда ўтиргандек бўлмади. Созандаларнинг кўшиғи ҳам, тўй табриклари ҳам қулоғига кирмади. Нукул жиян келинининг гап-сўзлари қулоғининг тагида жаранглайверди. Унинг келинлик даврида уйдан Қуръон китоби чиққан одам камаларди. Ёшлар никоҳ ўқитсалар, ўқишдан, ишдан ҳайдаларди. Ота-онаси ўлиб, жаноза ўқитган амалдор курсисидан ажраларди. Бугун-чи? Шу пайт шунча шовқин-суронни босиб қулоғига ғойибдан бир овоз келгандек бўлди: “Замон ўзгарди, хурликка етишди, сен ҳам ўзгар, ғафлатда юрма!” Амма бўлмиш бир чўчиб тушди.

## ГИЛОС

*Шаҳри* азимдан юз чакирим нарида, тоғлар бағрида дала ҳовлимиз бор. Шундан билингики, бу оламнинг хавоси ҳам, манзараси ҳам мафтункор. Биз табиат бағрида эмас, табиат бизнинг бағримизда яшайди. Баъзан шунчаки оддий нарсалар ҳам сирли туюлиб, ҳаяжонга тушиб қоламиз. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Биздан бир ҳовли нарида ёш боланинг йиғиси ўқтин-ўқтин эшитилиб турди. Бу Муҳсина. Нуруллахоннинг кенжатоғи. Уч ярим ёшларда. Эрта билан хорма-бор бўлсинга ўтганимда, бир яхши югуриб юрган эди. Нима бўлдийкин? Ҳойнаҳой, боланинг бир ери оғрияпти-ёв.

– Эрта билан ўтганингизда боланинг онаси борми-ди? – сўради бизнинг уйдагилар ҳам хавотир олиб.

– Кўринмовди, ҳойнаҳой эргашган бўлса ўзини олиб келган-ов, – дедим.

– Ҳеч жаҳонда ёш боланиям онасиз олиб юради-ми? Бола шўрликнинг бир ери оғрияпти, ана кутида дорилар бор, обориб беринг.

– Дорилик иши бўлмаса керак, бўлса Нуруллахон сўраб келарди.

Ишга чалғидикми, ё кизалоқнинг йиғисига ўрган-дикми, ё йиғламай қўйдими, ишқилиб эсдан чиқардик. Асрга яқин бир иш билан яна Нуруллахоннинг ёнига ўтдим. У боғ ичида иш билан андармон эди. Шунда кўзим, қоп-қорайиб пишган гилос шохига тушди.

– Воҳ, – дедим оғзимнинг суви қочиб, – Абдужалилнинг гилоси пишибди-ку, – деб беихтиёр қўлимни сим девор оша эгилиб турган гилос шохига чўздим.

– Ҳамма тўполон шунга-да, – деди Нуруллахон ғалати кулиб.

Қўлимни чўкқа босгандек дарровда тортиб олдим.

– Абдужалил қани, келганми? – хаёлимда гилос билан боғлиқ бир кўнгилсизлик бўлган-у Нуруллахон шунга ишора қиларди. Абдужалил Нуруллахоннинг кўшниси. Бунинг устига битта ишхонада ишлашади.

– Йўқ-да, келмаган, бир тадбирлари бор экан, – деди Нуруллахон.

– Унда қанақа тўполон ҳақида гапиряпсиз? – деб гилоснинг шиғил шохларига яна бир қараб қўйдим. Бу эртапишари экан.

– Ўйнаб юриб, Муҳсинанинг кўзи шу гилосга тушиб қолибди-да, болада, оберасан деб хархашани бошлади денг. Ахири шаҳарга жўнатвордим. Онаси бозордан оберади, энди.

– Э, шунга шунчами? Биз кеннойингиз билан ўзимизча нималарни тўқиб, бичмадик, бир ери оғриб қолдимикан деб. Йиғининг дориси шетгайкан-ку, олиб беравермайсизми?

– Қандай қилиб, эгасининг рухсатисиз-а? – деди Нуруллахон хайрон бўлиб.

Мен Нуруллахоннинг нимага шаъма қилаётганини тушуниб турардим-у, бола учун бўлаверади, деган

ўйда эдим. Ахир кап-катта одам мен ўзимни тия олмай қолдим-ку. Тағинам бола чидабди-да!

– Ахир сўрайдиган эгаси шаҳарда бўлса, янаги ҳафтагача кушлардан қоладими? – дедим ҳамон Муҳсинага ачиниб.

– Мени болам куш эмас-да, – деди Нуруллахон, – эртага жавоби бор.

– Ўзи расми, – дедим болалигимда эшитганларимни эслаб, – қўшниникига ўтган шох – қўшниники, кўчага чиққан шох – кўчаники бўлиши керак.

– Ўшанда ҳам эгаси ўзи рози бўлиб айтса, айтмаса барибир мумкин эмас, – фикрида қатъий турди Нуруллахон.

– Тавба, Абдужалил ҳам бир оғиз шундай деб қўя қолса асакаси кетармиди?

Шундай дейману тилимни тишлайман. Ахир Абдужалил шаҳарда яшаса, яна нечанчидир қаватда. Бунақа гапларни қаердан билади? Шуларни ўйлаб, урф-одатларимиз нақадар теран эканига иймон келтираман. Муҳсинани йиғлатган нарса бу шунчаки оддий нарса эмас. Бу ҳалол, пок лўқма масаласи. Мен бу гўзал маскандан яна бир ҳаёт дарсига гувоҳ бўлиб шаҳарга қайтдим.

## КАЛИМАИ ШАҲОДАТ ВА ҲУЖЖАТ

Эрта билан бўлим бошлиғининг ҳузурига кирсам у киши бир ходимимиз билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг мен ходимнинг янги галстугига эътибор қилдим. Боғланиши ёқмади.

– Ечинг, яхшилаб боғлаб бераман, – дедим.

– Бизга бўлаверади, устоз, – деди у камтарлик билан.

– Айтиш ёдимдан кўтарилибди, – деди бўлим мудири кулиб, – сиз энди оддий ходим эмас, етакчи ходимсиз, кеча буйруққа қўл қўйилди, галстук ҳам шунга яраша боғланиши керак.

– Эй, яшаворинг, – деди ходим кувониб, – эрталабдан хўп “ювадиган” хабар айтдингизда, ташаккур.

Бўлим мудури мени кўрсатиб, “ювиш” деган гапларни бу кишимнинг олдида гапириб бўлмайди, дегандек имо-ишоралар қилди шекилли, ходим шошиб қолди.

– “Ювиш” деганда анави исқотини айтмаяпман, ширин-ширин шарбатлар ҳам бор-ку, ахир, дунёда, – деди.

– Қанийди шундай бўлса, минг афсуски ундай бўлмайди-да, – дедим мен ҳам бўш келмай.

– Э, устоз, – деди ходим астойдил бўлиб, – била-сизми, мен калимаи шаҳодатни бир кунда неча марта айтаман, минг марта...

– Бунга ҳужжатингиз борми? – дедим темирни қизиғида босиб.

– Қанақа ҳужжат? – ажабланди ходим, шунгаям ҳужжатми?

Мен бир воқеани гапириб бердим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида бир одам оламдан ўтади. У кишининг жанозасини ўқишни саҳобалар Пайғамбаримиздан илтимос қиладилар. Маълум бўлишича, ўлган киши жудаям сахий, ҳожатбарор киши бўлган. Сарвари коинот жанозасини ўқийдилар, кейин марҳум ибодатда эдими, йўқми, деб сўрайдилар. Саҳобалар “йўқ”, дейишади-ю, яна ўлганнинг фазилатларини бир четдан санаб кетишади. Шунда У улуғ зот ҳар қанча амал икки ракат намоз ўрнини боса олмаслигини айтадилар.

## **МАРҲУМНИНГ ТИНЧИ НЕГА БУЗИЛДИ?**

Ҳожи отанинг тепасидаги икки хонали уй сотилди. Ким олди, қанақа одам, билмай ҳам қолишди. Бирдан тепада гумбира-гум, бузиш ишлари бошланиб кетди. Отанинг жони ачиди. Эсизгина, дурустроққа сотарман деб эгаси ремонт қилдирувди-я. Нимага

одамлар исрофдан кўркмайдиган бўлиб қолишди? Усталарнинг гапидан маълум бўлдики, бир пулдор одам нариги подъезддаги тўрт хонали уйни ҳам олган, буни ҳам ўшанга кўшиб, олти хоналик қияпти экан.

– Бир, икки ой миянгизда ёнғоқ чақамиз, отахон, чидайсиз, – кулишди усталар.

– Ҳа, майли, кўни-кўшничилик, чидаймиз-да...

Деворларни бузишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Жуда асабга тегиб кетганларида ота “чидаймизда” деганини эслаб, ўзини ҳам, кампирини ҳам юпатади. Лекин кунлар ўтган сайин битта нарса у кишига нашъа қила бошлади. Тавба, бу кўшни ўзини бундок танитса бўларди, бир неча кундирки девор-дармиён кўшнилари ҳам безор бўлиб кетишди. Ота уларни ҳам босиб турибди. Ҳамон кўшни бўлиб яшайдиган бўлсак, ҳалитдан ўртада гап қочмасин деб. Одоб юзасидан кўшнилардан бундок узр сўраб қўйганда ҳам бошқа гап эди. Ўзи пул топган одам ақл топмас экан-да.

Маълум бўлдики, янги кўшни ёш бизнесменлардан. Ҳатто институтда ўқир экан. Ёш бўлгандан кейин, кўшничилик – минг йилчилик, деган гапларни билмас керак-да. Бироқ ота-онаси-чи? Улар тирикдир?

Баъзан тепада тарақ-туруқ шу даражага етардики, ота намозларида чалғиб кетарди. Кампирининг додвойинику қўяверинг. Ота бундай пайтда дуо қиларди: “Эй Яратган Эгам, бизга сабр бер, дилимиз оғриб, кўшнига бирон қор-хол етиб қолмасин, феълимизни кенг, ўзимизни ҳалим қил”.

Шундай кунларнинг бирида эшикни тақиллатиб бир йигит келди.

– Сиз ҳожи отамисиз? – деб йигит отага ғалати қаради.

– Шундай деса ҳам бўлади, ўғлим, келинг. – Бунақа йигитлар ҳали газдан, ҳали, сувдан, телефон тармоғидан келиб турарди.

Йигит тортинмай пойабзалини ечди. Шу пайт нимадир тепада гумбирлаб кетди. Йигит чўчиб, тепага қаради. Чол кулди:

– Эътибор қилманг, ўғлим, кўшнимиз ремонт бошлаган.

Ўтиришди. Ота дўппи тагидаги чойнакдан чой куйиб, йигитга узатар экан, тепада яна бир нималар гумбирлаб кетди. Ота яна кулди ва гапни гапга ковуштирай деб деди:

– Шу десангиз, илгари тепамизда ёш оила турарди. Иккита ўғли бор эди. Вой уларнинг шўхлиги. Баъзан чирқираб йиғлаб қолишарди. Кампирим нима бўлди деб чиқса, онаси бизни аяб болаларини урар экан. Урманг, салда катта бўб қолишса шўхлик қилишмайди, дунир-дупирга ўрганиб қолдик, деб тушарди. Мана, болалар улғайиб, уйга сиғмай, бошқа ёққа кўчиб ҳам кетишди. Тепадаги ишлар ҳам уч-тўрт кунда тугаб, Худо хоҳласа яна тинчиб қоламиз...

Йигит бир нима демокчи эди, яна тепада бир нима гумбирлаб, гапи оғзида қолди. У жаҳл билан ўрнидан турди-да, оёқ кийимини кийиб-киймай, юқорига чиқиб кетди. Йигитнинг каттиқ-каттиқ жеркиган овози эшитилди. Тарақ-турук тинди. Оббо деди ота, хижолат бўлиб, бунча бесабр-а бу ёшлар, бирпасга асаби чидамади-я. Уйга обкирмай, ташқарида гаплашсам бўларкан. Ишкилиб янги кўшни билан уриштириб кўймаса бўлди. Нима иши бор экан, ўзи?

Йигит қайтиб тушди.

– Аттанг, бекор қилдингиз ўғлим, усталар кўшнига айтишса хафа бўлади-да, энди. Ҳай, бўлар иш бўлди, менда нима ишингиз бор эди?

– Бугун туш кўрган эдим, – деди йигит чолни хайрон қолдириб, – раҳматли отамни кўрибман. У киши мендан хафа. Нима бўлди десам, бир неча кундан бери тинчим йўқ, бир одам устимдаги мармар сағанани бузиш билан овора, дейдилар. Айтинг, ким экан у, десам, сен уй олган жойда, ўзи хожи, дедилар.

Чўчиб, кўзимни очсам, тушим. Тепадаги уйни мен олганман, ота...

Ажабо, тирикларнинг тинчи бузилса, мархумларнинг ҳам тинчи бузилар экан-да!

## **БИЛМАГАННИ АЛЛОҲ КЕЧИРАДИ**

*К*ишлоқ темир йўл бекатида электропоездни кутиб турардим.

Беихтиёр атрофга кўз ташладим. Бекат тоза-озода, панжаралари бўялган. Қайдандир бир тегирмон сув шалдираб оқиб келар, бекатни бир айланиб, маҳалла ичкарисига қараб чопар эди.

Шу пайт бу озодагарчиликнинг сабабчиси менман дегандек бекатда фаррош аёл кўринди. Кўлида узун супурги. У кўзимга бу ернинг бекасидек кўриниб кетди. Барака топсин нонини ҳалоллаб ер экан, деб уни ичимда алқадим. У шундоқ ҳам ёғ тушса ялағудек майдонни бир бошдан супуришга тушди.

Супурсанг супуринди топилади, деганларидек, салда ер бетида папирос қолдиқлари, қоғоз парчалари кўриниб қолди. Лекин... Фаррош супуриндиларни шилдираб оқаётган сув бетига қараб йўллар эди. Шўх тўлқинлар беминнат дастёрдек уларни олиб, кўздан йўқотар эди. Юрагим ачишиб кетди. Шу сув бўлмаса, манави темир йўл бекати ҳам бунчалар обод бўлмасди. Пастдаги боғ-роғлар, маҳалла-чи? Сув етган жойга кут-барака етади. Биз қандай одам бўлдикки, супуриндимизни ҳам улуғ бир неъмат – обиҳаётнинг устига ортиб юборсак?

– Кечирасиз келин, – деб фаррошни ўзимга қаратдим, – сувнинг юзига ахлат супурманг, сув уйингдан барака-кут кўтарилсин, бола-чақанг ярачақадан чиқмасин, деб қарғайди.

– Вой, – деди у кўрқиб кетиб, – бунчалигини билмас эканман.

– Билмаганни Худо кечиради, энди бошқа килмансангиз бўлди, – дедим.

## САЛАТ

Бир куни бозорга тушсам кизил сабзи салати-ни сотадиган аёл маҳсулотини елим халтачаларга солиб, ярим кило, бир кило қилиб қадоклаб кўйяпти. Оғзини боғлашдан олдин пуфлаб, шиширяпти. Бир караганда салат худди шиша идишда тургандек, чиройли кўриняпти. Ҳа, молини ўтказиш учун нималар қилишмайди, бу одамлар. Мен ўтиб кетдим, аммо нарироқ бориб орқамга қайтдим.

– Келинг, салатдан олинг, жуда мазали, – деди аёл рўнарасида турганимни кўриб.

– Мазаликка мазаликдир-у, лекин шундоқ мазали нарсани ҳаром қилиб қўяётганингизни биласизми? – дедим унга секингина.

– Вой қандай қилиб? – кўзлари жавдираб қаради аёл.

– Билмасангиз билиб қўйинг, одамнинг оғзидан чиққан нафас ҳам ҳаром, синглим.

– Йўғ-е.

– Қайт қилиб ташлаган нарсани ҳаромми? Меъдадан чиққан ҳаво ҳам худди шундай, – дедим мен катъий.

– Раҳмат сизга, энди бундай қилмайман, – деди у қизариб-бўзариб.

– Ҳа, баракалла!

## СЎНГИ ЖИЛМАЙИШ

Ҳодиржон кишлоққа тушадиган бўлиб қолди. Тўғрироғи, пулга зарурат сизди. Ота-онасига озроқ захира ташлаб кўйган. Ўшани олиб келмоқчи. Лекин онаизорига катта оқ фарангги рўмол ваъда қилиб кўйган эди. Ўшани, албатта, олиб бориши керак. Рўмолни оларкан, лоп этиб ёдига кишлоқнинг Энаси тушди. Ўзи шунақа бўлади, ҳар доим онасига бир нима илинса Эна ҳам “менгачи” дегандек кўз олдига келиб, туриб қолади. У кишига ҳам худди шунақа фа-

ранги рўмолдан кўшиб олди. Хайр килсанг бутун қил, деб Эна учун шаҳарнинг энг номдор носвойидан ҳам харид қилди.

Эна деганлари кишлоқнинг энг кекса момоларидан. Қодиржондан учта ховли берида туради. Тарбия ҳақида гап кетса Қодиржон нукул шу Энани эслайди. Ўшанда тўрт-беш яшар бола эди. Ойисига эргашиб далага борарди. Толларга арқонлар тортилиб, беланчаклар осилган жой бўларди. Бу дала боғчаси эди. Эна шу ерда бола боқарди. Бир ёқимли аллалар айтарди... Чакалоқлар йиғлаб қолса Қодиржон тенги болаларни югуртирарди: “Бор онасини айтиб кел”. Овқатга кирган болаларга нон чайнаб берарди. Кечгача кўлидан бола тушмас, беланчак тебратиб, алла айтиб умри ўтарди. Бугун у киши нон чайнаб едирган болалар катта киши, катта хотин. Қодиржон ҳар гал кишлоққа тушганда Энага дурустроқ совға олсам дерди-ю, эсидан чиқарди. Олдинги сафар кишлоққа борганида Эна дарвоза тагига чиқиб олган эканлар. Қодиржон яқинлаб бораверди. Анча беридан:

– Ассалому алайкум, Эна, – деб салом берди.

– Ҳа, уйингга буғдой тўлгур, – деди эна овоз келган томонга қараб, – мен сенга айтаман-ку, пенсани олдини менга обкелиб бер, деб. Уч кундан бери йўлингни пойлайман-а, бўйинг чўзилгур?! Бир отим носга зорман у ёғини сўрасанг.

Қодиржон яқин бориб, энанинг кўзлари кўрмай қолганини пайқади. Қодиржонни нафақа тарқатадиган йигитга ўхшатди шекилли.

– Эна, мен, – деб Қодиржон ўзини таништиради, – носингиз тамом бўб қолувдими, ҳозир обкелиб бераман.

Қодиржон шу яқин ўртадаги тижорат дўконидан нос сотиб олди. Кейин қўлларига озгина пул тутказди.

Ўшанда Эна Қодиржоннинг ота-онасини таниди-ю, ўзини эслай олмади. Қаердан ҳам эсласин. Қодиржон ўқишга кирди-ю, шундан нари шаҳарда қолиб кетди.

Қодиржон паранги рўмолни олиб, қишлоққа тушиб борганида Эна шифтга қараб ётарди. Ёнларида келини, қизлари ҳасрат чекиб ўтиришарди. Қодиржон вазиятга тушунди-ю, дарровда салом берди. Энанинг шифтга битган кўзлари бир айланиб тушди.

– Саломингизга алик олдилар, – деди ёшгина жувон секингина.

– Мана буни Энамга обкеловдим, – деб рўмолни жувонга тутди Қодиржон.

– Вой-ий... ўтирганларнинг кўзлари бирдан яшнаб кетди.

– Ҳожи рўмол-ку, эна, сизга Ҳожи рўмол олиб келибди ўғлингиз. Шунақасини орзу қилардингиз. Худо хоҳласа, бу рўмолни ўраб ҳажларга бориб, келасиз. Буни қаранг, бирам чиройли. – Жувон рўмолни энанинг пешонасига босиб-босиб қўйди.

Эна ўзига келгандек бир чиройли жилмайди.

– Ҳа, ҳа, Энажон хурсанд бўлинг, ана шунақа яхши ниятлар билан олиб келибди ўғлингиз.

Бу жилмайиш Энанинг ҳаётдаги сўнгги жилмайиши эди. У тарам-тарам ажинлар тўлқинига кириб йўқолди. Афтидан, тирикчилик важида узокларга кетган битта-ю, битта ўғлим келди, деб ўйлади чоғи...

## ҚАБРИСТОНДАГИ ЧИРОҚ

Қишлоқда гап юриб қолди:

– Фалончи министр қишлоққа қайтиб келибди.

– Шаҳарга сиғмаптими?

– Пенсага чиқибди-да.

– Шунақа, от айланиб қозигини топади.

– Ўлманг...

Балки собиқ вазир қишлоққа қайтиб, жимгина юрганида у ҳақдаги гаплар тўхтаган бўларди. Афсуски, ундай бўлмади.

– Эшитдингизми, министр қабристонда юрибди экан.

– Кўрдим, бир дунё ғишт тушириб кўйибди. Билмайман, нима қилар экан?

– Нима қиларди? Ота-онасини эслаб қолгандир-да. Чор деворлар ичида умри ўтди бечораларнинг. Энди сағанали қабрда ётишади. Ёнига ўзигаям хилхона куради.

– Э, шунақа денг?

– Ҳа, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди бунақалар.

Аммо ундай бўлмади. Ђиштлар на сағанага, на хилхонага ишлади. Кулай-кулай деб турган қабристон дарвозаси ўрнига янгиси қурилди. Ўнг томонига бир уй, бир даҳлизли хона, чап томонига икки юз-уч юз одам сиғадиган айвон тушди. Тикан босиб ётган йўлакларга гул кўчатлари экилди. Ёғин-сочинли кунларда айвон шундай асқота бошладики, маййит қабрга кўйилгач, дуо-фотихалар, шу ерда ўкилиб, жанозага келганлар шу ердан таркай бошлади..

– Э, бало экан-ку бу министр...

– Э, бир балоси бор...

– Гапингизга тушунмадим.

– Нимасига тушунмайсиз, гуноҳларини шундай килиб ювмоқчи...

– Ҳа-а-а... гап бу ёкда денг?

Собиқ вазир ҳаддидан ошди. Қабристонга симёғочлар ўрната бошлади.

– Томи кетганми бу одамнинг? Ўликларга чирок нимага керак? Тирикларни ўйласа-чи... Бу кетишда қабристонларнинг министри бўлади-ёв.

– Гўрковни айтмайсизми, оғзи қулоғида.

– Ҳа?

– Унга маош тайинланибди.

– Йўғе...

– Ҳа, шунақа, йўли бор экан, министр топибди йўлини...

– Гўр казиш ҳам текин бўлди, денг?

– Ҳа, бемалол.

– Э, оғзингиздан шамол учирсин...

Қабристонга чирок тушириш собиқ вазирнинг хаёлида йўқ эди. Бир хотира жонланди-ю...

Ўша куни у қабристонда бир-бирига ўхшаш икки кишини учратиб қолди. Кўзига иссиқ босилди. У пайтларда ёш йигитча эди. Ҳам мактабда ўқир, ҳам колхоз радиоузелида ишларди. Электрлаштириш, радиолаштириш бошланган пайтлар. Қишлоқнинг овлоқроқ жойида бир кулба бор эди. Унда икки набираси билан бир кампир яшарди. Ўғли урушдан қайтгач, кўп яшамади. Икки етимни қолдириб, оламдан ўтиб кетди. Кампир набираларини олиб қолиб, ёш келинчакни эрга бериб юборди. Радиоузел шу кампирнинг уйига ча кириб борди. Симларини шу йигитча тортди. Етим қолган набиралар суюниб, чапак чалишди. Кампир йигитчани “илоҳа министр бўлгин”, деб дуо қилди. Қишлоққа электр ҳам келди. Лекин чекка бўлгани учун кампирнинг уйига сим тортилмади. Бир куни кампир йигитчани кўчада ушлаб олиб, “Ўша радио юборган симингдан чирок ҳам юборгин”, деб ялинди. Йигит “хўп хола”, деб қутулди. Кўзига иссиқ босилган кишилар нимагадир кампирни эслатди унга.

– Сизлар Эргаш билан Қўлдош эмасмисизлар?

– Ҳа, бизмиз, – деб жилмайишди улар.

Албатта Эргаш, Қўлдошлар кулбаларига радио тушириб берган йигитчани эслаша олмас эдилар.

– Бу кимнинг қабри?

– Раҳматли бувимизники.

Билганича Қуръон тиловат қилди. Эргаш ва Қўлдошлар дуога кўл очди.

Собиқ вазирнинг кўнглидан шундай ўйлар кечди: “Бечора, кулбаси ҳам қишлоқнинг бир чеккасида эди, қабри ҳам чеккага тушиб қопти”.

– Бувимларни танирмидингиз? – сўрашди ака-укалар.

– Таниганда-чи, шу киши мени министр қилганлар. Уларнинг олдида қарздорман.

Шу воқеадан кейин қабристонга симёғочлар тушди. Охирги симёғоч кампирнинг қабри устида тўхтади, у енгил тин олди. Шундай кунларнинг бирида, собиқ вазирга маломат тошини отиб юрганлардан биттаси оламдан ўтиб қолди. Маййит қабрга қўйилиб, дуо-фотиҳа қилинчак, гўрков имомга мурожаат қилди:

– Илгари вақти бемаҳалда лаҳад қазий олмасдик. Ўлган интизор бўлиб, тириклар ишдан қоларди. Чирок тушиб, ишимиз осонлашди. Шу чирок туширганларни ҳам бир дуо қилиб қўйинг, таксир.

– И-е, – деб юборди хайратдан кимдир, – чирок ўликларга ҳам керак бўларкан-ку!

## ВАЪДАНИНГ БАҲОСИ

Устознинг бир шогирди бор эди. У ваъдабозроқ эди. Сўз берар эди-ю, сўзининг устидан чикмасди. Аммо қачон қараса бировга ёрдам беришга шошилар, ўзини ҳожатбарор кўрсатарди. Устозга унинг шу жиҳати ёқарди. Анови иллатни тузатса бўлади, деб ўйларди. Ҳатто у “фалончи чаток” деган ном ҳам орттириб олган эди.

Устоз уни, аввало, тавба қилдириб, ичкиликдан айирди. Ибодатга қайирди. Бу ўзгариш унинг юз-кўзларига нур берди. Ён-атрофдагилар унга бошқача қарайдиган бўлишди. Ишқилиб, инсоф бергани рост бўлсин-да.

– Букрини гўр тузатади, – деганлар ҳам бўлди.

Устознинг шогирдига кундан-кун меҳри ошиб борарди.

– Энди бу ёғига эҳтиёт бўл, одамнинг одоби восикасида туриши, ваъдасига вафо қилиши. Билиб қўй, биров-бирова ваъда берса, ўша дақиқадан шайтон унинг пайига тушади. Нима қилса-ю, уни бебурд қилса, издан чиқарса, шарманда қилса. Сен ичингдаги шайтон билан кураш, уни қувиб чиқар.

Ҳаммаси рисоладагидек бораётган эди.

Кунлардан бир кун катта издаҳомда устозни бир киши секин туртди.

– Ҳа?

– Шогирдингизни кўряпсизми, улфатларини яна топиб олибди? Буқрини гўр тузатади, демабмидим.

– Улфатлари билан ўтирса нима қипти, ахир улардан воз кеча олмайди-ку.

– Мен ҳам шунақа деб ўйлаган эдим, атайлаб бориб кўрдим, газли сув деб оқидан уриб ётибди.

Дарҳақиқат, бу ҳол эртасигаёқ шогирднинг юз-кўзларида кўринди. Бир кундаёқ чехрасидан нур кетиб қопти. Оҳ, қалб эндигина тозариб, сиртига чиққан эди-я. Устоз ичидан эзилди. Уни уришиб ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо жамики махлуқотларни йўқдан бор қилган Аллоҳнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Динда мажбур қилиш йўқ. Уларни ҳидоятга солиш сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ҳидоятга бошлар”, деган хитобини эслади-ю тилини тишлади.

Устоз ва шогирд аста-секин бир-биридан узоқлашиб кетди. Аммо кўча-кўйда кўришиб қолишса шогирд ўзини илгаригидек тутар, устоз ҳам саломига яраша алик олиб кўяқоларди.

Бир куни устоз шогирдининг яна ҳидоят йўлига кирганини, кирганда ҳам бу сафар астойдил эканлигини эшитиб қолди. Бундан устоз хурсанд бўлмади. Тўғриси, ишонмади. У мени эмас, Аллоҳни алдади. Тавба қилди. Бамисоли жаннатга кирди-ю, шайтон васвасасига учраб, уни тарк этди. Аллоҳ ҳузурида тавба бир марта ва батамом бўлади.

Шундай кунларнинг бирида шогирд устозни излаб келиб қолди. Ўзини тақводорлардек тутиб, сипо ўтирди. Ёзув-чизув билан боғлиқ бир иши бор экан. Устоздан илтимос қилди.

– Яхши, – деди устоз унга синовчан қараб, – ишингиз тижорат билан боғлиқ экан, нархига келишсак, ёзиб-чизиб бераман.

Шогирд ярқ этиб устозга каради. “И-е, устоз ҳам ўзимиз қатори бўлиб қоптилар-ку, илгари ҳамма нарсани пулга чакавермаслик керак, деб насихат қиларди”.

– Гап йўқ, устоз, – деди шогирд жилмайиб, – қанча десангиз тўлаймиз, фирмамиз бакувват.

Устоз нарҳини айтди. Шогирд эртасига тушдан кейин келиб, ёзув-чизувни олиб кетадиган бўлди. Устоз тун бўйи мишжа қоқмай шогирднинг буюртмасини бажарди. Эртасига шогирд келди. Қоғозни кузатиб, кўнглидагидек бўлганини, лекин энг катта бошлиғига бирров кўрсатиб, хизмат ҳақини олиб тушадиган бўлди. Дарҳақиқат, бир оздан сўнг у яна пайдо бўлди. Аксига олиб хазиначи банкка кетиб қолганини айтди. Бўлиши мумкин, устоз ишонди. Аммо устоз “Бировни ишлатсангиз пешонасидаги тери қуримай туриб, ҳақини беринг”, деган ҳадисни эслатиб ҳам кўйди.

Орадан бир кун, икки кун эмас, ўн кун ҳам ўтиб кетди. Устознинг пешонасидаги тери қуримай тугул, оладиган ҳақи ҳам эсидан чиқиб кетди. Восиқасиз одамнинг пули нима-ю ўзи нима.

Шунда бирдан шогирд пайдо бўлиб қолди. Минг хил ваз-қарсонлар билан хизмат ҳақини олдиға кўйди.

– Йўқ, – деди устоз, – ҳар бир нарса ваъдаға вафо қилиш билан чиройли, мен бу пулни олмайман, хизматимға розиман...

Шогирд ўсал бўлиб чиқиб кетди. Аммо бир оздан кейин яна пайдо бўлди.

– Гуноҳимиз учун хизмат ҳақингизни икки барабар қилиб олиб келдим, ҳали сиз билан қиладиган ишларимиз кўп экан. Бошлиғимиз айтдилар. У кишиға жуда маъқул бўбсиз. Устознинг баттар пешонаси тиришди. Келиб-келиб ваъдасида турмайдиганлар билан ишлайдими? Рад этди. Шогирд энди хизмат ҳақини уч барабар қилиб олиб келди. Ҳа, энди олсалар керак, пул ширин-ку, ўйлади шогирд.

– Минг баравар қилиб олиб келсангиз ҳам олмайман, мен ваъдамда турдим, аммо сиз турмадингиз. Ўзгармабсиз, ўшандоғлигингизча қолибсиз.

У устоз ҳузуридан бош эгиб чиқиб кетди...

## ИБОДАТ ВА ОДОБ

*Кампири* чолига деди:

– Кўшнининг усталарига учрашинг-чи, пардамни симини тузатиб беришмасмикан?

– Э, кўй ўша кўшнинини, ҳеч рўпара бўлгим йўқ.

– Вой, ўзи йўқ, ремонтни битгунча ўғлиникида яшаб туришаркан.

Ота усталар олдига кириб, хорма-бор бўл қилдида, ҳазил аралаш деди:

– Ора-чорада савоб ишларам қиб турасизларми, йигитлар?

– Бўлмасам-чи, айтовринг, отахон?

– Шу, дарпардамизнинг сими узилиб кетди. Уям ўзимизга ўхшаб мўрт бўб коганда. Ўшани биттайлар чиқиб созлаб берсайлар. Чол-камфир дуойи жонийларни килардик.

– Шугинами, бўйги отахон, фақат хозирмас, битгамиз чалғисак ишимиз тўхтаб қолади-да...

– Жа, шошилишмас, кўнглинглари бир чеккасида турса бўлди.

Ота кампирининг ёнига хурсанд бўлиб қайтди.

– Барака топишсин, гап-сўзларидан яхши болаларга ўхшайди, хўп дейишди. Шу ёшларни ичмасдан, чекмасдан, тўғри юрганини кўрсам, бир коп семираманда, камфир.

Чол билан камфир бир кун, икки кун эшик тик этса қараб ўтиришди. Лекин усталардан дарак бўлмади. Кейинги куни ота усталар олдига кириб борди. Аммо буларни танимади.

– И-е, алмашилиб қопсизларми? – хайрон бўлди ота.

– Улар ишларини битириб кетишди, отахон, энди навбат бизга келди, – деган жавоб бўлди.

– Ҳай майли, хаёлларидан фаромуш бўпти-да, – деб ота чикиб кета бошлади.

– Айтовринг, ота, орада олди-берди бўлганмиди, топамиз уларни, фирмамиз битта, – деди бирови. Ота кулди-да:

– Битта сим узилган эди, шуни тузатиб бераман дейишганди...

– Қандай қилиб, улар электрик эмас эди-ку, биззи-ям қўлимиздан кемайди, бунақа иш.

– Унақамас, болам, бор-йўғи дераза пардасининг сими эди.

– Шунақа демайсизми, – кулди йигит, – гап йўк, қатта турасиз?

– Эҳ, – деди ота бирдан кўзлари ярк этиб очилиб, – сал бўлмаса анови болаларимни гуноҳкор қилиб қўярдим-а, – ахир улар мендан квартирамни сўрашмади, мен бўлсам айтмаган эдим. Шунга биззиники топиша олмаган.

Ота турар жойини айтиб, чикиб кетди. Уйга кириб бўлган воқеани кампирига айтиб роса кулди. Кампир, қарияпсиз чол, деб қўйди. Бирок қаерда туришимни сўраганлардан ҳам дарак бўлмади. Кампирининг жаҳли чиқди:

– Намозхон, намозхонлаб жағингиз тушади, нима уларда жигилдон йўкми. Текинга қачон мушук офтобга чиққан. Пулини бераман денг, сиздан олдин чиқишади.

– Рост гапирасан, – деди чол ва ўрнидан туриб чикиб кетди. Йигитларга пардани шошилинич ўрнатиш кераклигини, меҳмон кутаётганини, хизмат ҳақини беришини ҳам айтди. Ота уйига кириб улгурмаёқ орқама-орқа эшик тақиллади. Кампир чолига “айтмадимми” дегандек қараб қўйди. Нахотки? Дарҳақиқат, ота эшикни очганда йигитлардан бири “келдим” дегандек жилмайиб турарди. Қўлида турли-туман асбоблар.

## “ТОМИ КЕТГАН ЙИГИТ”

Ҳожи ота эрта билан ошга келган жойнинг режасини олса, кампири даволанаётган касалхонанинг яқинига келиб қопти. Кампири тушмагур кўргани бораман деса, нукул кўнмайди. Уялармишлар. Тавба, деди ота ўзига-ўзи, у узатилмаган қиз-у, мен уйланмаган йигитмидим, одамлардан уялиб. Гапини қаранглар. Отанинг шўхлиги тутди. Мана бўлмасам деб, ўзича сюрприз қилмоқчи бўлди. Касалхонанинг рўпарасида машинадан тушиб қолди. Тушди-ю бинонинг ҳайбатини кўриб, хато қилганини билди. Кампирини қаердан топади. На бўлимини ва на ётган хонасини билади? Сўраганида на қизи ва на ўғли айтди. Онаси тайинлаб қўйган-да, отангга айтмаларинг деб. Оббо, энди нима қилади? Ҳали касалхона дарвозаси ҳам очилмапти. Куёш энди тиф уриб келарди. Ошга ҳам роса барвақт келишибди-да. Хаёлида касалхона фарқ уйқуда ётгандек кўринди. Э, сўраб-сўраб Маккани топишганда, битта кампиримни тополмайманми, Аллоҳ Ўзи меҳрибон. Мени кўрмоқчи бўлсанг, беморни ёнига бор, Мен ўша ерда бўламан, дейди-ю, мушкулимни осон қилмайдими, қилади, ғайрати кўзиди отанинг.

Бундоқ қараса, дарвозанинг ёнидаги кичкина эшик очиқ экан, дайди итлар бири кириб, бири чиқпти. Ҳожи ота ҳам ўша эшикдан кириб борди. Эшикбон донг қотиб ухлаб ётарди. Уйғотиб, сўрашга кўзи қиймади. Билади, сўрайдиган жойи ичкарида бўлади. Бир одам кўлида кетмон билан гулларни суғориб юрарди. Ота ўша ёққа қараб юрди. Ҳалиги одам ердан тош олиб, итларни тирқиратди. Шунда кўзи отага тушиб қолди.

– Ҳе, – деди у бақириб, – уйингизда эшик борми, бобой, киргандан кейин ёпади-да эшикни.

Тавба, ота касалларни уйғотиб юбормай деб ҳасасини учини ерга юмшоқ босиб келяпти-ю, бунинг шанғиллашини. На салом бор, на алик.

– Узр, ўғлим, мен итлардан кейин кирдим, эшик очик турган экан.

– Ётибдими, анови шишиб, қоровулмиш, ҳе ўргилдим, кесиб кетса билмайди.

– Маъзур тутасиз, ўғлим, катталар бўлими шу ёқдами?

– Ҳа, боровринг.

– Аёллар бўлими қайси томонда?

– Аёл, эркаги йўқ, бари обший.

Ҳожи ота кўп қаватли бинонинг мармар зинали эшигига борганда ичкаридан бир хотин челақ кўтариб чиқиб қолди.

– Ассалому алайкум, қизим, – деди дили ёришиб, – мен кампиримни қидириб келовдим...

Отанинг гапи оғзида қолди.

– Кировринг, айтишади, – деб ҳалиги аёл шошиб йўлига кетаверди. Ажаб, одамларга бир нарса бўлганми ўзи, на салом беришади, на саломга алик олишади-я. Айб ўзимда, сахармардондан келиб нимамайди, бировнинг дарди эрта кирса, кеч чикмас.

Навбатчи қиз ҳам столга мук тушиб, ухлаб ётарди. Оббо, роса дардисар бўлдим-ку. Қандоқ уйғотдим энди бу қизимни? Шу пайт зинадан оёқ товуши келди. Ҳожи ота умид билан шу тарафга ўгирилди, бирикки қадам юрди ҳам. Бир қиз тепадан парпароз бўлиб тушди-да, отанинг ёнидан “лип” этиб ўтди-кетди. У киши оғзини очганча қолаверди. Нимадир тепада тарақлади. Ота таваккал, тепага кўтарилди. Ўнг тарафдаги эшик очик экан. Эшик тагидаги латтага олдин пойабзални, кейин ҳассанинг учини артиб, гилам пояндозни бир-бир босиб, тўрига қараб юраверди. Шу пайт ўртарокда оқ халатли аёл кўринди. У отанинг боришини чидам билан кутиб турди.

– Ассалому алайкум, – деди ота шипшигандек қилиб, – мен кампиримни қидириб келовдим, – деб исми ва фамилиясини айтди. Шу пайт отанинг кўзи гул-

донга гул қўяётган бир эркакка тушди. У отага елкаси оша қараб турарди.

– Унақа хотин бизда йўқ, бошқа бўлимдан қидиринг, – деди аёл совуққина қилиб.

Шу пайт халиги эркак, илдам юриб келди-да, Ҳожи ота билан кутилмаганда кадрдонлардек сўрашди.

– Кўзимга иссиқ кўриняпсиз. Мабодо Чиноздан-масмисиз?

Ота кулиб, бош чайқади. Лекин йигитнинг самимий илтифотидан, кимгадир ўхшатганидан хурсанд бўлиб кетди.

– Мабодо Хизрмасмисиз? – дея отани зина томон бошлади йигит. Қучоғида бир даста гул.

Ота йигитга қизиқсиниб, бошдан-оёқ қаради. Ҳойнаҳой, шу ернинг боғбони бўлса керак. Анови шериги гулларни суғоряпти. Буниси касалларнинг баҳри-дили очилсин деб гулдонларга қўйиб чиқяпти. Тавба унисини муомаласи қанақа-ю... Ишқилиб, кўраверар эканда одам боласи.

– Хизрмисиз деганимга ҳайрон бўлманг, – деди йигит бояги табассум билан, – мен ҳар куни уйқудан олдин Худойимга ёлбораман тушимга Пайғамбаримиз кирсинлар деб, кейин эрта билан яна ёлбораман кун бўйи Хизр билан кўриштиргин деб. Хизр бува ҳам одамни кўзига эски кадрдонидек, иссиқ кўринар эканда. Шунга “Чинозданмасмисиз”, деб сўраганим. Ўзим чинозликман.

– Сиз ҳам менга бир зумда ўз ўғлимдек бўб қолдингиз, шу икковимиздан биримиз Хизрмиз, – овозини баландлатмай қулди чол.

– Сиз шу ерда ўтириб туринг, мен манови гулларни гулдонларга қўйиш баҳонасида, опоқимнинг қатталикларини билиб келаман, – деди йигит.

Ҳожи ота енгил сўлиш олиб ўриндикқа ўтирди. Бир беминнат дастёрни рўпара қилиб қўйганига Аллоҳга шукроналар айтди.

Салдан кейин йигит қайтиб тушди.

– Қаранг, – деди йигит ўша табассум билан, – опоқим биззи бўлимда эканлар. Навбатчи хотиндан сўраб билдим. Юринг...

Йигит отани эшиги очик бир хонага бошлади.

– Қани отам ўтиринг, менга дуо беринг, бугун тушдан кейин кетаман, леченяларим тугади, – деди у отани юқорига ўтқазиб.

– Ие, сиз бу ерда ишламайсизми, мен сизни...

– Ҳа йўқ, ота, мен гул ишқивозиман, – дея столи устидаги китобга ўхшаган нарсани олиб, отага намойиш қила кетди йигит. – Қаранг манови гулларни, бари ҳовлимда ўсади. – Булар ўтил, қизларим, – деди суратга ишора қилиб. Булар ҳам гулда, а, ота, – кикирлаб кулди йигит. – Мен афгон урушида бўлганман. Тирик борсам гулчилик қиламан, деб ният қилган эдим. Ахир бизда гул яхши кунларга олиб борилади-да, нима дедингиз, ота. У ёқларда гул кўрмадим, бечоралар урушавериб гул нималигини эсларидан ҳам чиқариб юборишган.

Ота альбомдаги гулларни кўриб, йигитнинг болалардек беғуборлигидан завкланиб, кўп таъсирланди. Кейин уни узундан-узун дуо қилди. Йигит кўрсатган хонадан кампирини топди. Кампири бир ўзи экан. Хонанинг балкони ҳам бор экан. Баҳаво деб, ўша ёққа чиқиб, суҳбатлашиб ўтиришди. Бир маҳал пастдан:

– Ассалому алайкум отахон, ассалому алайкум опоқи, қалай маза қияпсизларми? Топишиб олдингларми? – деган овоз келди.

Ота, “ха” дегандек қўл силтаб, жилмайди.

– Ҳаҳ, ўлсин томи кетган, – деб кампири юзини тескари бурди. – Эртадан кечгача салом беровриб, мулозамат қиловриб, касалларнинг жонига тегиб кетади. Одам деган сал оғир бўлса-да.

Ота ичида: “Қанийди ҳаммаям мана шунақа серсалом бўлса”, деди-ю, кампирини топгунгача бўлган саргузаштларини айтиб ўтирмади.

## ҚЎРИҚХОНА

Ёз кунларининг бирида тенгкур кексалар тоғ бағридаги дам олиш уйида учрашиб қолдик. Бизни ҳар кунни жам қилган нарса беш вақт намозимиз эди. Бундай пайтда битта суҳбатдаёқ кимнинг қанақалиги сезилади, қолади. Албатта, илимлироқ киши ўз-ўзидан имом бўлиб қолади. Зоҳиджон деган ҳожи акани ўзимизга имом қилиб олдик. Дам олиш уйининг бошлиғи ўз ишига анча пишиқ одам экан. Уч кунда бир алмашадиган эшик оғаларининг барини кексалардан қўйибди. Улар бизни қишлоқ масжидига жума намозига олиб боришади. Узоқ-яқинга саёҳат дегандек, тоза қимиз, тоза асал, шифобахш гиёҳ, барига шулар балогардон. Ишқилиб, зериктиришмайди, иложи борица меҳр-оқибат кўрсатишади.

Боймурад ака деганлари бор. Бир вақтлар яхшигина овчи бўлган. Қўриқхонада ишлаган. Кексайиб қолгач, ишни ўғлига топшириб, ўзи бу ёкқа ўтиб олган. Шу киши билан жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Ҳатто кетишимиз олдидан у киши бизни уйига меҳмонга чакирди. Соғиладиган биялари, уя-уя асаларилари бор экан. Боғдаги мевалар-ку бошини еб, солиб ётибди. Каттагина сув бўйига солинган кўрпачаларга ўтириб, дуо қилдигу, мезбонга дастурхон ёздирмадик. Олдин чор-атрофни томоша қилиб, тўйиб олиб, кейин зиёфатга ўтирадиган бўлдик.

Боймурад ака бизга йўл бошловчи – ҳар бир гиёҳ, дарахт, буга, жониворлар-у, пастда шарқираб оқаётган сойнинг нечта булоқдан пайдо бўлгани-ю, барини биллади, гапириб чарчамайди. Биз айланиб юриб, боғ этагига етиб қолганимизни тиканли симлардан билиб қолдик.

– Бундан нариги ёғи “Қўриқхона”, – деди Боймурад ака, хайрон бўлманглар дегандек.

– Каттами, – дедим мен тиканли симлардан кўзимни узмай.

– Хе... – деб кулди Боймурод ака, – мен қирк йил ишлаган бўлсам, кўриқхонанинг боши қайда-ю охири қайда, етиб борганим йўк.

– Менга қаранг, шунча жой тиканли сим билан ўраб чиқилганми-а? – дейман ишонгим келмай.

– Ўраб чиқилмаса “Кўриқхона” бўладими? – дейди Боймурод ака. – Бу симлар бир чегара, шуни ичида дарахт кесиб, ов қилиб, қўлга тушган одам яхшигина жаримага тортилади ёки қамалади.

– Бу нима? – деб, сўрайдилар сим дарвозага ишора қилиб, имомимиз Зоҳиджон ака.

– Шу ердан молларни, бияларни “Кўриқхонага” киритиб юборамиз, ўтлаб, келишади.

– Бу ёғи ҳам ўзингизники экан-да, – куламиз биз.

Нимагадир Зоҳиджон ака кулмайдилар. Шу тобда нимадир у кишига тегиб қолди. Бир нима демокчи бўлдилар-у, лекин мезбоннинг “Кўриқхона” ҳақидаги хангомалари оғзини очирмади. Охири Боймурод ака кеча ўғли битта барра кийикни овлаб келганини, кийик гўшти билан меҳмон қилмоқчилигини айтиб, бизни бояги чорпояга бошлади.

– Кийик гўшти еганмисизлар? – қизиқиб сўрайман шерикларимдан, – масалан, мен емаганман.

Маълум бўлишича, ҳеч ким емаган экан. Бундан мезбон баттар хурсанд бўлиб кетди.

– Э, бир маза қиласизлар-да, кийикнинг гўшти бўлакча бўлади, булоқ сувига қимиз ҳам ташлаб қўйганман, роса пишган, – деди Боймурод ака яйраб.

Бечора жудаям, меҳнаткаш, оққўнгил, қўли очик одам экан, деб мезбонга ҳавасим келади. Лекин имомимизнинг ҳалидан бери ўзгариб қолганига сира тушунолмаётган эдим.

Чорпояга бориб ўтирдик ҳамки, чиройи очилмаяпти. “Ҳа” дейишга нокулай.

– Буюрсинлар, тақсир, овқатни обкелаверишсинми, – таомил бўйича имомга мурожаат қилди мезбон.

– Йўк, – деди Зоҳиджон ака қатъий, – бизга дас-

турхондаги ноз-неъматларнинг ўзи етиб ортади, шуниси дуруст.

– Э, ҳазиллашманг-е, – кулди Боймурод ака.

– Ҳазиллашмаяпман, – деди Зоҳиджон ака жиддий, – мендан сўраяпсизми, демак, айтганимга юрасиз.

Ҳаммамиз нима гап дегандек, у кишига карадик. Улар юмшагандек ҳар биримизга бир-бир қараб қўйди-да, тортиниброқ гап бошлади:

– Аллоҳ таоло билмаган бандасини кечиради, аммо билиб туриб, билганига амал қилмаганга азоби улуғ. Бу ерга келиб бир нарсага гувоҳ бўб қолдим. Ҳалидан бери ўзимга кела олмаяпман.

– Айтинг, таксир, айтинг, нима бўлди? – деб чоратрофдан қистадик биз.

– Ман қилинган жойдаги жониворнинг гўштини ейиш, у ерда ўтлатилган ҳайвонларнинг сутини ичиш, ўша жойга заррача бўлса ҳам зиён-заҳмат етказиш ҳаром. Ҳа, ҳа... Ўйлаб кўринг! Қўриқхона – кўриқланадиган жой, дегани эмасми? Кимдан кўриқланади у жой? Сиздан, биздан – нафсимиздан...

– Ваҳ, – деб юборди Боймурод ака кўзлари ағдарилиб, – мен хароб бўбман-ку, таксир, хароб?

– Йўқ, – деди Зоҳиджон ака енгил тортиб, – шу пайтгача билмагансиз, айтдик-ку билмагани кечиради деб. Мана энди Аллоҳнинг марҳамати билан билиб олдингиз. Тавба қилинг-да, бошқа қилманг. Қилсангиз хароб бўласиз...

– Илло, билло, – деб елкаси учиб, ерга қараганича туриб қолди мезбон...

Боймурод аканинг “зиёфати” ҳаётимдаги энг эсдан чикмайдиган зиёфатлардан бири бўлиб қолди. Ҳаёлимда ер юзидаги барча “Қўриқхоналар”га, “Қизил китоб”ларга “Эй одамлар, огоҳ бўлинг! Бу ердаги жамики нарсалар сиз учун ҳаром қилинган”, деб ёзиб қўйгим келди!

## ДОВОНДА

*Биз* минган “Нексия” Китоб билан Самарқанд оралиғидаги Тахтиқорачи довони томон жадал борарди. Кечаси билан қор ёққан. Ҳали совиб улгурмаган асфальт йўлларга ёққан қор эриб, билчиллаб ётарди. Ҳайдовчилар ҳам, машиналарнинг гилдираклари ҳам ҳали сирпанчиқ йўлларга ўрганмаган. Осмон булут, ҳаво унчалик изиллатмас эди. Бизни доvon сари об-хаводаги ана шу илиқлик бошлади. Хаёлимизда доvon йўллари эриб ётарди. Бўлмаса, узок бўлсада, текис йўлдан кетишни ҳам ўйлаган эдик. Таваккал хаёллар билан доvon олдидаги постга ҳам етиб келдик. Йўл очик. Демак, кутганимиздек доvonда хавф-хатар йўқ. Ана, у тарафдан ҳам машиналар тушиб келяпти. Бемалол, ўтса бўлади. Довонга қор кўпроқ тушган бўлса керак деб ўйлаган эдик. Йўқ, қор ҳамма жойга бир текисда тушибди. Йўл музламаган. Ҳайдовчилар чўчишганми, қатнов одатдагидан камроқ. Кўчани ўзимизники қилиб, хотиржам кўтарилиб боряпмиз. Арчалар шохи қордан эгилган, баҳайбат қояларнинг қор тегмаган қовурғалари булутлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолади. Қовоқ уйган қоп-қора булутлар ёғаман деб турибди. Табиатнинг бу маҳобати олдида ўзимизни жуда ожиз сезамиз. Юрак жунбишга келиб, гурс-гурс уради. Бундай пайтда ҳар қандай одам ҳам кудрати Илохийни ёдга олади, тафаккур қила бошлайди.

– Қаранглар, – дейди дўстларимиздан бири менинг ўйларимни уққандек, – Худойим неча миллион тонна сувни осмону фалакка кўтариб қўйибди. Ташлаб юборса борми, хай, ҳа-й-й-й... Ўзи меҳрибон, зарраларга бўлиб, гоҳ ёмғир, гоҳ қор қилиб ёғдиради...

– Ҳа, – дея бошқаси ҳам ҳаяжонини яшира олмайди, – эсланглар-а, ерни бир тўшак, тоғларни эса ерни тутиб турувчи қозиклар қилиб қўймадикми, дейди Худойим.

– Тасаввур қилинглари-а, – дейман мен ҳам жим ту-ролмай, – охиратда мана шу баҳайбат тоғлар бами-соли туянинг жунидек титилиб, учиб юрар экан-а, э, қойил!

Довон йўли айланма. Бир айланмадан бора ту-риб, наригисини кўриб бўлмайди. Бундай пайтда ҳайдовчилар кўпинча таваккал қиладилар. Сизгилари, тахминлари ўзларидан олдинда юради. Шундай пайт-лардагина улар ўзлари ҳақида, бола-чақалари ҳақида, олиб кетаётган йўловчилари ҳақида ўйлаб қоладилар. Худо берган умрнинг қанчалик омонат эканлигини ҳис қиладилар.

Тахминимизча йўлнинг кейинги бурилиши бизни довонга олиб чиқиши керак эди. Ундан у ёғи пастга тушиш бўлади. Нимагадир ҳайдовчилар чиқишдан ту-шиш қийин дейишади. Бизни довонга олиб чиқадиган навбатдаги бурилиш бошқаларидан анча тиклигини билар эдик. Икки минг метргача кўтарилган, бу ёғига ҳам кўтарилишга ишончимиз комил эди. Нимагадир анчадан бери қаршимиздан машиналар келмай қўйган эди. Бу бир томондан юришимизга қулай бўлгани би-лан, бошқа томондан хавотирли ҳам эди. Ахир, одам тафтини одам олади-да!

Ана, довонга олиб чиқадиган бурилишга ҳам ет-дик. Бурилдигу, ўзимизни йўқотиб қўйдик. Худога шукурки, ҳайдовчи йигит жуда чапдаст экан. Худ-ди машина орқага кетиб қолса кўкраги билан ту-тиб қоладигандек бағрини рулга бериб, газни бир меъёрда ушлай бошлади. Ваҳима қилиб сал тезласа, ғилдираклар чирпирак бўлиб, йўлдан чиқиб кети-шимиз, секинласа, борми, орқага кетиб... у ёғини ай-тишга тилим бормайди. Ҳаётимиз қил устида қолган эди. Машиналар яхмалак тузоғига тушиб, йўлнинг икки чеккасига тизилиб қолган эди. Бири ёнбошла-ган, бири кўндаланг... Бояги йўлда учраган маши-налар довондан ўта олмай орқага қайтганлари экан. Биз довондан ўтиб келяпти деб алданибмиз. Чеккага

чиқайлик десак бир қарич ҳам жой йўк. Рўпарамизда “мардмисан, юриб кўр” дегандек битта машина зўрға сиғадиган йўлак кўринарди. Усти муз. Ҳозиргина Аллоҳнинг қудратини улуғлаб келаётган тилларимиз калимага келмай қолди. Бир машина сирганиб, орқаси билан тўғри биз томонга тушиб келарди. Келиб бизга урилса борми, биз бошқасига... шу билан қиёмат бошланади. Хайрият, хайдовчиси усталик қилдими, бизга тегмай ўтди-ю, хартугул кўпчилик ёпишиб, уни тўхтатиб қолишди. Ажабо, бизнинг машина бамисоли сеҳрлангандек ҳамон олдинга босарди. Бу ҳолдан ўзимга келдимми, тилим калимага келиб қолди. Ўтирган жойимда худди машинани олдинга ундагандек, бор овозда калима келтира бошладим. Хайдовчи йигит бўлса, “Ҳа тойчоғим, ха шерим, бўш келма, айланай сендан, бўлақол, мени шарманда қилма, ўзингни яхши кўраман”, деб ёлборар, машина чамбарагини тинимсиз силаб-сийпалар эди. Мен бўлсам, хай боласи тушмагур, Худога ёлборсанг-чи, Худога, ахир бу бир темир-ку, дегим келар, орқада ўтирган шерикларимни кўзим кўрмас эди. Назаримда машинанинг ғилдирақлари музламага ёпишиб қолган-у, у пастга эмас, юқорига қараб сирғаларди. Ҳа, қандайдир куч машинани тепага қараб тортарди. Музлама тузоғига тушиб, нима қиларини билмай турган йўловчилар бизни кузатишар эди. Худди биз дор устида томоша кўрсатяпмиз-у, улар томошабин... Нимага улар чиқа олмадилар-у, биз чиқиб боряпмиз?!

Хайрият, хатар орқада қолди. Биз довонга чиқдик. Ҳозиргина кўрганларимиз худди тушга ўхшаб қолди. Довонда офтоб чарақларди. Бу ердаги манзара ҳамон юрагимизни титратаётган кўркувни нари суриб, бизни сеҳрлаб кўйган эди. Ҳозиргина ажал гирдобида эдик. Бирданига жаннати маъвога чиқиб қолгандек бўлдик. Тепамизда кўм-кўк осмон, оҳ, у нақадар тиник ва нақадар чексиз... Офтоб қўл чўзса етгудек, яқин. Воҳ, унинг нурлари... қараб бўлмайди, яшин-

дек кўзни олади. Аммо иссиғи йўк. Қор кўрпалари устида нурлари кумушдек ялтирайди. Бу мафтункор олам яна Куръон оятларини ёдга туширади. “Устиларингизда етти қават мустаҳкам осмонни бино қилдик. Ва доимо чарақлаб турувчи чирокни – куёшни пайдо қилдик”. Ҳа, биз офтобни булутлардан тепада ҳамиша чарақлаб туришига гувоҳ бўлиб турардик. Ҳозиргина устимизда хўмрайиб турган булутлар оёғимиз остида қолиб кетган эди. Улар хов, олис-олисларда бўй кўрсатаётган кўшни тоғлар қадар ястаниб, бамисоли чўли маликни эслатарди. Аммо бу чўли малик безовта эди. Ана, булутлар кўй подаларидек довонга кўтарила бошлади. Нақадар ажиб манзара. Булутнинг ҳаракатини ердан эмас, тепадан туриб кузатиш... Худди Яратган Эгам: “Йўл-йўлакай Менинг қудратимни улуғладиларинг, музламага рўбарў бўлганда, Мендангина нажот сўрадиларинг, нажот бердим, энди мана бу мўъжизаларни ҳам кўринглар”, дегандек бўларди.

Биз булутларнинг бизгача ўраб, етиб келишини сабрсизлик билан кута бошладик. Ҳа, ўзимизни бир бора булут ичида кўришни жудаям хоҳлардик. Ана уларнинг олди момиклари чувалиб, димоғимизга нам ҳаво урилди. Шу пайт бошқа бир мўъжиза рўй берди. Шундоқ тепамиздан, осмону фалақдан бир шамол тушиб келдики, шошиб ўзимизни қоя панасига олдик. Совуқдан қалтираб кетдик. Оёғимиз тагига келиб қолган булутлар ҳуркиб, оккушлардек гурра пастга қараб қанот қокди. Тўлғаниб, норози чайқалди. Унинг кўрпаси олис-олисларгача қимирлаб кетди. Кўм-кўк осмондан ўқтин-ўқтин тушиб келаётган кучли шамол булутларни довондан нари ўтказмас эди. Демак, улар ўз сувларини Қарши воҳасига тўкиши керак. Зарафшон воҳасига эмас. Аллоҳнинг амри шу! Совқотдик. Ўзимизни машина ичига олдик. Шунда ҳайдовчимиз Хусниддин шоирона лутф қилди:

– Бошқа сайёрага келиб қолмадикми?

– Қанақа “бошқа сайёра”, укам?! Ўзимизнинг сай-

ёра-ку бу! Кўрганмиз, фақат ибрат кўзи билан карамаганмиз! Аслида, ҳар қадамда мўъжиза, ўзимиз эътибор қилмаймиз, холос.

Довондан пастлаб, Зарафшон воҳаси томон тушиб бордик... олдинда Самарқанд...

## СИНОВ

*У*лар яна учрашдилар. Жиян хомуш ва парижон. Илгаригидек шашти йўк. Ранг-рўйи бир ахвол. Тоға нима гаплигидан хабардор. Синглиси йиглаб, кўнғирок қилган, бор гапни етказган эди.

– Ҳа жиян, бу дейман, кейинги кунларда ёмон тушлар кўрадиган бўб қопсан, тинчликми? – деди тоғаси унинг ахволига ачиниб.

– Шунақа бўлиб қолди, тоға... уйқуга ётдим дегунча мархум ўртоғим Ботиржон кўз олдимга келаверади. Яқинда оламдан ўтган эди. Йили ҳам бўлгани йўк. Ошқозондан кетди. Шу десангиз, меникиям санчадиган бўб қолди. Овқат есам, ботмаяпти.

– Бунақа нарсалар кўп ўйлашдан ҳам бўлади, – деди тоға далда бериб. – Ваҳима қилмаслик керак, бўлмаса, қаёқдаги йўк касалларга гирифтор бўлиб қолиш мумкин. Яхшиси икки калима Қуръон. Ўлганлар тириклардан шунигина кутади.

– Айтганингиздек қиялман, тоға, бўлмаяпти-да. Шу, ўртоғим мени олиб кетиб қолади-ёв.

– Кўй-е, бориб турган вос-вос бўб қопсан, – уришиб берди тоға. – Менга айт-чи, ўртоғинг қай ахволда кўринади кўзингга?

– Кафанда.

– Кафанда?

– Хайрлашгани кирганда кафанда кўрган эдим. Ўша ахволда кўринаверади кўзимга.

– Қўркувдингми?

– Йўғ-е, гўргаям ўзим кўйдим-ку, кўрқиб нима?

– Хайрлашгани кирганигда нимадир бўлган, ўша сени безовта қияпти.

– Кирганимизда ёши каттароқ бир одам юракни эзадиган гап қилгани эсимда. Бошқа ҳеч нарса бўлмаган, тоға.

– Нима деган эди, ўша одам? – хушёр тортди тоға?

– Ботиржон, – деди у худди тирик одамга гапиргандек маййитга қараб, – ўртоқларинг сен билан хайрлашгани киришди. Дўст эдиларинг, бир майизни тенг бўлиб ердиларинг. Мана энди қаторларингдан хато бўлдиларинг. Аллоҳнинг ўлими тириклар учун бир синов. Хотиржам бўл, сенинг дўстларинг ажойиб йигитлар. Орқангда қолаётган етимларингни бўзлатиб қўйишмайди. Худо хоҳласа, ўз фарзандларидек қанотларига олишади... деганга ўхшаган гаплар қилган эди, шу... Ўзи хайрлашув вақтида шунақа гаплар бўладими, тоға?

Тоға нима дейишини билмай, анчагача сукутга чўмиб қолди. Кейин бир тўхтамга келиб, деди:

– Умридан барака топсин, ўша одам яхши гаплар қилган экан. Жаноза ўқилгунча маййитнинг кулоғи очиқ бўлади. Сизлар қандай аниқ-тиник эшитган бўлсаларинг, ўртоғинг ҳам худди шундай эшитган. Хўш, қиссадан ҳисса, ўртоғингни бола-чақасига қарашиб турибсизларми?

– Ҳа, тоға, – деди жиян дадиллашиб, – бу йилги закотимни олиб бориб бердим.

– Шу билан бўлдими? – ҳайрон бўлди тоға.

– Ҳа, энди, закот ҳам анча-мунча эди-да, тоға...

– Қўй-е, – деб тоға жиянини силталаб ташлади, – закотни унгами-бунгами, ишқилиб, бир бечорага беришга мажбурсан. Лекин бу анови отахон айтган нарсанинг ўрнини боса олмайди, ҳеч қачон! Етимнинг бошини силаган одам мен билан жаннатда бирга бўлади, деганлар ҳазрати Пайғамбаримиз. Бориб, етимларнинг қайси бирини бошини силадинг, қанақа меҳроқибат кўрсатдинг? Отасининг ўртоқларини кўрса отасини кўргандек бўлади-ку, бола бечоралар. Шуми Аллоҳнинг синовидан ўтганларинг. Закотмиш-а, ҳе ўргилдим сендақа пулдорлардан...

Тоға жиянини аямади. Аччиқ-аччиқ гапларни ай-тиб ташлади.

Жиян тарсаки егандек тоғанинг уйидан чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтиб тоғага сим қоқди:

– Хавотир олманг, ҳаммаси сиз айтгандек бўляпти, уйкумни, ҳаловатимни топиб олдим, тоға...

### ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

*Т*акси ҳайдовчилар ўз пақкаларида мижоз кутиб, гурунг қилишарди. Боғбон боғидан, овчи овидан деганларидек, булар мижозларидан гаплашишарди.

– Яхшилариям кўп-у, жа сурбетлариям кўпда, – деди улардан бири, – шу десангиз, анови куни биттасини тупканинг тагига обориб кўйдим, денг. Ярим пулини бериб, безрайиб кетиб боряпти. Ҳов ака деганимча қол-а-а-а-вердим.

– Э, сиззики меникени олдида ҳолва экан. Туппа-тузук, савлатидан от хуркадиган биттаси нима дейди, денг: “Ҳов ука, кўпчиликнинг устидан яшагандан кейин бундоқ хайр-эхсон ҳам қилиб туриш керак”, деб эшикни қарс эттириб ёпиб тушиб кет-а-а-верди.

– Э, кеча қизик бўлди, – дея яна биттаси гапни илиб кетди, – мени ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ терговга чақириб қолишса бўладими. Нима гап деб борсам, терговчининг олдида битта хотин кўзёши қилиб ўтирибди. Маълум бўлишича, у менинг машинамда ҳамёнини тушириб қолдирганмиш. Минг долларча пули, яна сўмлари бўлган эмиш. Ҳайрон бўлганимдан, мен бу опани биринчи марта кўриб туришим, дедим. Бундоқ ишонадиган гап қилинг, ҳамма пассажирни эслаб бўларканми, деб дўқ қилди терговчи? Мен аёлларни машинамга камдан-кам оламан, булардан “пархезим” бор, дедим мен ҳам бўш келмай. Тонманг, мен сизнинг машинангизга чиққанман, ҳамёнимни ўша ерда туширганман, берасиз, деб турибди аёл. Кўрмадим деяпман-ку, нимага энди мендан кўряпсиз, таксичилар кўп-ку, десам, номерингизни эслаб

қолувдим, дейди. Тухмат қилиш учун эслаб қолдим денг, деб ачитдим мен? Йўқ, номерингиз чиройли экан, яхшиям эслаб қолганим, дейди у. Балки туширган бўлсангиз туширгандирсиз, машинага сиздан кейин чикқан одам илиб кетгандир. Шундай бўлгач, менда нима айб, дедим. Йўқ, мен сиззи ёнингизда ўтирган эдим, кўрмай иложингиз йўқ, дейди. Ана энди қўлга тушдингиз, деб ўзимни тутолмай кулиб юборибман. Терговчига қараб, бу хотин ғирт афирис-ку, нима қилиб лақиллаб ўтирибсиз, дедим. Мен ҳеч қачон аёл кишини ёнимга ўтказмайман. Буни ҳамма билди. Ишонмасангиз, ҳозир мени камаб кўйингда, бориб таксичи жўраларимдан, кўни-кўшниларимдан сўранг, дедим. Киракашликка хужжатингиз борми, деди терговчи. Хужжатимни кўрсатдим. Терговчи ҳеч нарса қила олмади, чиқазворди. Аёл оркамдан лўлилик қилганча қолди.

– Э, у аёл билан терговчининг тили бир, патентингиз бўлмаганда яхшилаб терингизни шилиб оларди, гап бу ёқда, – деб кулди шериклари.

Шу пайт бир ёш йигит уларга яқинлашди.

– Хизмат, ука, – деб таксичилар хушёр тортишди, – йўл бўлсин?

– Такси керакмас, – деди йигит, – мен манови акамни қидириб келовдим, деб ҳозиргина гап берган кишига сўрашиш учун қўл чўзди.

– Ана яна битта ҳамёнини йўқотган келди, – деб кулишди бошқалар.

– Мен сизни танимайроқ турибман, ука? – деб у йигитга бошдан-оёқ қаради.

– Бир йил олдин Роҳат кўлининг нариги ёғига фотиҳа тўйи олиб борган эдингиз. Пул берсам номигагина олиб, бу ёғи сенга тўёна, деб қайтиб берган эдингиз, эсладингизми?

– Э, ўртоқ студент, ўзларими? – деб у йигитнинг елкасига кадрдонлардек уриб қўйди. – Яна қандай шамоллар учирди? Келин бола яхшими?

– Ўғиллик бўлдик, ақиқага айтиб келдим, ўртоқларингиз билан боринг, кутаман, – деб йигит таклиф қоғози ташлаб кетди.

– Қойил, мижозларнинг мана бунақаси ҳам бўларкан-а, – деб йигитнинг орқасидан ҳавас билан қараб қолди таксичилар.

– Ҳа, энди қарс икки қўлдан-да, жўралар, дўстимиз куёвболани студент деб сийлаган экан, – деб биттаси гапни мухтасар қилди. Аслида бу суҳбатни мухтасар қилган нарса йигитнинг ҳусни-одоби эди.

### ЙИГИТ КИШИНИНГ “ҲИЖОБ”И

Ёш келин билан куёвнинг салда овозлари чиқиб қолди. Эрнинг баланд келишидан у жиловни бошиданок қўлга олмоқчига ўхшарди. Бу яхши! Эр оила бошлиғи, унинг айтгани айтган, дегани деган бўлиши керак. Гарчи хотин ўта доно бўлса ҳам. Шундагина эр пошшо-ю, хотин вазир, оила эса мустаҳкам бўлади. Аввалига “ғиж-биж”ни ота билан она эшитсалар ҳам эшитмаганга олиб юрдилар. Ахири бўлмади.

– Нима гап? – сўради ота ўғлидан, – нимагадир ҳалитдан овозинглар чиқиб қолди, болам.

– Келинингиздан сўранг? – деди ўғил ҳаммасига шу айбдор дегандек қилиб.

Қайнота келинига қаради:

– Нима бўлди, кизим, шу дейман, эр-хотин битта касални биздан астойдил яширмоқчи бўляпсизлар-у, аммо иситмаси ошкор қилиб қўйяпти-да, тинчликми?

– Ўғлингиз мени ҳижобга кир деяптилар, шу...– дея нафаси ичига тушиб кетди келинпошшанинг.

Орага жимлик чўкди. Ота ўғлининг нимага шундай деяётганини дарровда тушунди. Бунинг тақвога заррача ҳам алоқаси йўқ. Келини кўзга яқин, шунга. Ҳа, хотинини кизғаняпти. Ҳижоб билан уни ўзича ихоталамоқчи. Эр – хотиннинг кўрғони. Лекин...

– Тавба, – деди йигитнинг онаси, ҳайрон бўлиб,– уйимизда ҳижоблилар йўқ-ку, болам?

– Бўлмаса, энди бўлади-да, ойи, – дея жаҳл қилди ўғил нияти катъий эканлигини билдириб қўймоқчи бўлиб. Ойисининг келини тараф бўлаётгани унга ёкмади.

– Сиз хохламаяпсиз, шундайми, қизим? – сўради қайнота келинидан.

– Фақат, шу... – деб келинпошша иккиланиб турди-да, кейин аччиқ бўлса ҳам бор гапни айтиб қўяқолди, – олдин ўзлари “ҳижоб”га кирвосинлар...

– Ҳе, эсинг жойидами, эркак киши ҳам ҳижобга кирадими, ҳеч маҳалда, – деб хотинининг устидан кулган бўлди эр.

Ота келинига “баракалла” дегандек қараб қўйди. Ахир, келини қайнотасининг дилидаги гапни айтган эди-да.

– Сиз қизим, бориб ишларингизни қилаверинг, – деб келинига жавоб бериб юборди ота.

Ўғил ҳайрон. Ахир отаси нимага ўғлининг ёнини олиб, келинига бундоқ насиҳат қилиб қўймадилар? Чиқарворганлари сеники маъқул деганларими?

– Худога шукур, – деди ота кампирига қараб, – келинга ёлчибмиз, янглишмапмиз, онаси, фаҳм-фаросати жойида. Тенгқурларидан бир калла баланд бўлса бандки, паст эмас.

Шундан кейин ота томоқ қириб, ўғлини “сизлаб” эзишга ўтди:

– Олдин ўғлим, ҳижоб нималигини билиб олинг. У хотинларни қамаб қўядиган қафас эмас. У, аввало, ибодат. Бугун кийиб, эртага ечиб қўядиган кийимам эмас. – Энг олдин, – деб кўкрагига уриб қўйди ота, – одамнинг мана бу ери ҳижобга кириши керак.

– Ҳижобни Худо аёлларга фарз қилган экан-у, – деди ўғил ўзича билармон бўлиб.

– Ҳа, баракалла, – деди ота киноя билан, – Худо бандаларига маст қилувчи нарсалардан ҳам қайтишни фарз қилган. Худо энглар-ичинглар, исроф қилманглар, деган. Сигарет, нос деганлари ҳам кони за-

рар, исроф. Ҳали битта ишнинг бошини тутганингиз йўқ. Эсиз, умр ўтиб боряпти, буям исроф! Бундок дўппини ерга олиб ўйлаб кўринг-чи, ўзлари Худонинг қайси фарзларига амал қиляптиларки, келиндан хафа бўладилар? Эр оиланинг карвонбошиси, олдин йўлни сиз бошлайсиз, кейин хотинингиз, болачақангиз. Сиззи ишингиз ўзи киссавурлик қилиб туриб, бошқага киссавурлик қилма, деб ақл ўрғатаётган одамга ўхшайди. Жудаям кулгилик-а, бу? Билиб кўйинг, одамнинг иймони суст бўлса, унинг сўзи ҳам суст бўлади, ҳеч қачон пичоғи кесмайди. Охиरोқибат ўзини абгор, атрофидагиларни безор қилади. Хотинингиз, ҳижобга кириб олсинлар, деганда шуларни назарда тутди. Сиз бўлса, уни устидан кулиб ўтирибсиз. Билиб кўйинг, ибодатсиз юриш, ичиш, чекиш, қимор, оғиздан беларда сўзларнинг чиқиши, буларнинг бари эркак кишининг аврати ҳисобланади. Олдин уларни йўкотинг. Фарз амалларига олдин ўзингиз амал қилинг. Ана ундан кейин келинпошшадан хафа бўлинг. Олдин ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, дейишган ота-боболаримиз.

Ўғил ўйланиб қолди. Шунга ўхшаган гаплар илгари ҳам бўларди. Лекин у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетарди. Аммо бу галгиси... Нақ юрагини ўртаб юборди. Ишқилиб, юракка жо бўлгани рост бўлсин!..

## СОҒИНЧ

Ҳодиржон ҳарбий хизматдан қайтар эди. Аммо уни кўрган одам унақа деб ўйламасди. Кийимини алмаштириб олган эди-да. Бошқалардан ажраб кўринмаслик учун атайлаб шундай қилди. Шунгами, купедаги ҳамхоналари ҳам у билан ишлари бўлмади. Тижоратчи йигитлар экан, савдо-сотик ҳақидаги гапларини мириқиб эшитди. Улар бир масалада узоқ тортишишди. Биров-бировдан анча олдин қарз олган экан. Энди қайтарадиган бўлиб қолибди. Ўша пайтда ўша

пулга шаҳардан бир хонали уй сотиб олса бўлар экан. Қарз олган одам бугунги доллар баҳосида тўламоқчи бўлаётганмиш. Буям нотўғримиш. “Кўки”нинг кадри тушиб кетганмиш. Хуллас, бир тўхтамга кела олмагач, шаръий ҳукми кидириб қолишди. Қўл телефонлари ишга тушди. Охири сўраб-суриштириб, зарур одамни топгандек бўлишди. Маълум бўлишича, эски қарз бўлса ҳозирги қўй гўштининг нархида тўласа мақсадга мувофиқ бўлармиш. Бунақа гапларни Қодиржон соғиниб қолган экан, маза қилди ўзиям. Унга ёққани йигитларнинг ҳалол, пок, тўғри йўлни эринмай, астойдил кидирганлари бўлди. Йигитлар йўлда тушиб қолишди. Манзилга бир бекат қолганда купега “аскар йигитга саломлар бўлсин”, деб бир одам кириб келди ва у билан кучоқ очиб кўришди.

– Ҳайрон бўлманг, – деди у шошиб, – вагон оғасидан сўраб, билдим, кейинги бекатда тушар экансиз, қайга борасиз, ука?

Қодиржон борар жойини айтди-ю, ҳайрон бўлиб унга қаради.

У бўлса ишчанлик билан бўш ўриндиққа чўкдида, қўл телефонида рақамларни тера кетди. “Эшит-япсанми, жўра, тўртинчи вагон” деб кимнингдир исм-шарифини айтди. Яна кўнғирок устига кўнғирок қилиб, бошқа-бошқа вагонлардаги йўловчиларнинг номларини кимларгадир етказди. Кейин хотиржам бўлиб:

– Ана шунақа ука, хизматингизда бўламиз энди, – деб қўйди.

– Гапингизга тушунмадим, ака, – деди Қодиржон.

– Э, ука, – деди у кулиб, – у ёғини сўрасангиз киракашлармиз, сабаби тирикчилик. Поездга икки бекат беридан чиқволиб, йўловчи ахтарамиз. Ахир вагондан тушмасингиздан “фалончи ака ёки опа машинага марҳамат”, деб турса, буни нимаси ёмон?! Буюртмани вагондаёқ оламиз. Ҳожатингларни чиқарсак ёмонми?

Қодиржон ўзига хос бу тадбиркорликдан қувонди.

Нималарни ўйлаб топишмайди бизнинг меҳмондўст одамлар, қойил, деб қўйди ичида! Лекин киракашнинг хафсаласини пир қилиб, деди:

– Мен автобусда кетаман ака, овора бўманг.

– Э, хазилни қўйинг, ўзим обориб қўяман қишлоғингизга...

Бу ўртада поезд ҳам бекатга етиб келди. Аммо Қодиржон автобусда кетиш ниятидан қайтмади. Бекатга бориб, тезюрар автобусга ўтирди. Янги, чиройли “Мерседес” экан. Ўтирди-ю, бояги одамни эслаб, юраги ачишди. Ноумид қилганидан хижолат бўлди. Бирок йўловчиларнинг гап-сўзлари, пайровли қочиришлар уни яна ўзига ром этди. Одамларимиз қанчалар содда, дилкаш, одамохун. Ҳатто йиғлаяптими, куляптими билмай ҳам қоласан. Бу эркинлик, бу кенгликлардан унинг ҳарбий интизомга ўрганиб қолган жони-жаҳони ҳам кенгайиб борарди. Яйрагандан яйрарди... Енгил машинада кетганда бу роҳатни туярмиди, туймасди.

У қишлоғи рўпарасида автобусдан тушиб қолди. Шу пайт машина сигнал берди. Бундоқ қараса, қопқора чиройли “Нексия”дан ҳалиги одам тиржайиб қараб турибди. Худди мушук-сичқон ўйнагандек.

– Ие, бу ёқларда нима қилиб юрибсиз, ака? – хайрон бўлди Қодиржон.

– Ахир сиз мени мижозимсиз, ташлаб қаққаям борардим, Худо деб, орқангиздан келяпман, – дея шарақлаб кулди у.

Оббо, киракашлар шунчалик сур бўларканда. Боя унга ачиновди. Ачинишга арзимас экан бу одам. Тиланчига ўхшайди-я. У ёғингдан ҳайдасанг, бу ёғингдан келади. Тавба, шундан-шунга бензин сарфлаб келгани-чи. Эси жойидами?

– Тушунсангиз-чи, ака, пиёда кетмоқчиман, далаларни соғинганман. Бир пиёда юриб маза қилай. Автобусда келганим пулим йўқлигиданмас, одамларимизни соғинганимдан, ораларида бўлай, дийдорларига тўйай деганимдан. Пулингизни берай-да, орқангизга қайтинг, ака...

– Э-э-э... – деганича киракаш бир муддат хайратланиб қараб турди. Кейин:

– Танаси бошка дард билмас, дейдилар буни, ука, мени кечиринг, – деди-ю, Қодиржон узатган пулга ҳам қарамай, машинани шартга буриб, жўнаворди.

Қодиржон: “Э, тўхтанг, ака”, деганича қолаверди. Эссиз... тушунадиган одам экан-у, дардимни бошидаёк айтмайманми? Аслида Қодиржон шунақа феълли юртдошларини ҳам соғинган эди...

## ТУНГИ ТАШРИФ

Онаизор кексайиб, ҳатто ўринларидан туролмай ҳам қолдилар. Дард – қарилик эди. Бунақа пайтда умр деган нарса орқага кетса кетадики, ҳеч қачон олдинга босмайди. Ҳа, хонадон устида қазойи муаллақ канотларини кенг ёзиб турарди. Лекин жон эгаси Аллоҳдан амр йўқ. У қачон бўлади, Ўзигина билади.

– Эй, Яратган Эгам, – деб тавалло қилади ўғил, пинҳона йиғлаб, – барчамиз Ўзингданмиз, Ўзингга қайтамиз, волидамни Ўзингга каффарот қилдим, жонларини оғритмай, омонатингни осонгина ол. Мен онам учун нима ҳам қилибман... шундай бўлса-да, у кишидан мингдан-минг розиман. Узоқ термилтириб кўйма...

Ўғил хофизи Қуръон. Бундай дақиқ ҳолатларни яхши тушунади.

У ҳар куни хуфтон намозидан кейин Онаизор хузурига киради. Қуръон тиловат қилади. Бу она ва бола учун азалий одат, севимли машғулот. Онаизор жигарбанди нафасидан учган Аллоҳнинг сўзларини эриб-эриб эшитади. Сел бўлиб эшитади. Берган сутларига, гўдаклигида айтган аллаларига рози бўлиб эшитади. Ҳофиз ўғил ҳам булбулигўё бўлиб кетади. Ахир Аллоҳнинг каломини ким учун ўқияпти? Қуръони Каримга муҳаббат уйғотган, отадан кейин бирдан-бир суянчиқ бўлиб қолган Онаизор учун ўқияпти. Гўё ўғил

бу дунёга шунинг учун келган-у, Онаизор Куръон эшитиш учун келган. Бундай пайтларда она-бола учун вақтнинг ҳам, фурсатнинг ҳам аҳамияти қолмайди. Она-бола бамисоли Арши аълода учиб юрадилар. Аммо кутилмаганда она ўғлини тўхтатади-да, дейди:

– Бўлди, етар болам, чарчадим. Энди ухлайман...

Бу вақтда Онаизор чарчамаган бўладилар. Қайда, Куръон эшитиб ҳам одам чарчар эканми? Уйкумиш-а? Уйқудан ўзлари безор-ку. Бундай пайтда Онаизор ўзинимас, ўғлини ўйлайдилар. Дамини олсин, катта рўзгор, жўжабирдек жон. Ёшларга озгина ором ҳам мадор, куч-қувват бағишлайди...

Шундай кунларнинг бирида ҳукми қазо ижро бўлди. Онаизорга Саййидул айём, жума кунидан буюрди. Вақти-соати етгач, бу кунда Аллоҳнинг ҳузурига қайтишни қанчадан-қанча мўмин ва мўминалар орзу қиладилар. Кимларга буюради, кимларга йўқ. Мусулмон оламида бу куннинг таърифи улуғ. Аллоҳ таола курраи заминни, Одам алайҳиссаломни жума кунда яратган, қиёмат ҳам жума кунда воқеъ бўлади, жаннатга ҳам шу кун кирилади, деган ривоятлар бор. “Жумадан буюрибди, жаннати экан”, деган гаплар юради одамлар орасида. Ҳа, бу кун Онаизорга муборақ, орқаларида қолганларга бир таскин бўлди.

Кеч кирди. Келувчиларнинг оёғи тортилди. Ўғил хуфтон намозини ўқигач, одатдагидек беихтиёр қадрдон хонага кириб борди. Кирди-ю, ўзини тута олмай қолди. Онажонисидан айрилиб қолгани энди билинди. Маййитни тезроқ тупроққа топшириш, жаноза, келди-кетдилар – буларнинг бари ўғилни чалғитиб, турган экан-да. Юраги бирданига ҳувиллаб қолганини ҳис қилди. Хона ҳам ғариб, мунғайган кўринарди. Кечагина ҳаммани ўзига талпинтирган нур, харорат, жозиба йўқ. Уй бурчаклари, дераза кўзлари ожиз мўлтирайди. Неча йилларки бизларга оро берган, ўзи ҳам бағримизда ороланган, кайвоний бека қани? Ҳа, қани, Куръон ошиғи, жигарбанди, хофизи

Қуръонни имтиҳон қиладиган валломат? Хонада мушк, қалампирмунчоқ исларига қоришиқ ёқимли бўй кезинар, искаланиб, кадрдон эгасини у ҳам ахтарган бўларди гўё. Ҳа, бу хона кўп воқеаларга гувоҳ. Фарзанд учун азиз ва мўътабар. Бир вақтлар Онаизор шу хонага қамалиб олиб, уч кун йиғлаган эдилар. Она кўзёшларининг дарё бўлишига ўғил сабабчи эди. Онаизор шундай деб ўксир эдилар: “Авлоди, аждодларимиз ҳофизи Қуръон силсиласини бир умр энг оғир кунларда ҳам узмай келдилар-ку, сенга келганда узилиб қолдимми, болам? Занжир бир узилгандан кейин уни улаб бўларканми? Қайси гуноҳларимизга шундай бўлади? Эртага мен Худонинг олдида нима деб жавоб бераман? Сен шайтон васвасасига учма. Аллоҳнинг дини ҳеч қачон ўлмайдди. Ҳали Худо хоҳласа, шундай замонлар келадики... Оҳ дейсан, онам тўғри айтган эканлар, дейсан, афсус қиласан, унда кеч бўлади, болам. Мени рози қиламан десанг, Қуръонни кўтар...”

У пайтлар шўролар замони эди. Ёшларни диндан ихота қилувчи ҳамма чоралар кўрилган замонлар эди. Ўғил бўлса, ўз тенг-тўшлари қатори ҳой-ҳаваслар таъсирида эди. Охири Онаизор йиғлаб-йиғлаб ўзларидан кета бошладилар. Туз тотмай қўйдилар. У кишига бу дунёнинг қизиғи қолмади. Ўғил билдики, бу оналарда бўладиган “мени ўғлим ҳофизи Қуръон”, деган шунчаки орзу-ҳавас эмас, балки Аллоҳ олдидаги қарз. Фарзанд кўрқиб кетди. Итоат туйғуси жунбишга келди. Онанинг кўзёшлари нафақат кўзини, қалбини ҳам очди. “Бўлди онажон, йиғламанг, мен эси йўқ ўғлингизни кечиринг, бунчалик эканини билмаган эканман. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, Худо хоҳласа, бўлсам ҳофизи Қуръон бўламан, бўлолмасам Қуръонни қўлимдан қўймай, бир умр сизга ўқиб бериб юраман”, деган эди. Онаизор ўғли таҳсил олаётган хонадонга борар, дуо қилар, кир-чир, кўрпатўшакларини ювар, ўз қўли билан таомлар қилиб, едириб, ичириб, хуморидан чиқиб қайтар эдилар.

Онанинг ўшанда тўккан аччиқ кўзёшлари, ниҳоят се-винч ёшларига айланди. Оҳ, ўғлининг оғзидан ўтгиз пора Қуръонни эшитиб, дунёларга сиғмай қолганлари. Ахир фарзанди она орзу қилган олтин силсилага бир ҳалқа бўлиб кўшилади-ю, қувонмайдими? Яна қандай замонда, “Дин афюндир”, деб найзасини ўқталиб турган замонда-я? Ота пошшо, она вазир деганлари шу экан-да.

Ўғил хонадаги ҳар куни ўтирадиган ўрнига чўкди. Қуръон бошламоқчи бўлди. Лекин тили айланмади. Овози чиқмади. Гиппа бўғилди. Хонага сиғмай қолди. Ҳовлига чиқди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бир томони издаҳом кутиб чарчашган. Ўғилнинг хаёлига бир ўй келди-ю, дили равшан тортди. Машинасига ўтирди-ю, қабристонга қараб кетди.

Қабристон кундуз кунлари ҳам гўё тун сукунатида бўлади. Тунда-чи? Ярим кечада-чи?! Воҳ... сукунатдан кулоқ пардалари ёрилай дейди. Дунёдаги жамики сокинлик шу ерга камалиб қолгандек. Бўлмаса, тириклигида дунёни зир титратган неча минглаб одамлар ётибди бу ерда. На жой ташвиши, на бойлик, на амал? Марҳумлар сукут сақлаб, фақат бир нарса-ни кутишади. У ҳам бўлса, қиёмат кунини. Муроду мақсадлари шу. Жимликнинг ўзи бир савол? Қиёмат қачон бўлади? Бугунми, эртагами? Буни фақат Яратган Эгам билади. Шунинг учун ҳам ўғил астагина:

– Ассалому алайкум, эй, аҳли қабристон, қиёмат яқин, қиёмат яқин, қиёмат яқин, бардам бўлинглар, – деб қабристон одобини ўрнига қўйди.

У Онаизор қабри тепасига бориб ҳам салом берди. Бош томонларига чўкиб, қабр тупроғига оҳиста қўлини қўйди. Худди аҳволингиз яхшими онажон, дегандек. Ажабо, тупроқ илиқ, ёқимли, мулойим. Офтоб заминга бунчалар тафт берадиган кунлар ҳали олдинда. Баҳор шамоллари эсиб қолгани билан куртаклар кўз очмаган, кечалар аёзли. У ҳис қилаётган бу ҳарорат Онаизорнинг меҳри, фарзандининг ташрифи-га жавоби эди, гўё.

Ўғил Куръон бошлаб юборди. Тили бурро, овозлари... на бўғилди, на юраги сиқилди. Аллоҳнинг каломи қабристон узра қанотларини кенг ёйиб юборди. Вахима-ю, сукунатлар қайгадир чекинди. Инсон овозининг ўзи бир мўъжиза. У янграган ўлик жойда ҳам ҳаёт жонлангандек бўлади. Ўғилнинг қалби бирдан хотиржам, таскин топди. Донолар бекорга айтмаганлар, сиқилсанг ҳам, ошиб-тошиб кетсанг ҳам қабристонни зиёрат қил, деб. Ҳа, бу ер энг яхши шифохона. Барчанинг қайтар жойи, ором уйи бу... Онаизор ҳам ёруғ дунё ташвишларидан қутулиб, абадий уйкуда ётибдилар. Ўғил ана шуларни қалбдан хис қилиб турарди. У дуо ўқиб, аста ўрnidан турди ва хотиржам дарвоза томон юрди...

### БАЛАНД ТЕПАЛИКДАГИ ЁРУҒЛИК

Анваржоннинг бир армони бор эди. Армонки ҳеч ушалмайдиган... Бу армон раҳматли отаси билан боғлиқ. Албатта, у отаси ҳаётлик пайтларида кўнгил қолдирадиган бирон иш қилгани йўқ. Асло! Қайтага отасининг сўнгги нафасигача ёнида бўлди. Парваришлаб, дуосини олди. Лекин гап отаси ҳақида эди. Отаси қирк йил муаллимлик қилди. Невараси тенги болаларга сизлаб мурожаат қиларди. Ичмади, чекмади. Овозини баландлатмади. Тарбиячи тарбияли бўлиши керак, мен биттаман, кузатувчим мингта дер, эди. Шундоқ мўмин, мусулмон одам эди. Бироқ пешона саждага тегмаган эди. Шўролар даврида бунинг иложи йўқ эди. Лекин у кишини тупроққа қўйгандан кейин гўрков сўради:

– Халойиқ, муаллим қанақа одам эдилар?

– Худо раҳмат қилсин, устоз жаннати одам эдилар, – деган жавоблар бўлди.

Улар бу гапни шунчаки айтмадилар. Чин дилдан айтдилар. Чунки саводлари шу кишининг қўлида чиққан эди.

Анваржон “Жаннати эдилар”, деган сўзнинг кушойиш бўлишини жуда-жуда хоҳлар эди. Беш вақт намозларида Яратганга илтижо қилиб, падари бузрукворини мағфират қилишини сўрарди. У отасини жудаям яхши кўрарди. Ўзи ҳам отасидек муаллим эди. Отасидан фарқи мустакил юрт болаларини ўқитар эди. Хурлик, эркинликнинг шукронасига ўттиз пора Қуръонни ёд олди. У Қуръонни Аллоҳнинг каломи учун бир вақтлар отилганлар, сургун қилинганлар, мусулмон бўла туриб, мусулмончиликдан беҳабар ўтиб кетганлар ҳақи учун ҳам ёд олди. Хулқини Қуръон билан чиройли қилишни ўйлади. Қолаверса, ҳазрати Пайғамбаримизнинг ҳофизи Қуръонларнинг ота-онасига жаннатда тож кийдирилиши ҳақидаги ҳадисларини ўқигандан кейин юрагидаги армонларига даво топгандек бўлди.

Лекин Анваржоннинг дили барибир ёришмас эди. Уни тез-тез такрорланиб турадиган бир туш қийнарди. Тушида узун йўлу отаси раҳматли нуқул шу йўлдан бориб, баланд тепаликка кўтарилмокчи бўладилар. Аммо энди чиқдим деганда куч ва мадорлари қуриб, пастга тушиб кетардилар. Анваржон тушни ўзича таъбир қилар, бу адоқсиз йўл қанақа йўллигини, тепалик қанақа тепалик эканини тушунар, баттар эзиларди. Ривоят қилишларича, банданинг жони узилгандан кейин унинг руҳини фаришталар қафтларига олиб осмонга кўтарар эканлар. Биринчи осмондаёқ руҳнинг тақдири ҳал бўлар экан. Жаннати бўлса, осмон эшиги очилар экан, бўлмаса, охиратгача ер бетида соядек судралиб юрар экан. Анваржон отасини ана шундай еру осмон орасида овораю-сарсон кўрарди. Кечалари уйғониб кетиб, Яратганга ёлборар эди: “Эй, марҳаматли Эгам, отам раҳматли бир умр юрт болаларини ўқитдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам урушда аср тушган мушрикларни мусулмонларнинг болаларига битта ҳарф ўргатса ҳам афв этиб, қўйиб юборган эканлар. Отамни ҳам шу важдан гуноҳларидан ўт!”

Анваржон яна туш кўрди. Ўша аҳвол. Отажониси тепаликка кўтариляптилар. Бу сафар жидду жаҳд билан қадамлар эдилар. Бу охиргиси, шу сафар ҳам чиқа олмасам, бас, тақдиримга тан бераман, деган бир кайфият бор эди юз-кўзларида. Чиқиш машаққат эди. Тепалик борган сари тиккаланаётганга ўхшарди. Ота энди кўллари билан тирмаша бошлади. Ҳолдан тойди. Ахийри бўлмади. Қанчалик азоб билан кўтарилган бўлсалар, шунчалик азоб билан пастга тушиб кета бошладилар. Шу пайт тепалик устида бир нарса “ярк” этиб кетди. Унинг нури борлиқни ёритиб юборди. Ота оркасига қаради. Ёруғлик ичидан бир дунё бола чопқиллаб чиқди. Улар гурра пастга тушдилар-у, муаллимнинг икки кўлидан ушлаб, тепаликка олиб чиқиб кетдилар...

Анваржон Аллоҳга ҳамд айтиб, бу кутлуғ туш суюнчисига ёр-дўстларига дастурхон ёзди. Биз ҳам унда иштирок этдик...

## ХИЁНАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Беморни хотинининг шашқатор кўзёшлари ҳам, “адажониси кўзингизни очинг”, деб зорланишлари ҳам ўзига келтира олмади. Фақат:

– Операцияга тайёрланглар, хиёнатчининг жазоси шу, – деган ҳукмдан гўё чўчиб уйғонгандек бўлди. Кўзини очиб ўзини қаерда ётганини фаҳмлади. Тепа-сида хотини йиғлаб ўтирарди. Атрофида осма дорилар...

– Нима бўлди? – дея хотинига қаради у.

– Ишхонада ўзингиздан кетиб қопсиз, – пиқиллади хотини.

– Юракми?

– Йўқ, – деди хотини шоша-пиша, – юрагингиз яхши экан, ошқозон дейишяпти. Хотини эрининг қон қусганини айтмади.

– Ҳозирги одам ким эди?

– Хирург...

– Нимага унақа деди?

– Қайдам, ҳазилкашроқ шекилли.

У кўзини юмиб олди. Тавба, ҳазил ҳам шунақа беъ-мани бўладими? Йўқ, бу ҳазил эмас. Ўлим билан оли-шиб ётган одамга бунақа ҳазил қилмайдилар. Дўхтир ё биров билан адаштирди ё қачондир, қаердадир бемор қовун тушурган. Ҳа, кимгадир хиёнат қилган. Дўхтир шуни билади. У дардини ҳам унутиб кўйди. Қараб туриб хиёнатчига чиқиб қолиш, ақлга сиғмайди-да. Яна шу жарроҳ унинг қорнини ёрадими? Шу гапдан кейин-а? У шу кунийёк оёққа туриб кетди. Эртасига сигарет чекиш баҳонасида йўлакка чиқиб, жарроҳ жанобларига рўбарў ҳам бўлди. Қолган-қутган захри бўлса сочиб олаколсин деди. Қайда, жарроҳ унга эъ-тибор ҳам қилмади.

Охири, тигга рўпара бўлишдан олдин у жарроҳ-нинг олдига кирди.

– Сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

– Марҳамат...

– Лекин касалимга алоқаси йўқ-да.

Дўхтир ҳушёр тортиб, “гапираверинг” дегандек унга каради.

– Сиз мени келган куним хиёнатчига чиқардингиз, нимага унақа дедингиз?

– Ҳа, гап бу ёқда денг, – деб жарроҳ бир тўлғаниб олди, – ахир ўғрини – ўғри, қароқчини – қароқчи, хиё-наткорни – хиёнаткор дейдилар-да, нима, жаҳлингиз чиқдимми?

– Кимга хиёнат қилибман, билсам бўладими?

– Кимга бўларди, сиз билан мени йўқдан бор қилган Худога-да.

– Э, бу нима деганингиз?

– Худо сизга ошқозонни бўкиб ичгин, бўкиб егин деб бермаган шекилли. Ўпкани сигарет тутуни билан чиритгин демагандир. Мен бир кассобман. Ёраман-да, Худога хиёнат қилган жойингизни шартга-шартга

кесиб ташлайвераман. Ахир бу увол-ку. Бутун дунё олимлари бир бўлиб битта ошқозон яратиша олмайди-ку. Сиз бўлса, эсиз... Мана энди ошқозонингизни ярмини олиб ташлайман. Бу омонатга хиёнат эмасми. Қиёматда “Мен сенга бутун ошқозон беровдим, ўша кани”, деса нима деб жавоб берасиз, оғайни?

Бемор бу гаплардан таъсирланиб туриб қолди. Жарроҳ ҳақ. У хиёнаткор. Яна кимнинг олди-да?! Беихтиёр чўнтагидаги сигаретни қутиси билан майдалаётганини сезиб қолди. Шундай эзфиладики, хонани тамакининг ҳиди тутиб кетди. Гўё ҳамма аламларини шундан олди. Жарроҳлик столига ётмади. Уйига қайтди. Дўхтир “қайсарлик қилманг, бу дард билан узокқа бормайсиз, кеч қолдингиз”, деди. Тавбани эрта-кечи йўқ деб, Аллоҳга чин дилдан қурбат қилди. Дарди ўз-ўзидан ариди. Аммо унинг кўзини очган жарроҳга тез-тез учраб, миннатдорчилик билдириб юрди. Навбатдаги келишида уни топа олмади. Беморини ўлади деган одам ўзи бандачиликни бажо келтирибди, бояқиш. Энди ҳар куни тавба эшигини кўрсатган жарроҳга бир калима Қуръон ўқиб дуо юборади. Ўрни келиб қолса, бу ажойиб жарроҳ ҳақида давраларда гапириб юради.

## КЎЧАДА – ШАЙТОН!

*(Биринчи ҳикоя)*

Қаюмжон жума намозига шошарди. Рўпарасидан бир одам унга қараб кулиб келаверди. Ким бўлди экан, деб эслашга уринди-ю, эслай олмади. Бу орада ҳалиги одам келиб:

– Раҳимжон, бормисиз кадрдон, – деб кучоқ очди. Қаюмжон кўришар экан, ҳойнаҳой биров билан адаштиради-ёв, деб ўйлади ва:

– Камина Раҳимжонмас, Қаюмжонман, – деди.

– Вах, – деди у кўзлари ағдарилиб, – хазиллашманг.

Қаюмжон елка қисди. Ҳазиллашиб унга нима. Қолаверса, ҳаётда бунақа воқеалар бўлиб туради-ку.

– Худонинг қудратини каранг, – деди нота-ниш одам ҳамон хайратини яшира олмай, – қизим-нинг қўшниси Раҳимжонга бир томчи сувдек ўхшар-кансиз-а. Худо мушкулимни осон қилди, деб бир ди-лим ёришган эди...

– Тинчликми, балки Раҳимжон бўлмаса Қаюм-жоннинг ёрдами тегиб қолар, – деди Қаюмжон кўри-нишдан қишлоқ табиатли, соддадил одамга меҳри жўшиб.

– Э, ўлманг, шу десангиз невараларимни кўргани қишлоқдан келсам, улар бизникига жўнаворишибди, денг. Эшик тақа-тақ қулф.

– Ана, холос, йўлга чиқишдан олдин хабарлашмаб-сизлар-да, – астойдил ачинди Қаюмжон.

– Ҳай майли, ўзингиз қайси ёқдансиз, ҳартугул ша-харликка ўхшамайсиз? Балки ҳамқишлоқ чиқиб қолар-миз. Мен Сирдарё ёқдан...

– Водийданман, – деди Қаюмжон, – ўқишга ке-либ, қолиб кетганман.

– Водийнинг қаеридан?

– Анжандан, – деди Қаюмжон ва жумага кеч қол-маяпманми деган ҳадикда соатига қараб қўйди.

– Шархонда менинг хожи биродарларим бор. Ал-лоҳнинг уйи Маккатиллода танишганмиз, борди-кел-димиз бор, – деди у.

Бу гапни эшитгандан кейин Қаюмжоннинг у киши-га меҳри яна-да тобланиб кетди. Ҳожи экан-а! Шун-дан кейин астойдил бўлиб сўради:

– Мушкулингиз нимади ўзи, тортинмай айтаве-ринг, кўлдан келса...

– Э, ҳаммасига ўғлим сабабчи... Аслида гап ўғлим-даяммас, куёвимда. У кишим учига чиққан олифталар. Бизнинг қишлоқи, рўдапо кийимлардан ор қиладилар. Шунга ўғлим йўлга отланиб қўйган жойимда орқамга қайтариб, қўярда-қўймай ўзининг манови костюм-

шимларини кийдирди, денг, – деб ўтиришмайгина турган уст-бошига ишора қилди.

Қаюмжон кулиб қўйди. Шундок меҳрибон ўғилдан хурсанд ҳам бўлди.

– Шу десангиз, ўғлим мени кўча бошида тушириб, шошилинич иши бор эди, водийга қараб кетди. Опам-никига қайтишда кирарман, деди. Ҳамма мушкуллик невараларга ширинлик олволай деб дўконга кирганда юз берди. Ўз ахволимдан роса кулибман, десангиз. Ҳа, ўл дейдиган одам йўқ. Кийимни алмаштирганда пулу хужжатларим анови жамокоримда қол-а-а-а-верибди, денг.

– Ие, ростдан ҳам қизиқ иш бўбти-ку, – деди Қаюмжон ва у кишининг бошига тушган мушкулотни энди англаб етди. Беихтиёр чўнтагини пайпаслаб қўйди. Ёнида пули бор эди. Лекин уйда хотини касал ётибди. Жумадан чиқиб, дори олиши керак. Бу пул ҳам дори-дармонга етадим, йўқми Худо биледи. Ке, жума кунида шу одамнинг ҳожатини чиқарай, бу ёғига Худо бир йўл кўрсатар. Буни устига хожи эканлар...

– Сизни Раҳимжонга ўхшатиб, севиниб кетганим ҳам шундан эди-да, меҳрибон, у ёғини тушуниб етдингиз шекилли, – деб чўнтагидан қаламдек бир нарсани чиқарди-да, – келинг, сизни бир хушбўй қилиб кўяй, бу мушк Маккатиллоники, энг зўридан, – деди.

Шу пайт Қаюмжоннинг миясига бир нарса гуп этиб урди. “Бу одам хожи бўлса, ҳалидан-бери Маккатиллонинг муборак номини икки марта тилга олган бўлса, нимага жума намозининг ташвишини қилмаяпти? Шаҳарга жума ўқигани, ҳатто Сирдарё, Тўйтепа, Чирчиқ томонлардан ҳам келишади-ку. Бу киши ҳалидан-бери бир нималар деб алжираб ётибди. Жума ибодати олдида бу гаплар арзимас нарса-ку. У рўпарасида турган одамга каттиқ тикилди. У бўлса Қаюмжоннинг қарашига дош бера олмади. Нимагадир кўзини олиб кочди. Талмовсиради. Шунда Қаюмжон

бу одамнинг гап-сўзлари ҳам, устидаги кийим-кечаги ҳам омонатлигини пайкаб қолди. Кўнглидан бу иблис кўринишидаги одам, ёки одам кўринишидаги иблис, деган ўй ўтди-да, кўл силтаб, кета бошлади... Лекин кўнгли бўлмади. Аллоҳ мени синаётган бўлса-чи? Ҳеч бўлмаса кўлига озроқ пул берай, уйига етиб олсин, деб орқасига қаради. Қаради-ю, кўрқиб кетди. Ҳалиги одам ерга кирдими, осмонга чиқдими, ишқилиб, турган жойида йўқ эди...

Ҳа, шайтони лаин ибодатли одамнинг душмани, қандай қилиб бўлса ҳам чалғитсам, йўлдан урсам дейди-да, сал бўлмаса Қаюмжон жумадан кеч қолай деди...

## ШАЙТОН ТУЗОҒИ

*(Иккинчи ҳикоя)*

Сирожиддин машинасида навбатдаги мижозни манзилига элтиб, маҳалла кўчаларидан қайтар эди. Кўнглининг бир чеккасида йўловчи чиқиб қолмасмикан, деган илинж ҳам йўқ эмас эди. Чиройли қурилган, шинам уйнинг олдида бир йигит уни тўхтатди.

– Ассалому алайкум, бўшмисиз, ака?

Сирожиддин алик олиб, бўшман дегандек бош ирғади. Хаёлидан кийиниши ҳам, одоби ҳам уйига ўхшаган чиройли экан, деган ўй кечди. Йигит машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб, борадиган манзилини айтди. Мижознинг орқа ўриндикқа ўтириши, йўлдан бошқа одам олманг, дегани бўлади. Йўлкирани ҳам шунга қараб тўлайди. Қийишмайди. Йигит ўтиргандан кўл телефонида бўшамади. Нукул олди-сотти, қирим-чиқим дегандек гаплар. Йигит бозорни ўраб тушган қатор дўконлардан бирининг олди-да, машинани тўхтатишни сўради:

– Мен ҳозир бир жойга кириб чиқаман, – деди хайдовчига.

– Менга жавоб бериб юбораколинг, кўча тўла машина-ку, – деди Сирожиддин хушламай.

– Мен сизни тушундим, ака, – деди йигит кулиб, – куттириб кўйиб, куёни сурворадиган қаллоблар кўпайиб кетди ҳозир, манавини олингда, мени ўн минут кутинг, чиқмасам кетаверинг.

Дарҳақиқат, шундай ўй Сирожиддиннинг кўнг-лидан кечган эди. Йигити тушмагур зийрак экан, сезиб қолди. У кўлидаги пулнинг чўғига эътибор қилди. Икки ҳисса, ҳатто ундан ҳам кўп. Дардинг пулми, ма тикилиб ўл, деганими бу. Аттанг тилини тийса бўлар экан. Беш қўл баробар эмас-ку ахир.

Сирожиддин шундай ўйлар билан ўн дақиқа ўтганини ҳам сезмай қолди. Йўқ, деди у ўзига-ўзи бу миждани ўн дақиқа эмас, бир соат кутса ҳам арзийди. Кетворса номардлик бўлади. Шунча ҳақ берди-ку, саломга яраша алик-да.

Йигит анчадан кейин дўкондан чиқди-ю, машиналар оралаб, бошқа ёққа юра бошлади. Сирожиддин тарафга қарамади ҳам.

– Ҳов ука, – деб Сирожиддин овоз берди, – ука де-япман, мен бу ёқдаман.

Йигит орқасига ўгирилиб, хайрон бўлгандек унга қаради. Кулиб, унга яқинлашди.

– Э, сиз ҳалиям шеттамисиз?

– Ҳа, кутиб турибман-да, ука, – деди Сирожиддин унга ўзини қадрдонлардек тутиб.

– Мен сизни кетиб қолгандирсиз, деб ўйлаган эдим. Ишим битмади, ака, уйга бориб келамиз. Арзимаган пул-а, тавба, – деб йигит машинага ўтирди. – Бояги кўрган уйингизга қараб ҳайданг энди. Бир кунда шунчага ошиб кетишини мен қаттан билибман. Шу долларни тушиб, чиқавериши ҳам жонга тегди.

Сирожиддин шунча жойга бориб келишни, ҳам вақт, ҳам бензин харажатини ўйлаб сўради:

– Мўлжалга қанча етмаяпти?

– Э, арзимаган, кўкидан юз-у, сўмдан эллик минг-ча, ака.

– Гап йўк, – деди Сирожиддин, – ўзидан-ўзи севиниб, – юз кўкидан бор, ҳар эҳтимолга қарши пича “запас” олиб юрмасак бўлмайди, ука, сўмига келсак, ҳозир кассани санаб кўрамиз. Ишингиз битсин, менга уйдан олиб бераверасиз-да. Бор-кел қилиб, овора бўлиб юрамизми?

– Қандок бўларкин?

– Қантдек бўлади, ҳеч хижолат чекманг, ҳозир, ҳозир... – деб Сирожиддин чўнтақларигача қоқиштириб, юзта кўкига кўшиб, кирк минг санаб берди. – Бори шу экан, ука...

Йигит хурсанд бўлганича “ҳозир” деб дўконга кириб кетди. Сирожиддин уни яна кута бошлади. Анча кутди. Охири юрагига ғулғула тушди. Наҳотки... У дўконга кирди-ю, юраги “шув” этиб кетди. Дўконнинг бозорга қараган эшиги ҳам бор экан. Бечора Сирожиддин арзимаган хўракка илиниб, одам шайтонга йўлиқиб қолган эди...

## ШАЙТОННИНГ МАРДИКОРИ

*(Учинчи ҳикоя)*

Домла бува ҳовлида у, бу ишлар билан андармон бўлиб юрардилар. Дарвоза тақиллаб, чақириб қолишди:

– Домла буво-о-о...

– Ҳозир...

Эшик тагида нотаниш одам турарди. Хизмат дегандек у кишига қаради.

– Мен кўшни кишлоқданман, – деди нотаниш одам кўшқўллаб сўрашар экан, – жаноза бўлиб қолди, домламиз узокроққа кетиб қолган эканлар, шунга қариялар сизга жўнатишди. Йўлдан хавотирланманг, ўзим обориб, ўзим обкелиб кўяман.

Домла “маъкул” дегандек кийимини алмаштиргани ичкари кириб кетди.

Ҳадемай у киши чиққанда ҳалиги одам қўл телефонида ким биландир шанғиллаб гаплашарди:

– Ўшани икки қопини олиб қўй, таъзия бўлиб қолди, маъракага керак бўлади. Қолганини қимирлатма, мендан тўртта новвой ун кутиб ётибди... Пулни олдиндан олиб қўйганман...

Бу гапдан имом домла хушёр тортди. Ҳалиги одам қўл телефонини ўчириб, “кетдикми” дегандек домлага қаради.

– Ун ҳақида гаплашдингизми, ҳозир? – сўради домла илҳақ бўлиб.

– Ҳа, тақсир шунақа ишлар билан шуғулланиб турамиз, кетовурдикми? – деди у домланинг гапига эътибор қилмай.

– Тўхтанг, мабода ундан ҳиммат қила олмайсизми, пули нақд, – деди домла кўзлари жавдираб.

Йигит бир муддат ўйланиб турди-да:

– Бир қоп, йўқ, икки қоп етадимми? – деди.

– Хайр қилсанг бутун қил деганлар, яна икки қоп қўшворинг, бу ҳам бир насиба-да, ука. Буни устига ўз оёғингиз билан келиб қолибиз. Уйда чакса ун қолмаган. Ўзингиз биласиз, келди-кеттили ҳовли. Дуо қиламан, – ялингандек деди домла.

– Унда тўртта қоп олиб чиқасиз, домла бува, салафан қоплигиданмас, яхшисидан, қопларни қайтаришим керак, – деб йигит неча пул бўлишлигини ҳам қўшиб қўйди.

Салдан кейин машина туман марказига қараб йўл олди.

– Олдин сиззи ишингизни битирайлик, жанозага улгурамиз, – деди нотаниш одам, – ҳозир пул билан қопни йигитларга бериб, кўнгилни тўқ қилиб олсак, қайтишда олиб кетаверамиз.

– Барака топинг, – деб домла бува дуо қилдилар ва пул билан сув халтадаги қопларни олдинда ўтирган йигитга узатди. Кейин мақсадга ўтиб сўради:

– Маййит эркак кишими, аёлми?

– Э, пири бадавлат отахон, ўғиллари бизнесмен, ҳажларга бориб келганлар. Худо раҳмат қилсин, қўли

очик, яхши одам эдилар... Фарзандлари ҳам ўзига тортган, борганда кўрасиз.

Бу орада машина туман марказига етиб келди. Шофёр йигит “қаёққа ҳайдай” дегандек ёнидаги одамга қаради.

– Истансага, ун скаладига ҳайданг, – деди йигит.

Шу пайт кўл телефони жиринглаб қолди.

– Ҳа, ҳа, – деди у, – кетяпмиз, домла буванинг озгина ишлари бор экан, йўл-йўлакай битириб, етиб борамиз...

Омборхонага етиб боргач, йигит пул билан қопларни олди-да, дарров чиқаман деб катта дарвоза ёнидаги кичкина эшикни бир тепиб, ичкари кириб кетди. Аммо йигит ҳадеганда чиқавермади. Аксига олиб омборхона атрофида одам зоти кўринмас эди.

– Оғайнингизни чакиринг, – деди домла буванинг тоқати тоқ бўлиб, – бунақада жаноза савл қолади-ку.

Шофёр йигит ичкарига кириб, елка қисиб чиқди:

– Ҳеч ким йўқ, ҳамма эшиклар қулф.

– Оғайнингиз қаёққа кетади унда? – ҳайрон бўлди имом домла.

– Оғайниммас, мени кўчадан ушлаб, олиб кетди, – деди шофёр йигит бир аҳволда, – сизникини биларкан-ку, сиз танисангиз керак?

Домла бува ишонмай, омборхонага ўзи кирди. Дарҳақиқат, барча эшиклар қулф, якин орада қадам изи қилинмаганлиги шундоққина сезилиб турарди. Анови одам қаёққа кетди унда. Бир ит девор туйнугидан ичкари мўраллади-ю, ҳамма нарса аён бўлди. Домла бува билан шофёр йигит бир-бирига қараб қолишди.

– Ҳ-а-а-а, – деди домла бува ух тортиб, – икки бирдек одам шайтонга мардикор бўлибмиз...

## ЎЗИНИ ЖАЗОЛАГАН ОДАМ

*У*шонаверинг, мен ўзимни ўзим жазоладим ва бу жазодан кўп ҳикматлар топдим. Воқеа бундай бўлди.

Қурбон ҳайити арафасида уйдагилар менга бир пальто совға қилишди. Матоси тоза драпдан. Тим қора, белбоғли. Хаёлимда сал узунга ўхшади.

– Дуо қилиб киёвринг, қайтага яхши, тиззаларингизни бекитиб туради, – деди кампирим.

Буни қарангки, ўша куни ёмғир аралаш қор ёғиб чиқди. Эрта билан янги пальтони кийиб издаҳомга бордим. Ўрганмаганман, юришга, уловга тушиб чиқишга қийналдим. Тенгқурларимникига эътибор қилсам, пальтом чиндан ҳам узун кўринди. Бўлмаса, энглари жойида, елкалари ёпишиб турибди, бўйи узунроқ эканда. Издаҳомда амри маъруф бўлди.

Маърузачи мўмин-мусулмон одам тийилиши керак бўлган кибр-ҳаво ҳақида гапирарди. Аллоҳ хузурида гуноҳи кабираларга сабаб бўладиган кўпгина амаллар кўзга кўринмайдиган, майда-чуйда кибрлардан бошланишини айтиб: “Бой одам фақирлар олдида давлати билан, қўли очиқ одам зикналар олдида сахийлиги билан, олим одам обидлар олдида билимдонлиги билан кибрга кетиб қолишлари мумкинлиги, ҳатто уй-жойларнинг ҳашаматига, кийим-кечакларга зеб бериш ҳам кибрга сабаб бўлади, Пайғамбаримиз соллаллоҳи алайҳи васаллам этаклари ерни супуриб юрадиган кийимлар кийишдан ҳам қайтарганлар”, деди. Кейинги гапи менга тегиб кетди.

Издаҳомдан чиқиб, ноилож яна бир издаҳомга бор-япмиз-у, ҳамма менга қараётгандек. Худди кўрикчига ўхшаб, бўйим ҳам узайиб кетгандек. Қани энди шундоқ уйга кирсангу, бу савилни отиб-уриб, эскисини кийиб олсанг. Афсуски бунинг иложи йўқ. Ўша куни жума эди. Иккинчи издаҳомдан чиккунча намоз вақти ҳам яқинлашиб қолди. Масжид таҳоратхонасида таҳоратни янгилаб олишни ўйлаб бораяпман-у, устимдаги рўдапони у ёққа судраб киришни тасаввур қиляпман. Шундай бир қиммат нарса мен учун рўдапога айланган эди.

Бирдан масжид ёнидаги тикувчилик устахонаси

ёдимга тушиб қолди. Бир эмас, иккита. Берсам, жума намоздан чиққунча калтайтириб беришар. Хаёлим-да бу иш анча-мунча пул туриши керак эди. Чунки уйимиз олдидаги бир чевар спорт костюмининг ширширасини беш мингга алмаштириб берган эди-да. Бу бутун бошли пальто-ку. Этагини қирқиб, яна ўзидек қилиб қўйиш, осонми? Чўнтакни қарасам, сўмлар унга-бунга хайитликка кетиб қолибди. Хайрият йигирма доллар “кўки”дан бор экан. Хизмат ҳақиға етиб қолар деб, устахонага дадил кириб бордим. У ердигилар кўришди-да, бу бизнинг кўлимиздан келмайди, отахон, деб қўшни устахонага йўллашди. У ерда битта-ю битта чевар опа ўтирган эканлар. Кўрди-ю:

– Ҳа, рости узун экан, қисқартирса бўлади, лекин отахон, мен буни тузатиб бергунча совқотиб қоласизда, дўконимиз совук, – деди хижолат бўлиб.

– Мен буни сизга қолдириб, жумага кириб кетаман, чиққунимча, уддалаб қўйсангиз бўлди, – дедим ишим битишидан қувониб.

– У ёқда совқотиб қолмайсизми, ишкилиб? – меҳрибончилик қилди аёл.

– Э, нималар деяпсиз қизим, барака топқурлар масжидимизни оёқни тагидан иситадиган қилиб қўйишган, ичи худди ёздагидек, хақини айтинг, хақи канча бўлади?

– Уч минг, отахон.

– Нима?

Аёл қиммат айтиб қўйдимми дегандек, хавотирланиб менга қаради-да:

– Уч минг, деяпман... – деди.

Мен савдолашмадим:

– Майли, кўнгилдагидек қилиб беринг, мен уч минг эмас, беш минг бераман, – дедим. Аёл хурсанд бўлиб, кўлимдан пальтони олди. Ахир мендек Хотамтойга рўпара бўлади-ю, севинмайдими? Шундоқ ўгирилиб, бир қадам юрмасимдан бир танишим исмимни айтиб, салом берди. Мени костюмда кўриб, хайрон бўлди.

– Янги пальто олган эдим, озгина иши чиқиб қолди, чеварга бериб, намозга кириб кетяпман, – дедим.

– Ҳа, манови дўконгами, у киши менинг опам бўладилар. Кўриб кетай деб келаётган эдим, – деди у.

– Э, опангиз барака топсинлар, жудаям инсофли чевар эканлар...

Намоздан чиқсам, чевар опа пальтони битириб, дазмоллаб турган эканлар. Кийиб кўрдим, бир ярашди, яна еп-енгил бўлиб қолди. Хурсанд бўлиб, бояги йигирма “кўки”ни узатдим.

– Мана шундан беш минг олиб қолинг...

– Вой, буни сўмда қанчалигини билмайман, – деди у паришон бўлиб.

Дарровда аниқладик. Бироқ аёлда қайтимига унча пули йўқ экан. Майдалаш керак бўлиб қолди. Шу пайт бояги танишим яна келиб қолди.

– Пулингиз борми, мановини майдалаш керак, – дедим ва қанча бўлишини айтдим.

У чўнтагидан бир даста пул чиқариб санади-да, менга узатди. Мен у кишига долларни бердим. Кейин хозиргина укаси санаган пулни опасига тутиб, шундан беш мингини санаб олиб, қолгани меники, дедим. У киши ўз улушини олиб, қолганини менга қайтарди. Мен опанинг инсофли эканини алоҳида таъкидлаб, мижозлар бўлса шу ёққа юборишни ваъда қилиб, хайрлашдим.

Шу пайт кампиримни эслаб қолдим. Енгилроқ деб арзон маҳсидан олган эди. Бир ҳафтага ҳам чидамади. Клёнка экан, йиртилиб кетди. Чўнтакда пул бор эмасми, ҳадя олиб бир хурсанд қилай, дедим-да, маҳси бозорига кирдим. Битта яхши маҳсини аёллар танлаб беришди. Нархини чўнтагимдаги пулга қараб савдолашдим.

– Менга қаранг, қизим, – дедим маҳсифурушга, – мана шу пулдан, минг сўмини олиб қоламан, сананг, қолганига хўп дейсиз, бошқа пулим йўқ.

Сотувчи пулни кўз олдимда санади-да:

– Йўқ, ота, бу нархга ҳечам бўлмайди, – деб пулни кўлимга тутқазмокчи бўлди.

– Айтган пулингиз-ку? – дедим жахлим чиқиб.

Сотувчи хижолат бўлгандек менга бир қараб кўйди-да, пулни шошмасдан қайта санади.

– Мана ота, – деди у хайрон бўлиб, – мўлжалга яна уч минг етмаяпти...

Хижолатдан ер ёрилса-ю, ерга кирсам. Ох, нима қилиб кўйдим. Албатта гап уч мингда эмас. Ҳамма гап менинг ношудлигимда. Й-ў-ў-ў-к! Бу ношудлик-ка кирмайди. Ўзимни ўзим хаспўшламай кўя қолай. Бу бориб турган кибр-ҳаво! Илмига, эшитганига амал қилмаслик. Қайтарилгандан қайтмаслик. Эррайимлик қилиб, уч минглик иш ҳақини салкам икки баробарга кўтариб юбордим-ку. Ахир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бозор нарҳини бузишдан қайтарганлар-ку. Бунинг устига савдолашмадим ҳам. Савдолашинг, давлатингиз зиёда бўлади, деганлар-ку, сарвари олам. Бунинг ўрнига мана бу сизнинг меҳнат ҳақингиз, буниси Аллоҳ учун сизга ҳадя демайманми? Менинг кўр-кўрона марҳаматимдан кейин бу хотин хизмат ҳақини ошириб юбормайди деб ким айта олади? Қанчадан-қанча кўли калталар бор бу ёқда. Хўш, анови биродаримдан майдаланган пулни нимага санаб олмадим? Гўё санаб олсам, отдан тушиб қоладигандек тутдим ўзимни. Яна санаб олмаганимга яраша, пулни шундоклигича чеварнинг кўлига тутдим, ўз тегишингизни олиб қолинг, қолгани меники деб. Ахир меҳнат ҳақини ўз кўлим билан санаб, беришим керак эди-ку. Ахир савдо, пул, олди-бердилар билан боғлиқ оятларни, ҳадисларни ўқиганман, биламан-ку. Мен билиб туриб шундай қилганимдан кейин билмаганлар нима қилади? Ҳа, билмаганларни Худо кечиради. Билиб туриб амал қилмаганларни-чи?!.. Бир тавбадан минг тавба! Илоҳа, ҳаётли дунёда Ўзинг янглиштирмагин!

## ЗИЁРАТ

Қишлоқда у кишини Ҳадисчи ота дейишарди. Чунки бировга бир нима демокчи бўлсалар ҳам, ўзганинг гапини тасдиқламоқчи бўлсалар ҳам, албатта, ҳадис келтирар эдилар. Баъзи тортишувли масалалар у кишининг икки оғиз сўзи билан ҳал бўларди, қоларди. Бўлмаса, у киши на домла-имом, на қишлоқ оқсоқоли эдилар. Оддий дехқон. Куръон саводлари ҳам йўқ. Ҳадисларни амалдаги китоблардан ўқиб, ёд олганлар. Хотирадан Худо берган. Улар ҳар бир сўзни эҳтиётлаб, шошмай доно-доно қилиб етказишга уринардилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Биздан бир нарсани эшитиб, уни худди эшитгандек қилиб етказган одамни Аллоҳ ёрлақасин”, деган ҳадисларига амал қилардилар.

Бир куни қишлоқ кексалари Самарқандга – Ал-Бухорий ҳазратларининг зиёратларига отланиб қолишди. Ҳа, у жойнинг обод бўлиб кетганини ойнаи жаҳондан кўриб, кўпларнинг ичи кизирди. Сафарда бизга бош бўлсинлар деб рўйхатнинг аввалига Ҳадисчи отани ёзиб қўйдилар.

У киши бу хабарни эшитиб беҳад қувондилар. Ахир қишлоқдошлари шундай улуғ зотга муҳаббат қўядилар-у, севинмайдиларми? У кишининг Бухорий ҳақида жўшиб-жўшиб сўзлагилари келиб кетди. Ҳа, бир ўспирин йигитни кўрсатиб:

– Бухорий ҳазратлари мана шундай ёшларида ўн мингдан зиёд ҳадисни ёд билганлар-а, ўн мингдан зиёд, – дедилар ҳайрат билан. Бу айтишга осон. Аммо сизларга айтсам, у киши гўдакликларида Аллоҳнинг бир каттиқ синовини бошларидан ўтказганлар. Кўзлари кўрмай қолган. Ҳа! Оналари кечаю кундуз Аллоҳга ёлбориб, нури дийдасига нажот сўраганлар. Бир куни оналарининг тушига Иброҳим алайҳиссалом кирадилар-да: “Эй аёл, Аллоҳ таоло кўп дуоинг сабабли ўғлингга кўзини қайтариб беради”, дейдилар.

Ва Аллоҳнинг қудрати билан кўзлари яна кўрадиган бўлади. У киши ҳадис илмини тўплашга киришиб кетганларида, одамлар нимага бу ишга кўл урдингиз, деб сўрашади. Бир куни, дейдилар у киши, Расулуллоҳни туш кўрдим, кўлимда елпиғич, у кишини елпир эдим. Бу тушимни таъбир айтувчиларга айтсам, сен Расулуллоҳдан ёлғонларни елпиб турасан, дейишди. Кўрдингизми, ҳадис йиғиш вазифаси тушларида аён бўлган-а, тушларида! Аллоҳга яқин бўлиш қандок яхши-а...

– Шунинг учун биз билан юринг деяпмиз-да, тақсирим, биласиз, йўл олис, ҳикояларингизга роса мириқамиз, – дейишди саёҳатчилар.

– Мана бу гапни ҳам эшитинглар, – дея у киши яна жўшиб кетдилар, – Муҳаммад ибн Юсуф деган аллома ўтганлар. Ўша киши тушларида Расулуллоҳни кўрадилар, денг. Қандай улуг бахт-а, Пайғамбарни тушда кўриш. У зоти муборак “Қаерга кетяпсан?” деб Муҳаммад ибн Юсуфдан сўрабдилар. У киши Муҳаммад ибн Исмоилнинг ҳузурига, деб жавоб берибдилар. Бухорийнинг исмлари Муҳаммад, оталарининг исмлари Исмоил бўлган-да. Шунда Расулуллоҳ, “Ундай бўлса мендан салом айтиб қўй”, дебдилар. Ўх-хў-ў-ў, ана шунақа, Ал-Бухорий ҳазратларига тушда бўлса ҳам Пайғамбардан салом етган-а, ҳазилакамми, бу...

Бироқ Ҳадисчи ота қанчалик хурсанд бўлмасинлар мен боришга ҳали тайёр эмасман, деб оёқ тираб, туриб олдилар. Яна бир нимадан кўрққандек, алланечук ғалати аҳволга ҳам тушдилар. Зиёратчилар ҳайрон бўлишди-ю, отани ортиқча мажбур қилмадилар. Ота ҳам дилидагини ёриб, сабабини айтмадилар.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Юрт энди-гина мустақил бўлиб, Қуръон таржималари, Ал-Бухорийнинг саҳиҳ “Ҳадис”лари чоп этилиб, ёруғликка чиқа бошлаган эди. Ўшанда бу киши бир ҳадисни ўқиб, кўрқиб кетдилар. Пайғамбаримиз

соллаллоху алайҳи васаллам ҳазрати Билолга қараб: “Албатта, ким мendan кейин менинг амалдан қолган суннатларимдан бирини тирилтирса, унга ўша суннатга амал қилганларнинг ажрича ажр, амал қилувчиларнинг ажрларидан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда берилади”, дер эдилар.

Ота бу ҳадисни ўқиб, оғир ўйга толиб қолдилар. Ахир қанчадан-қанча авлодлар бундай улуғ неъматлардан бебаҳра ўтиб кетдилар-да! “Қуръон”нинг номигина қолди. “Суннат” деса одамлар хатна тўйинигина тушунардилар. Пайғамбаримизнинг номлари ҳам унутилган эди. Накадар, қоронғи, динсиз замонлар эди... Мана, ойнанинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ деганларидек, ёруғ кунларни кўриш у кишига ҳам насиб этди. Худога шукур. Аллоҳ умр берса битта эмас, Худо хоҳласа, мингта ҳадисни ёдлаб, тирилтиришга ният қилдилар. Ҳадис китобларини излаш ва ёдлаш ана шундан бошланди. Пайғамбаримиз “шундай деган эдилар”, деб айтилган ҳадисларни биринчи бўлиб шу кишининг оғзидан эшитдилар...

У киши ҳам ойнаи жаҳон орқали Ал-Бухорий зиёратгоҳларини ичлари қизиб томоша қилар эдилар. Худо хоҳласа, ниятимга етган куни зиёратларига бо-раман деб, ҳадис ёдлашга ғайрат қилардилар. Ахир у кишининг зиёратларига шундоқ бориб бўладими?

Орадан бирор йил ўтиб, энди кишлок ёшлари отани зиёратга таклиф қилиб қолишди. Бу сафар рози бўлдилар. Ҳа, улар олдиларига қўйган вазифани адо этган эдилар. Дехқончилик, оила, юриш-туриш, борди-келди, тарбияга, олди-соттига оид мингта ҳадисни ёдладилар. Гўё имтихонга отланган талабалардек кайфиятда эдилар.

– Яхши, – дедилар улар ёшларга қараб, – йўлда маст қилувчи нарсаларни ичмайсизлар, тўғри бориб, тўғри келасизлар, келишдикми?

– Шунинг учун ҳам юринг деяпмизда, отахон, харкалай ёшлар сиздан чўчишади, ҳурматингиз бор, – деди саёҳатбоши йигит кулиб.

– Мендан кўркманглар, – деди ота жиддий бўлиб. – Худодан кўрқинглар, ароқни Худо ҳаром қилган. Бу ҳақда Пайгамбаримиздан жуда кўп ҳадислар келган... У киши ичиш у ёқда турсин, ичкилик қўйилган дастурхон атрофида ўтиришдан ҳам қайтарганлар. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади. “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Аллоҳ хамрни (ароқни), унинг ичувчисини, қуйиб берувчисини, сотувчисини, сотиб олувчисини, сиқувчисини, кўтарувчисини ва кўтартирувчисини лаънатлади”, дедилар”.

– Бўлди ота, сўз берамиз, ахир биз томошагамас, зиёратга кетяпмиз-ку, ўлибмизми, ўзимизни тиймасак...

– Бўлмаса, келишиб олайлик, сафар олдидан Бухорий ҳазратларининг зиёратини ният қилиб, ғусул қилиб, покланиб оласизлар. У киши ҳар бир ҳадисни олдин ғусул қилиб, орқасидан икки ракат намоз ўқиб, кейин китобат қилганлар. У киши юз минг саҳиҳ, икки юз минг заиф ҳадисни ёд билганлар. Уларни ёзиш учун неча минг марта ғусул қилганлару, неча минг марта нафл намози ўқиганлар, ўзингиз ўйлаб кўрингчи?

Шундай қилиб, улар Бухорий ҳазратларининг зиёратига етиб бордилар. Ота бу ерда ўзларини холи қолдиришларини шерикларидан илтимос қилди. Ёшлар отанинг ҳолатини тушундилар. Маълум соатдан кейин автобусда учрашадиган бўлишди. Ота бу ободонлик, бу қурилишларни кўриб, кўзёшларини тия олмай қолди. Бухорий ҳазратлари ўз саҳиҳ китоблари билан миллионлаб қалбларга ошён қурган эдилар. Орадан неча-неча асрлар ўтиб у кишига ҳам шундай бир ошён барпо этилибдики, у дунё тургунча турадиган бўлибди...

Ота Бухорий ҳазратларининг қабртошига дарровда бора олмадилар. Ҳа, у кишини сир босиб қолди. Талаба устоз қошида қай аҳволга тушса, у киши ҳам худди шу аҳволга тушдилар. Ўзларини босиб олиш

учун Бухорий жоме масжидига кириб, икки ракат намоз ўқидилар. Бу намоз ташқаридан қараган одамга энг узун намоздек, аммо ота учун энг қисқа намоздек туюлди. Ҳа, ёд олган мингта ҳадислари кўнгил кўзгусидан қандоқ ўтганини билмай қолдилар. Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримизга салавот айтдилар, Бухорий ҳазратларини ва бу жойларни барпо қилганларни узоқ дуо қилдилар. Шундан кейин улуғ муҳаддиснинг қабрлари томон бир-бир юмшоқ қадам босдилар. Э, ҳа... мармар кошинлар қуёш нурларида минг бир тусда товланар эди. Гўё бу тилсиз тошлар ҳам узукка кўз қўйгандек тилга кириб, Яратганга тасбеҳ айтардилар.

Ота буюк муҳаддиснинг хилхоналарига олиб тушадиган йўлак борлигини зиёратчилардан кўп эшитган эдилар. Баъзилар у ерга тушишганини, Қуръон тиловат қилишганини гапириб беришган эди. Ота ҳам имконият туғилса худди шундай қилмоқчи бўлдилар. Аммо хилхона хос кишиларгагина очилиши мумкинлигини эшитиб қолдилар. Ҳа, оёкости бўлиб кетмасин дейишяпти. Бу гапдан хафа бўлмадилар, қайтага хурсанд бўлдилар. Ўзларини хос одамлар қаторига қўшмадилар. Шундай деб эҳтиёт чорасини кўраётганларни дуо қилдилар ва бир чеккага бориб, тиловат қилдилар. Ота ҳовучини юзига босиб, бу муборак жой зиёратидан кўнгиллари тўлиб, ўринларидан турдилар.

## БАРАКА ВА ТИЖОРАТ

*Мен билган бу тижоратчилар хақида шундай гап-сўзлар юради:*

– Буларнинг бир сеҳр-жодуси боров, қачон қараса пичоқлари мой устида...

– Сирини айтишмайди, номардлар, сўрасангиз, қулиб қўя қолишади...

Ўшанда уларнинг қадами Европа бозорларигача

етиб борган эди. Бу ердаги олди-сотгилар “евро”да амалга оширилар эди. Пулни “евро”га алмаштиришга тўғри келди. Саррофхонага кириб ақллари шошди. Одам кўп, бир ёқда пул алмаштирадиган автоматлар ҳам ишлаб ётибди. Улар ҳам бир туйнукка рўпара бўлишди. Сарроф хотин гап-сўзсиз масалага тушунди. Купюрларни санаб, сохтаси йўқмикан деб кўриқдан ўтказгунча анча вақт ўтди. Кейин чиройли салафан халтага солиб кўлларига берди. Санаб кўришлари мумкинлигини имо-ишора билан тушунтирди. Мижозлар учун санайдиган аппаратлар, кузатувчилар, таржимонлар ҳам бор эди. Улар ёши ўтиброк қолган сарроф аёлнинг шошмай, хотиржам ишлашини кўриб, унга ишонишди. Қайта санаб кўрмасдан олиб чикиб кетишди.

– Бу юртларда, айниқса, ҳисоб-китобда алдашмайди, – деб кўйди улардан бири. Меҳмонхонага боргач, оладиган нарсаларига пул ажрата бошлашди. Шунда улар пулнинг чўғи камаймаётганини сезиб, ҳайрон бўлишди. Ҳисоблаб кўришса, сарроф икки ҳисса бериб юборибди, ҳа икки ҳисса!

– Э, Худо бериб қолдику, – деди шериклардан бири астойдил хурсанд бўлиб, – биз бунча бойликка уч марта қатнаганимизда ҳам эриша олмаймиз. Менинг таклифим, яхшиси ҳеч нима олмай, берганига шуқур қилиб, уйга қайтиш.

Ўртага жимлик чўқди. Улар тўрт киши эди. Шайтон васваса қиларди. Бу уларнинг шундоққина юз-кўзларидан билиниб турарди. Фақат биттасининг боши ҳам эди. У шерикларида кечаётган бу ҳолатни сезиб турарди.

– Йўқ, – деди у жимликни бузиб, – бир сарроф аёлнинг хонимонини куйдириш яхшимас. Кимдир боя бу юртларда ҳисоб-китобда алдашмайди, деди. Нима, бизда алдашадими, ё биз алдашимиз керакми?

– Э, бунақа гапларинг бу ерда кетмайди, оғайни, ўзинг айтасан-ку, бойлик Аллоҳники кимга қачон, қаерда беришини Ўзи билади деб...

– Балки синаш учун бергандир, Худойим. Аллоҳнинг синовидан ўта олмай, боридан ҳам ажраб, мусофир юртларда чапагимизни чалиб қолмайлик, яна?

– Айтяпманку, бу гапларинг бу ерларда кетмайди деб...

– Кетади, ҳақ ҳамма ерда бир. Мен тайёр ошга баковул бўла олмайман. Кўнмасаларинг ҳозироқ бу ўйиндан чиқаман.

Хайрият, инсофга келишди. Аллоҳ қулфи дилларини очди, шекилли. Ҳалидан-бери васваса қилиб турган шайтони лайин “дод” деганича нари кетди. Саррофхонага боришса пул алмаштирган туйнуклари ёпилибди. Бу, албатта, бекорга эмас. Таржимонни чақириб воқеани тушунтиришди. Бечора сарроф хотин йиғлайвериб кўзлари шишиб кетибди. Ахир ўн беш минг “евро” ҳазилакамми? Вой унинг севинганлари. Ундан бахтиёр одам йўқ эди шу топда. Ким неча тилда миннатдорчилик билдириб чиқдиёв. Саррофхона хизматчилари уларнинг миллатини сўрашди. “Ўзбек!” Дарровда англай олишмади. Динини сўрашди. “Муслим!” Ҳайратланиб қараб қўйишди. Кейин ватанларини сўрашди. “Ўзбекистон!” Чапак чалиб юбордилар. Ўзбекистонни яхши билишларини айтишди.

Ўша воқеадан кейин уларнинг тижоратига барака кириб кетди. Ахир ҳалоллик билан ҳам динини, ҳам ватанини, ҳам миллатини улуғлайди-ю, барака кирмайдими? Бойлик йўлида дину диёнатини сотганлардан Худо сақласин.

## АКА ВА УКА

Довонда бир қишлоқ бор эди. Тоғнинг у ёғи билан бу ёғига олиб ўтадиган ягона сўкмоқ шу қишлоқдан ўтарди. Кечасига қолганлар тўғри келган эшикни тақиллатиб, бошпана сўрар эдилар. Бир куни Холид билан Волид яшайдиган ҳовлини биров

тақиллатди. Кимдир ўшаларникида жой бор, дебди. Дарвозани очган Волид иккиланиб қолди. Йўловчини уйига қўйгиси йўқ эди.

– Ҳозир акамдан сўраб чиқай, – деб баҳона қилиб уйига кириб кетди.

– Нимага олиб киравермадинг, мен йўқ дермидим, – хайрон бўлди акаси.

– Келинг, қўйинг ака, кўнглим чопмади, яна ким билади қанақа одам. Яқинда биттаси биттасини уйини тунаб кетди-ку.

– Қани юрчи, менам бир кўрай.

Ака ука билан кўчага чиқди.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу баракотух, – деб мусофир салом беришга ошиқди. Ака ҳам у билан қадрдонларча сўрашди. Ука бу одам акамнинг танишлари экан-ку, деб хижолатда қолди.

– Қани марҳамат, меҳмон, – деб ака мусофирни ичкари бошлади.

Мусофир, бисмилло, деб акага эргашди. Ака укасига секингина:

“Сен дамнингни олавер, ука, меҳмонга ўзим карайман”, деди. Ука мусофир чиндан ҳам акасининг таниши эканига ишониб, хонасига кириб кетди.

Эрта билан ука уйқудан турса, меҳмон кетиб бўлибди. Акаси эса ишга отланиб турган экан.

– Кечирасиз, ака, – деди ука хижолат чекиб, – кечаги одам сизнинг танишингиз экан-у, сал бўлмаса, бизникида жой йўқ деб юборай дебман-а...

Ака кулиб деди:

– У киши менинг танишим эмас, уни биринчи марта кўриб турибман.

– Йўғ-е, ахир, қадрдонлардек сўрашдингиз-ку, менга ҳам жавоб бериб юбордингиз. Оғайнилар отамлашиб олсинлар, деб мен ҳам хонамга кириб кета қолдим.

– Мусофирнинг саломлашишига эътибор қилмабсан-да, ука. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳамиша ана

шундай саломлашганлар. У кишининг хулқи билан хулқланган кишига қандай қилиб эшик очмайсан. Дарвозадан кираётганда эътибор қилдингми, бисмилло деб, ўнг оёқ билан кирди. Бу ҳам мусулмончилиكنинг чиройли одобларидан. Мусофир ана шу одоби билан менинг азиз меҳмонимга айланди.

– Афсус, – деди ука армон билан, – шундай бир азиз меҳмоннинг қўлига ҳеч бўлмаса сув куймабман-а?

– Хафа бўлма, ука, ёшсан, ҳали яхши инсонларнинг хизматида кўп бўласан.

### ҚУРЪОН ВА АСАЛ ШИФО

Дам олиш куни тоғдаги боғ ҳовлимизга борган эдим. Бир воқеа содир бўлди-ю беихтиёр хаёлан бундан ўн йиллар ортга кайтдим.

Ишлаб ўтирар эдим. Бирдан кўз олдим хиралашиб харфларни кўрмай қолдим. Кўзимни бир-икки ишқаб ташладим. Фойдаси бўлмади. Кейин кипригим қайрилиб қолдимикан деб юз-кўзимни ювдим. Кўз олдим равшанлашди. Хотиржам бўлиб, яна ишга берилдим. Кўп ўтмай яна бояги ҳол такрорланди. Ишхонамизда кўз дўхтири бор эди. У тезда касалхонага ёзиб берди. Иш жиддий экан. Кўз пардаларига қон қуйилибди. Муолажа бошланди. Намоз ўқирдим. Қиблани аниқлаб, палатанинг бир бурчагида ибодатимни қилавердим. Назаримда, касалимнинг ибодатга ҳеч бир малоллиги йўқ эди. Аммо даволовчи шифокорим кўриб қолиб, менга тушунтирган бўлди:

– Рукуга, саждага борганингизда кўзга оғирлиги тушади, даволашни охирига етказиб олайлик, – деди.

Мен аксинча, малоллик сезмаётганимни айтдим ва ибодат ҳам даволашга ёрдам беришини ўзимча тушунтироқчи бўлдим. Дўхтир “Ўзингиз биласиз”, дегандек индамай кўя қолди.

Ўн кунлар ўтиб, даволаш ҳам охирлади. Дўх-

тир менга жавоб берар экан, хат ишлари билан шуғулланмасликни, китоб ўқимасликни маслаҳат берди.

– Ҳеч бўлмаса беш-олти ой китоб ўқиманг, – деди у алоҳида таъкидлаб.

Шундан кейин ўзбошимчалик бўлса-да, бир ойлар чамасида Аллоҳнинг каломи – Қуръонни ихлос билан ўқиб, ўзимча хатм қилдим. У пайтларда тажвид қонун-қоидаларини яхши билмасдим. Шундай бўлса ҳам, руҳан катта қониқиш олдим. Кўзим равшанлашиб, ишга ҳам тушиб кетдим.

Бир куни ишхонамиздаги ходим: “Кўз дўхтирини ишхонага таклиф қилдик. Кекса, аммо тажрибали экан. Сиз ҳам бир сидра кўзингизни текширтириб олинг, деб қолди.

– Дўхтир ҳамма қатори мени ҳам кўрди. Узок-якиндан, бир кўзлатиб, икки кўзлатиб текширди. Унга у дори, бунга бу дори буюрди. Каминага ҳеч қандай маслаҳат бермади. Шунда мен касаллик варақамни олиб унга кўрсатдим. У танишиб бўлгач:

– Сизни Худо асрабди, бунака жароҳат билан ишлаб бўлмайди, – деди у.

– Тўғри айтдингиз, – дедим мен ва даволангандан кейин Қуръонни ўқиб чикқанимни айтдим.

– Япон олимлари илохий китобларни махсус аппаратда текшириб кўриб, “Қуръон”дан муттасил нур таралиб туришини аниқлашган, – деди.

Бу гап мен учун янгилик эди. Руҳим янада кўтарилди. Аллоҳнинг каломига бўлган муҳаббатим беҳад даражада ошди. Бу орада Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг Қуръон ва асалнинг ҳар қандай дардга шифолиги ҳақидаги ҳадисларини ҳам ўқидим.

Энди боғ ҳовлидаги воқеага қайтсак. Одатда, кеч куз, қиш ойларида боғ ҳовлига борувчиларнинг оёғи узилади. Мен тоза ҳаво олгани, томорқада ишлаб, чигилларни ёзгани бораман. Нимагадир ўша куни кеч-

ки ибодатларни базўр қилиб, ёта қолдим. Тун ярмида уйғониб кетдим. Бошимнинг икки чеккасига биров омбир солгандек оғриқдан чидаб бўлмасди. Дори кутисини олиб титкилайман. Минг хил дорилар. Лекин қай бирини ичишни билмайман. Ёрдам сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ. Қўл телефонлари урф бўлмаган. Ташқарида ёмғир шаррос қуйиб ётибди. Бирдан кўзим сандал устидаги асалга тушди-ю, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг Қуръон ва асал шифодир, деганларини эсладим. Гўё биров ана сенинг давоинг турибди, дегандек бўлди!

Ўрнимдан базўр туриб, чой кўйдим. Сув қайнаб чиққач, асалли чой қилдим-да: “Пайғамбаримиз Қуръон ва асал шифо деганлар”, деб уч бора айтиб, ича бошладим. Сезиб турардим, ҳар ютимда танамга бир ажиб зам-зама югурарди. Ана шу оний роҳатнинг давом этишини Яратгандан сўраб, ёстикқа бош кўйдим. Қотиб ухлабман. Бомдодга турсам, тамом бошқа одамман. Тунги алаҳсирашлардан асар ҳам йўқ. Уйкусирадимикиан, деб ўйладиму чойнак-пиёлага кўзим тушиб, барини эсладим...

“Қуръон ва асал шифо”. Бу ҳадис. Шак йўқ. Буни мен ўз ҳаётимда синаб кўрдим ва Сиз қадрдонларга ҳам етказиб қўяй дедим.

## ЙЎЛ ҲАҚИ

*Мехринисодаги безовталиқ автобус ҳайдовчиси “йўл ҳақини узатиб юборинглар”, дегандан кейин бошланди. У сумкасидан ҳамёнини топа олмади. Уйда қолдирдим, ё йўлда туширдими? Эсида, болаларга ўқишга бориб келишлари учун пул берди, қатиксутга ҳам ажратди. У автобусга охириги бекатдан чиқади. Қишда иссиқ жойни, ёзда салқин жойни танлаб, ўтириб олади. Ҳойнаҳой, ҳамён уйда қолган. У бир қарорга келгунча автобус анча-мунча йўлни босиб кўйди. Росмана икки бекат орқада қолди. Мехринисо*

шошиб ўрнидан турди-да: – Тўхтатворинг, – деб ҳайдовчидан илтимос килди. Ҳайдовчи унга бир қараб қўйди-ю, тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмади.

– Тўхтатворинг деяпман сизга.

– Тинчликми, опа? – сўради ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

– Ҳамёним уйда қопти.

– Майли, юраверинг, опа, эртага тўлаб кўясиз.

– Қизиқсиз-а, хали метрога ҳам тушишим керак.

Меҳринисо ҳайдовчига жаҳл билан қаради. Қўнғиз мўйловли оқ-сарикдан келган ҳайдовчи кўзига ёмон кўришиб кетди. Автобус бекатда тўхтади. У тушиб қолди. Шоша-пиша пиёда уйига қайтди. Бўлар иш бўлди. Ишдан кеч қолиш бўлса, қолди. Унга бир нарса нашъа қиларди. Нимага ҳайдовчига жаҳл қилди? Айб ўзида-ку. У эртаси куни ўша қўнғиз мўйловли оқ-сарикдан келган йигитдан кечирим сўраб, йўл ҳақини бериб қўймоқчи бўлди. Лекин рулда бошқа ҳайдовчини кўриб, бугун навбати бўлмаса керак, эртага кўрарман, деб хотиржам бўлди.

Аксига олиб эртасига ҳам ўша ҳайдовчини учратмади. Ҳартугул, кейинги куни учратди. У рулга бағрини бериб, ҳузур қилиб сигарет чекиб, йўлга тушиш муддатини кутарди.

– Ассалому алайкум, – деди Меҳринисо. Ҳайдовчи “валайкум” деди-ю, тескари қараб сигаретини чекаверди.

– Мана, – деди Меҳринисо, – манави ўтган кунги йўл ҳақи, хайрият-ей, сизни учратдим, бўйнимда қолиб кетадими деб кўркувдим.

Ҳайдовчи Меҳринисога ўгирилиб қараб, елка қисди.

– Эсингиздан чиқдимми, пулим уйда қопти деб, йўлда тушиб қолдим-ку. Яна сизга қаттиқроқ гапириб ҳам юбордим, мени кечиринг.

Ҳайдовчи йигит, барибир, эслолмади. Аммо Меҳринисонинг гап-сўзлари ёқиб, унга эътибор қилди.

– Қанийди опа, ҳамма йўловчилар ҳам сизга ўхшаган бўлса.

– Отам раҳматли “Умрим узоқ бўлсин десанг, йўл ҳақиға хиёнат қилма”, деб ўргатганлар.

Эртасига Меҳринисо автобусга чикди-ю, беихтиёр кўзлари ёшланиб кетди. Кўринарли жойга отасининг сўзларини ёзиб қўйишибди: “Умрим узоқ бўлсин десанг, йўл ҳақиға хиёнат қилма!”

### ЁРУҒ КУННИНГ ҲОСИЛАСИ

**У** киши нафақага чиккунга қадар автосаройда ишлади. Уловларнинг энг аслларини минди. Битта автоуловда хавф-хатарсиз таъмирлатмай миллион километр йўл босиб, “миллионер” ҳайдовчи деган ном олди. Мустакиллик шарофати билан ҳажга бориб келди-ю автоуловини ёшларга топшириб, автосаройга эшик оғаси бўлиб олди.

– Ҳожи ота, бир дуо қилинг, – деб дарвоза тагида бир зумга тўхташади ёш ҳайдовчилар.

– Омин, йўлинг беҳатар бўлсин, шикастлардан Худонинг ўзи асрасин...

Кунбўйи ишлаб, ҳориб-чарчаб, яна эшик оғасига рўпара бўладилар.

– Ҳорма болам, баракалла, энди бориб яхшилаб дамингни ол, эртага яна йўлга чиқасан-а. Ҳа, машинага қараб қўйиш эсингдан чикмасин. Уям қора қозонга ўхшаган. Ювиб, тараб қўйсанг кечаси билан Аллоҳдан ризқ сўраб чиқади. Темирниям жони бор, у ҳам қараганга қарайди...

Ҳожи ота икки гапнинг бирида ичма, тўйиб ухла, йўл кишисан, йўловчилар тақдири сенинг кўлингда, деб уқтиради.

Албатта, эшик оғасининг гапини қулоғига оладиганлар ҳам бор, олмайдиганлар ҳам. Лекин ота ҳеч бирига ола қарамайди, ҳаммани бирдек кўради.

Бир куни Абдуллажон деган йигит кўлида қалам, дафтар билан отага рўпара бўлди.

– Хизмат, ўғлим?

– Биласиз, – деди у сал чайналиб, – гап еймиз. Лекин гап берувчи овқатни ўз қўли билан пишириши керак. Менга димлама қилиб бер дейишяпти. Биламан, сиз паловхонтўрани юргазворасиз. Шу димламани ҳам бир-иккита нозик жойини айтсангиз, ёзиб олардим.

Ота биринчидан, иккинчидан деб айтиб турди. Абдуллажон ёзиб олди.

– Раҳмат, – деди Абдуллажон отадан миннатдор бўлиб. – Шуларни қилсам, димламам юриб кетадимми?

– Яна битта сири қолди, – деди ота жиддий.

– Ўша сирини айтинг-да, менга.

– Қозонга ҳар бир масаллик бисмилло билан тушиши керак. Кейин ичмаслик керак. Ичсангиз, қозонга шайтон аралашади. Димлама ё шўр бўлиб қолади, ё тагига олади.

– Воҳ, олдинги сафар ош эмас, қирмоч еган эдик, сири бу ёқда эканда, ота.

Абдуллажон ўзича бир кашфиёт қилгандек ота билан шошиб хайрлашди. Бир коса димлама ҳам ваъда қилди.

“Эсиз, – деди ота Абдуллажоннинг оркасидан қараб, – шундоқ йигитлар ичишади-да. Бўлмаса ўғилларини уйлантирадиган, қизларини чиқарадиган бўлиб қолди”.

Худди отанинг ўйларини тасдиқлагандек у кишининг рўпарасида салом бериб, бир йигитча пайдо бўлди.

– Кел, ўғлим.

– Адамларни қидириб келувдим. Сизнинг олдингизда дейишди.

– Абдуллажоннинг ўғлимисан?

– Ҳа, ота.

– Аданг ҳозиргина кетувди-я, тинчликми, болам?

– Мен шу яқиндаги автосервисда ишлайман. Биттасининг машинасини тузатувдим, мановини ташлаб кетди, – деб йигитча доллар кўрсатди. – Кассага сўм

топширишим керак, шунга адамнинг олдиларига келувдим.

Ота зорикқан ҳамкасбларининг ҳожатини чиқарай деб ўзи билан захира олиб юрарди. Индамай йигитчанинг ҳам ҳожатини чиқарди.

– Раҳмат ота, Худо сиздан рози бўлсин, – деди йигитча бир чиройли қилиб.

– Ибодатгамисан, болам? – деди ота суюниб. Йигитча “ҳа”, дегандек бош ирғаб қўйди.

Отанинг кўкраги бир кўтарилиб тушди. Йигитчанинг отаси кечаги кунларнинг ҳосиласи бўлса, унинг ўғилчаси бугунги ёруғ кунларнинг ҳосиласидек чиройли кўриниб кетди.

## ҲАЛОЛ БЎЛСА, ТОПИЛАДИ

Эрта билан ишга кетаётиб катик, сут сотиб юрадиган аёлга кўзим тушди. У соя-салқин жойга қўйилган ўриндикда дам олиб ўтирарди. Бечора, оқлиғидан эрта кунда кутулибди-да, деган ўй кўнглимдан кечди. Шаҳарга етиб келгунча озмунча йўл босадими? Шаҳарлараро катнайдиган электр поездида етиб келади. Аёл “катик, сут, қаймоқ келде-е-е!” деб овоз берганда, шаҳарлик бекалар ғарқ уйкуда ётган бўладилар. Айримларга унинг овози ёқмайди. Ёш боласи борлар эринибгина кўзларини ишқалаб, юқори каватлардан тушиб келишади. Баъзилар “Бу ёққа обчиқа қолинг”, деб деразадан қарайди.

Мен кўпинча бу аёлнинг ҳалоллиги, меҳнаткашлигини уйдагиларга ибрат қилиб гапираман. Нарса олсанглар пулига қийишманглар, уйкусини ҳаром қилиб қайлардан келади-ю, дейман. У ҳам мени таниб қолган, кўрган жойида салом-алиқни қанда қилмайди. Нимагадир бугун у мени кўрмаганга олиб ўтирибди. Мудраб қолган, шекилли.

– Яхшимисиз, келин, – дедим индамай ўтиб кетишни ўзимга эп билмай.

Аёл мен ўйлаганчалик мудрамаган экан. “Яхшиман” дегандек бош кимирлатди. Аммо нимагадир овози чикмади. Кўрдим, оқликлари охиригача сотилмаган. Шунчаки ўтирганга ўхшамасди.

– Мазангиз бўлмаяптими? – дедим хавотир олиб. Яқин-ўртада аёл киши йўкмикан, деб атрофга алангладим. Анча нарида фаррош аёл ҳаммаёқни чангитиб супуриб ётарди.

– Пулимни йўқотиб қўйдим, – деди аёл пиқиллаб.

– Э, кўпмиди? – сўрадим ачиниб. Кейин саволимдан ўзим уялиб кетдим. Кўпдирки, кап-катта хотин кўзёши қилиб ўтирибди.

– Анчайди. Қизимнинг тўйига бугун жавон олмоқчийдим. Сут-катиқни пулидан амаллаб йиғувдим, – дардини тўкиб солди аёл.

Бир зумда хаёлим қайларга бориб, қайлардан қайтмади.

– Сут-катиқни ўзингиздан бошқа яна кимлардан оласиз? – сўрадим аёлдан кўнглимга келган гапни қайтара олмай.

Буни нима алоқаси бор дегандек у менга “ярқ” этиб қаради.

– Пул электричкага чикқанимда ҳам ёнимда эди. Ҳойнаҳой, вагонда тушириб қўйдим. Йўловчилар кўп эди... – хўрсинди аёл.

– Мен бошқа нарсадан гумондаман, – дедим ўриндиққа омонатгина чўкиб. Кўнглимдан кечаётган ўйларни аёлга айтмай кетолмас эдим. Балки бундан аёлга бир енгиллик бўлар. Балки шунчаки бир сабр. Аёл йўқолган пули топилиб қоладигандек менга умид билан қаради.

– Бир бойнинг мингта қўйи бор экан, – дедим тез-тез гапириб. – Хизматкори ҳар куни қўйларни боқиб, бир меш сут ҳам соғиб келар экан. Бой бир меш сутга икки меш сув қўшиб, сотиб келишга буюрар экан. Хизматкор бу ишдан норози бўлар экан-у, ишсиз қолишдан кўрқиб, тилини тишлар экан.

Кунлардан бир кун у қўйларни серўт деб жарликка хайдабди. Аммо жала қуйиб, сел сувлари қўйларни оқизиб кетибди. Хизматкор бойга келиб дебди:

– Сутга қўшган сувларинг булутга айланиб, сел бўлди-ю, қўйларингни оқизиб кетди...

Сутчи аёл нимага шаъма қилаётганимни дарровда тушунди-да:

– Йўқ, йўқ, – деди жон-жаҳди билан бош чайқаб, – қўни-қўшниларим унақа одамлар эмас. Оқликка хиёнат қилишмайди. Худодан кўрқишади. Ўзим ҳам.

– Унда хотиржам бўлинг, пулингиз топилади, йўқолмайди, – дедим ишонч билан.

Аёлнинг юзи ёришиб, ўрнидан туриб кетди, беихтиёр ичимда дуо қилдим: “Худойим, Ўзинг меҳрибонсан. Бу бандангни ноумид қилма, мушкулини осон қил!”

Фаррош аёл билан ҳам “ҳорма-бор бўл” қилиб ўтиб кетаётсам, у супуришдан тўхтаб, менга мурожаат қилди:

– Манавини кўринг-чи, керак қоғозмасмикан?

Қоғоз кўзимга сертификатга ўхшаб кўринди. Биров тушириб қўйган чоғи. У ёқ-бу ёгига қарасам, пул, учта юзталиқ “евро”. Шу пайтгача бу пул ҳақида эшитгандим-у, кўрмаган эдим. Хатини ўқиб билдим. Табиий, фаррош ҳам билмайди. У ҳам кўрмаган.

– Буни қаердан топдингиз? – сўрадим фаррошдан.

– Шеттан, – деб супургиси билан ерни кўрсатди. Сутчи хотинни чақирдим. У кўп қаватли уйнинг йўлагига кириб кетаётган экан. Келди.

– Йўқотганингиз доллармиди, евромиди? – деб сўрадим ундан.

– Евро эди, учта юзталиқ...

– Мана пулингиз, айтдим-ку, ҳалол бўлса топилади деб, опа топиб олибдилар, шетга тушириб қўйган экансиз.

– Вой, мен қоғоз десам, пул эканми ҳали у?! – хайрон бўлди фаррош хотин.

– Ҳа, – дедим мен кулиб.

– Мен сизни рози қиламан, опа, – деди сутчи аёл фаррошни маҳкам кучоқлаб, – илоҳо, умрингиздан барака топинг.

Ажабо, ҳаётнинг ҳар бир қадами ёзилмаган китоб-а!

### **ОНА ҚАРҒАМАГАН ЭДИ, АММО...**

Онаизор уч фарзанд билан бева қолди. Учови ҳам ўғил. Каттаси ўн бир, ўртанчаси тўққиз, кичиги олти ёш. Она хушрўй, гўзал эди. Одоби хулқи ҳам шунга яраша. Кўни-кўшнилар аёл киши шундай киройи аёл бўлса-да, деб хавас қилишарди. Оналар унга ўхшаган келин қидиришарди. Эсиз, бахти ярим экан. “Энди бу ёғига нима қиларкин?” Кўпчиликнинг кўнглидан шу ўй кечди. Дарҳақиқат, орадан бир йил ўтиб-ўтмай, совчилар кела бошлади. Куёв бўлмишларнинг аксари онага харидор эдилар.

– Болаларни бизга қолдиринг, ёшсиз, боламизнинг болалари, катта қиламиз, – дейишди қайнота билан қайнона.

– Хоҳласанг, набираларимизни бизга бер, биз боқамиз, хоҳлаганингда келиб кўриб кетаверасан, умрингни ўтказма, – дейишди ўз ота-онаси ҳам. Она кўп ўйлади. “Болаларим сизмаган юракка мен қандай сизгай, қандай яйрай”, деб ўғилларининг ҳам бошини силайдиган мард эркакни кута бошлади. Ахир ўғилларга она кўзидан ташқари “ҳай” деб турадиган ота кўзи ҳам керак-да! Аммо шундай мард-у майдон эркак топилмади. Она хусни-жамоли-ю, ҳою-ҳавасларини фарзандларига бағишлади. Эрга тегишни ўйламай ҳам қўйди.

Катта ўғил эрқароқ чиқди. Овқатнинг ҳам, кийимнинг ҳам аслини хоҳлайди. Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юради. Каттам ёнимдан чиқиб, ёнқозик бўлармикан, деб орзулаган эди онаизор, ундай бўлмади...

Ўртанча ўғил акасининг зуғумидан бешиб, мустакилроқ ўсди. Ҳаркалай, аканинг изидан кетмади. Лекин у бу уйдан тезроқ чиқиб кетишни, ўз кунини ўзи кўришни ўйларди. Акасига ўхшаб онасига юк бўлишни хоҳламасди.

Она биридан бўлмаса биридан буюради деганларидек, ҳеч кимдан кўрмаган меҳрни кенжасидан кўра бошлади. Унинг кўп жиҳатлари, меҳрибончиликлари отасига ўхшаб кетарди. Бир нималар олиб келадиган ҳам, совға-салом киладиган ҳам шу эди. Албатта, гап нарасада эмас, кўнгилда.

Сал кунда катта ўғил биттасини севиб қолди. Она топган-тутганини ўртага қўйиб, уйлантирди. Зора, бундан буёғига ўз аравасини ўзи тортиб кетса. Йўқ, онанинг битта ташвиши иккита бўлди. Ўғил ича бошлади. Келин оғироёк. Зора, фарзанд кўриб акли кирса. Ўғиллик бўлди ҳамки каттаси ўзини йиғиб ололмади. Бу орада ўртанча ўғил акаси билан сан-манга бориб, уйдан чиқиб кетди. Бошқа бир юртда уйланиб олганини хабар қилди. Она йиғлади-сиктади, на чора...

Кичкинаси мўмин-қобиллигидан топди. Чилангарларга шогирд тушиб, темир-терсак ишларига қўли келиб қолди. Харидори кўп. Топганини онасига олиб келади. Рўзғор – ғор, кетиб ётибди. Келин бўлмиш яна юкли. Она кичикка орттирсам, уйласам дейди, қани илож?..

Охири пичок суякка бориб етди. Она катта ўғли билан орани очик қилиб олмоқчи бўлди.

– Бўлди, – деди она бор кучини тўплаб, – иззатинг битди, болам. Энди ўз аравангни ўзинг торт. Уканг билан мени тинч қўй. Топиб-териб, укангни уйлантираман.

– Мен причём? – деди ўғил кўзларини лўк қилиб. – Уйланса уйланаверсин.

– Қаерга уйланади, сен ўтирибсан-ку?

– Э... ҳали мени ҳайдамоқчимисанлар?! – жазаваси тутди каттанинг, – ўзларинг қуриларинг бу уйдан.

– Шу гапни менга айтаяпсанми, болам?

– Ҳа, сенга бўмай кимга?

– Онангман-а... – титраб кетди она.

Опанинг ич-ичидан фарёд босиб келди. Аммо дод дея олмади.

Эргасига кайфи йўк пайтда ҳам ўғил пастга тушай демади.

– Нима деган бўлсам, шу. Ота ховли меники, ёкмаётган бўлса, катта кўча.

– Э... – калгираб кетди она, – уканг билан мени хайдаяпсанми ҳали?

– Шунака.

– Дилимни оғритма, болам. Ким канақалигини Худо кўриб турибди. Қайтар дунё, болаларингдан қайтиб қолмасин яна.

– Эй, болаларимдан қайтгунча мен борманми, йўкманми, – кўл силтади ўғил.

Она ўғлидан ранжиди. Аммо қарғамади. Бировга айтиб, ёзгирмади ҳам. Яратгандан инсоф сўради, холос. Кенжаси бўлиб ўтган гапларни келинойисидан эшитди-ю онасини олиб чикиб кетди.

Бир куни кенжа ўғил кўчадан гап топиб келди. Акаси фарзандлик бўпти. Эгизак. Ҳасап-Хусан. Она гина-кудуратни йиғиштириб, эгизакларни совға-саломлар билан кўргани борди. Янги меҳмон баҳона орага илиқлик тушгандек эди. Ўғил бўлса асабий, онаси билан шунчаки кўришди, кўйди. Нимагадир келиннинг ҳам чиройи тунд. Икки гўдак йўрғакда мунчоқдек-мунчоқдек бўлиб ётишибди. Она уларни бир-бир кўлига олиб, эркалади, умри, ризқи билан бўлсин, деб дуо қилди. Шунда, келин дод деб йиғлаб юборди. Аччиқ-аччиқ йиғлади...

– Ҳа, – деди она хавотир олиб, – нима гап? Эгизак тукқан хотин ҳам йиғлайдими?

– Э... эгизак туғмай мен ўлай, булар бола эмас, дардисар.

– Ҳай-хай, оғзингиздан шамол учирсин-а, нималар деяпсиз. Одам ҳам шунака ношукур бўладими?

– Бошқалар билмаса ҳам сиз билинг, иккови ҳам шол туғилди, ха шол. Оёқлари ишламайди! Дўхтирлар хайрон, ҳалигача бир қарорга келиша олмади.

Она ижара уйга дили хуфтон бўлиб қайтди. Фожиани кенжатойига айтди. Она-да, кўзёши қилди. Гўдакларга ачинди.

– Эсингиздами, – деди кенжаси эслатиб. – Акам болаларимдан қайтгунча мен борманми, йўкманми, деган эди. Ҳалитдан қайтариб қўйибди-ку, Худо.

– Ҳай-ҳай, – деди она ўғлининг оғзини ёпиб, – ундай дема-я, жигаринг бўлади-я. Мен қарғамовдим, фақат кўзи очилармикан деб кўрқитувдим. Ҳар бир иш Худодан.

– Ҳа, ҳар бир иш Худодан. Ҳамма экканини ўради, бу дунёда...

Онанинг юраги ўртанар эди. Кўз олдидан мунчоқдек бўлиб ётган норасидалар нари кетмас эди.

Ўғил ота ховлисини сотиб, эгизакларини даволатгани чет элга олиб борди. Фойдаси бўлмади. Эгизакларни-ку ногиронлар уйи ўз бағрига олди. Аммо ўғил хотини ва бир ўғли билан кўчада қолди. Ўғил гумроҳ эди, гумроҳлигича қолди. Бўлмаса, болаларининг давоси олдида эди-ку. Тавба қилиб, онаизорнинг оёғига йикилса бўлмасмиди?

## ҚАБРДАГИ НУР

Онаизор қоронғиликдан кўрқар эди. Бу дард туғмами ёки болаликдан қолганми, билмас эди. Шуниси аёнки болалигида уйдагилар шом тушиши билан дарвозани тақа-тақ беркитишар, бу пайтда жинлар тўзғийди, деб кўчага чиқаришмас эди. Кейинчалик бунга ўзи ҳам амал қилди. Фарзандларини бемаҳалда кўчага чиқишдан қайтарди. Оқибати ёмон бўлмади. Саёқ юришмади. Бемаҳалда қаёқларда юрибди экан деб, она юрагини ховучлаб ўтирмади. Бари эсли, хушли... Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек.

Келинларига ҳам, қизларига ҳам уктиради, набираларимни шомдан кейин кўчага чиқарманглар, кечалари ҳовлида битта чироқ милтираб турсин. Чирокни Худо кечасига чиқарган. Электрни тежаш керак бўлса, кундуз куни тежанглар. Ҳар эҳтимолга қарши уйда шам ёки битта керосинли чироқ турсин. Онаизор ўйлаб кўрса, бир умр қоронғиликдан кўрқиб яшабди.

Яқинда бетоб ётган бир қиз ўртоғини кўргани бориб, чироқ ўчиб, лифтда қамалиб қолса бўладими. Оҳ, ана қоронғилигу, ана зимистон. Юраги қинидан чиқай дейди. Бақиргани билан ким эшитади-ю, ким ёрдам бера олади. Чироқ ёнишини кутишдан бошқа иложи йўқ. У кўркувни ўзидан қувиш учун кўзини чирт юмиб олди. Беихтиёр қабрни кўз олдига келтирди. Лаҳад ҳам худди шунақа бўлса керак. Яна ер бетидан икки қулоч пастда. На бир дарча, на бир туйнуги бор. Худойим бу дунёда бандасини туғилгандан то ўлгунича нур билан сийлар экан, кейин охирагача зулматга ташлар экан-ку. Бу дунё ўз номи билан “ёруғ дунё” экан-да. Бекорга ўтганларнинг қоронғи гўрлари ёруғ бўлсин, деб дуо қилишмас экан-да. Э, Худо! Худди бу темир қутининг ичига ажал ҳайдаб келгандек, ҳаво етмай, бўғила бошлади. Жон ҳолатда лифтнинг эшигини икки қўллаб қокди. Ўзича икки ёққа суриб, очмоқчи бўлди.

Буни қарангки, эшик бир бармоқ сиғарли даражада сурилиб, ичкарига заифгина бир ёруғлик сизиб кирди. Шунинг ўзиёқ унга қайта ҳаёт бағишлаб юборди. Юрагидаги кўркув қайгадир йўқолди, ҳаво етиб, нафас ола бошлади. Аммо ичи ёришмади. Қабр қоронғилигини ўйлаганда бу темир қутининг ичи ҳарқалай ёриди-ку. У Аллоҳга тавалло қила бошлади:

– Эй, Худойим, оламдан ўтсам, қабримга соч толасича бўлса ҳам бир нур туширки, мен Сендан рози бўлай.

Гўё дуоси ижобат бўлгандек бирдан чироқ ёнди. Онаизор темир қутидан эсон-омон чиқиб олди.

Вақти-соати келиб, онаизор бу ёруғ дунё билан хайрлашди. Фарзандлари уни қоронғи ер бағрига топшириб, орқаларига қайтдилар. Буни қарангки, мўъжиза юз берди. Қабристондан одамлар оёғи узилиши билан бир юмронқозиқ ғайрат билан ишга киришди. Ҳадемай у мўлжалга етди. Онаизорнинг қабрига соч толасидек эмас, балки бир ўрим сочдек нур мўралади...

Оҳ, онаизор-а?! Дуоинг шунчалар ижобат бўлар экан, Яратгандан жаннат боғларидан бир дарича сўрамайсанми-я!

### ҚАРЗ ГАП

Ҳамма ҳайронлик Улуғбекнинг: “Полковник менинг ёнимда эди, сизнинг ёнингизда бўлиши мумкин эмас, ишонмаётган бўлсангиз гувоҳларим бор”, деганидан бошланди. Во ажаб, нахотки?!

Воқеа бундай: бир кадрдонимизнинг навкирон ўғли оламдан ўтиб қолди. Пешинга чиқарар экан, бо-радиган бўлдик.

– Бир акахонимиз келади, машинасида жой бор, сизни ҳам олиб кетамиз, – деди Улуғбек.

Сездимки, Улуғбекнинг акахонига ҳадди сиғади. Қолаверса, бундай пайтда ким ҳам йўк дерди. Ҳеч кимнинг бошига солмасин бу савдони. Эшитган борки “оҳ” деб юборяпти.

Улуғбекнинг акахони юмшоқ феъл, самимий кўринди. Машинасидан тушиб, бизни қарши олди. Улуғбек унга “полковник” деб мурожаат қилар, бошига мусибат тушган кадрдонимизга ачинар эди.

– Ҳа, – деди полковник йўлдан кўзини узмай, – ҳеч бир ота-она бу дунёда болам деб йиғламасин. Бу оғир жудолик. Шунча ёшга етказишни ўзи бўладими? Ўқитиб, аспирантураларни тугатиб... – овози титраб кетди полковникнинг.

– Ҳаммамиз бандамиз, қачон чақириб олади, Ўзи

билади, – таскин берган бўлдим мен. Айни пайтда рўпарадаги бир парча ойнада полковникнинг кўзида ёш милтилаганини кўрдим. Бу менинг эътиборимни тортди.

– Ўлган сизга ким бўлади? – сўрадим ундан.

– Сизларга қандок бўлса, менга ҳам шундоқ, – деди у. Полковник шундай деяпти-ку, биздан кўра кўпроқ тўкиляпти. Унинг ҳалимлиги, ўта одамжонлиги полковник деган номига ҳечам ёпишмаётган эди. Мен бундай одамларнинг юраги тош бўлади, деб ўйлардим.

Қизил духоба ўралган тобутни пешин намозига тақаб масжидга олиб бордик. Шу жойда биз бир-биримизни йўқотдик. Мен хонақоҳга ошиқдим. Азон айтилиб, намозга киришилди. Охирги ракатда ўнг тарафимга салом бердим-у, кўзим беихтиёр полковникка тушди. Мен бунга ҳеч ҳам ажабланмадим. У кишининг туриш-турмуши ибодатлига ўхшаб кўринган эди. Мозор бошига бордик, яна маййит чиққан жойга қайтиб кадрдонимизга сабр сўрадик. Шундан кейин полковник билан хайрлашдик.

– Яхши инсон экан, менда катта таассурот қолдирди, – дедим Улуғбекка.

– Ҳа, – деди Улуғбек, – асл одам. Узок йиллар ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаган. Истеъфодаги полковник.

– Буни қаранг, масжидда шундоқ ўнг тарафимга салом берсам, полковник ўтирибди-да, қанийди унинг ёнида сизни ҳам кўрганимда, – деб Улуғбекка озрок тегдим. Чунки, ростдан ҳам, ўша дамда кўнглимдан шу фикр кечган эди.

– Нима деяпсиз? – деди Улуғбек кўзлари катта-лашиб. – Полковник менинг ёнимда эди-ку, сизнинг ёнингизда нима қилади, бошқа бировга ўхшатгандирсиз.

Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Наҳотки, янглишган бўлсам? Ўзимни ҳам, Улуғбекни ҳам ишонтириш учун бир воқеани айтиб бердим.

Икки кўшни ҳажга отланишади. Сафарга чиқишдан бир неча кун олдин маҳалладаги бир одамнинг уйи ёниб кетади. Ҳажга отланганларнинг бири ҳажга атаган пулини уйи куйганга бериб, зиёратга бормади. Ҳажга кетган биродари қайтиб келиб, Аллоҳнинг уйи Каъбатуллоҳда намоз ўқиб туриб, ён томонга салом берганда сизни кўрдим, дейди. Чапга салом бериб, қайта ўгирилиб қарасам, йўқсиз. Билишимча, анави ишингиз билан сиз ҳажга борганнинг савобини олдингиз. Худо буни ўз уйида менга билдирди, деб суюнчилайди.

Бу гапни эшитиб, Улуғбек ҳам ўйланиб қолди.

– Бу ерда ҳам бир ҳикмат борга ўхшайди, ака, — деди Улуғбек энтикиб, — у киши бекорга кўзингизга кўринмаган.

– Гапларим сизга қарз, полковникка етказиб қўйинг. Қолганини ўзи тушуниб олади.

Улуғбек хаёл ичида қолди.

## ИККИНЧИ УМР

Бувининг касби муаллима эди. Нафақага чиққандан кейин ҳам набираси ўзининг ўрнига ишга келгунча ишлади. Аммо ишдан бўшаб, кенг уйга сиғмай қолди.

Бундай пайтда мактаб қайдасан деб ғайрат билан йўлга тушарди. Хоҳлаган шогирдининг дарсига кириб ўтирар, хуморбости бўлгач, яна уйга қайтарди. Шогирдлар ҳам устозни тушунишар, ҳурматини ўрнига қўйишарди.

Устоз аста-секин мактабга боролмайдиган бўлиб қолди. Кексалик ғолиб келди. Энди у кишининг шогирдлари йўқлаб келар, бироқ улар мактабдаги болалар ўрнини босиша олмасди. Уларни бошлаб келиш шогирдларининг хаёлига келмасди. Касб касаллиги деганлари шу бўлса керак-да.

Буви энди эрта-метандан дарвоза олдига чиқиб

Ўтириб оладиган одат чиқарди. Болалар шовкин-сурон билан мактаб томон ўтишар, ҳеч бирининг кампир билан иши бўлмасди. Устознинг хаёллари болаларга эрғашиб, мактабда синф хоналарида юрарди.

Охир-оқибат у киши кўчага ҳам чиқолмай қолди. Энди болаларнинг овози, топ-туп кадам товушлари у кишига девор оша эшитилади. Уйда ёш болалар йўқ. Бари улғайиб, учирма бўлиб кетишган. Уйда кенжаси-ю келини. Уларнинг ҳам боласи шаҳарда ўқияпти. Ҳафтада бир келишади. Уй якшанба кунлари байрам бўлиб кетади. Невара-чеваралар бувини кўргани келишади. Буви баҳона болалар бир-бирлари билан кўришишади, катталар дардлашишади. Бувига шириндан-шакар набиралари керак. Нафақа пуллари ни фақат шуларга сарфлайди. Ширинликлар, китобчалар, ўйинчоқлар обкелтириб кўяди. Улар ўқиган китобларини бувига гапириб беришади. Кейинги пайтда шеърхонлик, ҳикояхонлик ёнига бувининг кўнглини кўтарадиган яна бир бошқа машғулот ҳам кўшилди. Неваралари “Қуръон”дан кичик-кичик суралар ҳам ёд айтиб бера бошлашди. “Аллоҳнинг каломига йўл очган замонангдан ўргилай. Бутун-бутун авлодлар бу неъматдан бебаҳра ўтиб кетди-я, эсизгина-я.. Энди бемалол ўлсам ҳам бўлаверади, оркамда шунча дуоғўйларим бор. “Қуръон”га бурро бўлган тилларингдан ўргилай, сенларнинг...”

Дарҳақиқат, буви хотиржам омонатларини топширди. Фотихаликлар ўтиб, навбатдаги якшанба окшомида уй яна катта-ю кичик билан тўлди. Албатта уйда кимдир етишмайди, кимдир кам. Буни ҳамма ичидан ҳис қилиб ўтирибди. На илож, ота-она ўлмок – мерос.

– Ие, болалар қани?

Бу савол ўтирганларни бирдан хушёр торттирди. Илгари бундай савол бўлмас эди. Сабаби, болалар бувининг ёнида бўлишарди. Буви йўқ-ку. Қажоққа ғойиб бўлишди экан?

Болаларни бувининг хопасидан топишди. Топишди-ю, манзарани кўриб, остонада туриб қолишди. Буви оркаларига ёстик кўйиб, жойларида ўтирар, бошларида ошпок рўмол, кўзларида кўзойнак. Болалар у кишини ўраб олишган. Буви уларни имтиҳон қиляпти:

– Қани, ҳов сен кичкина “бир” дегинчи?

– Би...

– Би эмас, би-р-р. – Сен ёрдамлашиб юборчи?

– Бир, бир, бир...

– Энди сен янаги сафаргача “бир”ни яхшилаб айтадиган бўб кегин, хўпми?

– Хўп.

– Ҳа, баракалла, мана буни олиб кўй.

Буви ёстикнинг тагидан бир нима олиб кичкинтойга узатди. Аммо кўлида ҳеч вақо йўқ. Кичкинтой ҳам йўқ нарсани бордай қилиб олиб, оғзига солиб, чапиллатиб кўйди.

– Бир нарсани еганда оғзингни чапиллатма, болам, айб бўлади-я.

Шеърлар ўқилди, хикоялар айтилди, суралар ўқилиб, ўтганларга бағишланди. Бу орада “буви”нинг кўллари тез-тез йўқ нарсаларни улашар, пешонасидан кўзойнаги тез-тез тушиб кетар эди.

– Неча марта айтаман, бу уйдагиларга, кўзойнагимнинг банди бўшаб қопти деб. Анави Тўхтасин болам Тошкентдан келса айтаман, у бунақа нарсаларни яхши тушунади, – дейди буви...

Бувининг бу ёруғ дунёдаги иккинчи умри ана шундай давом этарди...

## МАКТАБ

Базм давом этар, суҳбатлар кизигандан кизир эди... Келин тарафдан келган кўни-кўшнилари куёв тарафнинг кимлиги билан қизиқишарди. Ахир эртага хотин-халаж ўртасида тўй қандоқ ўтди, ховлиси қанақа экан, деган гаплар бўлади-да.

Худди шуни сезгандек бир хотин аёл кудани оғзидан бол томиб мақтаб қолди.

– Раҳматли қайнотасининг дуосини олган, тилла хотин.

Унинг сўзларини тинглаб ўтирган кайвоний хотин сўради:

– Қайнотаси бетобмиди?

– Ҳа, хотини ўлгандан кейин саҳр бўб, бир оёқдан ажраб қолган эди, бечора. Мусичадек еттинчи қаватдан пастга мўлтираб қараб ўтирарди. Шу одамни оқ ювиб, оқ тараб неча йил парвариш қилди-ю...

– Бошқа фарзандлари йўқмиди қарайдиган? – гапга аралашди ёшгина келинчак.

– Бориди, бир эмас, учта қизи бориди. Бари уйли-жойли бўлиб кетишганди.

– Улар оталарига қарашмадимми?

– Келини унамади-да, меҳмонга келсанглар, марҳамат, эшигим очик, деди. Қуда хола шунака, Худони таниганлардан. Эркак куда ҳам бир жаҳон.

– Келинларнинг орасида шунақасиям бўларкан-да, умридан барака топсин, – деб кайвони хотин ёнидаги ёшгина келинчакка қараб қўйди.

– Бир куни, – деб сўзида давом этди гап бераётган мезбон, – отани кўргани чиқдим. У киши раҳматли отамнинг дўсти эдилар-да. Тансиқ овқат қилсам илинардим. Кун совуқ эди. Газлар пасайиб кетган. Ота ётган хонага кирдим-у:

– Вой, хонангиз иссиқкина экан-а, – деб юборибман.

– Ҳа, – дедилар у киши ҳам жилмайиб, – биласанку, қизим, бу уйда ой чикса ҳам менга чиқади, кун чикса ҳам. Набирамни эҳтиёт қилинглар, шамоллаб қолмасин десам, келиним тушмагур, қўяверинг, ўғил бола, чиниқади, дейди.

Айтганларидек ўша бола мана полвон йигит бўлди, насиб қилиб тўйида ўтирибмиз. Ҳа, ота ёшини яшаб, ошини ошаб ўтиб кетдилар. Аммо келинпошшанинг

хизматлари ҳали-ҳали кўшниларнинг оғзидан тушмайди. Мактаб, гапирганимиз гапирган.

Кайвони хотин ёнидаги келинчакни туртди:

– Бор, чиқиб ўйнасанг-чи, ҳали замон базм тугайди, армонда қоласан.

– Қўяверинг, холамнинг гаплари менга ёқпти, – деди келинчак кулиб.

– Ёқаяптимиш, бу гаплар сенга калтак бўлиши керак, аслида. Сен унақамассан-ку, ахир.

Ҳалидан бери гап бериб ўтирган мезбон хотин биронинг дилини оғритиб қўйдим шекилли, деб суҳбатдошларига мўлтираб қаради.

– Буниям қайнотаси инсульт бўб қолган, қайнонаси ўлган. Тақдирни ўхшашини қаранг, у кишиниям учта қизи бор. Уйли-жойли. Навбати билан келиб оталарига қарашади, – деди кайвони юзини тескари буриб.

– Қарашсин-да, уларни боқиб, катта қилиб, узатишни ўзи бўлганми, – жаҳл қилмай қикирлаб кулди келинчак.

– Бир қоп ёнғоқ бўмай ўл, – келинчакка ёлғондакам пўписа қилди кайвони, – шунча гаплар у қулоғингдан қириб, бу қулоғингдан чиқиб кетибди-да-а?

– Ҳечамда, энди менам шунақа келин бўламан.

– Қанийди...

## ДУО ОЛГАН КЕЛИНЧАК

Қайнона анчадан бери бемор ётарди. Келинлари уни оқ ювиб, оқ тарашар, айниқса, ўртанча келини бошқача эди. Олдида узоқ қолиб кетар, кўнгли нима тусаётганини уқиб, дарровда пишириб оғзига тутар эди. Унинг барча хатти-ҳаракатлари самимий, дилдилдан эди. Дардни қайнонаси билан бирга тортаётгандек эзиларди. “Тавба, мен бор-йўғи қайнонаман-ку, вақти келса ўзингни қизингга малол кеб қоласан, бу барака топкур жонини беришга тайёр-а, шунақасиям бўларкан-да, илоҳа ўғлим билан қўша қарисин, мен-

дан қайтмаса Худодан қайтсин”, деб дуо қиларди қайнона. Бир куни қайнона Худодан қайтсин деди-ю ўйланиб қолди. Ахир ўзиям кўзини очиглигида саломга яраша алик қилса-чи... Бунинг савоби янаям улуғку. Кўнглига бир ўй келиб “шундай қиламан”, деб аҳд қилди. Аммо иккиланиб қолди. Узатилган тўнғич қизини кута бошлади. Қизиям катта рўзғорга бека, ўзидан ортолмайди, келсаям кетақолай деб кўзлари жавдираб туради. Ниҳоят она, қиз, келин учовлари жам бўлиб қолишди.

– Қизим, – деди она.

– Лаббай, ойижон.

– Мановини сенга бераман девдим-а, – дея бармоғидан тушиб кетай деб турган узукка ишора қилди она.

– Ҳа, шундай деган эдингиз, – дея қиз онанинг пинжигга тикилди.

– Шу десанг... қароримни ўзгартирмоқчиман.

– Буни ҳам синглимга бермоқчимисиз, у шундоғам кўп нарсангизни шилволдику.

– Йўқ, манови келинимга бермоқчиман.

– Ҳа, бунгами, бу келинингизга гап йўқ, биламиз сиззи ўз онасиданам яхши кўради. Лекин узукни менга беринг-у уни дуо қилаверинг, – деб кулди қиз. Она “ярқ” этиб келинига қаради. Келини нимагадир хурсанд эди.

– Ҳа, хурсандсан, хапа бўлиш ўрнига?

– Хурсандман ойижон, жудаям хурсандман... – дея онанинг оёқларини уқалашга тушди келин, – узукни опамга бериб, мени дуо қиловринг... Олтин олма дуо ол, дейишган.

Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Сал кунда она ҳам оламдан ўтиб кетди. Ўғил-қизлар ўз тирикчилиги билан ўзи бўлиб қолди. Дуо олган келинимиз эр-хотин кўш хўкиз дегандек чала ётган участкасини битириб, қариндошларни уй тўйига айтишди. Опа бўлмиш укасининг данғиллама ҳовлисига кириб, оғзи ланг очилиб

қолди.

– Ўх-хў-ў-ў... буюрсин, буюрсин, – деди укаси билан келинига қараб, – бизларни ярим йўлда қолдириб кетибсизлар-ку, эт-бетдан хазина топиб олдиларингми, дейман?

Келин шоду хуррамлик билан деди:

– Эсингиздами опа, ойимларга мени кўрсатиб, буни дуо қиловринг, деганингиз, бу ўша дуоларнинг ижобатидан, опажон...

## ҲУКМ

Танишимни учратиб қолдим. Пешин вақти эди. Тушликка таклиф қилдим. У билан бир отамлашгим бор эди. Рўза тугган экан. Рамазонмас-ку, депман шошиб. Нафл рўзаси, деди. Гапни кўпайтирмади. Хайрлашдик. Яна бир сафар учрашиб қолдик. Энди уни астойдил хос ошхонага таклиф қилдим. Бу сафар ҳам рўзадорлигини баҳона қилди.

– Э, рўза тутмайдиган кунингизам борми ўзи, – дедим астойдил хафа бўлиб. – Ё устимдан куляпсизми?

– Душанба ва пайшанбадан бошқа кунлари, бемалол. Аксига олиб нукул шу кунлари учрашиб қоляпмиз-да, – деди у кулиб.

– Бир ойдан саккиз кун рўза тутсангиз, тушлик ҳам ёнга қолиб, роса бойияпман, денг? – ҳазиллашдим мен.

– Тушлик пулининг ўрни бор, – деди у маъноли жилмайиб.

Маълум бўлишича, у тушлик пулларини йиғиб китоб олар экан. Қизиғ-а, нафсни жазолаб, ақлни ўстириш... Нималарни ўйлаб топишмайди-я, бу одами тушмагурлар?

## ИБРАТ

Набирам оғриб, касалхонага тушиб қолди. Кўргани бордим. Ҳамшира кўшни каравотда ётган болакайни додлатиб укол қилиб, чиқиб кетди. Бола бечора бор аламини кекиртагидан олиб, хонани бошига кўтарди. Она шўрлик овитай деб оғзига бир нималар тутди, кўлига бир нималар берди. Бола жаҳл билан кўлига илинган нарсани отиб урди. Нима қилишини билмай қолган она “вой, мана буни қарагин, вой бў-ў-ў...” дея бир нимани унга кўрсатди. Бола бирдан жимиб қолди. Қарасам, она унга бир китобчани кўз-кўз қилаётган экан. Болакай китобча билан овунди, қолди. Бўлмаса ҳали ҳарфниям танимайди. Эътибор қилсам бундай чиройли китоблар хонада анчагина экан. Беихтиёр биттасини олиб варақладим. Варақладиму дастхатга кўзим тушди: “Дори – даво, китоб – малҳам. Шифокорлардан миннатдор бўлиб, Давроннинг адаси”. Эътибор қилсам, китоб обкелишни Давроннинг адаси бошлаб берган-у бошқалар давом эттириб, хонада кутубхона пайдо бўлган экан. Кейинги боришимда мен ҳам китоб кўтариб бордим...

## СОВҒА

Дониёрнинг туғилган куни эди. Меҳмонлар турли-туман ўйинчоқлар кўтариб келишди. Ўзи юрадиган, гапирадиган, мусика чаладиганидан... Болалар ўйинчоқларни бири олиб, бири кўйиб роса ўйнашди. Ахийри зерикишди. Шу пайт болалардан бирининг кўзи китобчага тушиб қолди. Совғалар орасида китобча ҳам бор эди. Бирдан у талаш бўлиб кетди.

- Бер менга...
- Мен ўқишни биламан.
- Вой, расмиям боракан.
- Э, тўхтаб тур, йиртасан.
- Сен ўйинчоқ ўйнай қол.

– Йўқ.

Афсуски, талаш бўлаётган бу азиз совға бор-йўғи бир донагина эди...

## СЕП

*Каттакон* юк машинасида келиннинг сеплари келди. Кўрпа-тўшак, сандиқ, кути, яна аллақанча нарсалар... Аммо иккита норғул йигит битта сандиқни оёқлари чалишиб, зўрға кўтариб киришди. “Нима бало, тош солворишганми”, деб ҳайрон бўлишди.

Сепларни қабул қилиб олаётган кайвонилар сандиқни очиб кўришди-ю, шошиб қолишди.

– Ҳай, – деди ташқарига қараб, – юк олиб келган машина кетиб қомасин, бу сандиқни адашиб обкеб кўйишибди.

Овсин-ажинлар ҳам қизиқишиб, сандиқнинг теппасига келишди. Унинг ичи тўла китоб эди.

– Вой ўлай.

– Қизиқ бўпти-ку...

– Тўйчилик, шошишганда, айланай.

Ҳалиги йигитлар минг азобда, яна сандиқни олиб чиқиб кетишди. Аммо сал ўтмай кула-кула яна кўтариб киришди. Китоблар келиннинг сепи экан.

## АСАЛ ҲИДИ

*Миробид* муборак ҳаж сафарига отланар экан, ҳажга бориб келган бир биродаридан Мадинаи Мунавварада илгаритдан бориб, туриб қолган ватандошимиз яшашини эшитиб қолди. У киши ўтган асрнинг талотўп даврларида ота-оналари билан хижрат қилган, ҳозирда ёшлари бир жойга бориб, илмда тенгсиз даражага етган бир инсон эканлар. Ҳар йили ҳаж мавсумида дунёнинг тўрт тарафидан олимлар келиб, у киши билан мунозаралар қилишар экан. Она юртидан келганларга алоҳида меҳр ва муҳаббат кўрсатар экан.

Миробид Мадинада бўлганида, албатта, у зотнинг зиёратида бўлишни кўнглига тугди-ю ўйланиб қолди: юртдан нимани совға қилиб олиб борса экан? Ўйлаб-ўйлаб чопон ва асалда тўхталди. Ҳар иккови ҳам юртни эслатади. Бири либос, иккинчиси таом ўрнида.

Дарҳақиқат, Мадинада ҳазратнинг ҳовлисини топиш қийин бўлмади. Мадиналик бир киши она тилимизда:

– Мабодо сиз ватандошингиз Закарий ҳазратнинг уйини изламаяпсизми? – деб сўради.

– Валлоҳи аълам, буни сиз қандай билдингиз, – ҳайрон бўлди Миробид.

– Дўппингиздан, Ўзбекистондан келганларнинг кўпчилиги ҳазратни билишади. Менинг ҳам ота-боболарим асли Марғилондан. Болалигимдан Ватанимизнинг таърифу тавсифларини эшитиб катта бўлганман. Келинг, бағримга бир босай...

Миробид ҳазратнинг уйини бўлакча тасаввур қилган эди. Оддийгина, мўъжазгина хонадон экан. У киши шамол бергичлар кўйилган хонада мисрлик, туркиялик, покистонлик зиёратчилар даврасида ўтирар эдилар. Сухбат гоҳ урду, гоҳ араб, гоҳ турк тилларида борарди. Ҳазрат ҳар бир тилда равон ва бийрон сўзлар эдилар. Юз ёшларни қоралаб қолган, юзлари нурли, карашлари ўктам. Ҳазратга меҳмоннинг хабари етиши билан ўтирган жойларидан бир кўзғалиб кўйдилар. Даврадаги сухбат поёнига етди шекилли, ҳазрат хонага кирибок, пойгакка чўккан Миробидга иссиқ юзланди:

– Хуш кўрдик, ватандош.

Миробид ўзига навбат етганидан қувониб, шошиб ўрнидан турди ва илдам бориб, чўк тушганича мўъжазгина жуссани оҳистагина зиёрат қилди. Устига тўн ёпди. Кейин тугундан бир идишда асал олиб, у кишига тутди. Шамол бергич худди шуни кутиб тургандек асал ҳидини хона бўйлаб сочиб юборди. Ўтирганлар:

– Ма-а-ш Аллоҳ, – деб юборишди.

Ҳазрат қандайдир гурур ва ифтихорга чўмиб, жилмайдилар. Бу у кишининг Миробидга билдирган чуқур миннатдорчилиги эди. Ҳазрат асалдан бир бармоқ олиб яладилар-да, ўнг тарафдан ўтирганларга узатдилар. Меҳмонлар бу табаррук таомни жон деб қабул қилдилар ва асал қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳазрат бўлса ёш боладек елкасидаги тўнни силаб-сийпалар, енгини бир-бир олиб, гул искагандек искар эдилар. Миробиднинг боши осмонга етди. Совға танлаганда янглишмапти. Ҳазрат энди бу тўнни бошларига кўйиб ётсалар керак. Ўзбекнинг матоси, ўзбекнинг пахтаси. Қавиклари ҳам қалами. Миробиднинг кўзи отанинг ёнбошидаги уринибгина қолган арабий мурсакка тушди. Оҳ, сўрасам шу либосни ватанга олиб кетиш учун берармиканлар, деган ўй кўнглидан кечди Миробиднинг. Бир эмас, икки ўғли қори бўляпти, табаррук килиб, уларнинг елкасига ташлар эди.

Ҳазрат худди Миробиднинг ўйларини укиб тургандек унинг фарзандларини сўраб қолди.

– Биттаси мураттаб қори бўлди, кечаги рамазонда хатмига ўтди, иккинчиси ҳам қори бўлиш арафасида, – деб суюнчилади Миробид.

– Аллоҳга шуқур, Ватан хур, ундан келажак хабарлар ҳам хур, – деб ҳазрат енгил тин олдилар. Кўзларида Ватан соғинчи, олис хотиротлар “йилт” этгандек бўлди. Қани энди қаноти бўлсаю, Ватан боғларини бир кезса. Миробид ҳазратнинг юз-кўзларидан ҳаммасини укиб турар, хўп десалар, Ватанга опичиб бўлса ҳам олиб кетишга тайёр эди. Афсуски, ҳазратнинг ҳам, Миробиднинг ҳам хаёллари ширин бир орзугина холос. Вақт ўз ҳукмини ўтказган, ҳазрат тўкилишга мойил бўлган гул япроқларига ўхшаб қолган.

У киши ёнларида турган арабий мурсакни қўларига олиб, дедилар:

– Буни насиб қилса, ўзим кийиб тўзитаман, ўғлим.

Сиз олиб келган тўн янги экан, эскисини тўзитмай янгисига муҳаббат қўйсак, бунинг эртага савол-жавоби бор. Тўн меники бўлди. Энди мен уни сизга ҳадя қилиб қайтараман. Олиб бориб, ёш қори болаларимнинг елкасига ташланг. Улар илмда бизданда ўтишсин. Ватанга хизматда бўлишсин.

Миробид хонадан чиққанда издаҳом, янги меҳмонлар билан алмашган, суҳбат давом этар, Мадинаи Мунаввара кўчаларида асал ҳидлари анқир эди.

## ЯНГИ ҲОВЛИ

*Ғ*айбуллоҳнинг кизи мучал ёшидан ўтиб, ўғли ҳам шунга яқинлашиб қолди ҳамки, ҳамон уй-жойи йўқ, ижарада яшайди. Аллоҳ берса қулига, чиқариб қўяр йўлига, деганларидек, бир кунда ҳовли-жойли бўлди-қолди. Мана, эшитинг.

Дурадгор Хайруллоҳ ота шаҳарда қўли гул уста бўлиб ном чиқарган. Тўққиз ўғил ўстирди. Улар ота касбини эгаллашди-ю, лекин бошқа касбларни ҳам ихтиёр этишди. Ўқитувчи, инженер, тижоратчи дегандек. Бироқ зарур бўлиб қолса уста қидириб кўчага чиқишмайди. Ота касбини ишга солишади. Хайруллоҳ ота энди ўз касбини зўр бериб набираларига ўргатиш билан овора. Набиралар мактабдан таътилга чиқди дегунча отанинг хузурига “ҳарбий хизматга” чақирилишади. Бу ерда тартиб ҳарбийдагидек қаттиқ. Болалар тонг билан уйғонишади. Югуриб, маҳаллани бир айланиб чиқишади. Кейин ювиниб-таранишади. Нонуштадан кейин ҳар бирига иш тақсимланади. Кейин бош кўтармай ишланади. Мусиқа эшитиш, телевизорда кино кўриш ҳам режага солинган. Тушлик овқатни навбати билан ўзлари тайёрлашади. Кундуз кунни узоғи билан бир соат қайлула уйқуси ҳам бор. Шунинг учун ҳам набиралар боболарининг уйини “армия” қўйиб олишган.

Таътил охишлаб, мактаблар бошланиш арафасида

“харбий хизмат” поёнига ета бошлайди. Набиралар орасида кўли келиб қолганларга оқ фотиҳа берилади. Бу ҳам расм-русм билан қилинади.

Бу йил ёзда Ғайбуллоҳнинг ўғли Шайдуллоҳ уйда боқиладиган тўтиларга ин ясашни ўрганиб олди. Бемалол ясаб, сотса бўлади. Бобоси унга оқ фотиҳа берадиган бўлди. Ҳамма набираларнинг оталари чақиртирилди. Бобоси Шайдуллоҳга ёғочга ишлов берадиган жажжи дастгоҳ совға қилди. Кўлига меҳнат ҳақинг деб, пул ҳам берди.

Амакилари ҳам жиянини табриклашди. Шунда бирлари ундан сўраб қолди:

– Хўш, жиян, биринчи маошинг муборак бўлсин. Бу пулга нима олмоқчисан, энди?

Шайдуллоҳ қувончдан кўзлари порлаб, бир кўлидаги пулга, бир амакиларига қараб:

– Адам билан ойимга ҳовли обераман! – деди болаларча соддалик билан.

Амакилари кулиб юборишди.

– Ҳовли оламан дегин...

– Оббо сен-эй.

– Янги ҳовли муборак бўлсин, – деб Ғайбуллоҳга қараб кулишди акалари.

– Уй тўйи қачон?

Яна кулги кўтарилди. Ота томоқ кириб қўйди. Ўғиллар хушёр тортиб, отага қарашди.

– Гап шу, – деди ота ўғилларига қараб, – эртага ҳамманг топган-тутганингни обкеласан, Ғайбуллоҳга ҳовли оберамиз, гап тамом, вассалом!

Шундай қилиб, боланинг соддадиллик билан айтиб юборган гапи чинга айланди.

Ҳа, бандасининг кулфи дили Яратганининг измидадир, уни қандай қилиб очиб юборишни Ўзигина билди.

## НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА...

Зулхумор эрини ишдан қарши олар экан:

– Қўшнимизга тўй муборак қилиб кўйинг, бир жойга унашишибди, опоқи чиқиб, суюнчилаб, чиқиб кетди, – деди.

– Яхши бўбди.

– Назаримда озроқ пул керакка ўхшайди. Сўрамадилар-у, сал учини чиқардилар.

– Бир гап бўлар, бунақа пайтда қўшни қўшнини суяши керак.

Эр кийимини алмаштириб, “гапи” бор эди, зиёфатга кетди. У ердан элнинг олди ухлаганида қайтди. Сувхалтада анча-мунча пул бор эди. Зулхумор хайрон бўлди.

– “Гап”нинг пули, ўртоғимга зарурмасакан, қўшнининг тўйини ўйлаб олвола қолдим.

– Қандоқ яхши бўпти-я. Худо етказибди. Юринг, ҳозироқ обчиқайлик.

– Э, кеч бўлди-ку...

– Вой, тўй бошлаган одам ухларканми, ана чироклари ёниб турибди.

– Юрақол, унда.

Қиз тараф мўддатни қисқа қўйибди. Шунга шошиб қолишган экан. Пулни кўриб қўшнининг боши осмонга етди.

Эртасига Зулхуморнинг эри яна бир даста пул кўтариб келди.

– Ҳа, адаси, яна нима бўлди?

– Худо берди, хотин. Кўпдан бери бировда унмаётган пул бор эди. Ўша униб қолди, десанг...

– Кечаги ишимиз Худога ёқибди-да, адажониси, биз қўшнимизни ўйласак, Худо бизни ўйлапти.

– Ўлма, хотин, ҳақ гапни айтдинг.

## У ЁҚДА ҲАМ ТОЛИБИ ИЛМ

Эргаш ота кейинги пайтларда чойхонага кам чиқадиган бўлиб қолди. Девор дармиён кўшниси Миржамол ота хавотир олиб, у кишини кўргани кирди. Қараса, болалик дўсти мук тушиб, харф хижжалаб ўтирибди: Алиф... Бе... Те...

– Ҳа, қариганда ҳофизи Куръон бўлмокчимисан!

– Орзуга айб йўк, оғайни.

– Қиркида кўлига дутор ушлаб, қиёматда қулоғини бураган экан? Биззи бозоримиз ўтиб бўлди, оғайни. Ўзингни қийнаб қон босимингни оширма, чойхонага чиқиб тур, одам тафтини одам олади.

Ушбу суҳбатдан бир ҳафта ўтиб, соппа-соғ юрган Эргаш ота омонатини топширди.

Маййитни қабрга дўсти Миржамол ота кўйди. Кўп маҳзун бўлиб, ўша суҳбатни эслади: “Одам боласи эртага нима бўлишини билмас экан-да. Бечора дўстим-а, ажали эшик қоқиб турган экан-у, ҳофизи Куръон бўламан деб юрибди-я... Во дариғ...”

Шу куни Миржамол ота туш кўрди. Кўрганини туш деб ҳам бўлмасди. Худди ўнгидагидек бир ҳол юз берди.

Шинамгина хона эмиш. На бир туйнуги, на бир дарчаси бор. Аммо деворлари шунақанги шаффоф эмишки, ёруғлигидан кўз қамашармиш. Хонанинг ўртасида Эргаш ота. Чўкка тушиб олиб, нукул харф хижжалармиш. Рўпарасида иккита ёш йигитча унга дарс берармиш. Миржамол ота ҳайрон бўлиб сўрармиш.

“Ўзларими?”

“Кўриб турибсан-ку”.

“Бу қанақа жой?”

“Қанақа бўларди, ўзинг ташлаб кетдинг-ку”.

“Унда бу йигитчалар ким?”

“Устозларим”.

“Устозларинг? Улар қатган кеп қолишди?”

“Жаннатдан, эсингдами хофизи Куръон бўламан деб ният қилган эдим, мана, қабрда ҳам толиби илм бўлиб ўтирибман...”

Миржалол ота ҳайрат ичида уйқудан уйғониб кетди...

## ОҚИБАТ

Нормурод отанинг ҳаёти бир умр ғилдирак устида ўтди. Битта корхонада ишлади. Нечта раҳбар келиб кетган бўлса, барига хизмат қилди. Айниқса, бошлиқларнинг болалари билан яхши чиқишарди. “Дода, бир мазза қилдилинг...” “Дода” ҳеч қачон йўқ демас эди. Баъзан мактабларига олиб борарди, боғча, шифохона дегандек. Ишқилиб бир ёғи хизматчилик, мураса-ю мадора...

Орадан йиллар ўтиб кетди. “Дода”лаб юрган болалар бугун бири куёвтўра, бири келинпошша. Баъзилари кўришиб қолса танийди, баъзилари танимайди. “Дода” ҳам нафақага чиқиб олган. Ахир, кўзлари хира тортиб, рул ушлайдиган қўллари қалтираб қолган.

Нормурод отага, айниқса, кейинги бошлиқнинг Ҳасан ва Хусан ўғиллари ёқарди. Бўладиган бола бошидан, деб эгизаклар ҳам “маза” қилишдан чарчашмас эди-ю, бироқ мактабларига машинада боришга сира унашмасди. Болаларнинг бу одоби “дода”га ёқарди. Шунинг учун ҳам уларга меҳри бўлакча бўлди. Афсуски, оталарининг умри қисқа экан, эгизакларни бир кунда уйлантирди-ю, оламдан ўтиб кетди. Марҳумнинг ёр-биродарлари эгизакларни ёнига олишди. Тезда улар ҳам оёққа туриб, топарман-тутарман бўлиб кетишди. Лекин “дода”ларини эсларидан чиқаришмади. Ҳаялламай келиб туришади. “Дода” уларни дуо қилади. Куръон ўқиб, оталарининг руҳига бағишлайди.

Бугун ҳам эгизаклар “Дода”нинг зиёратига келишди. Аллоҳнинг қудрати бир-бирларига бир томчи

сувдек ўхшашади. “Дода” баъзан уларни ажратолмай қийналади.

Эгизаклар ҳар доимгидек апоқ-чапоқ сўрашишди-да, бир нимани суюнчиламоқчи бўлгандек, отага қарашди.

– Ҳа, – дея кулди, ота, – оғизларингнинг таноби қочиб турибди, машина олдиларингми?..

– Э, машина жонингизга тегмадими, дода?

– Ҳа энди товукнинг тушига тариқ кираркан, машина олсаларинг ёмонми?

– Сиз ҳадеб биззи ўйлайсиз, бундоқ ўзиззиям ўйланг-да.

– Ўзим учун ниманиям ўйлай, болаларим? Худога шуқр, соғлигим яхши. Рўзгорим бут. Қари одамга бундан ортиқ яна нима керак?

– Яхшилаб ўйлаб кўринг-чи...

– Хў-ўш.. ўйладим, болаларим, ўйладим.

– Унда айтинг, нимани ўйладингиз?

– Сизларнинг менга бўлган меҳр-у оқибатингизни...

– Бизнинг дилимиздагини топмадингиз-а, шаҳар бердингизми?

– Э, сизлардан бир эмас, мингта шаҳар айланиб кетсин.

Ҳасан Ҳусанга қаради: “Сен айт”. Ҳусан Ҳасанга қаради: “Сен айт”. Ҳасан гап бошлади:

– Дода...

– Лаббай.

– Нахотки Ҳажга бориш ҳақида ўйламаган бўлсангиз?

– Нима дединг, болам?

– Ҳажга боргингиз келмайдими, дода?

Ота ҳалидан бери чордона куриб, бамайлихотир гурунглашарди. Бирдан сергак тортиб, чўккалаб олди. Бошини эгганча, узоқ жим қолди. Кейин:

– Нимага ўйламайин, болаларим, жудаям ўйлайманда. Мўмин одам борки, Худонинг уйини орзу-

лайди. Лекин орзу бошқа, қодир бўлиш бошқа, азаматларим..

– Нега қодир эмас экансиз, мана, биз турибмиз-ку. Сиз бизни қанча мазза қилдирандингиз. Энди биз ҳам сизни бир “мазза” қилдирайлик, дода.

Нормурод отанинг ўпкаси тўлиб, тили айланмай қолди...

### МУШУКНИ КИМ КЎМАДИ?

Бобо билан набира кўп қаватли биноларни оралаб ўтган анҳор томон шошиб борардилар. У ердаги ёйилмада чўмилаётган болаларнинг бакирик-чақириғидан набиранинг кулоғи динг. Бобо уни кўшни болаларга ишонмайди. У ҳали сузишни билмайди. Шунга ўзи кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Сув бўйи ғир-ғир шабада. Набира баҳона ўзи ҳам дам олади. Улар йўл чеккасидан боришар экан, “уф-э...” деб набираси оғизбурнини беркитди. Бобо ҳам бир нохуш ҳидни сезган эди-ю, эътибор қилмаган эди. Йўл чеккасида ётган мушукнинг жасадига кўзи тушди.

– Шу-да, болам, – деди бобо кимдандир норози бўлиб, – кечгача шу ердан минглаб одам ўтади, ўлакка касаллик тарқатиб ётаверади, бундоқ четга олиб, кўмиб ташлашни ўйлашмайди. Энг ёмони ўлакка ҳам қарғайди: “Сенинг ҳам ўлигинг кўчада қолсин”, деб.

– Бобо, мушукка нима қилган?

– Нима киларди, машина уриб юборган-да, чироғим.

Бобо набирасининг саволидан хурсанд бўлди. Жирканса ҳам бепарво эмас. Бу орада улар бояги жойдан анча узоқлашиб кетишди. Тезлаб юришди-да.

– Бобо!

– Нима дейсан, чироғим!

– Мушукни ким кўмади?

Бобонинг бошидан биров бир челак сув қуйиб юборгандек бўлди. Ғир-ғир шабадани кўмсаб шошаёт-

ган оёқлари юришдан тўхтади. Дарҳақиқат, ўлакساني ким кўмади?

– Кўмамизми? – деди бобо ғайрати кўзиб.

– Кўмамиз бобо, биззи қарғамасин.

Хуллас, бобо ва набира орқаларига қайтдилар. Яқин-орадан бир чуқурча ҳам топила қолди. Бобо занглаган темиртак билан чуқурчага тупроқ сурди. Набира ҳам қараб турмади, нари-беридан кесак обкелиб ташлади.

Шу арзимас иш сабаб бобонинг хаёлидан бир ривоят ялт этиб ўтди. Бу ривоятни китобдан ўқиган.

Одам Атонинг икки ўғли бўлиб, улардан бири нафси йўлида иккинчисини ўлдириб қўяди. Бу ер юзидаги биринчи қотиллик эди. Қотил ўғил биродарининг ўлигини нима қилишни билмай, у ёққа олиб боради, бу ёққа олиб келади, кўздан йўқота олмади. Шунда Аллоҳ таоло унга биродарининг ўлигини қандай қилиб кўмишни кўрсатиш учун иккита қарғани юборади. Қарғалар қотил ўғилнинг кўз олдида уришадилар ва бири иккинчисини ўлдириб қўяди. Кейин тирик қолгани тумшуғи билан ерни чўкилаб, ўлган қарғани кўмади. Шунда қотил ўғил пешонасига бир уриб, “Шўрим қурсин, мана шу қарғачалик ҳам йўкманми?” деб ўз ношудлигидан фиғони фалак бўлди. Мана энди набираси бунақа пайтда нима қилишни билади, бефарқ ўтиб кетмайди.

Бобо ва набира ишни охирига етказганда анҳор томондан бир муздек эпкин келди-ю чор-атрофни мусаффо қилиб юборди.

## ТАВБАГА СОДИҚЛИК

*Моҳи* Рамазоннинг мўъжизалари беҳисоб. Шулардан бири бу ойда катта ва кичик гуноҳларнинг мағфират қилинишидир. Тавбаларнинг қабул бўлишидир. Бандасининг қалби тозариб, иймони кучайиб борар экан, билиб-билмай қилган хато ва

пуксонларини англай бошлайди. Дилида афсус ва надомат куртаклари пайдо бўлади. Яратганга ёлвориб, гуноҳларини сўрайди. “Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшанинг тавбасини қабул қиладир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли зотдир”, дейилади Қуръони Каримда.

Тангри таолонинг ана шу таъкидидан кейин ҳам қайси рўзадор одам Аллоҳ истаганидек ҳаракат қилишни хоҳламайди дейсиз?! Хоҳлайди. Лекин кимларнинг тавбаси қабул бўлади, ҳамма гап шунда!

Тавба инсон зоти учун берилган катта имконият. Одам борки, хато қилади. Лекин астойдил тавба билан онадан қайта туғилгандек покланиши мумкин. Тавба дегани ўша гуноҳни умри давомида қайта такрорламасликдир.

Шайтон эса бошқача васваса қилади: “Кечгача гуноҳ ишларни қилавер-у, кечкурун ярим соат Аллоҳга тавба-тазарру қилсанг, гуноҳларингни кечиб юборади”.

Шундайлар йўқ эмас, бор. Боши ёстикқа тегиши билан тавба қилади-ю, боши ёстикдан кўтарилиши билан яна гуноҳ ишларни қилаверади. Рамазонда тавба қилиб, бошқа ойларда шайтон билан оғиз-бурун ўпишаверади. Бу мунофиқликдир. Бундай шайтоний тавба, албатта, қабул бўлмайди. Аллоҳ билгувчи зотдир, тавбанинг чин ёки чин эмаслигини билиб туради.

Қуръони Каримда тавба қилинг, тавба қилганда ҳам Насўҳга ўхшаб тавба қилинг, дейилади. Хўш, Насўҳ ким бўлган-у, қандай гуноҳлар қилган-у ва гуноҳлари қандай мағфират бўлган?

Бир юртда бир гўдак дунёга келади. У ўғил бола эди. Ота-онаси унга Насўҳ деб исм қўйишади. Насўҳ ҳамма болалар қатори улғая бошлайди. Аммо улғайган сари ота-онаси унда ғалати ўзгаришларни кузата бошлайди. Гап-сўзлари, қилиқлари, ҳатто кўриниши ҳам қиз болага ўхшаб боради. Уни қиз боладек кийинтиришга мажбур бўлишади. Кўпчилик унинг ўғил болалигини ҳам унутиб қўйишади. Бу сир-

ни Насўҳнинг ўзи-ю, ота-онасигина билади. Такдирни қарангки, у чиройда тенги йўқ бўлиб, оғизга тушади. Совчилар кела бошлайди. Ота-онанинг боши қотади. Насўҳни на эрга бериб бўлади, на уйлантириб. Шунда бу жумбокни Насўҳнинг ўзи ҳал қилади. Бир карвонга эргашиб, бўлак юртларга бош олиб кетади. Буни қарангки, карвонбоши унга ошиғу беқарор бўлиб қолади. Карвон бир шаҳарга етади. Савдогарлар йўл ғуборини кетказиш учун ҳаммомга тушишади. Табиийки, “тўзал қиз” Насўҳ аёллар ҳаммомига киради. Шунда ҳаммом эгаси аёллар ҳадмичиси (укаловчиси) қариб қолганини, ёш, кучли ҳадмичи кераклигини эълон қилиб қолади. Укаловчиликка Насўҳ жон деб рози бўлади. Қараса, ундан ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

Шундай қилиб, Насўҳ карвонбошидан кутулиб қолади ва ҳаммомда ишлай бошлайди. У бу ишда ўттиз йил ишлайди. Аммо кўп зино ишларни қилади, аёлларни йўлдан уради...

Кунлардан бир кун подшоҳнинг кизи ҳаммомга тушади ва узугини йўқотади. Узукнинг баҳоси юртнинг бир йиллик божига тенг бўлади.

Подшо дарров ҳаммомдаги аёлларнинг ҳисобини олиб, онадан туғма қилиб, текширишни буюради. Насўҳ энг охирги – қиркинчи бўлиб рўйхатга тушади.

Насўҳ текшириш шартини эшитиб, эс-ҳушидан айрилади. Олдинда уни қандай шармандалиқлар, азоб-укубатлар кутаётганини кўз олдига келтиради. Укалаш хонасига киради-да, қилган гуноҳларига тавба қилиб, бошини тошга ура бошлайди. У шу ҳолга тушадикки, пешонасининг гўштлари титилиб, қора қонига ботиб, суяклари кўриниб қолади.

– Эй Насўҳ, нима қилаяпсан, мен сени биламан, сен ҳалол хизматчимсан, сен олмагансан, кўркма, – дейди ҳаммомчи уни юпатмоқчи бўлиб.

Охири боши ёрилиб, Насўҳ ўзидан кетади. Узук ўттиз тўққизинчи аёлдан топилади. Чалажон бўлиб ётган Насўҳ шармандалиқдан кутулиб қолади. Унинг

тавбаси чинлигини билган Зот тавбасини қабул қилади. Буни англаб етган Насўҳ ҳам қолган умрини тақво билан ибодат қилишга, савоб ишларга бағишлайди.

Ҳаётда айнан шунга ўхшаш ҳоллар бўлмаса-да, бошқачароклари бўлиб туради. Бирданига бир хонадоннинг боши мусибатдан чиқмай қолади. Айтгани айтган, дегани деган бўлиб турган тижоратчи синади, хонавайрон бўлади. Умрида дўхтир нималигини билмаган одам бирпасда бедаво дардга чалинади. Шунда Насўҳга ўхшаб тавба қилмайди. Аксинча, “Эй Худо, мен сенга нима ёмонлик қилувдим”, деб Яратганга иддао қилади. Аллоҳ тавба қилиб, тавбасига содиқ қолувчиларни севади. Уларни мағфират қилади. Чин тавба моҳи Рамазондан биз учун ҳар доим бир совға бўлсин.

## САҲАРЛИК

Рамазони шарифнинг рўзадорларга тортиқ эгидиган мўъжизаларидан бири саҳарликдир. Саҳарликда биз билмаган қандай мўъжиза бўлиши мумкин?

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мулк Аллоҳники бўлган ҳолда тонгга етишади, биз ҳам Аллоҳнинг қуллари бўлган ҳолда тонгга етишдик”, деб Яратганга ҳамд айтар эканлар. Тонгга етишиш ҳар куни такрорланаверганидан биз учун оддий ҳолга айланган. Кеч бўлдимиз, демак, албатта, тонг отади-да. Аслида шундаймикан? Худо кўрсатмасин-у кечаси уйимизга ўғри тушса, тош қотиб ухлаб ётаверамиз, сезмаймиз. Тоғдан шовқин-сурон, шамол билан сел келади, ғафлат уйқусидан уйғонсакчи? Кундуз куни еру кўкка ишонмаган фарзандимизни ҳам уйқу бағрига топшириб, ўзимиз ҳам бемалол ёстикқа бош қўямиз. Уйқу шундай бир мўъжизаки, одам зоти усиз яшай олмайди. Аъзолар уйқу билан тиникади, дам олади, яшаш учун куч тўплайди. Ярат-

ган Эгам бизларни ҳар куни уйқуда бир ўлдириб, тирилтиради. Охиратда ҳам худди мана шундай тириламиз. Бамисоли уйқудан уйғонгандек. Шунинг ўзи ҳам бу дунёнинг омонатлигини ақл эгаларига эслатиб турибди-ку.

Шунинг учун ҳам ҳазрати Пайғамбаримиз: “Руҳимни менга қайтиб берган, вужудимга тан-сихатлик берган Аллоҳга ҳамду сано келтираман”, дер эканлар.

Абу Лайс Самарқандий ҳазратлари одам уйқудан уйғонгандан кейин тўрт нарсани ният қилсин, дейдилар. Яъни, Аллоҳ унга фарз қилган нарсаларни адо этмокликни, Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтишликни, муомалада инсофли бўлишни ва ўзи билан хусуматчилари орасини ислоҳ қилишни. Албатта, ният Аллоҳдан ёлвориб сўраш билан бўлади.

Хўш, биз учун бошланаётган янги кун қачондан бошланади? Биз хоҳлаганда ётиб, хоҳлаганда турган пайтдами? Йўқ, Аллоҳ хоҳлаган пайтда! У қачон? Субҳи содиқда. Ифторлик қилиб, оғзимизни ёпган пайтда. Тонгда қилинган дуоларнинг қабул бўлиши ҳақида ҳадис ва ривоятлар кўп. Худди шу палла тун фаришталари билан кун фаришталари ўрин алмашишларини ўйласак, масала янада ойдинлашади. Тун фаришталари Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилар экан, дуоларни ўзлари билан олиб чиқар эканлар.

Энди ана шундай паллада ғафлат босиб ухлаб ётишни бир тасаввур қилиб кўринг. Даҳшат-ку, деворгингиз келади-а? Инсоф билан айтайлик, Рамазондан бошқа ойларда бунга қанчамиз амал қиламиз? Ибодатли одамларнинг пулида барака бор, дейишади. Чунки улар бунга амал қиладилар-да. Самарқандий айтганларидек тўрт нарса билан ният қиладилар.

Қандай ухлашни билмаган одам қандай уйғонишни ҳам билмайди. Сабаби ақлу хушимиз тунги сериалларда бўлади. Тўртбурчак ялтироқ қутининг қулига айланиб қолганмиз. У билан тунни ярим қиламиз. Охир-

окибат ҳориб, чарчаб гафлат уйқусига фарқ бўламиз. “Ҳамма одамлар ибодат билан андармон бўлиб кетса, мен нима қиламан”, деган шайтон ҳам қўйнимизга кириб, хотиржам уйқуни уради. Албатта, гап ялтирок кутида эмас. Гап иродада, иймонда, ихлосда, тақвода.

Ушбу битикнинг ибтидосини Рамазоннинг сахарлик одобидан бошлаган эдик. Яна унга қайтамиз. Моҳи Рамазон сахарлик баҳонасида бизларни субҳи содиқда туришга ўргатди. Турар эканмиз, кучимиз, иродамиз етар экан-ку. Энди бу неъматни маҳкам ушлайлик. Шундоқ бир неъмат ўттиз кун рўза билан бирга кетмасин. Ўзимиз билан қолсин, давом этсин. Давом эттирганлар икки дунё саодатига эришиб, му-роду мақсадларига етсин.

## СИНОВ ОЙИ ТОРТИҚЛАРИ

*Р*амазон келди, қувона-қувона рўза тутамиз. Рўза бу – эрта тонгдан шомгача оч юриш дегани эмас. Шундай бўлганда Рамазон жўн бир нарсага айланиб қолган бўларди. Рамазоннинг мўъжизаларини санаб саноғига етиш қийин. Масалан, биз сахарлик пайтида шундай деб ният қиламиз: “Холис Аллоҳ учун Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим, Аллоҳу акбар.”

Ният билан нафсимизнинг дарвозасига қулф тушади. Шу билан кун бўйи очикмайсиз, чанқамайсиз, ҳатто ишласак чарчоғлик ҳам ҳис қилмаймиз. Қайтага, кушдек енгил юрамиз. Бирон-бир ширин нарсага кўзимиз тушиши мумкин, аммо егимиз келмайди. Турли-туман яхна ичимликлар олдидан бефарқ ўтиб кетаверамиз. Нимага бундай бўлади? Бунчалар сабр ва токат, ирода каердан?

Танамизга Аллоҳ таоло шундай бир компьютерларни жойлаб қўйганки, улар фақат биздан буйруқ кутади. Рўза тутмоқликка ният қилиндими, тамом. Ошқозон овқат сўрамайди. Жигар ўт ишлаб чиқармайди. Сўлак

безлари ҳам дам олади. Унда жасадимиз нима билан яшайди? Танамиздаги ички захиралар ишга тушади. Гўё “қамалда” қолган танамиз яшаш учун ўзи билан ўзи курашади. Бу кураш жараёнида айрим касалликларнинг илдизи ўз-ўзидан қурийдди. Очликка чидамайди. Танамиз ортиқча юклардан қутула бошлайди. Бу ички кураш, ички имтиҳон бир оғиз сўз – ниятдан бошланади. Ният ичимизнигина эмас, сиртимизни ҳам бошқара бошлайди. Биров билан уришмаймиз, талашмаймиз, тилимизни ғийбатдан, миш-мишлардан тиямиз. Бўлмаса, рўзамиз очилиб кетиши мумкин.

Шуниси қизиқки, ният деган аҳдга биз шу ўттиз кун рўзада эътибор қиламиз. Бошқа ойларда деярли унутиб кўямиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир иш, аввало, ниятга боғлиқ, дейдилар. Ибодатнинг арқонларидан бири бўлган намоз ҳам ният билан ўқилади. “Суннат намозини ўқишга ният қилдим ёки фарз намозини ўқишга ният қилдим”, дейилади. Ният биз учун шунчалар муҳим экан, нимага Рамазондан бошқа ойларда унга мурожаат қилмаймиз? Ният билан ичкиликни, сигаретни, носвойни ташламаймиз?

Бир биродарим борлар, ҳаётда жудаям хушфёъл, самимий, ўта босиқ. Юзидан табассум аримайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам овозини кўтармайди. Одамзод қандай қилиб ўзини бунчалик идора қилиши мумкин, деб ўйлаб қоламан.

Қаранг, у киши ҳар куни уйқудан уйғонганида шундай ният қилар экан: “Худойим, хулқимни чиройли қилгин, ишимга барака бергин, Ўзинг севган бандаларинг билан учраштиргин, ҳамфикр, ҳамсуҳбат қилгин, хулқи ёмон одамлардан Ўзинг асрагин, омин!”

Ҳаётда, ишда баъзан дили суймаган одам билан учрашиб қолар эканлар. Шунда ўйлар эканлар: “Ўзинг севган бандаларинг билан учраштиргин, ҳамфикр, ҳамсуҳбат қилгин, деб сўраган эдим, балки бу яхши одамдир, мен уни тушунмаётгандирман?”

Бир куни тонг билан ана шундай ният қилиб турсалар, сахар-мардондан дарвозалари тақиллаб қопти. Чиксалар, маҳаллада отнинг қашқасидек бўлиб қолган телба одам турганмиш. Биродаримиз “шу телбани ҳам Аллоҳ севар экан-да, менга рўпара қилди”, деб соғ одамга қилган муомалани қилибди. Телба тагига юмшоқ кўрпачалар солдирибди, ёнбошига парёстиклар сўрабди. Шоҳона дастурхон туза, дебди. Акамиз барини бажо қилибди. Тонгдаги ниятига содиқ қолибди. Буни карангки, бечора телбанинг бу дунёда сийланишининг боши ҳам, охири ҳам шу бўпти. Шу куни асрга томон уни қабрга қўйишибди. “Бир Худо сақлади-да, – деди акахонимиз, – бўлмаса, бир умр ўзимни кечира олмас эдим. Аллоҳим телбани бир меҳмон қилгиси келган экан-да”.

Шундай экан, ҳар бир ишни ният билан бошлайлик. Рамазоннинг шу мўъжизаси бошқа ойларга ҳам биз билан ўтсин. Яхши ният билан уйқудан туриб, яхши ният билан уйқуга ётайлик.

## САБОҚ

*Аллоҳнинг уйи* Ҳарамда бир одамни кўрдим-у сесканиб, юзимни буриб олдим. Аммо кўзимда қолган асоратдан танамга симиллаб бир оғриқ югурди. У шундоққина орқа қаторда ўтирарди. Юзимни қанчалик тез ўгирмай, хаёлан ундан қутула олмаётган эдим. Тошкўмир унинг олдида оқлик қиларди. Қора ҳабашлиги майлику-я, афти ҳам ниҳоятда бадбашара эди: пешонаси олдинга туртиб чиққан, бурун деярли йўқ, ияк томоққа ёпишган... Чиройли нарсалар одамнинг кўзига қанчалик тез ўрнашса, хунуги ҳам шунчалик тез ўрнашар экан. “Худойим-эй”, деб юбордим беихтиёр. Кўз ўнгимдаги даҳшатни қувиш учун атайлаб она юртимни, юртдошларимни кўз олдимга келтирган бўламан. Одамларимиз қанчалар истарали, келишган, хушрўй. Аллоҳим бизларни хўб ярлақанган экан-да.

Ўрнимдан аста-секин тураман-да, “нуқсонсиз қилиб яратганинг учун”, дея икки ракат шукрона намозини ўқийман. Ичимдан унсиз бир ҳайкириқ гулдираб келади. Ҳарамда туриб, юртдошларимга худди улар мени эшитаётгандек бир нималар дегим келади: “Эй менинг азизларим, қадрдонларим, ака-укалар-у опа-сингилларим, фарзандларим! Аллоҳим бизнинг диёрларни қанчалар гўзал қилиб яратганини билсангиз эди. Одамларимиз-чи, худди табиатимиздек гўзал, бетакрор! Аллоҳга қанчалар шукрона келтирсак оз”.

Дарвоқе, шукрона келтириш кўплар ўйлаганидек жойнамоз устида ётиб-туришгина эмас. Аллоҳ қайтарган ишлардан қайтиш, буюрганларини адо этиш ҳам шукрона. Ҳалол еб, ҳалол ичиш. Хиёнатдан, фитнадан ҳазар. Нафсининг қулига айланмаслик. Юртни ёмон кўзлардан, ёмон сўзлардан асраш. Ҳимматли бўлиш, савоб ишларнинг этагини тутиш... Буларнинг бари шукрона. Жойнамоз устидаги ибодатимиз шуларнинг мукамаллигига каффорат. Яратган Эгам хушсурат қилиб, жаннатдек маконларда яшатиб қўйибдими, барча ишларимиз шунга яраша бўлмоғи керак...

Шуларни кўнгилдан бир-бир ўтказиб турсам, ғоятда нафис ва майин Қуръон тиловати қулоғимга кирди. Овоз орқа тарафдан эшитиларди. Оҳ, Аллоҳнинг каломи қанчалар хузурбахш-а. У кимнинг ва қайси миллатнинг тилидан учмасин, бирдек ёқимли, бирдек сеҳрли. Киройи кироат бўлса, шунақа бўлса-да. Аста-секин кўзларим намлана бошлади.

Орқага қарашимга икки нарса монелик қиларди. Бири – бояги бадбашара киёфага кўзим тушишидан кўрқиш бўлса, иккинчиси – ҳофизи Қуръонни чўчитиб юборишдан андиша. Ҳа, у, атрофдагиларга малол кел-яптимиқан, деб кироатни тўхтатиб қўйиши мумкин.

Шуларни ўйлаб ўзимни тияман. Аллоҳга ёлбораман: “Эй буюк яратган Эгам, мени ҳам шунақа ёқимли, таъсирли кироат қилувчилардан қил, нафасимни иссиқ қил!”

Эриб ўтириб, охири қорининг қиёфасини тасав-  
вуримда чиза бошладим: мош-гуруч соқолли, кулча  
юзли, боши-оёғидан нур ёғилиб турган мўътабар бир  
зот. Қўлида Аллоҳнинг китоби – Қуръон.

Қироат мени янаям забтига ола бошлади. Ёним-  
дагилар ҳам беихтиёр кўз остидан орқага қарай бош-  
лашди. Охири чидай олмадим. Шундай овоз эгасини  
кўрмаслик, миннатдор бир нигоҳ билан уни зиёрат  
қилмаслик...

Аста чап тарафимга буриламан. Аксига олиб ҳофиз  
ўнг тарафда экан. Тахминан ҳалиги бадбашаранинг  
ёнида бўлиши керак. Балки у аллақачон ўрнидан ту-  
риб кетгандир ҳам. Шу далда билан ботирланиб  
ўгирилдим. Ўгирилдиму... гавдам котиб, кўзим шу та-  
рафга битди, қолди. Ҳа, шундай бўлди. Каъбатуллоҳга  
қараб Қуръон тиловат қилиб ўтирган одам...

Аллоҳим гуноҳларимни кечсин, ҳофизи Қуръон  
ўша бадбашара одамнинг ўзи экан! Ён-атрофдагилар  
унга кунгабоқардек эгилиб қолган эдилар. У энди  
ниҳоятда истарали, ёқимли кўринди кўзимга.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, ҳозиргина бир  
бандасидан даҳшатга тушиб юз ўгирган эдим, салдаёқ  
махлиё қилиб, унга юзимни ўгириб қўйди.

## ҲАДЯ

*Буюк британиялик Муҳаммад Аслан деган ҳожи*  
билан бир хонада турардик. У ўзинга маъқул бўлган  
бирон нарсани эсдаликка оларсан, деб ҳайитлик бер-  
ди. Уларда ҳам ёр-дўстларига ҳайитлик бериш одат  
экан. Мен ҳам ўз навбатида сафарда зарурат учун  
олган пахта гулли пиёла билан чойнагимни совға  
қилдим. У чойнак ва пиёладаги очилиб турган чанокқа  
узок тикилди-да, “пахта”, деди. Ҳа, Ўзбекистоннинг  
миллий бойлиги, деб тушунтирган бўлдим. У хурсанд  
бўлиб кетганидан ҳайитлик берганидан ташқари яп-  
янги оёқ кийимини ҳам совға қилди. Олмасам, хафа

бўладиган. Хушламайгина олдим. Менинг бирдан бир орзум юкни камайтириш-у бир қултум бўлса ҳам, кўпроқ замзам суви олиб кетиш. Нимага деганда, самолётда ҳар бир кило юк ҳисоб-китобли.

Эртасига сафаримизнинг сўнгги куни – Каъбатуллоҳ билан хайрлашадиган кунимиз эди. Каъбатуллоҳ билан илк бор кўришиш қанчалар ҳаяжонли бўлса, хайрлашиш ҳам шунчалар ҳаяжонли, оғир бўлади. Ахир, яна Каъбани кўриш насиб қиладими-йўқми... Тавофи видони қилиб, тутдек тўкилиб, жигар-бағрим эзилиб, оёқларимни базўр судраб ташқари чиқдим. Чикқач, оёқ кийимимни қаерга қўйганимни эслай олмадим. Тополмаслигимга кўзим етгач, бирдан:

– Эй Аллоҳим, Ўзинг чеварсан, ҳамма нарсани олдиндан кўриб, билиб тақдир қилгувчисан, мени кечир, – деб юбордим. Беихтиёр қуйилиб келган кўзёшларимни артдим. Ҳамроҳим шоир Абдул Жалил, нима гап дегандек менга қаради. Мен у кишига:

– Аллоҳим пойабзалим йўқолишини олдиндан билиб, ғамимни еган экан. Мана, энди Муҳаммад Аслан ҳадя қилган пойабзални кийиб ватанга қайтамиз, – дедим.

## ҒОФИЛ БАНДА

*Масжидул Ҳарамда бир чол билан кампир эътиборимни тортди. Улар ниҳоятда кекса, ожиз ва омонат кўринишарди. Чол кампирининг билагидан маҳкам ушлаб олган, кампирнинг билагига шу қадар чиллак эдики, чолининг узун-узун бармоқлари икки бор айлангандек эди. Улар амал-тақал билан уч-тўрт қадам юрган бўлишади-ю, таппа ўтириб, дам олишади. Дикқат қилсам чол ва кампир шу алпозда Каъбатуллоҳни тавоф қилаётган оқимга қараб интилишарди. Улкан тегирмон тошини эслатувчи бу издаҳомга улар яқинлашса борми... билмадим, у ёғи нима бўлади. Ҳа,*

хаёт ширин. Бир кунми, бир соатми ишқилиб, одамнинг бу ёруғ дунёда яшагиси келади. Ана, чол билан кампир тавофчилар сафига қўшилишди-ю, шу заҳоти кўздан ғойиб бўлишди...

Эртасига бомдоддан сўнг Кабатуллоҳда хажга келиб омонатини топширганларнинг жанозаси ўқилди. Хизматчилар тобутларни елкаларига олишди. Ёпинчиғидан билдимки, бири эркак ва бири аёл. Ҳа, кечаги чол билан кампир деган ўй кўнглимдан ўтди. Жаннати эканлар. Ҳажда жон таслим қилишдек саодатга камдан-кам одам сазовор бўлади.

Шу куни тушдан кейин сал бўлмаса ўзимни йўкотаёзим. Ҳа, турган жойимда қотиб қолдим. Рўпарамдан, бизни кўряпсанми тирик юрибмиз, дегандек ўша чол билан кампир чиқиб қолди. Юришлари ўша-ўша. Бир нафас юриб, икки нафас дам олишади. Гўё Аллоҳим менга хитобан: “Эй ғофил бандам, ўзингча ҳукм чиқарувчи бўлма, жон эгаси менман, кимнинг жонини қандоқ асрашни ўзим биламан”, дегандек бўлди.

## ХАЙРЛИ ТУШ

Дадахон ишдан қайтса, укаси шаҳардан келибди. Уни кўрди-ю дарди янгиланди. Хотини Чаманойни эслади. Биров уни “ўлади”, демасди. Дард бошқа, ажал бошқа деганлари шу экан-да. Унча-мунча дардга писанд қилмайдиган хотини ётди-қолди. Бир куни шифтга тикилганича ғалатиноқ гап қилди:

– Мана, кўрасиз, адаси, тузалиб кетсам борми...

У шундай деди-ю, гапини давом эттиролмай хаёлга толди. Дадахон бўлса кулиб деди:

– Шу жойда сал ўзингизга ўхшамайроқ гап қилдингизми, хоним? Касалларингиз шунақа деса уришиб берардингиз: “Касал тарафдамас, биз тарафда бўлинг”, деб.

– Ҳамма гап шундаки, адаси, мен дўхтирман. Дар-

дим канақалигини билиб, у билан гаплашиб ётибман. Дард курғур, у десам бу деяпти, бу десам у...

Дадахон ичида бир ахволга тушиб, хўрсинди-ю, хотинининг кўнглини кўтарди:

– Кўйинг, шунақа гапларингизни, Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз. Тузалгандан кейин ишдан бўшанг.

– Тўғри айтасиз, ишламайман. Оҳ-воҳлардан адо-йи-тамом бўлдим. Битта она-болали сигир олиб бера-сиз, овуниб юраман, – деди хотини.

Дадахон унинг бу гапларига ишонқирамай кулди:

– Сигир дейсизми, хоним?

– Ҳа, нима қилибди?

– Тасаввур қиялпман, ўттиз йиллик бош врачнинг челақ тутиб, сигир соғишини...

– Нима қилибди, шундай соғайки... Ахир, бу ме-ни-н-г кўпдан ўйлаб юрган орзуим. Қайтанга яхши эмасми, хотинингиз уйда, сут-қатик, нонуштага қай-мок.

Дадахон энтикди:

– Қанийди онаси, хўп десангиз эртагаёқ олиб келиб бераман. Ахир шундоғам бир йиллик сут-қатикнинг пулига бир эмас, иккита она-болали сигир олса бў-лади.

– Фақат шошилманг, оёққа туриб олай, ишдан бўшай, кейин...

Дадахон эртасигаёқ бир она-болали сигирнинг пулини рўмолчага тугди-да, хотинига кўрсатиб, ғаладонга ташлаб қўйди. Кўнгли кўтарилсин, деди.

Шундай кунларнинг бирида укаси пул сўраб келиб колди. Йўқ дея олмади... Сигирга аталган пулни бериб юборди.

Укаси бугун ўша пулни олиб келибди. Бири кам дунё деганлари шу экан-да. Пул бор, бозор тўла она-болали сигир... Лекин қани уни соғадиган бека?! Э, воҳ...

Дадахон шуларни ўйлаб, эзилиб ўтирган эди, кизчаси Холида кўчадан чопқиллаб кириб келди.

Ранги бир ахвол. Кўшнининг боласини дарвоза босиб қолибди. Дадахон шошганча ғалалондаги пулни олди-ю кўчага чиқди. Болани олиб кетиб бўлишибди. Темир дарвозани бола арғимчоқ қилиб ўйнаган шеклли, ошиқ-мошиғидан чикиб кетибди. Шундоғам кўшниси Ўткиржоннинг олдинги икки боласи ногирон эди. Бунисиниям Худо кўп кўрмаса гўргайди. Дадахон ичкари кириб, мўлтираб ўтирган икки ногирон болага кўзи тушди, юраги баттар ачишиб кетди. Ота-она деган шунака ҳам беғам бўладими?

У асабий бир ахволда ҳовлисига қайтиб чиқди. Қўлидаги тугунчага хайрон бўлиб қаради. Нима қилиб кўтариб юрибди буни? Ҳа, болага дори-дармон учун қарашмоқчи эди... У тугунчани яна ғалалонга ташлади. Ташлади-ю, яна қайтиб олди. Хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб кетди: “Сигирни шу кўшнимга олиб берсам-чи? Хотиним бечора ниятига етолмади. Ўзи шу кўшнимизга ёрдам бериб турарди. Ногирон болаларини қанча жойларга олиб бориб қаратган эди... Қизик, дабдурустдан она-болали сигир олиб, бу сизга десам, кўшним нима деркин. Бошқаларчи, маҳалла-кўй-чи?”

Дадахон юраги сиқилиб кўчага чиқди. Ниятини бир ҳовли нарида турадиган кўшнисига айтганди, у қувониб кетди:

– Э... умрингиздан барака топинг, ука, хўб ўйлабсиз-да. Худо хоҳласа, бу ишингиз билан ҳаж савобини оласиз, ҳа...

– Ўткиржоннинг дилини оғритиб қўймасмикинман?

– Ҳа, ўлманг, бу томониям бор. Кўнгил нозик-да. Хўш, бундай қиласиз, сут-қатиғи сизники, боласини катта қилиб берасиз, онаси ўзингизга қолади дейсиз, олам гулистон.

Бу гаплардан Дадахоннинг аҳди қатъийлашиб ҳовлига кирган эди, орқама-орқа чап тарафдаги кўшниси кириб келди. У ҳам фалокатни эшитиб бўғилди.

– Дунёнинг ишларига хайронсан-да, кўшни. Эшитиб, жоним чиқиб кетди. Ҳа, номард, дарвоза ситилиб чиқиб кетгунчаям кўйиб берасанми? Қарамайсанми бундоқ! Асли темир дарвозани ким кўйибди унга?! Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига...

Дадахон ниятини бу кўшнисига ҳам айтган эди, бирдан у тутақиб кетди:

– Эй, зап қизиқ одамсиз-да, кўшни. Ёш болага ўхшайсиз-а? Кимга яхшилик қилмоқчисиз, кимга? Яхши бўлса, ўз маҳалласига ўғирликка тушиб, қамалиб чиқармиди! Мана, мени айтди дейсиз, сиғирингизни ё сотиб ичворади, ё қиморга бой беради. Худо уриб кўйган ўзи бу кўшнини. Кўйинг, аралашманг. Баттар бўлсин, бўлмаганга бўлишманг-е.

Бу гаплар Дадахоннинг ўйларини остин-устин қилиб юборди. Қанчалар аччиқ бўлмасин, кўшниси ҳақ гапни айтаётган эди. Шундай бўлсаям Дадахон Ўткиржоннинг тарафини олди:

– Ҳа энди, ёш одам адашади. Беш қўл баробар эмас.

– Э, билганингизни қилинг...

Дадахон телефон орқали болани сўраб-суриштирди. Бола ётқизилган жойни топди ҳам. Хайрият, соғ-омон экан. Худо бир сақлабди.

У анча хотиржам тортиб, уйкуга ётди.

Шу куни Дадахон туш кўрди. Тушида Чаманой каттакон бир тарғил говмишни соғиш билан овора эмиш. Челак оппоқ сутга тўлиб-тошиб бораётди. Дадахон хайрон бўлиб дермиш:

– Куллуқ бўлсин, онаси?

Хотини кулиб дермиш:

– Эгасига куллуқ, адажониси, эгасига куллуқ...

– Эгасини билсак бўладими?

– Кўшнимиз Ўткиржон-да, бирам суюндим денг...

– Ие, нимага энди сиз соғиб ўтирибсиз, Ўткиржоннинг хотини-чи?

– Э, у кишим ирим қилибдилар. Олдини мен соғиб

берармишман. Сигири назарланиб, касал бўлмасмиш. Дўхтирман-да, адажониси шунга... Ювошлигини қаранг, миқ этмайди-я...

Бу тушдан кейин Дадахон кечаги алғов-далғовли гапларни унутди. Ўткиржонни ёнига олди-да, бозорга жўнади. Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, тушида кўрган она-болали тарғил сигир шундоққина рўпараларидан чиқиб турибди-да. Дадахоннинг кўзларига тиркираб ёш қуйилди...

### САОДАТЛИ КУН

*Т*оҳир ҳожи ҳожатманд бўлиб, мардикор бозорига тушди. Ҳожатбарорларнинг кўплари унга пешвоз бордилар. Бироқ ҳожи ҳадеганда бир қарорга келолмас эди. У арзон-гаровини қидирмаётган эди. Асло, ранги рўйи тозасини топармикинман, деган умидда эди. Яъни, ранг кўр, ҳол сўр...

Ахийри у ора-чора гаплашиб турган уч кишига оғиз солмоқчи бўлди. Лекин “Яна ким билади?” деган мулоҳазада кўз кирини ташлаб, уёқ-буёқларидан ўтди. Учовиям худди наҳорги ошга борадигандек соқолларини қириб, башанг кийиниб олишибди. Кўлларига сувхалтачалар. Жомакорларини солиб олган бўлсалар керак, ҳойнаҳой. Бошқалар харидор келмаётганидан бетоқатланиб чекишаётган бўлса, булар чекишмасди ҳам. Бири ўттиз ёшлар атрофида, иккинчиси йигирма беш, учинчиси эса соқолига эндигина устара теккан йигитча. Ёши каттаси ишбошиси бўлса керак. Ахийри уларга яқинлашиб борди. Йигитлар Тоҳир ҳожининг мош-гуруч соқоли-ю синчков кўзларига қараб тараддудланишди.

– Ассалому алайкум, отахон. – Ишбошиси биринчи бўлиб салом берди. Тоҳир ҳожи аликни мукамал этди:

– Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи барокатух. Шу десанглар... озроқ хизматимиз бор эди...

– Бажону дил, отахон. Бажону дил, буюрсинлар, – деди у қўлини кўксига қўйиб.

– Шу, кичкинагина бостирмача қурмоқчийдик, ўшанинг ғиштини кўтариш керак. Жа унчалик оҳангжамаси йўк, ўқдек тўғри девор.

– Хўп бўлади, отахон, бир оғиз сўзингиз, – дея ишбоши шерикларига қаради. Улар маъқул дегандек кулимсираб туришарди.

– Бўлмаса, – деди Тоҳир ҳожи мақсадга кўчиб, – икки нарсани бақамти қилиб олсак. Шу... қатнаб ишлайман десаларинг, бунинг иложи йўқроқ, шаҳар ташқарисида тураман, тунаб ишлашингларга тўғри келади.

– Маъқул, сизлар нима дейсиз? Ана, булар ҳам рози, отахон, фақат еб-ичиш масаласи, – дея чайналди ишбоши.

– Хотиржам бўлинглар, бўталарим, – деди кулиб Тоҳир ҳожи, – дастурхонимиз Аллоҳ учун ҳамиша очик. Битта қора қозон бўлса, қайнаб туради. Хў-ўш, бунисини бақамти қилдик. Энди кейингисиниям келишиб олсак. Сизлар кунбай ишлайсизларми ёки ишбай?

– Ишбайи маъқул, отахон.

– Менгаям маъқул, – қувониб кетди Тоҳир ҳожи, – иншооллоҳ ниятимиз бир жойдан чиқди. Энди хизмат ҳақиниям келишиб олсак.

У мўлжалини айтди.

Нарх масаласида йигитлар бир-бирларига қараб олишди. Юзларида: “Хўп дея қолайлик, шундоғам еб-ичиш, ётиб-туришимиз чолнинг бўйнига тушиб турибди”, деган ифода сезилиб турарди.

– Маъқул, қўлни ташланг, отахон, келишдик, – деди ишбоши.

– Мени Тоҳиржон бува деб чақиришади, – деди Тоҳир ҳожи ишбошининг юмшоққина кафтини қисар экан.

– Жуда яхши, отахон, бошланг бўлмаса.

Тоҳир хожи маъкул усталарга йўликиб қолганидан қувониб, Аллоҳга ҳамдлар айтди. Ҳожатбарорларини машинасига ўтказиб, йўлга тушди.

Тоҳир хожи уйга боргач, уларга мардикор деб эмас, меҳмон деб қаради. Ишни кўрсатиб, ёнларига ўглини қўшди. Боқиб қўйган қўйини шартга сўйди. Шундан кейин хожи бува йигитларнинг ишига барака тилаб, ўзи тижорат ишлари билан кетди.

– Қани, йигитлар, ишга киришдикми, бўлмаса, – деди ишбоши янги жойга ўрганолмай тўрт тарафга аланглаётган шерикларига.

– Киришдик, қоришма биздан, – деди йигитча цемент қорадиган темир тоғорани гумбирлатиб.

– Оғир бўлсаям ғишт ташишни биз қойиллатамиз, – деди иккинчиси.

Ишбоши ўйланиб қолди. Тавба, ғиштни ким теради, менми, ҳазиллашяптими бу боласи тушмагурлар...

Ишбоши ёш олимлардан бўлиб, рўзғор деган ташвиш уни биринчи бор кўчага олиб чиққан эди. Мана бу ёш йигитчалар билан энди танишиб турувди. Ҳожи ота келиб қолди. У аслида шу йигитларга ишонганди. “Энди тўғриси айтиш керак”, деган қарорга келди чоғи, уларга юзланди:

– Йигитлар дейман, бу ғиштни ким теради? Менинг кўлимдан келмайди.

– Олинг-а, – деди кичиги тиржайиб, – мен сизни анави чамбарак гулчин қилиб ғишт терадиган галстукли усталарданми деб ўйлабман. Бекатлардаги дўконларни қуришяпти-ку... Қолаверса, бу ишнинг нима кийинчилик жойи бор. Бурчак-мурчаги бўлмаса, тўппа-тўғри девор – ип тортсангиз бўлди-да.

– Вой барака топкур-ей, – жон кирди ишбошига, – биларкансан-ку, боядан бери шуни айтмайсанми? Кел, сени ишингни мен қилай. Бир челақ цементга икки челақ қум қўшарди шекилли?

– Ака, – деди йигитча худди ўргатгандек қилиб, – бу иш ғишт теришдан кийин, билсангиз. Тобидан

ошиб кетса, қоришма без бўлиб тураверади, ғиштни тишламайди. Тобидан кам бўлиб қолса, лойдан фарқи қолмайди. Отахонимиз хассалари билан бир туртсалар, урган деворингиз ағанаб тушади. Ипни тортингда, ишни бошлайверинг. Менам у ёқ-бу ёғига ўтиб, қараб тураман.

Хуллас, иш бошланди. Битта ғишт қўйиб, икки қараб кунни кеч қилишди. Тоҳир хожи уйга кечроқ қайтди. Овқатланиб бўлиб, ётишга чоғланаётган йигитлар билан ҳорма, бор бўл, қилди. Йигитча тушмагур яна жим турмади:

– Отахон, хафа бўлмайсиз-да, бугун ишимиз унчалик унмади. Худо хоҳласа, эртага етказиб оламиз.

– Баҳай, – деди Тоҳир хожи, – ўша уч ярим минг ғишт сизларники, нима қилсаларинг, ўзларинг биласизлар.

Аксига олиб, иккинчи кун ҳам иш юришмади. Девор кўтарилгани сайин бир томонга оғиб кетаётганга ўхшайверарди. Бунинг устига ғиштларни чоки устмасу уст тушиб, кўчириб қайта қўйишар, хуллас, учовлон кечгача терлаб пишишди. Иш унмагач, кечки таом қанчалар лаззатли бўлмасин, барибир томоқларидан ўтмади. Ишбоши шерикларига ёрилди:

– Укахонлар, бир-биримизга ишониб, бир одамнинг ишини расво қилдик. Мен бошқа чидолмайман. Ўлай агар ишимиз еган овқатимизгаям арзимайди. Эртага мен отахондан жавоб сўрайман, сизларга гап йўқ, ҳамма айб менда. Бир йигитга етмиш хунар оз, деб лоф урар эканман-у, ўзим амал қилмас эканман. Мана, бошим деворга тегиб турибди.

Аксига олиб шу куни Тоҳир хожи келмади. Тижорат билан узоқроққа кетиб қолган шекилли. Учинчи кун ҳам қолишга тўғри келди. Уч кун деганда бор-йўғи етти қатор ғишт терилди. Кечки овқатдан кейин Тоҳир хожи келиб қолди. Ҳамминг ичига чирок ёнди.

– Ҳорманглар, ҳорманглар-ов, усталар қалай, чарчамадингларми?

– Биз иш қилибмас, отахон, овқат еб чарчаяпмиз, – дея кулди кичкина.

– Еганларинг ош бўлсин, одатда, ейилган таомни гапирмайдилар. Гапирилса, савоби кетиб қолади, энди сизлар хайр-маъзургача менинг меҳмонимсизлар.

– Агарда бугунам келмаганингизда хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростламоқчийдик.

– Э, ха, – деди қувониб Тоҳир хожи, – иш битдими? Бу дейман, мен йўғимда кечасиям ишлабсизларда, ёпирай!

– Қанийди, шундоқ бўлганда, – дея ишбоши ух тортди.

Тоҳир хожи сергакланиб унга қаради.

– Гапнинг очиғи, айб менда, – деди ишбоши ёш боладек ерга қараб. – Бир-биримизга ишониб келаверибмиз. Бу иккаловларига гап йўқ, азамат йигитлар. Хўп десангиз эртага ўзим гишт терадиган уста топиб келсам.

Йигитнинг бош эгиб турганидан Тоҳир хожи хижолат чекиб:

– Сираям хижолат бўлманг, – деди, – одам ҳеч қачон онасининг қорнидан ўрганиб тушмаган. Мана шунақа қилиб аста-секин ўрганади-да. Майли, беш кунда битмаса, ўн кунда битар. Аллоҳ шуни хоҳлаб тургандан кейин...

– Отахон, – деди ишбоши тоқати тоқ бўлиб, – сиз жудаям олижаноб одам экансиз, мен деворни бундан юқори кўтара олмайман, ишонинг...

Тоҳир хожи масалани тушуниб етди. Нар и борса, уч кунлик иш эди. На илож, буларга қолса ер чизиб ўтириш зарилми?

– Унда гап бундоқ, – деди Тоҳир хожи, – жавоб берсам учовларингга баравар жавоб бераман. Нимага деганда ахдлашув учовларинг билан бўлган-да. Аттанг, иш охирига етмай қолди. Эртага бир холис одамнинг олдига борамиз-да, орани очиқ қиламиз. Бировнинг ҳақи ёмон-да, кадрдонлар.

– Бизга бир сўмингиз ҳам керакмас. Берган тузингизга рози бўлсангиз бўлди.

– Йўқ, бадгумон нарсани бадгумонлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Тонг отсин, Худо бир йўл кўрсатар.

Эртасига Тоҳир ҳожи йигитларни машинасида ўтқазиб, бир масжидга олиб борди. Уларни юзидан нур ёғилиб турган бир киши кутиб олди. У ҳожининг гапларини эшитар экан, бир Тоҳир ҳожига, бир йигитларга қараб мамнун жилмайиб қўярди. Ва ахийри сўради:

– Айтинг-чи, ҳожи ота, бу йигитларни неча кун бокдингиз?

– Буни ишга дахли йўқ, тақсирим, – деди ҳожи хотиржам. – Дастурхон Аллоҳ йўлида ёзилган. Улар шу дастурхондан неъматландилар.

– Энди иккинчи масалага ўтсак. Аввал байлашиб, кейинига аросатда қолган ишга байнинг ўндан бири тўланса мувофикдир. Кам тўланса гуноҳ, ортик тўланса савобдир...

– Қуллук, тақсир, дилимни равшан қилдингиз,– дея ўрнидан турди Тоҳир ҳожи.

Тоҳир ҳожи йигитларни бошлаб ховлига чиққанда пешин бўлиб қолган, муаззин азон чақирарди. Ҳожи шошиб қўйнидан пул чиқарди-да, буюрилган сўмни ишбошига тутқазди:

– Мана йигитлар, байлашган пулимизнинг ўндан бири. Энди бўйнимда битга қарз қолди, сизларни олган жойимга обориб қўйишим керак. Машинага чиқиб ўтира туринглар, мана калит, пешинни ўқиб олай.

Ишбоши бир қўлида пул, бир қўлида калит ҳайрону лол бўлиб шерикларига қаради.

Тоҳир ҳожи ибодатдан сўнг шошиб кўчага чиқди. Аммо йигитлар на машинанинг ичида, на ён-верида кўринар эдилар. Қараса, улар масжид ичкарисидан чиқиб келишяпти.

Йўлда кетиб боришар экан, Тоҳир ҳожи сўради:

– Қалай, масжид чиройли эканми!

– Биз масжидни томоша қилмадик, ҳожи бува!

– Ҳа?

– Яхши ниятда орқа томонингизда туриб ётиб туравердик.

Тохир ҳожи нимагадир, машинани четга олиб тўхтатди. Анча фурсат руль чамбарагидан бошини кўтармади. Кейин йигитларга қараб жилмайди-да:

– Муборак бўлсин, – деди.

## БИР САБОҚ

*(Баҳром ҳожи Юнус ўгли ҳикояси)*

Биз хожилар самолётга чиқишдан олдин эҳромларни кийиб, бир оз фурсат борлиги учун андек чойхўрлик қилиб ўтириб қолдик. Куннинг иссиқлиги, бунинг устига олис йўл олдидан ташналикни қондириб олишни ўйлардик. Мен тасодифан давранинг тўрига чиқиб қолибман. Рўпарамдаги одам каттакон термосдан чой қуйиб узатарди. Йўл усти бўлгани учун пиёла ҳам битта эди.

Нимагадир пиёла ўнг томондан айланиб келиб менга келганда тўхтаб, яна чап томондан айланар эди. Чой қуювчи ҳисобда янглишди шекилли, зора чап тарафдан етиб келса деган умидда пиёлага кўз тикардим. Ҳарқалай нотаниш одамлар. Бунинг устига хожилик олоби, эҳром салобати, бир нарса дея олмасдим. Лекин аксига олгандек на ўнг тарафдан, на чап тарафдан бир қултум чой етиб келди. Бунинг устига самолётга чиқиш хабари эълон қилиниб қолди. Шундай қилиб денг томоқ хўллашгаям фурсат етмади.

То самолёт осмонга кўтарилиб, сув сўраб ичгунгача бўлган фурсат мен учун бамисоли дўзах азоби бўлди. Ўзим чойхоначи бўлиб ишламаган бўлсам ҳам майли эди. Шу десангиз кўз олдидан “тўқсон беш” дамланган чойнақлар, яхна чой тўлдириб қўйилган идишлар қаторлашиб ўтаверди. Чойхоначининг чанқаши қизик бўларкан. Қайсидир чойхўрнинг таш-

нализини қондирмаганим учун Аллоҳ мени жазолаяпти деб ҳам ўйлардим.

Шу боис, Маккага етиб бориб, ҳаж маросимлари бошлангач, ёнимдан зам-зам идиши узилмай қолди. Томоғи қуриб лаби тамшанган одамни кўрдим дегунча ўз холим эсимга тушиб, унга сув тутардим. Бировлар дуо қиларди, бировлар эса сув кўтариб юрганамдан кулиб кўйишарди. Тарки одат – амри маҳол, деб чойхоначилигимга ишора қилиб кўяман.

Мадинаи Мунаввара йўлида биз чиққан автобуслар колоннаси нимадир бўлиб тўхтаб қолди. Қоқ чўлнинг ўртаси эди. Офтоб роса забтига олиб турипти. Автобусларнинг ичи қизиб кетган. Ҳамма ўзини ташқарига олди. Аммо йўл ёқасида на бир салқин жой, на бир тиккайган дарахт бор эди. Ҳаво шу қадар қизиганки, олган нафасингиз димоғни куйдирарди. Ҳамма қаро терга ботган. Баъзи ҳожилар ўзларидан кета бошлашди. Ҳамширалар ҳам шошиб қолишди. Мен эсам ҳали у одамнинг, ҳали бу одамнинг оғзига сув тутиб юрибман.

Бир маҳал лоҳас бўлиб ётган ҳожилардан бири мен тутган сувни ичди-да, ўзига келиб, кутилмаганда кўлимни маҳкам ушлади.

– Э, биродар, шошманг, сиз мени танимадингиз, мен сизнинг олдингизда гуноҳкор бир одамман, кечиролсангиз кечиринг мени, – деди.

– Нимага? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Сиз ўзингизга марҳамат қилмаган одамга... марҳамат кўрсатдингиз.

– Тушунмадим, – дедим.

– Тошканни, аэропортни эсланг, давра қуриб чой ичган эдик. Ўшанда тўрга чиқиб олганингизга гашим келиб, атай сизга чой узатмаган эдим. Эсладингизми? – деди у.

– Аллоҳнинг синови бўпти-ку, – дедим-да, идишдаги қолган сувни ҳам салқин бўлсин деб бошидан куйиб юбордим.

Илохим, шу сув ўша гулу ғашликларни ювиб юборсин, дедим ичимда.

## ЗИЁФАТ

*Масжидул Ҳарам.* Ибодат онлари. Рўпарамда Каъбатуллоҳ. Нақадар мўъжиза. Уч ярим минг чақирим нарида туриб, жойнамозни шу ёкка ростлаймиз. “Юзимни қиблага қаратдим”, деб ният қиламиз. Мана, Аллоҳнинг уйи – Қибла қаршимизда.

Кузатаман, ҳожиларнинг кўзи Каъбатуллоҳда. Тўрт тарафдан тинмай тикилишади. Ниятларини пайкагандек бўламан: Каъбатуллоҳни кўз қорачикларига жо қилиб олиш билан бандлар. Ўзимниям бирдан-бир орзуим шу. Узоқ термилиб, кўзларимни оҳиста юмаман ва хобимда қайта тиклаб кўрмоқчи бўламан. У дақиқаларнинг мингдан бир улушича қорачикларимда кўрингандек бўлади-ю, бироқ минг афсуски, бу ҳолат узоқка чўзилмайди. Қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлади. Шошиб кўзларимни очаман-да, яна Каъбатуллоҳга термиламан.

Шунда таниш ва кадрдон бир овоз кулоқларимга эшитилгандек бўлди: “Сен Аллоҳнинг уйи – Каъбатуллоҳни кўзингга эмас, қалбингга жо қил. Шундагина у ўнгингда ҳам, тушингда ҳам намоён бўлаверади! Бунинг йўли битта – ибодат, ибодат, ибодат! Аллоҳга қулчилик. Унинг олдида тавозуъ, хокисорлик...”

Ибодат! Ҳа, Аллоҳнинг уйида ўқилган икки ракат намоз бошқа жойда ўқилган юз минг ракат намозга тенг. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари бор. Лекин одаммиз-да, фаришта эмасмиз. Ҳою-хавас, роҳат-фароғатни нари сурган тақдиримизда ҳам нафс деган бало бор. У ҳар қандай ҳолатда ўзини эслатиб туради.

Ана, айтмадимми! Қорин таталагандек бўлди.

Тонг саҳардан берисига шу ердалигимни, нонушта қилмаганимни, бунинг устига, кеча кечкурун ҳам тамадди чала бўлганини эсладим. Нафсни кондириш учун ташқарига чиқиш керак. Соатга қарадим: пешин намози яқинлашиб қолибди. Ҳозир ташқарига чиқсам, Ҳарамга сувдек оқаётган издаҳом яна қайтиб ичкари киришимга мушкулликлар туғдиради. Каъбатуллоҳнинг рўпарасидаги жойимдан ажраб қоламан. Нима қилиш керак? Худонинг уйида, ҳатто нафсга ҳам зулм қилиб бўлмайди. Пешин намозидан кейин, Худо хоҳласа, сени яхшилаб зиёфат қиламан”.

Кўнглимдан кечган бу нарса кўнглимдан кўтарилимай туриб, биров тепамга келди ва “ҳажжи”, деди. Ялт этиб қарадим. У “ҳадя”, деди-да, кафтимга олмадеккина бир нарса ташлаб, кета бошлади. Қарасам, данаксиз бир нарса. Очсам, хурмо экан!

### АДАДСИЗ ҲАМД

Ҳаждан қайтиш онлари... Жидда аэропортидамиз. Бу ер гўё арининг уяси. Дунёнинг тўрт тарафига қараб самолётлар учиб ётибди. Каттакон залда самолётга таклиф қилишларини кутиб ўтирибмиз. Бир отахон “мановини тушунасизми”, деб кўлимга китобча тутқазди. Ўрисча экан. “Ҳаж ва умра учун йўриқнома”.

– Ўқий олсангиз сизга, мен барибир мағзини чақа олмадим.

Бирорта ўрис биродаримиз сўраб қолса, берарман, деган ниятда жомадонга солиб кўйдим. Самолётга чиқиш учун автобус келганлигини эълон қилишди. Тор йўлакдан битта-битта ўтиб автобусга йўналар эканмиз, кўлимизга биттадан “Қуръон” тутқазса бошланди. Биз бу муқаддас ҳадяни гўё хожилик далолатномасидек севинч билан қабул қилиб олдик. Автобусга чиқаётиб бошқачароқ китобга кўзим тушиб қолди: бир биродаримиз кўлида тутиб борар, кўринишидан Қуръон тафсирига ўхшарди.

– Тафсирми, хожи ака? – дедим.  
– Тафсир, тафсир, – деб тасдиқлади у.  
– Ҳозир олдингизми? – дедим ичим тушиб.  
– Ҳа, ҳозиргина беришди. Сўрасангиз беради, мен сўраб олдим, – деди у.

Ёнимда тик турган биродарим Абдужалилга боқдим:

– Олиб чиқолмайсизми, Қуръонни тафсири билан ўқиганга нима етсин!

Абдужалил ҳам кизиқиб қолди-ю, лекин иккиланди:

– Улгурармиканман?

– Улгурасиз. Жуда бўлмаса, кейинги автобусда борасизда, – дедим.

Абдужалил кўлидаги нарсаларни менга тутказди-ю, югурди. Сал ўтмай бўшашиб қайтиб келди.

– Ҳа, тугаб қолибдими?

– Урду тилида экан, олмадим, барибир ўқий олмаймиз-ку.

Ҳожи биродаримни беҳуда овора қилиб қўйганимдан ўқиндим. Шундоғам шамоллаб, иситмаси бир тушиб, бир чиқиб турган эди. Автобус кўзгалди. Самолётга чикқач, кўлимдаги нарсаларни бир-бир кўздан кечирган бўлдик. Нимадир етишмасди. Мен Абдужалилга қарадим. Маккадан эсдалик деб ёмғирпўш сотиб олган эдим. Ўшани самолётга чиққанда берарсиз деб, Абдужалилга ишонган эдим. Ҳамма нарса бору ёмғирпўш йўқ эди.

– Тафсирга тушиб кетаётганимда кўлингизга бердим-ку, – деди Абдужалил.

– Унда автобусда қолиб кетибди...

Иккаламиз ҳам иллюминатордан ташқарига қарадик. Ҳожиларни тушириб бўлган автобус самолётдан узоқлаб борарди...

– Эсиз, – деди Абдужалил гуноҳкор бир алпозда.

– Ачинманг. Аллоҳим мени яхшилаб таъзимни берди. Бу ҳам кам, – дедим.

Абдужалил ярқ этиб қаради.

– Тушунмадим, хожи ака?

– Ахир биродар, биз нима учун келганмиз бу ерга? Нафс деган балони ўлдириш учунми? Ўрнига мен нима қилдим? Сизни беҳуда югуртириб юрибман.

Абдужалил маънодор бош ирғаб қўйди. Самолёт беш соат деганда Тошкентга келиб қўнди. Аллоҳга шукроналар айтиб, Ватанимиз тупроғига қадам қўйдик.

Юқларимизни қабул қилиб оладиган залда турар эканмиз, кутилмаганда рус йигит яқинлашиб кела бошлади ва:

– Ҳожи? – деб сўрашиш учун қўл чўзди.

– Ҳа, хожи, хожи. Маккадан келяпмиз, – дедим ҳам суюнчилаб, ҳам нима гаплигига ақлим етмай. У менга ҳайрат ва ҳавас-ла тикиларкан давом этди:

– Мен ҳам жуда-жуда орзу қиламан, – деди ўрискчалаб.

– Бунинг учун олдин мусулмон бўлиш керак оғайни, – дедим.

– Алҳамдулиллоҳ, я муслим, – деди у кутилмаганда.

– Йўғ-е, исминг нима? – дедим ҳайратланиб.

– Воҳид, – деди у. – Вадим эди, Воҳид бўлди.

– Намоз-чи, ўқийсанми?

– Беш вақт.

– Тошкентликмисан?

– Йўқ, москвалик, ҳозир самолётдан тушдик, меҳмонман. Юкимни кутяпман.

Шу орада жомадоним қўлимга тегиб эди, уни апилтапил оча бошладим.

– Шошма, сенга ҳады бор, – деб кутиш залида олган китобчани қўлига тутдим. – Мана, буни сенга бериб юборди.

– Ким? – ҳайратдан Воҳиднинг кўзлари ёнди.

– Ким берарди, буюк қудрат эгаси Аллоҳ-да.

Воҳид китобчанинг сарлавҳасини ўқиди-ю, ўпиб пешонасига босди.

Мен бўлсам самолётга чиқишдан олдин қилган ниятимнинг, самолётдан тушиш билан кушойиш бўлиб турганидан Аллоҳга ададсиз ҳамдлар айтар эдим...

## ХУШ АМАЛ

*Бу* кун мен учун фавкулудда кун бўлди. Бир биродаримизнинг волидаси омонатини топшириб, пешинга чиқариладиган бўлди. Маййитнинг жанозасини ўқиш учун масжидга олиб бордик. Пешин намозига азон чақирилди. Намозхонлар хонақоҳга қараб юришди.

Мен намозхонлар сафининг охирги қаторидан жой олдим. Шу пайт олдиндаги сафдан бир жой бўшаб, сафни тўлатиш учун ўша жойга ўтдим. Олдинги қатордан яна бўшади. Яна ўтдим. Буни қарангки, атайлаб йўл очилаётгандек эди. Бир маҳал қарасам, биринчи қаторга, меҳроб рўпарасига бориб қолибман.

Шундоққина имомнинг этагида намоз ўқидим. Ва ҳеч бу ҳолнинг сирига ета олмадим. Моҳиятига кейинчалик тушуниб етдим.

Ўша кун эрта билан ишга кетаётиб эдим, бола кўтарган бир қишлоқ аёли тўхтатиб, қандайдир идорани сўради. Мен бу идорани билганим ва йўлимда эканлиги учун бошлаб кетдим. Боласи тинимсиз йиғларди. Ачиниб кетдим. Қаердансиз дейишимни биламан, аёл зўрға турган экан, кўз ёшларини тўкиб солди. Шаҳарни билар экан-у, метрога тушмаган экан. Кириш учун жетон оламан деб пулини тушириб қўйибди. Ғалати бўлиб кетдим. Назаримда бола оч қолгандан йиғларди. Каттакон бир шаҳарда сариқ чақасиз қолиш... Ваҳима, уят, кўрқув онанинг кўкрагидаги сутни ҳам қочириб юборган эди, чамамада.

Мен киссамга қўл солдим-у, қанча бўлса шунча олиб, боланинг йўргаги қатига жойлаб идорани аёлга кўрсатдим. Аёл юзини йўргакка босганча елкалари учиб, туриб қолди.

Менинг бу ишим Аллоҳга хуш келган эканми, пешиндаёқ сездириб, меҳробга яқин килди. Алҳамду лиллаҳи роббил аъламин!

## БИР ДАСТА ГУЛ

Туғуруқхонада фарзандлик бўлган икки аёл ётарди. Хона деразаси дарвоза тарафда бўлгани учунми, аёллар истасалар ҳам, истамасалар ҳам кўзлари шу тарафга тушаверарди. Уларни кўпроқ гулдасталар қизиқтирарди. Ўзларига ҳам кимлардир гулдаста олиб келишини жуда-жуда хоҳлашарди. Аслида бунақа жойга аксари чақалоқнинг отаси гул кўтариб келади. Аёлларнинг бири эридан ажраган, шунинг учун гул кутмасди. Туғуруқхонадан чиқадиган кунни эсласа, музлаб кетарди. Ахир энагага, йўргаклаганларга, жилла курса икки даста гул керак-да. Онагинам, муштипаргинамнинг, гул кўтариб келиш эсларига келармикан? “Ё айтгирсаммикан, – ўйларди аёл. – Йўғ-е, ахир гул ҳам фалон пул-ку, бир даста гулга бир кун қозон қайнайди-я!”

Иккинчи аёл эса ич-этини еб, эридан ўзича гина киларди: “Вой, номард, кўчқордек ўғил туғиб берсам ҳам, тўртта гулга арзитмади-я. Ичишга бўлса, топади. Мана бунақа кунларда... Манави эрсиз хотиндан қаерим ортик, эрсиз бўлганим минг марта яхши эди. Кутмасдим ҳам, куймасдим ҳам... Бир ҳисобдан гул келтирмагани ҳам дуруст бўлди, шекилли. Гул олиб келса ҳамхонаси ўксиб қоларди. Бечора суксурдеккина-я, хотин кўр қилсин бунақа эркакларни”.

У муолажага бориб, анча ҳаяллаб кетди. Қайтиб хонага кирди...

Кирди-ю, кўзи стол устидаги таниш дастурхонга ва дераза кўзидаги чиройли гулдон ва кип-қизил чинни гулларга тушди.

– Ҳайтовур, – деди у, – бизни хонадаям гул пай-

до бўлибдими? Нечук адамизни эсларига тушиб колибмиз, кўз тегмасин-а!

– Уйингиздан келишди, – деди ҳамхонаси. – Лекин... хафа бўлманг-у, гулларнинг эгаси бошқа.

– Вой, айланай, сизга келдими, қандоқ яхши! Менга келмасаям гўрга. Гул олиб келиб ўргатмаганлар. Кўнглим ёздагидек.

– Минг афсуски, менга ҳам эмас, – хўрсинди ҳамхона аёл.

– Эй, ҳазилингизни кўйсангиз-чи, хонада сизу менадан бўлак ким бор яна.

– Сабр қилсангиз, кўрасиз, анави бўш ўринга гулнинг эгаси жойлашди. Ўзларидан олдин гуллари етиб келди. Ана шунақа, бахтли аёллар кўп дунёда.

Аёл ичидан зил кетди. Хонада икковлари қандоқ яхши туришувди-я, дастурхонларида нима бор-у, нима йўқлигим билинмасди. Ўзидан олдин гули келган бўлса, ҳарқалай чўмичи ёғ ичида бўлса керак-да.

Сал ўтмай ҳамшира қиз ёшгина бир жувонни хонага бошлаб кирди. Нимагадир бу келинчакнинг кўзи ҳам дераза тоқчасидаги гулга тушди. Кейин аёлларга қараб жилмайди:

– Анави гулдон худди бизникидаги гулдонга ўхшаркан. Шокиржон акам бўлса бунақаси дунёда битта дер эдилар. Боракан-ку, а? Хўп мен соддани лақиллатарканлар-да.

– Шокиржон акангиз рост гаширибдилар. Биз ҳам боядан бери гулга эмас, гулдонга махлиё бўлиб ўтирибмиз. Булар сизга экан, ўзингиздан олдин гулингиз келди.

– Вой, чала чаққон Шокиржон акам-ей, улгурибдилар-да элбурутдан. Шунақанги гул жиннисиларки, ундан кўра иккита иссиқ нон билан тўртта кабоб кўтариб келмайдиларми?

Аёлларнинг бири хохолаб кулиб юборди:

– Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, овсинжон. Ким бир дона гулга зор, ким бир сих кабобга, ўтиринг. Мана, овқат тайёр. Борини бахам кўрамиз.

Янги келинчак тортиниб ўтирмай, ўзини овқатга урди.

Орадан сал ўтмай хонага бирин-кетин қоғоз халталар кира бошлади. Анор дейсизми, банан дейсизми, мандарин, апельсин, писта-бодом, турли хил ширинликлар. Янги ҳамхона эндигина таниган дугоналарини кўярда-кўймай зиёфат қилар, келган нарсаларни ҳамшираларга тарқатарди. Ахир, битта қоринга қанча нарса керак? Ахийри улардан бири чидай олмади:

– Бу дейман, куёвтура бизнесменлар шекилли...

– Эй, бизнесменликлари ҳам бор бўлсин, нукул кўпдан келяпти, кўпга кетаверсин, дейдилар. Шунинг учун сираям хижолат бўлманглар.

– Худоям берганга беради, деганлари рост эканда, бундан чиқди. Баъзилар фақат ўзимга бўлсин дейишадди.

– Шокиржон акам унақа эмаслар, ҳотамтойлар.

Нима бўлди-ю, бизнесмен йигитнинг хотини эртасигаёқ уйига кетадиган бўлиб қолди.

– Бунча шошиб қолдингиз? – хайрон бўлишди ҳамхоналар.

– Кечирасизлар, опажонлар. Шокиржон акам уйга дўхтир ёллаптилар.

Аёлга уйдан шоҳона кийимлар олиб келишди. Бошқатдан келин бўлди-қолди. Дарвозадан узун қора машина билан оқ машина кўринди. Карнай-сурнай. Бир зумда туғуруқхона тўйхонага ўхшаб кетди. Ана гуллару мана гуллар... Суратга олувчилар... Икки аёл бу ҳолни кўриб боладек қувонишар, аммо ич-этларини нимадир киши билмас кемирарди. Машиналар туғуруқхонадан чиқиб кетгач, ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди. Эрсиз аёл оғир хўрсишиб, каравотга ўзини ташлади. Иккинчисини бўлса кутилмаганда жазавази тутди:

– Қурибгина кетсин, шуям ҳаёт бўлди-ку... Эримга манави узугимни, занжиримни ечиб бераман. Сотсинда, машина, гул, суратчилар олиб келсин. Мен ҳам

анави хотиндек кўкрагимни кериб, чиқиб кетаман мана шу жойдан. Шундай қилмасам отимни бошқа кўяман.

Бошкаси хўрсинди:

– Мен бўлсам шуни ҳам қилолмайман...

### АЖР МУБОРАК

Тоҳир бойвачча туйкус уйғонди. Уйғонди-ю, кўнгли ғаш тортди. Тавба, эски маҳаллада юрганмиш. Тор кўчалар, мевали боғлар, гўё ҳеч бири бузилмагандай. Қаергадир шошармиш. Кимдир орқасидан чақирди:

– Ҳов, бойвачча.

У ўгирилиб, кўча ўртасида турган маҳалла оқсоқолига кўзи тушди. Ё алҳазар, оқсоқолнинг дунёдан ўтиб кетганига неча йиллар бўлди-ку. Оқсоқол башанг кийинган, бошида кўк дўппи, устида яктак, оёғида кавуш эди.

Оқсоқол Тоҳир бойваччага: “Бери кел”, деб имлади. Оқсоқол билан унча-мунча одам бақамти келиб гаплаша олмасди, салобати босарди. Тоҳир бойвачча у кишининг ёнига қандай борганини билмай ҳам қолди. Оқсоқол кўрсаткич бармоғини нуқиб деди:

– Кеча издаҳомда кўринмадинг?

– Йўғ-а, – деди Тоҳир бойвачча хайрон бўлиб, – бўлдим, эҳсон зўр бўлди-ку.

– Бундоқ у ёқ-бу ёққа карадингми?

Оқсоқолнинг овозида тергаш бор эди.

– Қарадим.

– Қараган бўлсанг кўрмадингми?

– Кимни кўришим керак? – талмовсиради Тоҳир бойвачча.

– Демак, қарамагансан...

Оқсоқол шундай деб терс ўгирилиб кета бошлади. Кейин бирдан тўхтаб:

– Эсингда бўлсин, бойвачча, фарзандларимни сенга, сени Худога топширдим. Омин, Аллоҳу акбар...

Оқсоқол шундай деб, кўздан ғойиб бўлди-қўйди. Бойвачча уйқудан уйғониб кетди. Сўнг чирокни ёқиб, тушини қайта эслай бошлади. Тушидаги жумбоқ уни тинч қўймади, нимани кўрмади экан? Нимани кўриши керак эди? Нимага оқсоқол ундан хафа? Бола-чақали ўғилларини нега унга топширди? Қизик, фарзанди эҳсон қилса-ю, ота безовта? Нимага?

Шу ўйлар исканжасида Тохир бойвачча кун ёйилгач кўчага чиқди. Кўрган тушини кимга айтиб, кимга ёрилишни билмасди. Оқсоқолнинг ўғилларига айтсамикин? Айтадиган гап бўлсаки, айтса? У ўйлаб-ўйлаб оқсоқолни анча яхши биладиган Қаюмжон отани эслади. Ўша ёққа йўл олди. Ота уйда экан. Тохир бойваччанинг сўзларини эшитиб:

– Ҳали сизнинг хабарингиз йўқми? – деди. – Оқсоқолдан икки фарзанд қолган. Ўрталаридан гап қочиб, борди-келди узилган. Кеча уканинг издаҳомида ака йўк эди.

– Ия, шунақами ҳали?

Тохир бойваччага бирдан ҳаммаси равшанлашди.

– Шунақа.

Энди тушнинг таъбири аён эди, нима қилишни, кимга учрашни биледи. Эртасига у кичик ўғилни кимга йўл олди. Оқсоқолнинг ўғли уни кўриб суюниб кетди.

– Эй, амаки, заб келибсиз-да. Кеча бундоқ отамлаша олмадим ҳам. Хўп келибсиз. Раҳматли отамизни кўргандек бўлдим.

Дуои фотиҳадан сўнг бойвачча мақсадга кўчди.

– Шу десанг, ўғлим, кеча эл қатори келиб-кетаверибмиз, бундоқ ҳол-аҳвол ҳам сўрамабмиз.

Кичик ўғил негадир бир оз ўнғайсизланди ва яна ўзини тутиб олиб:

– Мана, келибсиз, шунга ҳам раҳмат, – деди.

– Мен келганим... Ҳа, айтмоқчи, кеча аканг кўринмадимми? Нима, бетобми?

– Э, қўйинг шу акамни...

– Ҳа, тинчликми?

– Келинг, бошка гаплардан гаплашайлик. У кишининг феълларини биласиз-ку. Бўлмаса, эҳсонга келмайдиларми? Кимга қилибман? Қилсам, отамизни руҳлари шод бўлсин деб...

– Отангни руҳи шод эмас, болам.

– Йўғ-е, – деди ўғил сесканиб, – нега, нега ундай деяпсиз?

– Кеча хобимда оқсоқолни кўрдим. Издаҳомда бўлдингми, бойвачча, дедилар. Суриштирдим... гап буёқда экан. Сизлар гиналашиб юрган экансизлар. Бетга айтганнинг захри йўқ, болам. Мусулмончиликда араз-гина уч кунгача. Ундан нариси ҳаром. Пайғамбаримиз бундайларни биздан эмас, деганлар. Аканг билан ярашасан, вассалом. Гап шу.

– Хўп, ота, мен рози, – деди ўғил бош кўтаролмай. – Лекин акам...

– Ҳозир гап сенда қолди. Ярашасан-а? Йигитлик сўзинг-а?

– Ҳа, ота, сиз нима десангиз шу.

Тоҳир бойвачча эртасига аканикига ҳам борди. Ака ҳам гапни эшитиб, уканинг ҳолига тушди. Кейин укани чакиртириб олиб келдилар-да, узр-маъзур айтиб, бир-бирига кучоқ очдилар. Юз ёшни қоралаб қолган онанинг заъфарон юзларига нур югурди. “Аллоҳга шукр, у дунёга юзим ёруғ бўлиб борадиган бўлдим”, деди она.

Иттифоқо, индинига Тоҳир бойвачча яна туш кўрди. Тушида яна ўша кўча, ўша эски уйлар эмиш. Оқсоқол ҳам ўша кийимдамиш. Тоҳир бойвачча бўлса, қилган ишидан ҳисоб бермоқчимиш.

– Хабарим бор. Энди сенга бир хушxabар айтмоқчиман, – дермиш оқсоқол, – масжид муборак, ўзларига.

– Қандай масжид ҳақида гапиряпсиз, тушунмадим, – деб хайрон бўлибди бойвачча.

– Икки мўминни яраштириб қўйиш – Аллоҳ ҳузурида битта масжид қуриш билан баробар. Сен шундай мартабага эга бўлдинг...

## ТАВБА

Насруллахон дарвозахонасига дўкон очган, тижорат ишлари билан банд эди. Анча наридан тиланчининг овози эшитилди. У пулларни титкилаб, майдасини ажратди-да, сикимида ушлаб, тиланчини кутди. Бироқ тиланчи узатилган садақани олмади.

– Нон обчикинг, бой ака, нон, – деди.

Насруллахон хотинига каради. У бўлса хижолат чеккандек:

– Энди хамир қилиб қўювдим, – деди.

Насруллахоннинг пешонаси тиришди:

– Оловурмайсизми?

– Йўқ, менга нон беринг.

– Эшитдингиз-ку.

– Нон пишгунча кутаман.

– Қизиқ экансиз-ку, нонни бошқалардан оларсиз.

– Йўқ, мен шеттан олмоқчиман, – деди тиланчи.

– Ана, мана жой ўтиравуринг, бўлмаса...

Насруллахоннинг хотини ичкаридан чой дамлаб чиқди-да, қанд билан тиланчининг олдига қўйди. Насруллахон унга эътибор бермай ўз иши билан овора экан, харидорлар сийрак тортгач, тиланчи уни гапга тутди.

– Отангиз оламдан ўтибдилар, Аллоҳ раҳмат қилсин.

– Отамизни танирмидингиз?

– Эшон даданими? У кишини ким танимайди! Бу ёғи Ўшу у ёғи Бухорогача. Фақат сиз мени танимадингиз-да.

– Отамизни сўраб келадиганлар кўп.

– Сиз, янглишмасам, ўтгиз беш ёки ўтгиз олтига кирдингиз. Мен етмишни урдим. Ўшандаям тиланиб келган эдим шу эшикка. Сиз чопкиллаб битта нон обчиққандингиз. Мен нонни олмай, бор, пул обчик, дегандим.

Насруллахон эслади. Эсламай ҳам бўларканми?!

Онаси ҳаммаёқни қоқиштириб сарик чақаям тополмаганди. Насруллахон нонни қайта олиб чиккан эди.

– Эсладим, – деди Насруллахон, – мен нонни узатганимча қолганман, сиз олмай кетиб қолгансиз. Ўртоқларимнинг олдида изза бўлганман.

– Ҳа, ана эсладингиз, бой ака.

– Энди бундай, – деди Насруллахон, – сизга пулам нонам йўқ! Жўнанг бу ердан.

– Йўқ, йўқ, ундай қилманг. Бир бурда бўлса ҳам нон обчиқинг, кўзимга суртай, тавба қилай.

## ЖАННАТИЙЛАР

Улар болаликдан бир маҳаллада катта бўлишди. Кўчага чиқишса, бир-бирининг елкасига қўл ташлаб, оғайничалиш бўлиб юришарди. Ҳасан-Хусанлардек бир-бирларидан ажралишмасди. Ҳатто ҳарбий хизматни ҳам бир ерда ўтаб келишди. Бир кунда уйланишди. Гап-гаштакларга ҳам бирга боришади. Кундуз кунлари ҳам ёнма-ён юришса, беихтиёр қўллари бир-бирларининг елкаларига бориб қолади. Сўнг жўралар бир-бирига қиз бериб, қиз олиб, янаям чирмашиб кетишди. Дунё чархпалаги айланаверди. Сочларига оқ, пешоналарига ажин тушди. Қарашсаки, улар тенгилар масжидга боришяпти. Улар бўлса ҳалиям ичкилик ичиб юришибди. Покланишиб, илк бор масжидга боришди. Илк бор пешоналари саждага тегди. Рухлари тетик. Ёнма-ён масжиддан чиқишди. Беғубор болаликдагидек қўллар елкага тегди. Бири иккинчисига деди:

– Домла айтган жаннатда ҳам мана шунақа қилиб юрамиз-а, жўра?

– Юрмайчи...

– Бир кун масжидга келиб, гапларини қаранг! – деди имом.

Шу куни имом туш кўрди. Тушида оғайнилар худди ўша ҳолатда жаннатда юришган эмиш...

## АЛЛОҲГА ОСОН

Улар жўра эдилар. Унда-бунда улфатчиликлари ҳам бор эди. У шайтон сувисиз ўтмасди. Нима бўлди-ю улардан бири улфатчиликдан чиқди. Жўралар “ўйинбузуқи”дан хафа бўлишди. Ўзларича, у-бу деб йўлга солмоқчи бўлишди. “Ўйинбузуқи”ям бўш келмади:

– Шунча ичиб шохларинг чиқдими? Нима азоб уйдан баракани, юракдан иймонни кўтариб?

– Жа, уйингга барака кириб кетдими, еганинг олдингда-ю, емаганинг орқангда бўлиб?! Ё биззи кунимиз қоқ нонга қолдими? – дея писанда қилишди улфатлари.

– Гап ейиш-ичишдамас, – уқтирган бўлди у, – Худо ҳеч кимни насибасиз қўймайди.

Кунлардан бир кун маош олинган кун жўралар битталариникида жам бўлишди. Ичкилиги йўқ деб “ўйинбузуқи”ниям олиб боришди. Шунда жўрабоши унга деди:

– Бизни кечир, дўстим. Кўп ўйладик, ўйлаб шу қарорга келдикки, сен ҳақ экансан. Бизгаям сенинг йўлингни берсин. Эртадан сени йўлингни тутамиз. Шу исқотини ичмаймиз. Лекин битта шартимиз бор.

– Қанақа шарт?

– Сен учун қийин эмас, аммо биз учун қийин.

– Айтинглар.

– Биз билан бугун улфатчилик қиласан. Эртага ҳаммамиз ичишни ташлаймиз. Ишонмасанг, касам ичамиз. Лекин бугун охирги марта бўкамиз. Сени зўрламаймиз, шартимиз учун бир хўплам олиб берсанг бўлди.

У соддадил ва ишонувчан эди. Жўраларининг гапига ишонди. Шартларига кўнди. Бир хўпламга иккинчи хўплам қўшилди. Жўралар энди унинг устидан кула бошлашди:

– Шугина холинг бор экан-ку...

– Ҳа, ўғил бола, кара, кандок ярашиб турибди. Кўй, анави гапларни. Ичовургину, Худо де. Худо кечиради.

У алданганини сезиб, ўзига сиғмай қолди. Оралдан суғурилиб чикди-ю, ғойиб бўлди. Унинг йўқолиб қолганини жўралари кейинроқ билиб қолишди.

– Қани у?

– Эй, болапакир, ёмон чув тушди-да. Ўзиниям роса томоғи тақиллаб юрган экан.

– Қаранглар, товонига қолмайлик яна...

Уни улфатчилик қилаётган уйнинг омборхонасидан топишди. У дод солиб Аллоҳга нола қиларди. Пешонасини тарсиллатиб тақир ерга урарди. Кимдир чирокни ёқиб юборди. Шунда жўралар хангу манг бўб қолишди. Дўстларининг ҳаммаёғи қон, пешонаси ёрилган эди. Жўраларининг хуши бошидан учди. Қилиб қўйган ишларига пушаймон бўлдилар...

## КАТТА ТОМОША

Дориламон хонадон бор эди. Беш ўғил ва беш келин. Шунга яраша набиралар... Нима бўлдию, гурсиллаб юрган она бир кечада тўшакка михланди...

Ана энди сансоларлик бошланади, деб ўйлашди баъзилар. Ўғиллар зир югуриб онаизорни оёққа турғазмокчи бўлишар, келинлар қайнонани сру кўкка ишонишмасди. Касаллик билан кураш салкам бир йил давом этди. “Уф” деган овоз чикмади. Гўё бемор ҳам, фарзандлар ҳам Аллоҳ берган дардга ўрганиб қолгандек. Шундай кунларнинг бирида она туш кўрди. Уйғонди-ю, тушининг таъбирини нимага йўйишни билмай, ўғилларидан бирини чақириб, унга кўнглини ёзди:

– Ўғлим, бугун ғалати туш кўрибман, эшитсанг кулгинг қистайди.

– Кулгига етказсин, она, – деди у.

– Эшитгин-а, жа қизиқ. Тавба, биззи мана шу уйимизнинг ўрнида катта театр саҳнасимиз. Ол-

дига зардан парда тutilганмин. Биз ҳаммамиз шу сахнадаминимиз. Халиги зар пардани бундай кўтариб қарасам... ё тавба, тумонат одам, сахнага кўз тикиб ўтирибди. Томоша кутишяпти биздан. Ҳа... дарровда ўзимни ичкарига олдим. Ҳайрон бўламан, оиламиздан артист чиқмаган-ку, деб. Нима бўлиши мумкин-а, ўғлим?

Ўғил тушнинг таъбирини ўзича айтгандек бўлди.

– Опажоним-ей, ахир ўзингиз “Келинлар кўзгалони”ни яхши кўрасиз-ку. Сизни Фармон буви, биззи хотинни келинларингиз “Сотти” деб хазиллашишади. Шулар тушингизга кирибди-да...

– Ҳа-а, – деди она эркин тин олиб, – яхши эслатдинг, кеча телевизордаям кўрсатишувди, шетга ётиб кўрувдим. Менинг келинларим худди ўша театрдагидек кўнгилларида кири йўк, хўп терилишган... Ҳа, дард курсин, сал нарсага ҳадиксирайдиган бўб қолибман.

Бу онаизорнинг ўртанча ўғил билан сўнгги суҳбати эди. Уйқуга кетди-ю, қайтиб кўзини очмади...

Таъзиялар ўтиб, қариндош-уруғлар тарқаш олди-дан жам бўлиб ўтиришди. Марҳуманинг фазилатларини, айниқса, меҳнаткашлигини эслашди. Шунда ўртанча ўғил ўша кунги суҳбатдан гап очди. Табиий, бу тушнинг таъбирини ёшлар англаб етмадилар. Кўпни кўрган тоғалари эса уни бошқача таъбирлади:

– Опамиз, кўп ибратомуз туш кўрган эканлар-да. Билсангиз, бу шунчаки туш эмас, сизларга васият, – деди.

Ёшлар хушёр тортиб, тоғага қарашди. Тоға армон билан сўзида давом этди:

– Кўзларингизни очинглар, энди бу ҳовли чинакам сахна бўб қолди. Хонадоннинг бошини қовуштириб турган қайнона кетди, энди келинлар қандай ўйин кўрсатишаркин? Отанинг холи нима кечаркин? Қозон-товоклари олдингидек қолармикин, ё ҳамма ўзига алоҳида осармикин? Ахир бирга туғилмоқ бор, бирга

турмоқ йўқ. Қайси ўғил биринчи бўлиб кўч-кўронини кўтараркин? Мана, сизларга театр, мана, сизларга томоша...

## ТИЛСИМ

*Бир* савдогар сахро-ю, биёбон ошиб, ҳориб-чарчаб шом маҳали бир бокқа етиб келибди. Туялардаги юкларни тушириб, жониворларга дам берибди-ю, ўзиям таппа ташлаб ухлаб қолибди. Шу ерда ичи ғовак бир қари дарахт бор экан. Уни захарли илонлар макон тутган эканлар. Улар одам ҳидини олиб, бирин-сирин индан чиқа бошлашибди. Аммо шу пайт бир бешиктерватар савдогарнинг ёқасидан уриб чиқиб, илонларнинг додини бера бошлабди. Илонлар даф қилмоқчи бўлганда, уларнинг кўзини ўйиб оларкан. Олишув тонггача давом этибди. Бешиктерватар илонларни одамга ҳаргиз яқинлаштирмабди.

Савдогар эрта билан уйғонса, гир атрофида чала-жон илонлар ётганмиш. Ё алҳазар, бу қандоқ синоат бўлдики, шунча илондан биронтаси уни чакмабди? У, ё қудратингдан, деб томоғи қақраб сувдонга кўл чўзибди. Шунда кўли жаз этиб кетибди. Жон ҳолатда силкиб ташласа, оёғи остига бир бешиктерватар тушибди. Савдогар уни оёғи билан эзиб ташламоқчи экан, бирдан у тилга кирибди.

– Эй, йўловчи, олдин менга бир томчи сув бер, – дебди.

Савдогар бешиктерватарнинг одамга ўхшаб гапиршидан лол бўлиб, авайлаб кафтига олибди. Сувдонидан бир томчи сув томизибди. Кейин унга бундок яқиндан разм солса, тирноклари қонмиш. Э-ҳа, гап буёқда экан-да, деб ўйлаб:

– Наҳотки бу сенинг ишинг бўлса, эй жонивор?– дебди.

– Ҳа, яхшилик-ка яхшилик қилдим, – дебди бешиктерватар.

– Қандай яхшилик хакида гапиряпсан, эй жонивор, ахир сени сал бўлмаса ўлдириб қўяй дедим-ку?

– Биз бешиктерватарлар сен бир неча кун давомида босиб ўтган чўли маликнинг нариги тарафида кишлаймиз, бу ерларда ёзлаймиз. Карвонлар жонимизга ора кирадилар. Бизга тирноқдек жой бўлса, бас, буни биров сезади, биров сезмайди. Эвазига биз одамларни, туяларни, отларни мана шундай газандалардан асраймиз, – дебди.

– Ундай бўлса, биз сен билан дўст бўлиб қолайлик, эй жонивор, – дебди савдогар.

– Биз шундоғам дўстмиз, эй яхши одам, – дебди у.

– Мен айтмоқчиманки, хамиша бирга бўлайлик, мен сенга, сен менга посбон дегандай. Айт, сенга не керак, барини мухайё килай, кафтимда кўтариб юрай, – дебди савдогар.

– Ниятинг бузилмасин, эй яхши одам, ҳар бир жониворнинг ўз яшаш йўриғи бор... Ёзлашга келдим, энди мен борай, балки кишлаш вақти яқин қолганда учрашиб қолармиз. Болаларим билан у томонга олиб кетарсан, – дебди.

Шу пайт савдогарнинг бармоқлари қисила бошлабди. Учишга шайланган бешиктерватарнинг қанотлари йиғилибди.

– Нима қияпсан, эй яхши одам? – дебди у.

– Айт-чи, менсиз чўли маликдан ўта олармидинг? – дебди савдогар.

– Таваккал қилар эдим, – дебди у.

– Кимга?

– Худога.

– Шундоқ экан, энди сен менинг мулкимсан. Хоҳласам қўйиб юбораман, хоҳласам ўзим билан олиб юраман. Ҳа, оёқларингни олтин ип билан боғлаб қўяман, мени ановиндек захри котиллардан асрайсан. Бош тортсанг, баҳрингдан ўтаман, – дебди савдогар.

Шу пайт боғда бир оппоқ саллалик чол пайдо бўлибди. У савдогардан сўрабди:

– Эй биродар, сизни кўпдан бери кузатиб турибман, ким биландир сўзлашмоқдасиз, бироқ суҳбатдошингизни кўрмаймман.

Савдогар бор гапни айтибди ва бешиктерватарга эгалик даъвосини қилибди.

– Сизларнинг ишингиз турна билан қалдирғочникига ўхшаб кетаркан, – дебди отахон.

– Хўш-хўш, айтинг-чи, балки мен ҳақ чиқарман, – дебди савдогар.

– Балки мен ҳақдирман, – дебди бешиктерватар.

– Турналар келмасдан қалдирғоч келмас, баҳор бошланмас. Турналар кетмасдан қалдирғоч кетмас, қиш бўй кўрсатмас, – дея ҳикоясини бошлабди чол. – Ўйлаб кўринглар-чи, бу икки қушни бир-бирисига нима боғлаб туради. Турна қайда-ю, қалдирғоч қайда? Бири овлоқда, одамлардан нари яшайди. Бири одамларсиз яшай олмайди. Лекин шуниси борки, турналар қалдирғочларсиз на қишлагани, на ёзлагани бориша олади. Қалдирғочлар ҳам турналарсиз у ўлкадан бу ўлкага кўча олмайдилар. Турналар қишлагани қайтар эканлар “қиров-қиров” деган овозлари билан қалдирғочларни чақиришади. Қалдирғочлар уларнинг каноатлари орасига жойлашадилар.

Турналар осмону фалакка кўтарилгач, юлдузларга қараб, борар манзилларини белгилайдилар. Улар кўзларини юммайдилар. Юмса тамом, юлдузни йўқотиб қўйиб йўлдан адашади ва ҳалок бўладилар. Бироқ шундоқ пайтда, шундоқ баландда ҳам уларга ганим топилади. Ҳаво оқими бўйлаб нафақат турналар, балки қалдирғочлар муттасил ҳавода тутиб ейдиган ҳашаротлар ҳам кўчишади. Улар турналарнинг юлдуздек ёниб турган кўзларига парвонадек уриладилар. Ана шу паллада очиккан қалдирғочлар турна тумшуғи устида туриб, ҳалиги ҳашаротларни навбат билан еб борадилар. Ҳам улкан қушни ҳалокатдан қутқарадилар, ҳам ўзларини очликдан...

– Хўш, – дебди чол савдогарга қараб, – ким ким-

нинг мулкига айланиши керак? Қалдирғоч турнанингми ёки турна қалдирғочнингми? Аллоҳ уларни шундок қилиб яратган. Қалдирғочнинг жигилдонини турнага, турнанинг умрини қалдирғочга боғлаб қўйган. Улар миннатсиз ва даъвосиз яшаб келдилар.

Бу ҳикоятдан фикри ёришиб кетган савдогар кафтини очиб юборибди. Тутқунликдан қутулган бешиктерватар боғ ичкарасига караб учибди.

### ЗАРРА МИСҚОЛИЧА ЯХШИЛИК

*Б*ир фақирнинг қабрига ёруғ дунёдан учта тарнов тушиб келибди. Фақир хайрон бўлиб, Аллоҳга юкинибди:

– Эй, Яратган Эгам, бу қандай мўъжиза? Тарновлардан мен нима кутай?

Жавоб бўлибди:

– Савоб...

– Қандай савоб?

– Биридан эккан дарахтинг ва яратган боғ-роғларингдан савоб оққай.

– Оҳ, канийди. Умрим бино бўлиб битта ниҳол кўкартирган бўлсам. Демак, бу тарновдан умид йўқ.

– Иккинчисидан зурриёдларингдан савоб келгай.

– Э, воҳ, бу марҳаматдан ҳам бенасибман. Ёруғ дунёдан бефарзанд ўтдим. Орқамдан дуо юборадиган ҳеч кимим йўқ.

– Учинчисидан солган кўприкларинг, қазиган ариқларинг, қурган мадрасаларинг, тегирмонларингдан савоб келгай.

– Воҳ, нақадар пешонам шўр экан. Лоақал биттагина ариқ қазимабман, эй аттанг.

Фақир шундай деб, афсус ва надоматлар чекиб турган экан, учинчи тарновдан чакиллаб шарбат тома бошлабди. Фақир яна Аллоҳга юкинибди:

– Эй, ҳамма нарсани билиб-кўриб тургувчи Зот, бу қандайин марҳамат бўлди? Мен қулингни бунчалар сийладинг?

Жавоб бўлибди:

– Ҳаётлик пайтингда кўприк кураётганларга икки дона иссиқ нон билан бир қумғон чой элтган эдинг. Шу ишинг кўприк қурганлар қаторида кўрилган эди. Энди шу кўприк бузилиб битгунча сенга савоб келиб тургай.

Зарра мисқолича яхшилик унутилмагай, дегани шу бўлса керак.

### САВОБГА ШЕРИКЛАР...

Ҳожибобо эрталабдан бесаранжомроқ бўлиб қолди.

У киши кўшнисининг ишидан таъсирланиб ўзича дер эди.

– Зап кўшним бор-да, барака топгур. Садақа радди бало, деб пулни аямайди. Бугунам бир сиқим пул ташлаб кетибди, жума намозига борсалар, тиланчиларга бериб кўйсинлар, деб.

Ҳожибобонинг кўз олдига масжидни таъмир қилаётган усталар келди: “Шуларга шўрвалик гўшт элтиб берсам, қалай бўларкин”. Шу ниятда гузарга караб юрди. Қассобга рўбарў бўлди-да, бор гапни секин шипшиди. Қассоб ҳам мийиғида кулганича гўштнинг чиройли жойидан тортди-да, Ҳожибобога тутқазди. Пулдан анча-мунча қайтарди.

– Ўғлим, бу дейман пулга барака кириб кетдими, ё мен ногўғри санадимми? – деб сўради.

– Тўғри санагансиз бобо, фақат,– деди қассоб йигит жилмайиб, – мен гўштнинг танинигина олдим, савобига шерик қиларсиз?

– Э... умрингдан барака топ, болам, мен ҳам бор-йўғи дастёрлик қияпман, холос. Савобига Аллоҳнинг ўзи шерик қилсин, сени.

Ҳожибобо қассоб берган қайтимга нон олишни мўлжаллаб новвойхона томон юрди. Унга ҳам бориб, секингина мақсадни шипшиди. Новвой бўлса, пулни олиб, отанинг кўлига бир даста нон тутқазди.

– Ие, бу жуда кўп-ку, болам, пулни санадингми ўзи?

– Санадим, бобо, санадим, кўмир пулиси билан хизмат ҳақини олмай кўя қолдим. Савобига шерик қиларсиз, – деди илжайиб.

– Вой, болажоним-эй, Аллоҳ шерик қилсин сени, – деб жоме томонга юриб кетди.

Шундан кейин ҳам одамларда инсоф йўк, деб кўринг-чи?!

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН

*Алқисса*, бу кўхна курраи заминнинг чеккасида бир подшолик бор экан. Ундаги тартиботлар бошқа подшоликларникига сира ўхшамас экан. Ҳатто тахт валиаҳдини тайинлаш ҳам подшо ёшини яшаб, оши-ни ошаб ўтгандан кейингина, Ҳумо қушини осмонга учуриб, у кимнинг бошига қўнса, ўша подшо қилиб кўтарилар экан. Бу пайт бутун юрт кўча-ю майдонларга кўчиб чиқар, Ҳумо қуши бошларига қўнишини кутишар экан.

Шундай кунларнинг бирида узоқ сафарга кетган икки савдогар шаҳарга қайтиб келибдилар. Воқеадан хабар тошган бири депти:

– Оҳ, Ҳумо қуши менинг бошимга қўнганда борми, шундоқ подшо бўлардимки, менинг яхшилигимни одамлар охиратгача эслаб юришарди.

Иккинчиси бўлса:

– Мен шундоқ қаттиққўл, золим бўлардимки, мениям охиратгача эслаб юришарди, – дебди.

Буни қарангки, золим бўламан деган ҳалиги одамнинг галлари оғзидан чиқар-чикмас Ҳумо қуши унинг бошига келиб қўнибди. Ҳа-ҳа, шундоқ бўпти. Одамлар унинг ёвуз ниятидан беҳабар, оқ наमतга ўтказиб, кўтар-кўтар билан тахтга чиқарибдилар. У тахтга ўтирган куннинг эртасидан шундай фармон берибди:

– Сарой қаршисидаги майдонда қирқ кун ичида

шундай ҳовуз бунёд этилсинки, эни, бўйи, чуқурлиги қирқ газ бўлсин.

Подшо амри вожиб, қўлидан иш келган борки, бари ҳовуз қазилга жалб этилиб, қирқ кунда ҳовуз битибди. Аммо бу ишнинг мукофотиға шоҳ тарафидан яна шундайин фармон бўлибди:

– Бу ҳовуз қирқ кунда туя сути билан тўлатилсин. Агарда шу муҳлатда тўлмаса, ҳамманинг боши кетади.

Одамлар ваҳимада қандайин золимга учраб қолдик, дейишибди, иложсиз ишга киришибдилар. Юртда савдогарчилик ўлиб, туялар жуда камайиб кетган экан. Шунинг учун ҳовуз қурғур ҳадеганда тўлавермасмиш. Орадан ўн кун ўтибди, йигирма кун ўтибди, ҳатто ўттиз кун ўтибди ҳамки, ҳовуз тўлиш у ёқда турсин, ярим ҳам бўлмабди. Одамлар шошиб қолишибди. Ҳатто ўзга юртлардан ҳам мешларда туя сути олиб келиб, ҳовузга қуя бошлашибди. Ўттиз саккизинчи кун у ярмидан сал кўтарилибди, холос. Одамлар бу бўлмағур, бетайин ишдан ҳафсалалари пир бўлиб, бу ёруғ дунёдан умидларини уза бошлашибди. Қарангки, Аллоҳнинг ҳақ йўлидан тойиб, жиғилдонини ўйлаб кетган козилар ҳам, дин пешволари ҳам, фирибгарликда шайтонга дарс берадиган судхўр-у, ўғрию қарокчилар ҳам кўйинг-чи, танбаллашиб, ётоғон бўлиб кетган оддий фуқарогача жонлари кўзларига кўриниб қолибди. Шунда ораларидан бир кекса одам чиқиб шундай дебди:

– Эй биродарлар, кўзларингни очинглар, подшонинг амри вожиб. Бир кунгина умримиз қопти. Келинглари, шу қолган бир кун умримизни покланишга сарфлайлик. Беайб Парвардигор. Нафс йўлида, ҳою-ҳавас йўлида не-не гуноҳларга ботгандирмиз. Балки, бу ўша гуноҳларимизга берилаётган жазодир... Бир-биримиздан рози-ризочилик сўрайлик, Аллоҳга истиғфор айтайлик, тавба қилайлик, токи у дунёга гуноҳларимизни енгиллатиб борайлик. Тавба қил, кечаман, деган Аллоҳнинг ваъдаси бор...

Бу ган одамларга маъкул тушиб, ҳамма тавба-тазарруга киришибди. Бир-бирларидан рози-ризолик сўрашибди. Қарздорлар қарзини узишиб, қароқчилар ўмарган молларини қайтариб, хасислар бойликларини кўчага чиқариб ташлашибди. Қул ва чўриларни озод қилишибди.

Шу йўсин қирқинчи куннинг тонги отибди... Во ажаб! Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеа содир бўлибди. Ҳа-ха! Қирқ кунда тўлмаган ҳовуз, бир кечада тўлиб қолибди. Яна қирғоқларидан тошай-тошай деб турганмиш. Ўзини ўлимга бичиб шоҳ саройи сари йўл олган оломон хангу манг бўлиб тўхтабди. Шунда подшо ҳалиги сафарда бирга бўлган оғайнисини чақириб дебди:

– Эй менинг яхши ниятли биродарим, мана, элнинг каттасидан тортиб кичигигача, фуқаросидан тортиб амалдоригача, тўғрисида тортиб ўғриси-ю, қароқчисигача иймонга келди. Тавба-тазарру қилди, покланди. Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилди ва бунинг мукофотига ҳовузни бир кечада тўлатиб қўйди. Энди подшолик сенга бўлсин. Энди булар яхши йўлларга юргайлар, подшолик муборак!

## ИККИ ДОНО БИР БЎЛСА

*И*кки йўловчи кўчада учрашиб қопти. Бири анча кекса, ёшини яшаб қўйган, иккинчиси навқирон йигит экан.

– Йўл бўлсин, отахон, – дебди йигит.

– Шаҳарга тушган эдим, қишлоғимга қайтганиман, ўзинг-чи? – сўрабди чол.

– Девонага икки дунё бир қадам, менам шу тарафга, – дебди у чол кетаётган тарафни кўрсатиб.

Улар бир муддат жим кетишибди. Сўнг йигит:

– Ота, келинг, бир-биримизни кўтаришиб кетайлик, бирпас сиз, бирпас мен, йўлимиз анча яқин бўлади, – дебди.

“Ё тавба, – дебди қария ичида, – шундоқ йигит ростданам девона шекилли. Гаплари пойинтар-со-йинтар, балки у мени кўтарар-у, лекин мен-чи?”

Чол йигитга ғалати қараб қўйибди-ю, индамабди.

Бир ерга боришса, деҳқонлар буғдой ўришаётганмиш.

– Ота, сўраб кўринг-чи, ўраётган буғдойлари тўқмикан, пучмикан, – дебди йигит.

“Э девона-я, – дебди чол ичида, – бунинг ташвиши сенга тушмай қўя қолсин, бошоқлари тўқдир-да, ўришяпти, бўлмаса, уларга нима, пуч бошоқни ўриб”.

Яна бир жойга боришса, одамлар йиғи-сиғи билан мархумни қабристонга олиб кетишаётган экан.

– Э, ота, – дебди йигит, – сўраб кўринг-чи, бу то-бутда ётган одам тирикмикан, ўликмикан?

Чол янаям дарғазаб бўлти-ю, тишини тишига қўйибди. Йўлдоши энди унга савол бермай қўйибди.

Ниҳоят, йўл бир қишлоққа қараб бурилибди. Чолнинг уйи шундоққина қишлоқнинг чеккасида экан.

– Мен етиб келдим, – дебди қария ҳамроҳига.

– Кечирасиз, – дебди йигит, – уйингиздан бир коса сув топиладими, чанқадим.

– Тавба, уй бўлади-ю, бир коса сув топилмайдими, – деб қария ховлисига равона бўлибди. Сал ўтмай бир косада муздек сув кўтариб чиқибди. Йигит косани олиб энди ичаман деса, сув юзида буғдой қилтаноклари сузиб юрганмиш. Кўнгли суест кетиб турганмиш-у, қилтаноклар ичишга йўл қўймасмиш, уларни олиб ташлай деса, жуда майда эмиш. Йигит топ-тоза сув юзида сузиб юрган бу нарсаларнинг сирини англагандай бўлибди. Қилтанокларни пуфлай-пуфлай озгина ичибди. Кейин чолга узатар экан:

– Раҳмат, ота, куним бору, туним йўқ, оғзим куйган эди, пуфлаб-пуфлаб ичдим, – дебди.

Чолнинг бир оқила қизи бор экан. Йигитнинг гапларини девор орқасида эшитиб турган экан.

– Ҳамроҳингиз кўп доно экан, – дебди у отасига, нега уйга таклиф қилмадингиз?

– Э, – дебди ота кўл силтаб, – ғирт нодон десангчи, кизим, – дея йигитнинг йўлда айтган телба-тескари гапларини айтиб берибди.

Қизи эса:

– Эй, ота, сиз уни тушунмабсиз, бир-биримизни кўтаришиб кетайлик, йўлимиз яқин бўлади, дегани гаплашиб-гурунглашиб кетайлик, дегани. Бошоқлар тўкмикан, пучмикан, дегани деҳқонлар хосилни қарзига тўлармикан ё бола-чақаси билан ўзи ермикан, дегани. Уликмикан-тирикмикан, дегани бу дунёда савоб ишлар қилдимикан, дегани. Яна у сиздан куним бор, туним йўқ, деб ётишга жой сўради, сиз ҳаям, йўғам демадингиз.

– Э, ҳа, – дебди чол пешонасига уриб. – Аллоҳ менга шундай доно йўловчини йўлдош қилибди-ку, мен нодонлик қилибман, деб шошиб кўчага чиқса, йигит кетиб бораётган экан, чакирибди. Уйдан жой берибди. У қариядаги ўзгаришни сезган экан, кизидан гап очибди.

– Қизингиз кўп доно ва оқила экан, – дебди йигит, – сув юзига қилтанок солиб нафсимни ўлдирди, бўлмаса, ҳалок бўлардим.

Алқисса, бу йигит шаҳзода бўлиб, ўзига муносиб қайлик излаб йўлга чиққан экан. Нияти йўлдоши бўлибди ва чолнинг оқила қизи билан муроду максадига етибди.

## АРИГАН ДАРД

Алқисса, икки кадрдон дўст учрашиб қолишибди. Улар ёшликда бир дорилфунунда ўқиб, иссик-совук кунларни бошларидан ўтказишган экан.

– Энди, – дебди шаҳарлик дўсти, – бугун каминанинг азиз меҳмони бўласан, бир отамлашамиз. Умр ҳам ўтиб боряпти, одам одамга ғанимат.

Қишлоқдан тушган дўст кўпам таранг қилмай, кечга томон бир ерда учрашадиган бўлибдилар.

Сўнг шаҳарлик дўсти бозорга тушиб, нозу неъматларни харид қила бошлади-ю, бироқ кўнглининг бир чеккаси ҳеч ёришмас эмиш. Бот-бот хотини кўз олдига келаверибди. Чунки хотиндан омади кулмаган экан. Хотини одамови, меҳмон деса пешонаси тиришадиган, бир кун соғ бўлса, уч кун касалман деб ётиб оладиган хилидан экан. Ҳозир ҳам меҳмон дарагини эшитиб, бобиллаб берса керак деб, юраги ҳалитдан безиллай бошлади.

Эрининг ҳаддан зиёд қўйни-қўнжи тўлиб бозор қилиб келганини кўрган хотин:

– Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур? – деб қўйибди.

– Бир қошиқ конимдан кечасан, хотин, – дебди эри қўлини кўксига қўйиб, – сендан бемаслаҳат бир иш қилдим. Ҳа, уйга меҳмон айтиб қўйдим. Ҳеч илож бўлмади. Беш йил бирга ўқиганмиз.

– Билардингиз-ку, меҳмонга тоқатим йўқлигини, – жеркиди хотини, – ўзим ўлолмай турибман-у, бу киши меҳмон бошлаб келармиш.

– Мени шарманда қилма хотин, ахир озиб-ёзиб...– ёлворишга тушди эр, – нима деган одам бўламан ахир?!

– Меҳмонингиз нечта?

– Атиги биттагина, ёлғиз ўзи. Мусофирхонада тунаса яхшимас.

– Меҳмон чақиришингизнинг боши ҳам ва охири ҳам шу бўлсин.

– Келишдик, хотин, келишдик, шунисини кутиб бер, кейин Худо пошшо.

– Меҳмонингиз битта-я, – қайта-қайта сўради хотин.

– Айтяпман-ку, ёлғиз ўзи.

– Билиб қўйинг, иккита бўп келса, эшикдан киритмайман.

Шаҳарлик ўртоқ минг хаёл билан учрашув тайин қилинган жойга борди. Хайрият, меҳмоннинг бир ўзи

кутиб турган экан. Чиройи очилиб, ваъдага биноан уйига бошлаб келди. Хотиниям меҳмоннинг бир киши эканини кўриб, ғиринг демай хизматни қилди. Бирок эр бечора игна устида ўтиргандек ўтирди. Меҳмон тунаб қолди. Тонг отиб, нонушта ҳам рисоладагидек ўтгач, ниҳоят меҳмон дўстининг меҳмондўстлиги, кўрсатган меҳр-оқибатидан боши осмонга етиб, кетишга изн сўради. Мезбон дўстини кўчага кузатиб, елкасидан тоғ ағдарилгандек қайтиб кирди. Хотинига инсоф берганидан қувониб, уни ҳамду саноларга кўмиб ташламоқчи бўлди. Аммо хотини уни нақ емоқда-ичмоқда бўлиб, кутиб олди:

– Сиз эр эмас, фирибгарсиз, сўзида турмайдиган бетайинсиз.

– Яна нима бўлди? – хайрон бўлди эр.

– Дард бўлди, бало бўлди, – деди хотини, – биз нечта меҳмонга келишган эдик, иккинчи меҳмонни қачон меҳмонхонага олиб киришга улгура қолдингиз мендан яширикча?

– Жинни бўлдингми, хотин, қанақа иккинчи меҳмон ҳақида гапиряпсан? Мен бор-йўғи бир кишини кутиб олиб, бир кишини кузатиб қўйдим-ку.

– Йўқ, – деди хотини ер тепиниб, – ҳозиргина уйдан уч киши бўлиб чиқиб кетдиларинг, ўз кўзим билан кўрдим.

– Ё тавба, ахир мен битта одамни кузатиб қўйдим-ку, қандоқ қилиб у сенинг кўзингга иккита бўлиб кўринади. Жанжалга баҳона қидирма.

Шу ўртада эшик тақиллатиб бир гадоё келиб қолди.

– Сизникиям тўғри, сизникиям тўғри, – деб икковиниям тинчлантирди у. – Одатда, уйга битта меҳмон келса иккита бўлиб, иккита келса учта бўлиб чиқиб кетади. Биттага кўпайгани – уйдаги дард-ҳасратлар меҳмонга эргашиб, одам қиёфасида чиқиб кетади. Дардларингиз арибди, келин.

Уша воқеадан сўнг йигитнинг хотини тамом ўзгар-

ди. Эри меҳмон бошлаб келмаса уруш қиладиган одат чиқарди. Меҳмонни Аллоҳ юборади, деганлари шу бўлса керак-да.

## БИР ТОЛА ҚИЛ

*Р*ивоят қилишларича, Занги ота ҳар куни пода боқиб, йўл-йўлакай канчадан-қанча мискинларнинг молларини даволаб, қора кечда уйга қайтар эканлар. Анбар она бўлсалар таомлар ҳозирлаб, у кишини кутар, дилларини хушнуд этиш учун битта хушхабар ҳам топиб қўяр эканлар.

– Аллоҳнинг муборак куни савобли ўтган бўлсин, илоҳим, – дебдилар Анбар онамиз.

– Иншооллоҳ, – дебдилар Занги ота.

– Сизни йўклаб дарё бўйидан келишди, жонлик ташлаб, ҳақингизга дуо қилиб кетишди. Сиз баҳор келиши билан молларга дард ёпишишини, уларни даволаш йўлларини айтган экансиз. Подаларини ўлатдан асраб қолибсиз. Тақсиримга валийлик даражаси муборак, дейишди, – дебдилар Анбар она.

– Аллоҳнинг юқтириши. Ўзи дилимга солмаса, бу гаплар қайда, – дебдилар Занги ота.

– Қўшни овулдан ҳам келишди. Сиз уларнинг подаларини кўриб, бу йил новвослар кўп туғилади, деган экансиз, айтганингиздек бўпти.

– Бари Аллоҳдан, – дебдилар яна Занги ота.

– Албатта, албатта, – дебди Анбар онамиз, – лекин бу башоратларингизда зиғирча бўлса-да, мениям улушим борми?..

– Балким, – дебдилар Занги ота даргумон қилиб.

– Унда айтинг-чи, – дебдилар Анбар онамиз, – ўзимизнинг говмишимиз оғзимизни оқартирай деяпти, бузоқчасини бир башорат қилинг-чи.

– Новвос ёки гунажинлигини айтолмайман-у, ишқилиб пешонаси оқ қашка бўлади, – дебдилар у киши.

Орадан кунлар ўтиб, говмиш бузоклабди. Минг афсуски, Занги ота башорат қилганларидек пешонаси эмас, думининг учи оқ эмиш. Буни кўриб Анбар она маъноли кулиб кўйибдилар. Занги ота бўлсалар кўп мулзам тортибдилар. Ахир улар бу борада бирор мартаям янглишмаган эканлар-да. Ахир дум билан бошни ажратолмаганликларидан кўп хижолат чекибдилар. Шунда Анбар она дебдилар:

– Ўша куни мен таом сузаётганда косангизга сочимдан бир тола ташлаб, ана ундан кейин, башорат қилишни сўраган эдим. Ўша қил дилингизни кирлатибди, оқибат дум билан бошнинг фаркига бормай қолгансиз.

– Э, вох, шундай бўлганмиди, мени маъзур тут, сенга инсоф берсин, эй уйимнинг бекаси, – деган эканлар Занги ота.

### САВОБНИНГ КУШАНДАСИ

Кора тоғнинг этагида каттакон бир кишлоқ бор эди. Одамлари булоқ сувларига кўз тикиб, ўртаҳолгина яшашар, аммо ирим-сиримларга анчагина ўч эдилар. Айниқса, тоққа қор кам тушиб, булоқ сувлари жилдираб қолганда ирим-сирим авжига чиқар эди. Булоқ бошидаги бир туп қари дарахт тагида жонлиқлар сўйиб, дарахт шохларига турли-туман латта-путталар боғлашга тушишар эди. Албатта, одамларни бу йўлдан қайтаргувчилар ҳам бўларди. Бироқ одамлар уларга қулоқ солган бўлишар-у, барибир ўз билганларидан қолишмас эди. Кейинчалик, ҳатто шу даражага боришдики, халиги дарахтнинг хазонларидан эзиб ички, туморлар ясай бошлашди. Қарабсизки, оддий дарахт муқаддас бир нарсага айланиб, одамларнинг эс-хушини олиб кўйибди.

Шунда бир йигит ўша дарахтни кесиб ташлаб, одамларнинг қалбини Қодир Эгамга қаратмоқчи бўлди. Одамлар бу дарахтни кесиш у ёқда турсин,

куриган шохини синдирган одам ҳам бахтсизликка учрайди, деб ўйлашар эди. Ёигит эса уни кесиб ташлаш билан уларнинг кўзини очмоқчи бўлди.

Шу ниятда у ойдин кечада кўлига ойболтани олиб йўлга тушди. Дарахтга яқин қолганда қаршисидан бир чол чиқди.

– Йўл бўлсин, ёигит?

– Дарахтни кесиб, одамларни бидъатдан қутқармоқчиман.

– Кўркмайсанми?

– Дарахтда ҳеч қандай илохий куч йўқ. Ундан кўра Аллохдан кўриш керак.

– Сен ҳақсан, эй ёигит, лекин у дарахт меники, аввал мени ўлдирасан, кейин уни кесасан, – деди қария.

– Қочинг йўлдан, мен аҳд қилиб келганман, – деди ёигит.

– Шошма, – деди чол, – кураш ҳалол бўлсин, сенинг кўлингда яроғ бор, менинг кўлим эса бўш. Кел, яхши-си курашамиз, энгсанг – қандингни ур, энгилсанг – ўзингдан кўр.

Икки ўртада олишув бошланибди. Ёигит чолни энгибди ва ханжарини олиб ўлдирмоқчи бўпти.

– Тўхта, – дебди чол, – сен мени ўлдирма, дарахтни ҳам тинч қўй, шундай қилсанг ҳар куни тонг маҳали ёстиғинг тагига бир тилло қўйиб кетаман.

– Бир тилло дейсанми, – ишонмади ёигит, – йўқ, сен жодугар мени лақиллатяпсан.

– Ишонмасанг синаб кўр, алдасам, бугун бўлмаса, эртага кесасан дарахтни.

– Ҳа-я, дарахтни ҳар қачон ҳам кесишга улгураман, шунча турган яна бир кун турса нима қипти, – дебди-да, ёигит уйига қайтибди.

Эрта билан ёстиғининг тагини қараса, чиндан ҳам олтин танга турганмиш. Ёигит олтинни олиб, ҳамёнга урибди. Бу иш ҳар куни такрорланаверибди. Ёигит дарахтни кесишни ҳам эсидан чиқарибди. Ахир дарахтнинг бир кунлик умри бир тиллога тенг экан-да.

Аммо бир кун келиб чол тилла танга кўйишни тўхтатибди. Йигит эртасига ҳам, илдиниға ҳам кутибди. Бироқ тилладан дарак бўлмапти. Мўмай даромадга ўрганиб қолган йигит, ойдин кечада ойболтасини олиб, яна йўлга тушибди. Дарахтга яқин қолганда карнисидан яна ўша чол чикибди.

– Йўл бўлсин, йигит?

– Дарахтни кесгани.

– Шарт ўша, яна курашамиз, енгсанг – қандингни ур, енгилсанг – ўзингдан кўр.

Олишув бошланибди. Э воҳ, девдек йигит қариядан енгилибди. Бундоқ қараса, чангакдек бармоқларини бўғзига ботираётганмиш.

– Тўхта, гапимга кулоқ сол, – дебди йигит.

– Гапириб қол.

– Шундоқ кучинг бор экан, нимага олдинги курашда енгмадинг-у, энди енгдинг?

– Унда Аллоҳ сен билан бирга эди, таъмасиз, хайрли ишга отланган эдинг, шунинг учун мендан кучли эдинг. Энди олтинга сотилиб, яна олтин таъмасида келдинг. Аллоҳ таъмагирдан юз ўгиради. Белидан кувватини, кўзидан нурини олади.

– Сен ўзинг кимсан?

– Шайтонман, ҳа-ҳа-ҳа-а-а.

## ЧИНОР

Қадим чинор бор эди. Унга “Давлат томонидан муҳофаза қилинади” деган тахтача осиб қўйилган эди. У жуда улкан, шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган, ёз бўйи болаларга, киш бўйи қушларга ошён бўларди. Бир куни ўша атрофга кўп қаватли турар жой бинолари қуриладиган бўлди. Паст-баланд уйлар бузилиб, катта-кичик дарахтлар кесилиб кетди. Бино қурилиши тўғри улкан чинорга қараб келарди. “Наҳотки чинор ҳам кесилиб кетса”, деган ҳадик уйғонди барчада. Аммо чинор кесилмади. Бинони ун-

дан қочиришди. Бироқ қурилиш кранларига халақит қилиб, тепа шохлари кесилиб кетди. Чинор тўмтоқ, ғалати бир нарсага айланди. Муҳофаза ҳақидаги тахтача ҳам хунук кўриниб қолди. Бироқ уни олиб ташлагани ҳеч кимнинг кўли бормади. Чинорнинг таги уй таъмирлаётганларнинг қум, гишт обкелиб тўкадиган жойига айланди. У тепадан пастга қараб қурий бошлади. Бир куни узун нарвонли машиналарда арра кўтарган одамлар келиб, чинор атрофида роса айланишди. Болалар хавотирга тушиб қолишди.

– Чинорни кесишмоқчи.

– Кесолмайди.

– Нимага кесолмайди?

– Унинг тахтачаси бор.

Бу Равшан деган бола эди. У мактабга бориб, харф таниб, тахтачадаги сўзларни илк бора ҳижжалаб ўқиган эди. У ҳозир учинчи синфда ўқияпти. Уч йилдан бери чинорни химоя қиладиган одамни кутади. У келмайди. У чинорга ариқда сув обкелиши керак. Сувсизликдан чинор қурияпти. Арра кўтариб келганлар бирдан тахтачадаги ёзувни ўқиб, иккиланиб қолишди.

– Тепадаги тўнкаларни кўздан йўқота қоламиз, – деди уларнинг бошлиғи, – пастда ҳозирча майда шохлари бор экан, ҳадемай улар ҳам қурийди, кейин тагидан арралаб ташлаймиз...

Тепадаги қуриган тўнкаларни кесишди. Улардан бири тўнкадаги чизикни ҳисоблаб, чинорни юз ёшдан оширди. Агарда тагидан кесиб ҳисобланса чинор икки юз ёшдан ҳам ошар экан. Равшан бу дарахтни нима учун давлат муҳофаза қилишини энди тушунди.

Бир куни мактабдан қайтаётиб, чинор тагида яна одамлар уймалашаётганини кўриб қолди. Юраги шув этиб кетди. Энди тагидан арралаб ташлашмоқчимиз? Бироқ уларнинг кўлида на арра, на болта бор, чинор тагидаги шағалларни тозалашар, заранг ерни зўр бериб юмшатишар, бошқалари чиройли темир панжаралар билан атрофини ўрашарди. Севинчдан Рав-

шаннинг юраги бир энтикиб тушди. Ниҳоят, у кутиб юрган одам кепти-да. Лекин жуда кеч қолиб келди. Равшан чинордаги ёзувли тахтачани кўрмади. Нимага олиб қўйишди экан?

Ишчилар тинмай икки кун ишлади. Одам бўйидан баланд арча кўчатлари ўтқазди. Чим ётқизишди. Бир чеккасига гуллар экишди. Сопалакдан йўлакча қилиб, дам олиб ўтирадиган ўриндик ўрнатишди. Равшан ҳам ўртоқлари билан қараб турмади. Одамларга қарашди, галма-галдан яхна чой ташиб туришди. Усталар ертўладан сув ҳисоблагич ўрнатилган жўмрак чиқариб, уни учинчи қаватдаги ўн тўртинчи квартирани сотиб олган Тухфатилла аканинг номига расмийлаштиришди. Равшан бу одамни кўрмаган, танимасди. Тўғрироғи, у одам ҳали кўчиб келмаган эди. Аммо паст бўйли, истараси иссиқ, оддий кийинган бир одам тинмай ишчиларга кам-кўстни кўрсатиб турарди. Равшан уни бригадир бўлса керак, деб ўйлади. Ўша одам ишчилар кетгач, сувҳалтага ўралган нарсани олди-да, уни чинорнинг остига қоқиб қўйди. Унда чиройли ҳарфлар билан “Давлат томонидан муҳофаза қилинади” деб ёзиб қўйилган эди.

– Сиз ўша жойда ишлайсизми, мен сизни узоқ кутдим, нимага келмадингиз?

– Қайси жойни айтаяпсан?

– “Давлат томонидан” деган жойнида, олдинроқ келганингизда чинор қуриб қолмасди.

– Сени тушундим, ўғлим, мени давлат идорасидан деб ўйладинг шекилли. Аслида ундай эмас, ўн тўртинчи квартирани сотиб олган кўшнинг бўламан. Давлат дегани ўғлим, сен, мен, ҳаммамиз дегани. Ҳаммамиз шу давлатнинг фуқаросимиз. У муҳофаза қил деган жойни, албатта, муҳофаза қилишимиз керак. Келдим-у, чинордаги ёзувни ўқиб, ачиниб кетдим, олдин шу ерни обод қилай, кўчиб келиш бир гап бўлар, дедим. Мана бир чиройли бўлди, қолди. Энди сендан илтимос, мен кўчиб келгунча чимларни суғориб турсанг, мабодо малол келмайдими?

– Нимага унака дейсиз, ахир бу ҳаммамизнинг ишимиз экан-ку...

Чинор кўпдан бери шундай бир меҳр ва оқибатни кутиб ётган экан, гуркираб ўсди, яра жойларини яшил япроқлари билан беркитди.

## УНУТИЛМАС БАЙРАМ

*Ж*амина бу даргоҳга байрам кунлари бориб тураман. Болалар шеърлар айтишади, дастхат ёзилган китоблар билан тақдирланишади. Бир қатор шеър айтишадими, юз қаторми фарқи йўқ. Баъзилари эртак айтиб бераман деб, “Бор эканда, йўқ экан”дан нарига ўтмайди. Шунга ҳам тарбиячилари хурсанд бўлишади. Сабаби бу ерда хотираси сууст, бирон бир аъзоси ногирон бўлиб қолган болалар даволанишади. Баъзи болалар гиламда чордона куриб, баъзилари ёнбошлаб олади. Сабаби улар курсиларда ўтира олмайди. Баъзилари болалар аравачасида.

Бу сафар ҳам шу йўсинда тантаналар ўтказиладиган хонага жам бўлдик. Одатдагидек болалар ўртага чиқиб, шеър, эртак айтар ва эртак китоблари билан тақдирланарди. Мени олдинги қатордаги болалар аравачасида ўтирган каттароқ ёшдаги қизча эътиборимни тортди. У ҳар бир тенгдоши ўртага чиққанда ҳаяжон билан кузатар, тўхтамай чапак чаларди. Китоб билан тақдирланган ўртоғига ҳаваси келиб, қайтиб жойига ўтиргунча орқасидан қараб қоларди. Хаёлимда унинг ўзи ҳам ўтирган жойида бир нарсалар айтиб юборса керак, дердим. Ва энг яхши китоблардан бирини совға қилишни ўйлардим. Болалар ўртага чиққан сари унинг ҳаяжони ортгандан ортиб борарди. Ниҳоят, кўлимда охирги китоб қолди. У тиббиёт мавзусида бўлиб, болалар ўқигани билан тушунмас, уларни даволаётган бош ҳамширага совға қилмоқчи эдим. Учрашувимиз поёнлаганда бирдан аравачада ўтирган қиз ўрнидан туриб кетди. Ёнимда ўтирган бош шифо-

кор бир чўчиб тушди. Гарбиячилардан бири “вой” деб юборди. Қизча икки қадам олдинга юрди-да, ҳеч ким тушунмайдиган тилда чуғур-чуғур қилди. Кейин менга қаради. Менда унга берадиган болаларбоп китоб қолмаган эди.

– Илтимос, – деди бош ҳамшира, – менга атаган китобингизни шу қизга ёзиб беринг, – деб қизнинг исмини айтди. Мен дастхат ёзар эканман, қулоғимга бир аёлнинг йиғиси эшитилди. Китобни қизчанинг қўлига тутқаздим. У семизгина китобни кучоклаганича қайтиб бориб аравачасига ўтирди.

Менинг хаяжоним тадбир тугагандан кейин бошланди. Бу қизча шу ёшгача аравачасидан турмаган ва бир оғиз сўз айтмаган экан. Бугунги байрам уни даволабди. Юриб кетишига, тили чиқишига шифокорлар ишонапти экан. Мен беихтиёр “Эй катталар, эй қалам аҳллари, санъаткорлар, болалар орасида кўпроқ бўлинг, сизларнинг ташрифингиз улар учун қалб шифосидир”, дегим келарди.

## НАСИБА

Одам қариган чоғида тинчликни хоҳлаб қоларкан. Шунга чол-кампир икковимиз фарзандлардан алохида турардик. Ўша куни нафл рўзаси тутган эдим. Кампиримни мазаси қочиб, шифохонага тушиб қолди. Ифторликка ўзимни олдиндан нон-чойга кўндириб қўяқолдим. Бироқ кечга яқин дастурхон бирдан ноз-неъматларга тўлиб тошди. Фарзандлар отамиз иссиқсиз қолмасин деб, бир-биридан беҳабар топганини кўтариб келишаверибди, денг... Шунда Аллоҳим менга хитобан: “Сен Мендан умидвор бўлиб, нафл рўзаси тутасану, Мен сени ўйламайми?” дегандек бўлди.

## ЎКИНИШГА ШОШИЛМА

*Я*қин қариндошимизникига кўшнимнинг уловида тўй ошига бордим. Кўшнимнинг шошилинич иши бор экан, уйга обориб кўёлмаслигини айтиб, узр сўради.

– Хижолат бўлманг, – дедим мен кулиб, – ана жиянлар туришибди-ку, барининг тагида машина.

Аммо жиянларим ош еб бўлгач, одатдагидек гапга тушиб кетишган, уларни суҳбатдан айиришга истиҳола қилардим. Хаёлимда улар атайлаб мени кўриб кўрмасликка олаётгандек ҳам бўларди... Тўй эгаси билан хайр-хўшланиш эканман, у сўраб қолди:

– Маркаб борми, қадрдон, нимада келдингиз?

– Ташвишланмасинлар, меҳмонларга қарасинлар, бир қадам нарида автобус бекати бор, шундоққина эшигим тагида тушириб кетади, шунга жиянларни ҳам овора қилгим йўқ, – деб ёлғон гапирдим. Аслида катта шаҳарнинг қаерига келиб қолганимни ўзим ҳам билмасдим. Нимагадир ичим оғриди. Жиянларимдан хафа бўлдим. Бундоқ зийрак бўлишса бўлмайдими? Бир ахволда ўзим тўқиган йўқ бекатни излаб бораётсам, бир енгил машина шундоққина ёнимга келиб тўхтади. Оббо, жиянларимни маломат қилишга шошибман-да, шунақа, доим шошиб юраман ўзи, деб ўзимни-ўзим қойган бўлдим. Йўқ, машинасини тўхтатган одам бошқа – мен нафақага чиққан ишхонанинг муҳандиси Бехзоджон экан. Ҳовлиси шу тарафда бўлиб, ишга кетаётган экан. Уйимга ташлаб кетди, барака топкур.

## ХУДОНИ ТАНИГАН ОДАМ

*К*ўп қаватли уй ёнидаги майдончага ҳашар йўли билан кўчат экилди. Баҳор серёгин келиб, бари амал олди. Кўриб кўзинг қувнайди. Аммо саратон кириши билан ишнинг чаласи чиқиб қолди. Ҳамиша бўлганидек, кўчатлар экилибди-ю суғориш масаласи эсдан чиқибди. Ниҳоллар сарғая бошлади. Бинода

нафақага чиққан отахон бор эди. У баҳоли қудрат челлакда сув ташиб, кўчатларни суғоришга тушди.

– Ҳорманг отахон, яхшигина эрмак топиб олибсизда, – деганлар бўлдию, аммо ёнига кирувчилар бўлмади. Отахон ўйлаб қараса, челлак билан иш битмайди, қўлдан берганга қуш тўймас... Анча нарида ариқда сув жилдираб оқарди. Аммо уни обкелиш учун анча-мунча ичак қувурлар керак. Ундан-мундан сўраб-суриштириб топди, бир-бирига улаб сув олиб келди. Ота ўз ишидан ёш боладек севинди. Бироқ ишнинг яна чаласи бор экан. Кўчатлар орасига ариқ тортилмапти. Ер заранг. Кетмон урса осмонга сапчийди. Шундоқ бўлса ҳам ҳарқалай сув келди-ку. Ота сув билан ерни юмшапти, ариқ оча бошлади. Бу пайтда офтоб тиккага келиб, заптига олган, ота терлаб-пишиб, қилтиллаб, тинмасди. Шу пайт “Ҳорманг, отахон”, деган ўқдек овоздан бир чўчиб тушди. Қараса шундоққина тепасида шипдек бўлиб, давангирдек бир йигит турибди. Ёнида ўғилчаси.

– Жуда астойдилсиз-у, – деди у, ачингандек бўлиб.

– Ҳа, энди кўчатлар тутиб кетса, мана бу асалтойларга боғ бўб қолатга, ўғлим, – деб ота кичкинтойни эркалаган бўлди.

– Худо хоҳласа, денг, – деди йигит оғзини тўлдириб, кейин иссиқдан бетоқат бўлиб, ўғилчасини сояга етаклади.

– Вой Худони таниган валломат-ей, – деб ота ғудраниб қўйди.

### **ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН-ДА!**

*Оила* пулдан қийналиб қолди. Эрининг сикилаётганини кўрган хотин тилла занжирини сотмоқчи бўлди.

– Сотма, бир иложини қилармиз, – деди эр. Аммо иложини қила олмади. Занжирга харидор топилди.

Аmmo у галатирок харидор экан. Эр-хотинни хузурига чакириб, “Мана сизларга занжирнинг пули, ammo занжир менга омонат, пулни топганингизда олиб келиб занжирни олиб кетишингиз мумкин”, деб ёзиб-чизиб кўлларига хат-хужжат ҳам қилиб берди.

- Устамаси қанча бўлади? – сўради эр кўрқибгина.
- Устамаси йўқ...

## ШОКОЛАД

Оилага кўш келин тушди. Бир куни оила бошлиғи – ота битта тахта шоколад кўтариб келди.

– Бундан кейин бир нарса олсангиз учта олинг, адажониси ахир оиламиз учта бўлди-ку, – деди хотини эрига танбех бериб.

– Учта бўлдик, дейсанми, унда чақир “кўшниклар”ни, – кулди ота. Барчалари стол атрофига жам бўлишди.

– Онажонинглар битта тахта шоколад олиб келсам, учта обкемабсиз, деб мени уришди, дарҳақиқат, нимага битта шоколад обкелдим, сабабини биласизларми, билсангиз айтинглар-чи? – деди ота фарзандларига қараб.

– Пулингиз биттага етгандир-да, дадажон, – деди кичик ўғил, ҳаммадан олдин топкирлик қилиб, – учтага етганда учта олардингиз.

“Сен нима дейсан”, дегандек ота катта ўғилга қаради. У елка қисди. Келинчаклар ҳам бир нарса дея олмай ерга қарашди..

Ота шоколадни учга бўлиб деди:

– Бундан кейин оиламиздаги ҳамма нарса учга бўлинади, ҳатто меҳр-окибат ҳам, қани, чойни олиб келинлар-чи, бир шоколадхўрлик қилайлик...

## КЎЧА ҲАҚИ

Абдуғофир чўчиб уйғонди. Тушида машина минганда босар-тусарини билмай юрадиган кўшнисининг ўғли уларнинг дарвозахонасига “тойчоғи”ни уриб олганмиш. Абдуғофирнинг отаси дарвозахонада ўтирган экан, устидан босиб қолганмиш. Тумонат одам харчанд уринишмасин отани кутқаришнинг ҳеч иложи йўқмиш. Абдуғофирнинг уйқуси ўчди, икки дунёси қоронғи бўлди. Отаси яқингинада оламдан ўтган, катта-кичик маъракаларини ўтказиб, эндигина тақдирга тан бера бошлаган эди. Бу қандай туш бўлди экан? У уйғондию, аммо бақир-чақирлар ҳамон кулоғи тагида турибди. Хаёлига ростдан ҳам кўшниси машинасини уриб олган бўлса-чи, деган ўй келиб, вақт алламаҳал бўлишига қарамай, шошиб кўчага чиқди. Йўқ, дарвозахона жойида турибди. Ажабо, нима бўлиши мумкин? Ё, кечаги ёмғирдан кейин отасини қабр босиб қолдимикан-а? Қабр сал ҳалқоброк жойга тушиб қолган эди. Ана шундай ўй-хаёллар билан тонг отгирди. Мозор бошига борди, бари жойида. Аммо кўрган туши-чи? Онажонисига аябгина воқеани айтди. Онаси ҳам хайрон бўлдию, аммо:

– Тунов куни отин ойи шунга ўхшашроқ бир воқеани айтган эди, бир ўғил отасининг гўрига қабр тоши кўйган экан. Отаси нукул заргўнингни ол, нафасим қисяпти, деб тушига кираверибди. Шунда бир илмли одам ўғилга қабртошини олиб ташлашни маслаҳат берибди. Олиб ташлаган экан, тинчибди, қопти, сенам бирон бир илмли одамни тошиб гаплаш, болам, – деди.

Абдуғофир шу кунгек ўшандай одамни топди. Маълум бўлишича дарвозахона кўчага чиқиб кетган экан. Кимки кўчанинг ҳақиқага хиёнат қилса, ўлгандан кейин ўшанча ер кесиб олиниб, устига ташлаб қўйилармиш.

Бу гапларни эшитган Абдуғофир шу куниёк устани чақириб, дарвозахонанинг кўчага чикқан жойини олдириб ташлади.

## ЙЎЛДА

Киракаш машинада водийдан уйга кайтардик. Довондан ўтиш билан битта ғилдирак қўйиб юборди. “Запаска”си бор экан, ҳайдовчи дарровда алмаштирди. Бироқ кўп юрмай, ўша алмаштирилган ғилдирак ҳам панд берди.

– Оббо, – деди йўловчилардан бири хуноби ошиб, – мен самолётга шошаётган эдим...

– Сикилманг ака, – деди ҳайдовчи, – каранг ғилдирак ҳам “Автосервис”нинг рўпарасида қўйворибди. Ҳозир жазасига янгисини оламизу, кет-а-а-верамиз...

Ҳайдовчи шошганича ғилдиракни ечиб, олдингисини ҳам олиб устахона томонга ўтиб кетди. Бекорчиликда унга биз ҳам эргашдик. Ҳайдовчи кўлида бир сиким пулни ушлаб, дўкончига бир нималар дер эди. Дўкончи бош чайқаб, “йўк” ишорасини қиларди. Янги ғилдиркка пул етмаётган экан.

– Хўп денг, ука, етмаганини қайтишда ташлаб кетаман, деяпманку, – деб киракаш дўкончига ёлборарди.

– Йўк, ака, ундай қила олмайман...

Биз дарровда йўлкираларимизни йиғиб, унга тутдик.

– Етадимми?

– Э, нима қияпсизлар, акалар, сизлар тек туринглар, – деди ҳайдовчи.

– Барибир шу пуллар сизники-ку, оловринг-да, иш битсин...

– Ўзийлар кўрдийлар, акалар, бирпасда иккита балон қўйворди. Худо кўрсатмасин яна қўйворса, нима, мен сизларга ғилдиракни бўлиб бераманми? Масаланинг бу томонини биз ўйламаган эканмиз.

– Нима қил дейсиз бўлмаса, мен самолётдан кеч қоляпман, ахир, – деди бояги одам.

– Ҳозир, ҳов ука, Тошканга қалайсиз? – деди у машинаси олдида тишини кавлаб турган ҳайдовчига қараб.

– Гап йўқ, жони-таним, – дея шайланди у.

– Ана, ғуввида обориб қўяди, акалар аммо-лекин мени кечиринглар, – деб узрланди киракаш.

– Хўп, шу ергача ҳақингиз қанча бўлади? – дедим мен шошиб.

– Ҳеч қанча, бир сўмам бермайсизлар, бай манзил-гача бўган эди, оборолмадимми, айб менда, оқ йўл, яхши боринглар, акалар.

– Э, сиз қизиқ одам экансиз-ку?

– Узр, мен шунақаман...

– Э, – деди воқеани кузатиб турган дўкончи киракашни маҳкам кучиб, – бунақасини кўрмаганман, олинг, ана қанча ғилдирак керак.

Ғилдиракни алмаштириб, эскиларини таъмирлшга колдириб, кула-кула йўлга тушдик.

### АЖАБ САВДОЛАР...

Ориф ота табиатан тажанг, ичимдагини топ дейдиган одамлардан эди. Бир куни уйдагиларни чакириб, томдан тараша тушгандек, “Ҳовлини сотамиз”, деб колди. Кампири, келини, яккаю ёлғиз ўғли хайрон бўлиб отага қараб қолишди. Нима бўлди дейишга тиллари айланмасди. Ахири кампири тилга кирди:

– Кўшнинг ёмон бўлса кўчиб кутиласан, деганларини эшитган эдим, нима бало кўшни билан ораларингдан гап қочдими, отаси.

– Йўқ, кўшнилар яхши, биззи Худо уриб қўйган, биззи...

– Нима бўлгандаям уйимиздан илон чиқмагандир, дада? – кесатди ўғил.

– Чиқди-да ўғлим, чиққандаям машундоғи чиқди, – деб кулочини ёзиб кўрсатди ота.

– Вой энди нима қиламиз? – чирқиллади содда келин болаларини ўйлаб.

– Гап бундай, – деди ота, – гапларимни яхшилаб эшитиб олинглар, ҳеч қанақа кўни-кўшнининг, илон-пилоннинг ҳовлининг сотилишга алоқаси йўқ, мен бундан ўн беш йилча олдин домни сотиб, шу ҳовлини олганимда бир сахий одамдан қарз кўтарган эдим. Ана-мана деб орадан шунча йил ўтиб кетди. Пулни тўғрилаб бера олмадим. Бу ўртада у одам ўлиб ҳам кетди. Мениям кўпим кетиб озим қолди. Ўлганимдан кейин у одамнинг болалари хат-ҳужжат билан келиб қолса, ота гўри қозихона бўлиб юрмасин тагин. Яхшиси, бу ишни кўзимни очиглигида бир ёқлик килиб, гўримда тинч ётай. Ҳовлига харидор ҳам топдим. Пулни олдиндан олдим ҳам. Қарздан қолганига арзонроқ ҳовли ёки дом олса ҳам бўлади, ҳа, шунақа, уй қидир, – деб ўғлига қаради ота...

Ориф ота пулни олиб сахий танишиникига борди. Уйда эркак киши йўқ экан, шундоқкина сўрининг чеккасига ўтириб, тиловат қилди. Пулни танишининг кампирига берар экан: “Қарз олганимда эрингиз раҳматли билан хат-ҳужжат қилган эдик, ўшани топиб, йиртиб ташларсизлар”, деди.

Оила пулга анчадан бери мухтожлик сезарди. Тўй бошлаб қўйишган эди...

– Бизни отанг раҳматликнинг ўлигиям боқади, – деб ўғлини хуш кайфиятда кутиб олди она.

Ўғил отасининг хат ва ҳужжатларини қидириб, топдию, кулиб юборди.

– Ҳа, болам, нима бўлди? – сўради она ҳайрон бўлиб.

– Отам раҳматли шу қарзни ўз қўллари билан “кечдим” деб ўчириб юборган эканлар.

– Вой-й, шунча пулни-я, энди нима қиламиз, болам?

– Ҳеч нарса қилмаймиз, пулни иссиғида эгасига қайтарамиз.

Ориф отанинг тажанлиги тутиб, пулни олмайман, деб туриб олди.

– Отам кечиб юборган пулни мен қандай қилиб олай, – деб ўғил ҳам унамади. Бу ҳангоманинг устига келиб қолган харидор “ҳовлингиз ўзингизга буюрсин”, деб савдони бузди ва пулини қайтариб олди. Ажаб савдолар, деганлари шу бўлса керак-да...

## НАВБАТ

Дўхтирга кўринишим керак эди, бориб, навбат олдим. Мендан кейин ҳам навбатга турганлар бўлди. Шу пайт кимнингдир чўнтак телефони қаттиқ жиринглади. Кексароқ одам экан. Кулоғи оғир бўлса керак-да, шунга овозини баландлатиб қўйган. “Ҳа, ҳа, – деди у қаттиқ-қаттиқ гапириб, – бош дўхтирга учрадим, майли меҳмонакансиз, кўриб қўямиз деб, қўлимга қоғоз ҳам қилиб берди, барака топкур, ҳа, хавотир олманг... Нима... ҳа, йў-ў-қ, одам кам, мен бешинчиман...” Меҳмон худди биров катта бир издаҳомнинг тўрисиغا чиқариб қўйгандек хурсанд эди. Унинг ҳаяжони менга ҳам кўчди. Поликлиниканинг бош врачини яхши танирдим. Жуда хушфезл, камтарин аёл. Иш бошланишидан ярим соат олдин келиб, ходимларни ҳам, беморларни ҳам ҳовлида кутиб олади. Меҳмон опага учраган бўлса, марҳамат кўрсатибди-да, барака топкур... Хаёл билан бўлиб навбатим келганини ҳам билмай қолибман. Ёнимдаги аёл мени туртиб қўйди. Аммо меҳмондан олдин ўтишга кўнглим бўлмай ўрнимдан турдим-да, беихтиёр:

– Марҳамат қилсинлар, меҳмон, – дедим.

Илтифотимдан боши осмонга етган меҳмон, пилдиллаволиб ичкари кириб кетди. Яхшиямки ҳамма иддао у кириб кетгандан кейин бошланди.

– Қанақа одамсиз, нимага навбатни бузасиз, ўзи жоним оғриб, зўрға турибман...

– Бу ёқда биз ишга кечикяпмиз.

Яна бирови бир нималар деб тўнғиллади.

– Ахир, ҳамманглар эшитдинглар-ку, меҳмон экан, биз мезбон бўлсак, – деб ўзимни окламоқчи бўлдим.

– Меҳмондўстликни уйда қилинг, беттамас...

Бирдан меҳмонга илтифот кўрсатган ақлим яна ишлаб кетди.

– Мени маъзур тутинглар, – дедим-да, шартга ўрнимдан туриб бешинчи ўринга бориб ўтирдим ва ҳолатни юмшатиш учун, – тошкентликлар росаям меҳмондўст экан, деган таассуротда кетсин дегандим, – дедим.

Менинг ўрнимга жони оғриётган аёл кириб кетди. У чиққандан кейин мендан олдингилар “ўтингчи, ўтинг”лаб каминага меҳрибончилик қилиб қолишди... Бундай қарасам, жони оғриган аёл рўпарамда турибди.

– Нима бўлди, тинчликми, синглим?

– Узр айтмоқчийдим...

## ОТА ЎГИТИ

Замонали бир эски дўсти ҳақидаги нохуш хабарни эшитиб, юраги туздек ачиди. Одамзод шу эканда, пешанаси деворга тегмагунча кўзи очилмасакан. Ўшанда у дўсти билан чекка қишлоқларга бориб, ёзда ҳўл мева, қишда куруқ мева тайёрлаб, шаҳарга жўнатарди. Қишлоқдагилар уларга, улар қишлоқдагиларга ўрганган, орада қарз-ҳавола, насия деган гаплар ҳам бўлаверар, энг кераги икки тараф бир-бирининг ишончига кирган эдилар.

Бир куни дўсти уни чеккага тортиб, бир нарсани кўрсатди.

– Нима бу? – ҳайрон бўлди Замонали.

– Мен ҳам олдинига сенга ўхшаб ҳайрон бўлдим оғайни, кейин билсам тилла экан, – деди у.

– Хўш?..

– Биттаси эски ўчоқбошисини бузган экан,

ўчоқнинг ўрнидан шу чиқиб қопти, аzza-баzza пуллаб беринглар, деб қўймапти...

– Бор-йўғи шуйканми?

– Йўк-да, – деб ўртоғининг кўзлари ёнди, – таги мўлга ўхшайди, ҳар юзтадан йигирматаси сизларники, ўнтадан бўлиб оласизлар, деяпти... Савдолашсак, элликка-элликка ҳам рози бўладиёв, бошқа иложиям йўк-да. Худо бериб қолди деявур, оғайни, қачонгача олма ташиб, ёнғоқ шақиллатиб юрамиз?

Замоналининг дили бир сушт кетди-ю, бирдан отаси раҳматликни эслади. “Болам, дунёдаги ҳамма пуллар билан ошно бўл-у, аммо сарик шайтон билан ошно бўлма, у борингни ҳам қуришиб, эрта кунда кафангадо килади”. Ҳа, ўртоғининг қўлида отаси айтган “сарик шайтон” турарди. Ўзини бу мўмай ишдан тийди, аммо дўстини тия олмади. Ҳатто ўша одам давлатга топширса учдан бири хаппа-ҳалол ўзиники бўлишини ҳам айтди. “Йўк, – деди ўртоғи қатъий, – бу гапни мен сенга айтмадим, сен эшитмадинг, тамом-вассалом”.

Дўстининг табиати азалдан шунақарок эди. Замонали уни ҳар қадамда жilовини тортиб турарди. Шу ерда дўстларнинг йўли айри тушди, бир-биридан ажрашди. Тангадан бошланган иш аста-секин дўстини ўз гирдобига тортиб кетди. Ноқонуний кўчаларга кирди, қуюшқондан чиқди. Уй эмас, бамисоли қаср курди. Алламбало машиналар олди. Хуллас, дўпписи ерга тушса, пулга олдирадиган, кимсан, фалончи бойга айланди. Сарик шайтон бу ишларнинг барини кўзига чиройли қилиб кўрсатди. Бир марта Замоналини издаҳомда кўриб қолиб, “Ҳа, оғайничалиш, ҳали ҳам юрибсанми ёнғоғингни шақиллатиб”, деб устидан кулишгача борди. Бир пайтлар бўлишиб еган нон-тузларнинг юзини ҳам қилмади. Мана энди нима бўпти, ноқонуний ишлари очилиб, бор-йўғидан ажрабди, қочиб юрганмиш, қидирувдамиш... болачақаси бир бурда нонга зормиш... Замонали яна ота-

си раҳматликни эслади, у киши умрининг охирларида нукул бир дуони қайтарар эдилар: “ Э, Худоё, бу ёруғ дунёда сўраганларимни бердинг, оч кўймадинг, яланғоч кўймадинг, бошпаналик қилдинг, довдиратиб-шовдиратиб кўядиган бойлик бермадинг, Ўзингга шукр”...

### МУХЛИСА ҚАҚАЖОН...

Тешин пайти уйга бораётсам йўлак четида бир кизча чуғур-чуғур қилиб, мушуги билан гаплашиб ўтирибди.

– Ол, е... бўлакол, бўсангчи, мен уйга кеч қоляпман, ахир, ойим уришадилар, қатларда сандироклаб юрибсан, – дея мушук жониворни шоширарди. Мушук ҳам олдидаги колбаса, пишлок бўлаklarини у жағидан, бу жағига ўтказиб, шошиб-шошиб ерди. Оч қолгани кўриниб турарди. – Ўзингдан кўр, обкетаман десам, унамадинг, подвалларда ётиб юрибсанми энди, мен бўлсам сени соғиняпман, – деб жониворни силаб кўйди. – Менам сени соғиняпман, Мухлисажон, дейсанми, ёлғон айтяпсан, соғинсанг кетардинг мен билан...

Мен қизчани танидим. У яқиндагина квартирасини ҳовлига алмаштириб, кўчиб кетган қўшнимизнинг қизчаси, мактабга ҳозирча шу ёкка қатнарди. Мен кўрганларимни уйдагиларга кула-кула айтиб берсам, улар: “Ҳа, Мухлиса қақажонми, ҳар куни аҳвол шу, мактабидан чиқади-да, бутербродни ўзи емай, азда-базда мушугини боқиб, ундан хабар олиб, кейин уйга кетади”, дейишди. Ичимдан бир нима узилгандек бўлди. Дарвоқе, бизлар шундоқ кўздек қўшнимизни ҳовли муборак қилиб, орқасидан излаб-истаб бордикми? Одамгарчилик қилдикми? Ёки улар соғиндик деб келишдимми? Яша, Мухлиса қақажон, катталарнинг бир кўзини очиб кўй...

## ХУРЛИК НЕЪМАТИ

Хурлик неъматини бугунги ёш авлоддан кўра кекса авлод кўпроқ ва хўпроқ яхши тушунадилар. Чунки кексалар қарамлик билан хурлик ўртасидаги рамзий бир кўприкка ўхшайдилар. Мустақиллик Ватанимиз эшикларини бутун дунёга, дунё эшикларини эса Ватанимизга очди. Халқаро анжуманлар, мусобақалар, фестиваллар ва ярмаркаларда қатнаша бошладик. Камина ҳам пойтахтимиздаги етакчи нашриётларнинг вакили сифатида бир гал Бирлашган Араб Амирликларида бўлдим. Бу срда халқаро китоб ярмаркаси ўтказиларди. Ер юзидаги мингдан ортиқ нашриёт иштирок этаётган ярмаркадан олаётган таассуротим оламча. Бу хурлигимизнинг меваси эканини, қарамлик пайтларимизда бунақа чет ўлкаларга чиқишлар фақат Москов орқали ҳал қилинганини армон билан эслардим. Яна менда хурлик туфайли тасвирлашим қийин бўлган бир қувонч бор эдики, у ҳам бўлса Ҳаж сафари эди. Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара ярмарка ўтаётган шаҳардан бор-йўғи минг чақирим нарида эди. Мен ҳар куни тонг билан денгиз бўйига чиқар, Аллоҳнинг уйи Каъбатуллоҳ тарафга қараб, шунчалик яқин келтириб қўйгани учун Яратган Эгамга ҳамдлар айтардим. Хаёлим денгиз оша ўша муқаддас жойларда кезарди. Яқингинасига келиб қолиб, етиша олмаётганимдан пинҳона эзилардим. Лекин наилож? Масофа яқин бўлгани билан давлатлар бошқа-бошқа, чегара деган гаплар бор. Бунинг учун қанотли қуш бўлишинг керак. Қани энди мўъжиза юз бериб, икки қўлтигингдан қанот ўсиб чиқсаю... Ана денгиз қушлари чағалайлар чарх уриб, устимда учиб ётибди. Улар учун чегара деган гаплар чикора. Мен Қизил денгиз бўйида шуларни ўйлаб, юрагим орзиқиб турган эдим:

– Ҳа, Ҳожи ака ёмон туш кўрдингизми, дейман?  
– деди ҳамхонам Суннатилла, – у ҳам тонгги сайрга чиққан экан.

Шу дамда кўнглимдан кечганларни айтиб берсам:

– Хафа бўлманг, бугун сизи бир зўр жойга обораман, – деди.

– Қайга?

– Жума масжидига.

– Тилингизга шакар, бомдодда жума намозини қаерда ўқиркинман, деган ўй кўнглимдан ўтган эди, Худо дилингизга сопти-да.

– Ҳа-да, бугун Абу-Дабининг олдинги пошшоси Шайх Зайдга атаб қурилган масжиднинг очилиши бўларкан, бунақаси дунёда йўқ дейишяпти, бунинг устига ярмарка ҳам бугун дам олади, хоҳлаганлар ўшакқа боради.

Кум барханлари устида барпо этилган масжид чиндан ҳам олисдан маҳобатли кўринарди. Атрофига хурмолар экилиб, боғ қилинаётган экан. Жума намозигача мирикиб томоша қилдик. Бу ерда қорилар йигирма тўрт соат мобайнида ҳар икки соатда алмашилиб, Қуръон ўқишаркан. Деворлари ёкут, феруза, садаф тошлари билан безатилган. Мен Каъбатуллоҳга минг чақирим яқин обкелиб кўйиб, шундоқ янги масжидда жума намозини ўқитиб кўйган Аллоҳга шукроналар айтдим... Ўзининг уйи Каъбатуллоҳга яна ва яна етказишини йиғлаб-йиғлаб сўрадим.

Орадан бир йил ўтиб, ўша ой, ўша кунларда энди Саудиянинг пойтахти Ар-Риёд шаҳрида худди шундай китоб ярмаркасида иштирок этадиган бўлдик. Бораборгунча не-не орзулар кўнгилдан кечмади дейсиз. Энди Макка ҳам, Мадина ҳам Саудиянинг ўзида-да. Улуғ жойларни зиёрат қилиш имкони бўлади. Бироқ меҳмонмиз, мезбоннинг кўнглига қарашга мажбурмиз. Макка ва Мадина сайёҳлар шаҳри эмас, Ҳаж ва Умра шаҳри. Суриштирсам, Ар-Риёд билан Макканинг ораси минг чақирим экан. Оҳ, Аллоҳим, дедим яна юрагим тошиб, икки йилдан бери минг чақирим масофада ўз уйинг атрофида айлангириб юрибсан, Каъбанинг, ҳазрати Пайғамбаримиз равзаларининг

муаттар бўйлари шундоққина димоғимга келиб турибди, бу ёғини ҳам Ўзинг осон қил...

Бирдан хушхабар тарқалди. Мусулмон мамлакатларидан келган меҳмонларни Умра қилдириш ярмарка режасига киритилибди. Демак, менга ўхшаб орзулаган, юраги тошганлар кўп экан. Оҳ, қани энди томоқдан овқат ўтса? Йўлга туша қолсак, дейман. Ниҳоят кундузи билан йўл юриб, Мадинага келдик, аср намозини Пайғамбаримиз масжидларида, шом намозини Ухуд тоғида, хуфтон намозини яна Пайғамбаримиз масжидларида ўқиб, Мийқотда эҳромга кириб, кечаси билан кўз юрмай, лаббайка айтиб, тонг маҳали Маккаю Мукаррамага кириб бордик. Буни қарангки, бу жума кунига тўғри келибди. Оҳ, қани энди ўзимни йиғидан тўхтата олсам. Хотиралар жунбушга келган... Ўтган йили шу ойнинг биринчи жумасида юракларим эзилиб денгиз бўйида Каъбатуллоҳ тарафга термилиб турганларимни, жума намозини янги масжидда ўқиб, бу ерларга келишни Аллоҳдан ёлбориб сўраганларимни эсладим. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, ўша март ойнинг биринчи жумасида Умра амалларини бажариб, жума намозини Каъбатуллоҳнинг ўзида ўқийман. Буни таърифлашга сўз қани, ёзаман десам умр етармикан?..

## ҲАРАМДАГИ ҚУМРИЛАР

Баъзан истироҳат боғларида бир-бирининг пинжигига тикилиб ўтирган ёшларни кўрсам, Аллоҳнинг уйи – Ҳарамда кўрганим бир воқеа ёдимга тушаверади. У ерда ҳам ёш бир келин-куёвнинг устунга суяниб ўтиришганига кўзим тушган эди. Маккалик бўлишса керак. Икковлари ҳам эҳромда бўлгани учун битта танага ўхшаб кўринар, фақат йигитнинг қоп-қора сочию, қизнинг бир бурда юзи уларни бир биридан ажратиб турарди. Аввало Аллоҳнинг уйи, масжиди Ҳарамда ҳам шунақа бир-бирига ёпишиб ўтириш мумкинми,

деган хаёлга бордим. Ёшларни ичимда айблаган ҳам бўлдим. Бир нарса деяй десам, тил билмайман. Кейин тил билганлар ҳам индашмаяптику, балки мумкиндир, деган ўйга ҳам бордим. Мен Каъбани етти марта тавоф қилиб (бунинг учун бир соатдан мўлроқ вақт кетади) яна жойимга қайтдим. Не кўз билан кўрайки, бояги ёшлар қандок ўтирган бўлса, ўшандок ўтиришибди. Йигит бир нуқтага тикилган, қиз унинг кўксига бош қўйган. Кўзлари эрининг нигоҳида. Эрининг кўзи эса Каъбада. Худди Каъбаўшга тилла ҳарфлар билан ёзилган оятларни ўқиб охирига ета олмаётгандек. Субхан Аллох, бу ёшларни биров сеҳрлаб қўйганми? Шу аҳволда яна қанча ўтириш мумкин? Ҳарамга нимага келганини ҳам эсларидан чиқариб қўйганми бу ёшлар, тавба? Нимага энди уларни ичимда бунчалик тергай бошлаганимни ўзим ҳам тушунмасдим. Бошқалар бепарвоку, нимага энди мен уларга тирғалиб қолдим. Ундан кўра ибодатимни қилаверсам-чи, Ҳарамда ўқилган икки ракат намоз ташқарида ўқилган беш юз ракат намознинг ўрнини босади, дейишади-ку. Диққат қилсам, боланинг лаби қимирлаб-қимирлаб қўйяпти... Қизиқишим барибир мени тинч қўймади. Одамзод ўзи шунақа... Аста бориб ёшлар суянган устунга мен ҳам орқа тарафдан суяндим. Гўё шу устунда бир сир бордек. Ҳа, сир бор экан, салдаёқ ўша сир ўзини кўрсатди. Йигит атрофдагиларга малолим тегмасин деб паст овозда Куръон ўқир, йигит адашибми қолса келинчаги уни йўлга соларди. Билдимки, ёш келин ва куёв Ҳарамда ўтириб, Куръонни хатм қилишаётган экан...

## РИЗҚ

Ота кўчадан келса, кампири норинчи жияниникига йиғинга кетибди. Барака топкур ўша жияни норин деганини жуда боғлайди-да. Унга етадигани йўқ. Шунгами қариндошлар тўй-тўкинларда унга норин буюришади. Сур гўшт билан хамирни кокил қилиб

юборади ўзиям. Йиғинга айтгани келганда, отапочча, у ер-бу ердан яна норин еб юрманг-а, холам пошшадан шўрваси билан бериб юбораман, маза қилиб, бир дуо қилинг, деган эди, бояқиш. Ота кўчадан хўрозқанд кутган боладек келини пешинга чақирса ҳам чикмай норинга иштаҳа сақлаб, мутолаага берилиб ўтираверди. Бир маҳал келини кириб, кўшниси тансиқ таом чиқарганини айтиб, иссиғида еб оласизми, деб қолди. Қараса, қорин таталаяпти. Хўп, деб ўрнидан турган эди, дарвоза очилиб, ховлида кампири кўринди. Бироқ икки кўли бўш. Ана холос, у мийиғида кулиб, таомхонага қараб юрди. Маълум бўлишича, кампири йўл-йўлакай бир беморни кўргани кириб, отага аталганини ўшанга илинибди.

– Кўп яхши иш қилибдилар, ўша таом аслида бизга эмас, беморингизга буюрган экан, ким биледи, у кўпдан шўртангина шўрвали норинни кўнгли тусаб ётгандир, сиз унга илинган бўлсангиз, мана Аллоҳ таоло бизга бошқа ёқдан илиниб турибди-да, онаси, – дея кампирини хижолатдан қутқарди...

## ҲАДЯ

Қиш куни узоқроқ жойга таъзияга боришга тўғри келди. Қиш ўчоғи тор – бор, уйингга бор... Кўнгили сўраб, дуои фотиҳа қилиб орқага қайтамиз деб турсак, хонадон эгаларининг яқинларидан бири, бирпасгина исиниб кетинглар, деб кўшни хонадонга олиб кирди. У ерда тўксон ёшларни қоралаб қолган бир отахон бор эканлар, бизни кўриб, дик этиб ўринларидан туриб, кутиб олдилар. Омонатини Аллоҳга топширган ён кўшни – жон кўшниси билан кўп яхши-ёмон кунларни бошларидан кечирганларини, бугунгидек тинч, тўкинчилик замонларда маза қилиб умргузаронлик қилиб келаётганларини гапириб:

– Бу кунларнинг садағаси кетсанг арзийди, чолкамбир нафақа оламиз, ҳали олган нафақамиз ту-

гамасидан, эшик тақиллаб, кейингисини обкелиб туришади, барака топкурлар. Ким-киму биз нафақахўрларнинг замони туғди...

Уйнинг иссиғига отахоннинг иссиқ-иссиқ гаплари ҳам кўшилиб, дилимиз яйрагандан-яйраб, қайтишга қанот чиқаргандек бўлдик. Рухсат сўраб, ўрнимиздан турар эканмиз, беихтиёр кўлим чўнтакка кетди ва илинганини олиб, дуо қилинг, ёшингизга етиб юрайлик, деб хонтахта устига кўйдим. Шу заҳоти кўлимни отахоннинг уқпардек майин, юмшоқ кўллари босиб тушди.

– Ундай қилманг, болам, ҳай-ҳай, айтдимку зорлигимиз йўқ, – деб.

– Зорликданмас, бу – ҳадя, ҳазрати Пайғамбаримиз ҳадядан қайтармаганлар, – дедим кулиб. Бу гапдан кейин ота дуо қилдилар, хайр-хўшлашдик.

Йўлга тушдигу ичимни бир нарса таталай бошлади. Ҳадя, деб шунга яраша бердимми, ишқилиб? Чўғи камиди шекиллиг-ов. Чўғлик пуллар бошқа чўнтакда экан, кейин сезиб қолдим. Агтанг, олдиндан билганимдами, эҳтиётини қилиб кирган бўлардим-а... Ҳай майли, бўлар иш бўлди, ҳадянинг оз-кўпи бўлмайдикун, деб ўзимни овутиб бораётсам, кўл телефоним чақириб қолди. Бир танишим менга пул бериши керак эди, у пулни ишхонага обкелиб, котиба қизга қолдириб кетибди. Шунга айтиб, кўнғирок қилаётган экан. Шу пайт Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Аллоҳ йўлида ҳадя қилинганлар. Аллоҳдан ками билан ўн, кўпи билан юз, минг баробар бўлиб қайтади, деган маънодаги ҳадисларини эсладим. Ҳисоблаб кўрсам, Аллоҳ ҳадямни минг баробар қилиб қайтарган экан. Кўнглим бир таскин топди, бир ҳузур қилдим...

## ҚОРОВУЛ

Бир одам каттарок қурилиш бошлаб, қоровул ёллади. Бирок қоровул синашта бўлмаганига кўнгли хотиржам бўлмади. Ахир ҳамма жойда қоровул зотига кўп нарса боғлиқ-да. Инсофли бўлса берди Худо, инсофсиз бўлса урди Худо. Бир дўстини чакириб, кўлига пул берди-да, қоровулини йўлдан уриб, ўзининг қурилишдан бирон нарса сотиб олишни илтимос қилди.

У дўстини тушунди ва эл ётганда иккита мардикор билан юк машинасини ёллаб, қурилиш майдонига борди. Усти жилвирланган, ялтироқ ғишт зарурлигини айтиб, қоровулга пул тикиштирди. Қоровул тайсаллаб, унамади. Ростданам нафси ўликмикан, деб кисталанг қилишга ўтди у:

– Сиздан нима кетди, ғишт устига ғишт тушиб ётибдику, бундоқ фойдаланиб қолсангизчи...

– Йўк, омонатга хиёнат қила олмайман, мени тинч кўйинг, ака, – деди қоровул яхши гапириб.

У қоровулни янаям синаш учун дўқ-пўписага ўтди:

– Ҳов менга қара, овсар, яхши гапга кўнмадингми, энди ўзингдан кўр, бир уриб, гумдон қиламан-да, айтганимни олиб кетаман...

– Ана энди ўзингга келдинг сен кароқчи, кисовур, – деди қоровул тикма-тик бўлиб.

– А, бу нима деганинг, бойникини қизганган бойтеват?

– Бу шу деганимки, тирик эканман, бу ердан на бир ғишт, на бир чўп ололасан, битта ғиштни деб мени ўлдирмоқчимисан, ўлдирақол, ҳе Худодан кўркмаган, ноинсоф...

Бу воқеадан кейин қурилиш эгасининг қоровулга ҳурмати ошди, маошини киши билмас икки баробар кўтариб қўйди ва хотиржам бўлди.

Ох, омонатга содиқлик, сен нақадар юксаксан! Хиёнат, сен-чи?..

## ҚАЛОВИ ТОПИЛДИ

*Ю*ртчилик, маҳалладаги уч-тўртта нобоп оиланинг фарзандлари топишиб қолиб, шумғиядек кўзга ташланиб қолди. Бу маҳалла оқсоқолини ҳам, тартиб назоратчиларини ҳам ташвишга солиб кўйди. Улар билан гаплашишди, спорт тўгаракларига йўллашди, ҳатто иш ҳам таклиф қилишди. Бўлмади, бўйинлари на унисига, на бунисига ёр берди. Энди булар бир иш-кал чиқарадию, кейин кўзлари мошдек очилади, деган ўйга бориб қолишди.

Аммо маҳаллага бир янги оила кўчиб келдию... Янги оиланинг бир ўғли бор эди. У уйдан эрта чикиб кетиб, кеч қайтарди. Демак, бирон ерда ишлайди. Бунини шумғиялар дарровда пайқашди. Кўринишдан бўш-баёвгина бу болани бир дўқ-пўписа билан тай-ёр “гўшт”га айлантириб олмоқчи бўлишди. Унинг йўлини тўсишди.

– Ҳов келгинди, маҳалланинг кўзирларига салом бер...

– Кечирасизлар, қоронғида кўрмапман, ассалому алайкум, акалар, – деди у одоб билан.

– Ҳа, бу бошқа гап, энди босса эгилиб, қуллук қил, – деб ундан икки бўй баланд биттасига рўпара қилишди.

– Саломимни бердим-ку, эгилиш нимаси, акалар?

– Эгил деяпман, бўлмаса шундоқ эгиб кўяманки, бу дунёдан эгилганингча ўтиб кетасан, – деди босс тепадан келиб. Шотирлари хохолаб кулишди.

– Менам олдинги маҳалламизда босс бўлганман, бироқ бунақа аҳмоқчилик қилмаганман, – деди у тап тортмай. Афтидан ўзига ишонарди.

– Нима?

Босс шу заҳоти қулочини ишга солди. Аммо мушти ҳавода қолди. Йигит унга чап берди-да:

– Тўхта, шошма, босс, мушглашмоқчига ўхшайсан, унда ҳаммаси қонун-қондаси билан бўлиши керак, бир

ерим синса, шикаст есам даъвойим йўк, деб ёзиб берасан, ана ундан кейин кўрамиз.

Боснинг шотирлари бу гапни эшитиб, қотиб-қотиб кулишди. Босс қаёқдаю, бу лилипут қаёқда. Худди чумчуқ фил билан ўйнашаётганга ўхшарди.

– Бунақа хатни олдин ўзинг учун ёз, – тиржайди босс ҳам. Аммо кўлини ишга солмади. Боланинг диллиги, сал бўлсаям уни хавотирга солиб қўйди.

– Ёзаманам-да, – деди-да у кўйнидан блокнот чиқариб, тез-тез ёзиб боссга тутди, – марҳамат, энди ўзлари ёзсинлар, лекин айтиб қўяй, совуқ қурол ишла тиш йўк, кўл ва оёқ, тамом.

– Матоҳингни анавинга бер, – деб шотирларидан бирини кўрсатди у, – мен кўл қўйиб бераман. Босс шундай деб, бармоқларини кирсиллатиб, муштини муштирага уриб, қўйди. Ҳа, кўлининг кичиғини бир босвосин...

Йигит босс кўл қўйиб берган хатни тахлаб, чўнтагига солди-да, марҳамат, мен тайёрман, бошла дегандек қулочини кенг ёзди. Босс унга ташланди. Бироқ у найновнинг қўлтиқлари тагидан у ёққа, бу ёққа ўтиб, чап бера бошлади. Тепмоқчи бўлган оёқлари ҳам хавода қолаверди. Шу пайт боссга бир зарба тушди... у рақибига қуллук қилгандек эгилганича қолди. Шотирлари “воҳ” деб юборишди.

– Нима қиламиз, давом эттираммизми? – деб унинг устига борди йигит.

Босс жон ҳолатда “йўк” деб бош чайқади. – Енгилдингни? Тасдиқлатиб олмоқчи бўлди у. “Ҳа” деб ихранди босс. У ҳамон қаддини кўтара олмас, зарба нақ жигарга тушган эди. – Айтиб қўяй, муштлашишда қасдлашиш йўк, дўстлашиш бор, буни эсингдан чиқарма, босс, – деди ён атрофига ҳушёр қараб.

У шундай деб йўлига кета бошлади. Бироқ босс сўзида турмади, жон ҳолатда орқадан келиб, унга мушт тушириб қолди. Муштки, нақд йигитнинг бошида ўтин ёргандек бўлди... Боши пачоқланиб кетди,

деб ўйлашди шотирлари. Аммо бунақа зарбаларга ўрганиб қолган йигит орқасига ўгирилдию, бир зарб билан боснинг афт-башарасини бежаб, сулайтириб кўйди. Кейин нима қилишини билмай турган унинг шотирларига:

– Боссинглар номард экан, енгилдим деб туриб, қилган ишини қаранглар, шунақа боснинг орқасидан юрган сизларга ҳам суф...

Босс шифохонага тушди, ётган жойида хат-хужжат қилиб, йигитнинг устидан иш очмоқчи бўлди. Аммо у тегишли идорага воқеани тушунтириб, боснинг хатини кўрсатиб, ўзини оқлаб олди. Бироқ унинг шотирларини топиб, боснинг иккинчи марта номардлик қилганини айтди.

– У энди бизга босс эмас, – деб қўл силташди шериклари, – энди сен боссан.

– Ҳазиллашмаяпсизларми?

– Йўк.

– Боснинг айтгани-айтган, дегани-деган-а, буёғини биласизларми?

– Биламиз...

Йигит кикбоксингга катнар, мураббий матрас ишлаб чиқарадиган тадбиркор билан шартнома тузиб, шогирдларини ўша ерда ишлатар, ишдан кейин машғулот ўтказарди. Йўл бошида адашай деб турган ёшлар ана шу соғлом оқимга келиб қўшилдилар. Маҳалла тинчиди. Ҳамма енгил тортди. Қалови топилди, фалокат ариди.

## БУГУНГИ КУНЛАР...

**У** киши ҳикоясини шундай бошлади:

– Уйда эдим. Қўл телефоним чакириб қолди. Қулоқ тутиб, салом бердим. “Бу Худо раҳмати Абдурахмон қорининг зурриёдларими?” Гўшакдан хаста ва кекса одамнинг овози эшитилди. Падари бузрукворининг исми-шарифини эшитиб, юрагим бир орзиқиб

тушди. Гапнинг қисқаси, у киши мени уйларига таклиф қилди. Зарур гаплари бор экан. Хўп дедиму сўраб-суриштириб, учиб-кўниб етиб бордим. Шол бўлиб, тўшакка михланиб қолган эканлар. Ёшлари етмишни қоралаб қолган бир киши ёнларида қараб ўтирарди. Билсам ўғиллари экан. Отанинг гап-сўзлари тетик, хонада “Ҳажар ул асвад” мойининг ёқимли ҳиди анқирди. Ота ётган жойларида менга бир ширин жилмайиб, анча тикилиб қолдилар. Бу билан отангиз раҳматликка жудаям ўхшар экансиз, демоқчи бўлдилар шекилли. Отам раҳматликни кўргандек бўлиб, шол бўлиб қолган оёқларини аста уқалашга тушдим... Ажабо, қоқ суяклардан танамга бир ажиб қувват югурарди. Отам раҳматликни уқалаганимда ҳам шундай бўларди.

– Сиззи йўқлашимнинг боиси, болам... шу... менда Қори акамдан қолган бир нарса бор, ғаройиб деса ҳам бўлади, ҳозир камина иккам юз бўлсам нақ етмиш йилдан бери асрайман у муждани, ўшани сизга топширмоқчиман, нима дейсиз, болам?

Мен нима ҳам дейишим мумкин, дегандек кулим-сирадим ва дедим:

– Шунча йил сақлабсиз, бундан буёғигаям ўзингизда тураверсин-да, ота. Гапни очиғи, юрагим қанчалик ижикиламасин, нима деб сўрашга тилим бормасди. Отам раҳматлик билан боғлиқ ҳар бир хотира, ҳар бир нарса учун жон нисор қилишга тайёр эдим.

– Йўқ, болам, – деди ота жилмайганича бош чайқаб, – бу ёғи оз қолди, надоматким, уни ўзим билан олиб кетолмайман, ха...

– Фарзандларингизга қолар, – дедим ичим ғуримшаб. Ахир нима бўлганда ҳам ўша нарса отага қанчалик азиз бўлса, фарзандларига ҳам шунчалик азиз бўлиши табиий, қандай қилиб мен унга эга чиқай?

Ота ёш боладек қикирлаб кулди-да:

– Бе... булар мендан кейин уни кўчага отворишар,

– деб етмишни коралаган ўғлига қараб қўйди. Ўғли бўлса “йўғе” дегандек жавдиради. Афтидан у ҳам бу ноёб нарсадан беҳабар кўринарди.

Отанинг айтуви билан ўғил бўлмиш жавоннинг энг юқори кутисидан бир тугунча олди. Уни отанинг ишораси билан менинг кўлимга тутди. Нималиги билан қизикмаёқ, отамдан қолган бир мужда сифатида кўзимга суртиб, бағримга босдим. Отажонимнинг хидини туйгандек юрагим тўлиб кела қолди, кайнок бир нимани ичимга ютиб, энтикдим.

– Балли, – деди ота, – энди тугунни очсинлар, ҳа, очинг...

Очдиму ҳангу-манг бўлиб, отага, кейин у кишининг ўғлига қарадим. Ўғли ҳам тугундаги нарсага кўзи тушиб, хайрон бўлиб қолди. Афтидан бошқа бир нарса билан адаштириб қўйгандек жавон теппасига қаради. Қўлимда тағлиги қалин, тумшуғи танқайган қадимги нўғай калиш турарди. Янги бўлсаям гўрга, ўкчаси эзилган, оёқнинг бош бармоқ, жимжилдоғи турадиган жойлари йиртилган, ранги ўнгиб, юзлари тарс-тарс ёрилиб кетган.

– Ўттиз еттинчи йили динимиз жуда қаттиқ талофатга учради. Ҳа, қатағон қилинди. Эртасига ҳайит деган куни бир кечада масжид имомлари қўлга олиниб, ўша кечасиёқ отилгани-отилди, қолган-кутгани Сибирга сургун қилинди. Масжидлар ёпилди. Навбат ёш, илмли қори болаларга келди. Уларни сўраб-суриштириш – бир сўз билан айтганда овлаш бошланди. Биз беш-олти қори болалар водийдан Тошканга қараб қочдик. Катта шаҳарлардагина жон сақлаб қолиш мумкин, деган қарорга келиб тўғри қилибмиз. Мардикор бозорининг кайвониси лақаби “Йиртиқ калиш” деган одамга дуч келдик. Унинг ростдан ҳам калиши йиртиқ эди. У бизга туғишганимиздек меҳрибончилик қилди. Ўзига тўқ бадавлат хонадонларга дастёр, хизматкор қилиб тарқатди. Қорилигинларни

зинҳор-зинҳор биров билмасин, “Қуръон”ни битта кўймай териб олиб, ёкишди, сувга оқизишди, ерга кўмишди, энди сизлар тирик “Қуръон”сизлар, ўзингизни асранг, эҳтиёт қилинг, деб тайинлади. Қайвони ҳар уч кун ва бир ҳафтада биздан хабар олар, “овчи”ларни чалғитиш учун ўринларимизни тез-тез алмаштириб турарди. Бир хонадонда узок қолиб кетмасдик. Мен бу меҳрибон халоскоримизга меҳрим жўшиб, бирон бир нарса ҳадя қилмоқчи бўлдим. Кўз олдимга оёғидаги йиртиқ калиш келиб, бозордан шартта янгисини олдим. У киши хурсанд бўлиб, дуо қилиб кийиб олди. Эскиси қолди. Ташлаб юборишга кўзим қиймади, у кишининг йиртиқ калиши ҳам кўзимга азиз ва мўътабар кўриниб кетди. Ювиб, тараб бисотларим ичига кўшиб кўйдим. Кейин билсам, у киши... – деб ота жим бўлиб қолди, тўлиқиб кўзини юмди. Мижжаларидан тўхтамай ёш оқа бошлади. Мен кўлимдаги йиртиқ калишни бағримга маҳкамроқ босар, у худди эту тирноқдек вужудимга сингиб борар, юрагим тўлиб, кўз ёшларимни тўхтата олмай қолган эдим. Ота обдан кўнгилни бўшатиб олди шекилли, гапида давом этди, – ҳа, кейин билсам у киши ҳофизи Қуръон, кориларнинг устози, динимизнинг жон фидойиси, халоскори – сизнинг отангиз Абдурахмон қори эканлар.

Мен отамдан қолган йиртиқ калишни олиб уйга қайтдим. Воҳ қоронғи ўтмиш, оҳ бугунги ёруғ кунлар, дея нара тортгим келарди...

## **БАҚИРОҚ ВА МУЛОЙИМ**

*Бақироқ* кишининг сўзи коптокка ўхшайди, деворга тегади-ю яна ўзига қайтади. Тадбирли, мулойим кишининг сўзи эса деворни тешиб ўтади.

## ИККИ ХИЛ ЎҒИРЛИК

Ўғирланган нарсани жойига қайтариш ёки жарима билан ўрнини қоплаш мумкиндир. Аммо бировга ваъда бериб, келмаслик ўша одамнинг умрини ўғирлаш билан баробар. Унинг ўрнини жарима билан ҳам, умрдан озроғини бериб ҳам қоплаб бўлмайди.

## ОБОД ВАТАН

Ёмғир ёғиб, кўча четидаги йўлакка сув халқобланган, йўловчилар ўтишга қийналарди. Башанг кийинган бир аёл кўлига чўпак олиб, хазонларни нари-бери суриб, сув йўлини очмоқчи бўлди. Иккита эркак унинг ёнидан бефарқ ўтди-кетди. Аммо учинчиси ўтиб кетмади, аёлнинг кўлидан ишни олди. Сув оқиб, йўлак очилди. Қани энди, аёлдир, эркакдир ақалли ҳар учтамыздан биттамыз ана шундай эътиборли бўлсак?

## ЎЗИНГИЗДАН СЎРАНГ

- Эй, Худо, мен сенга нима ёмонлик қилдим?
- Савол ўрнига тушмади, кадрдон, уни Худоданмас, ўзингиздан сўранг...

## ТЕАТР

У актёр эди. Театрни ҳаёт деб биларди. Театрда яшаб, театрда жони узилди. Аслида ҳаёт ҳам бир театр. Фарқи – униси кичикроғу буниси каттароқ.

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

- Худодан кечаси-ю кундузи сўраб ётибман, бермаса, нима қилай?
- Сиздан ҳам бир нарса сўрасам майлими, кадрдон?

– Сўранг...

– Ўзингиз Худонинг айтганини қияпсизми?

## ХУШЁРХОНАДА

Учувчи, безориларни тутиб келишди. Ҳаммасининг афти-башараси қон, кийим-боши вайрон.

– Ўртоқ бошлик, – деди улардан бири, – мени қўйворинг, уйдагилар хавотир олишади, мен буларни ажратаман деб шу аҳволга тушиб қолдим.

– Жим бўлинг, ҳозир ҳамма шунақа деб сувдан куруқ чиқмоқчи бўлади, сизларни билмасам экан.

– Худо ҳақи, рост айтяпман.

– Худони тинч қўйинг.

Безориларнинг чўнтагидаги нарсалар олиниб, хатланаётганда, “мени қўйворинг”, деган одамнинг чўнтагидан тасбеҳ чиқиб қолди.

Бошлиқ хушёр тортиб, “пуфланг-чи”, деб унга шиша идиш тутди. Бир зумда важи исбот бўлиб, уйига жавоб берилди.

Иттифоқо, оёғида зўрға турган биттасининг ҳам чўнтагидан тасбеҳ чиқиб қолди.

– Бу нима?

– Т-а-а-сбех, хиқ, – деди у чайқалиб.

– Нимага уни кўтариб юрибсиз?

– Н-намозам ўкиб турамыз, шу...

– Бошқалар бир кун кўча супурганда, сиз роппароса ўн беш кун кўча супурасиз.

– И-и... н-нимага, ў-ўртоқ б-бошлик?

– Худони алдаганингиз учун...

## БОЙЛИК

Булоқ оқиб туриши керак, бўлмаса кўзи беркилиб қолади. Бойлик ҳам шундай...

## ВАҚТ

Унинг бозори йўқ. Аммо мозори бор. У – беҳуда ўтган ҳар бир дақиқалар, бир соат ва ҳар бир кундир.

## УЧИНЧИ ОДАМ

*(ривоят)*

Икки киши йўлда кетиб борардилар. Бирлари ҳазрати Хизру, иккинчилари мўлтони бир одам. Хуржунда учта нонлари бор эди. Бир жойга борганда қоринлари очиб, тамадди қилиб олмоқчи бўлдилар. Хуржунни очиб қарашса, битта нон йўқмиш. Нонни ким еб кўйганини ҳазрати Хизр билсалар ҳам атайлаб сўрабдилар:

– Нонни сен емадингми?

– Йўғ-а, нималар деяпсиз, менинг унақа одатим йўқ, очимдан ўлсамам омонатга хиёнат қилмайман, – дебди мўлтони. У йўлдоши ҳазрати Хизр эканини билмас экан.

Ҳазрати Хизр уни барибир ўз тилидан илинтираман, деб йўлда давом этаверибдилар. Иттифоқо, олдиларидан катта бир дарё чиқиб қолипти. На бир кўприги, на бир кечув жойи бормиш.

– Энди нима қилдик? – деб ҳазрати Хизрга қарабди мўлтони.

Ҳазрати Хизр ҳозир бир иложини қиламиз, деб ҳассасини шундоқ сувга тегизган экан, бирдан дарё суви икки ёққа чекиниб, йўл очилибди. Бу мўъжизани кўриб мўлтони бақа бўлиб қопти ва жон-жаҳди билан Хизрнинг этагига ёпишибди. Дарёнинг ўртасига борганда ҳазрати Хизр яна сўрабдилар:

– Нонни сен емадингми?

– Нималар деяпсиз ҳазрат, шундоқ қудратингизни кўриб туриб ҳам сизга ёлғон гапираманми? – деб кўзёши қилган бўлибди мўлтони.

Ҳазрати Хизр яна ҳайрон бўлиб йўлда давом

этибдилар. Нахотки адашган бўлсам, деган ўй кўнгилларидан ўтибди? Йўл юриб бир жарлик устидан чиқишибди. Бундоқ қарашса жарликнинг таги жаҳаннаммиш, оловлари гуриллаб ёниб турганмиш. Нарироқда унинг устига бир хода ташланган бўлиб, у ҳам чириб кетган, бир кишини зўрға кўтарар экан.

– Олдин сен ўтиб ол, – дебдилар ҳазрати Хизр шеригига қараб.

– Илло-билло, ўзингиз олиб ўтмасангиз мен ҳалок бўламан, – деб Хизрнинг этагига маҳкамроқ ёпишибди мўлтони.

Энди тавбангга таянарсан, деган ўйда ҳазрати Хизр йўл бошлабдилар. Ходанинг ўртасига борганда у кирсиллаб, лопиллай бошлабди. Пастда жаҳаннам аждарҳодек оғзини очиб турганмиш. Шунда ҳазрати Хизр яна сўрабдилар:

– Нонни сен емадингми, билиб қўй ёлғон гапирсанг иккаламиз ҳам жаҳаннамга тушиб кетамиз-а.

– Оҳ таксирим, воҳ таксирим, ҳеч жаҳонда сиздек одамни ҳам алдаб бўладими-я, мен емаганман, ўлай агар, – деб ёлборибди мўлтони.

Шундай қилиб, жаҳаннамнинг устидан ҳам эсон-омон ўтиб олишибди. Ҳазрати Хизр ўйлармишлар, бу одамни бир эмас, икки марта ўлим билан юзма-юз қилдим. Айбини бўйинига олмади. Нонни ростдан ҳам у емаган, унда ким ейди? Балки орамизда учинчи одам ҳам бордир. Кўзимизга кўринмаётгандир... Улар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, бир кудукнинг олдидан чиқибдилар. Чарчаган, сувсаган... Челакни кудукқа ташлашса, челак сувгамас олтинга тўлиб чиқибди. Воҳ... бу ҳол иккинчи ва учинчи бор ҳам такрорланибди-ю, тўртинчисида челак тўлиб сув чиқибди. Тўйиб-тўйиб ичишибди. Шундан кейин икковларининг ҳам кўзлари олтинларга тушибди.

– Буни нима қиламиз? – сўрабдилар ҳазрати Хизр шеригидан.

– Нима қилардик, Худо берган бу бойликни ик-

кига бўлиб оламиз, ярми сизга, ярми менга, – дебди мўлтони кўзлари ўйнаб.

– Йўқ, – дебдилар хазрати Хизр, – учга бўламиз, бир бўлаги сенга, бир бўлаги менга, қолгани нонни еган учинчи одамга, шундоқ қилсак адолатдан бўлади.

Бир маҳал мўлтони кўшик айтиб, ўйинга тушиб кетибди.

– Ҳа, – дебдилар хазрати Хизр хайрон бўлиб, – нима бўлди?

– Сиз айтган учинчи одам менман, – деб кўкрагига урибди у, – нонни мен еган эдим, энди тилланинг учинчи бўлагини ҳам менга берасиз, сўздан қайтиш йўқ...

Эй, нафси аммора, гуноҳингдан тондинг, ҳатто хазрати Хизрни ҳам хаёлга толдирдинг, охир-оқибат ўзингни ўзинг фош қилдинг, нимасан ўзинг?

### ЛЎЛИГИНА ҚИЗИМ

Бозор растасида қаркўноқдек харидор чакираётган лўли аёлнинг овози эътиборимни тортди. Пештахтага сархил писта, бодом, майиз ва туршакларни ёйиб олиб:

– Кеп колинг, мен жойидан обкеган, арзон сотади-кетеди, – дер эди.

Вой барака топкур-ей, фол очиб, тиланчилик қилгандан бу ишинг минг марта яхши-ку, лўлигина қизим, деб ичимда уни алқаб қўйдим. Шугинанинг бозори юриша қолсин, деб у томон бурилдим. Менга қолса ҳамма шундан харид қилсаю, кўчама-кўча юрган бошқа лўлилар ҳам унинг йўлини тутса. Тиланчилик хорлик, тижорат бойлик келтиради, деганларини эшитганман.

– Келинг отажоним, келинг, нима чикин берайин сизгинага, бари сархил мол, олинг еб кўринг, еганга пул йўқ, мана-мана, – деб молини кўз-кўз қиларди у.

Воҳ, лўлигина қизимей, дедим ичимда, муомаласи-

ни қаранг буни, аслида олди-соттига шуларни қўйиш керак экан-да, харидорнинг ўтидан кириб кулидан чиқади-я.

Чак-чукларидан ярим кило, бир килодан олдим. Тарозини кўзимга кўрсатиб, чиройли қилиб тортиб берди, барака топкур. Пулни санаб қўлига бердим-да, кетмоқчи бўлдим.

– Шошмай турсунлар, отажоним, мен оллингизда манови чикинни санаб олай, кейин майли, рафтем қилосиз.– Лўлигина кизимнинг бу гаплари ҳам менга ёғдек ёқди. Савдо-сотикнинг қондаси шундоқ бўлиши керак-да, ўзи.

– Иби отажоним кам-ку бу, – деб пулимни дарровда қўлимга тутқазди лўлигина кизим, – ўзлари бошқатган санаб кўрсунлар. Санасам пулим ростданам кам. Харид қилган нарсамдан биттасини қолдиришга тўғри келди, қаричилик қизим, деб камига кечирим ҳам сўраб қўйдим.

– Хижолат бўлмасунлар отажоним, камшир энам олган-де... айтуб қўйиш хаёлларидан фаромуш бўган...

Уйга келиб чўнтагимдан пул обсан, бундок, айтиб қўймайсанми, деб кампиримни бир қовуриб олдим. Кампирим шу ёшга кириб пул ўғриси бўлдимми, деб қасам ичиб, ҳамма ёқни тасир-тусир қилиб ташлади. Бу ёқда келиним, бўйсари-бўйсари набираларим ҳайрон. Худди мен уларни ҳам ўғри қилаётгандек. Бир зумда хотин-халаж, ота-бола бир-биримизга тесқари бўлдик, қолдик. Ўйламай қилиб қўйган ишимдан хижолат чекдим. Ахир кампиримга ана чўнтақдан пул, олақол десам, жамоқоримни кўтариб келарди, ўзингиз оберинг, аёл кишининг қўли эркак кишининг чўнтагига тушса барака кетади, деб. Мен бўлсам... бу ишни охирига етишим, оиламдаги хижолатпазликни қандай бўлмасин кўтаришим керак эди. Нафақа пулимни олгандан, то бозорга боргунча бўлган харажатларни ҳисоблаб чиқдим. Кўнглим бозорга қараб чопаверди. Ҳа, пул ўша ерда йўқолгани аниқ. Хаёлим

лўлигина қизимда. У қарқўноққа эмас, олашакшакқа, сипоришлари эса мўлтониға ўхшаб кетди... Бозорға бордим. Лўлигина қизим кечаги жойда савдо киларди. Киши билмас уни аста кузата бошладим. Менга ўхшаган аҳвол бўладими, йўқми? Ҳа, орадан кўп ўтмай ёши каттароқ бир аёл худди мени аҳволимга тушиб колди. Кейинги харидорларда бундай бўлмади. Аммо бир эркак харидорда ҳалиги аҳвол яна такрорланди. Мен бу юришда бирон иш чиқаришга кўзим етмади. Пулим лўлигина қизимда колгани аниқ бўлди. Пул санаганда унинг кўллари шунақанги чакқон бўлиб кетар эканки, қаёқларга кириб, қаёқлардан чиқаётганини билмай ҳам қоларкансан одам... Лекин уни нима деб айблашни билмасдим. Кўлга тушмаган ўғри – ўғри эмас. Аммо қоним қайнаб уйга ҳам кетолмасдим. Хаёлимда анови аёлнинг ҳам, эркакнинг ҳам уйида худди бизникидек аҳвол юз бераётгандек. Лўлигина қизим оилаларга атайлаб ёмонлик уруғини экаётгандек. Ҳеч бўлмаса гумонларимни айтиб, енгил тортай, деб миршабхонага кирдим.

– Яхши, отахон, биз сизга пул берамиз, ўғрини ўзингиз ушлаб берасиз, – деди миршаббоши.

– Кечагина нарса олганман, мени таниб қолсачи? – дедим кўнмай.

– Қайтага яхши бўлади, молинг яхшийкан, кизим, энди излаҳомга олмоқчиман, дейсиз. Яна кечаги қилиғини қилса кўркмай тўполон кўтарасиз, нима гап деб бизни йигитлар олдингизда пайдо бўлишади...

– Агарда анови қилиғини қилмасачи, унда олган нарсаларимни нима қиламан?

– Бизга топшириб кетаверасиз, биз уни кузатувга оламиз...

Хуллас, тузоқ иш берди. Миршабхонанинг рақамланган ўнта сўлкавойи лўлигина қизимнинг пуллари орасидан чиқиб келди. Фирибгар, ўғри тумшуғидан илинди.

Уйдагиларни хижолатпазликдан қутқарай деб шошяпман-у кўнглимдан шу ўйлар ўтади: Воҳ, лўлигина қизим-а, ҳалол ишга ҳаром аралаштириб, бошингга бало ортгириб олдинг-а, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари шу экан-да...

### ЭШИТГАНЛАРИМ

Омади келса кишининг ҳар сўзи ҳикмат эрур, омади кетса кишининг ҳикмати тухмат эрур...

\* \* \*

Боланинг бир қўлига нон берсангиз, иккинчи қўлига китоб беринг.

\* \* \*

Эслаган – эсланар, эсламаган – кесакка айланар.

\* \* \*

Ховли-жойнинг ободлиги гулу райҳон билан,  
Кўнгилларнинг ободлиги ширин калом билан.

\* \* \*

Корин тўйди – ғам кетди, кўзлардан ҳам нам кетди.

\* \* \*

Дехқоннинг бир куни йилни боқади.

\* \* \*

Бараканинг боши бирликда, исрофнинг боши қирликда. Хонадонларни озода тутинг, қизларим...

\* \* \*

Дунё матоҳлари икки хил бўларкан. Баҳоли ва баҳосиз! Баҳолисини сотиб олса ва сотиб юборса бўларкан. Баҳосизини сотиб ҳам, сотиб юбориб ҳам бўлмас экан. У ҳусни-одоб экан.

\* \* \*

Пичоқнинг сопи ўзидан чиқса ўткир бўлади.

\* \* \*

*Амал* курсиси айтар экан: менга кўп муҳаббат кўйманг, кулимга айланиб қоласиз, шунчаки бир курси деб қаранг, кўтарилиб бораверасиз.

\* \* \*

Эски машина эшак, янгиси отдир бешак.

### ТЕСТ

*Кўл* уч хил бўлади:

Биринчиси – очик.

Иккинчиси – ҳам очик, ҳам ёпик.

Учинчиси – умуман ёпик.

Ўзингизни бир шу тестга солиб кўрингчи?

### ОШИҚ-МАЪШУҚ

*Нафси* амморага ошиқ бўлсангиз, у сизга жон деб маъшук бўларкан-у оғиз эшиклари очилиб, ёпилмай қоларкан. Шунисидан Худо асрасина!

### АХБОРОТ НИМА?

Заминда бўй кўрсата бошлаган гиёҳ у киш тугаб, баҳорнинг бошланаётганидан хабар бермокда.

### ҲАҚИҚАТ НИМА?

Ўша гиёҳни хабарчи қилиб кўйган Эгасини таниш.

### ЎҚИГАНЛАРИМ

*Бурҳониддин* Марғинович ҳазратлари одам зоти-ни учга бўладилар: Бутун одам – ўйлайди, фикрлайди, бировга маслаҳат солади ва унга амал қилади. Чала одам – у ҳам ўйлайди, фикрлайди, бировга маслаҳат солади, бироқ ўз билганидан қолмайди. Одаммас – ўйламайди, фикрламайди, бировга маслаҳат ҳам солмайди, ўз билганини ҳам қилмайди.

\* \* \*

Ғаззолий ҳазратлари одамзод учун учта нарса керак: овқат, либос, бошпана, дейдилар. Дарҳақиқат, жамият ва тараққиётнинг пойдевори шу уч нарсанинг устига қурилади.

### КЎРГАНЛАРИМ

Чоррахалардаги тиланчиларни йўлтўсар қароқчиларга ўхшатиб юбордим.

\* \* \*

Бир издаҳомда қўли югурик, нафси бузуқ билан ёнма-ён ўтириб қолиб, уятдан ерга кирай дедим.

### КУЗАТГАНЛАРИМ

Қадимги замонда жарчилар “Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар”, деб жар чақирганларини китоблардан ўқиган эдим. “Одам”га “бодом”ни шунчаки қофия қилишган бўлса керак деб юрардим. Унака эмас экан. Бодомлар ҳам одамларга ўхшаб: юмшоқ, қаттиқ ва тош бўлар экан.

\* \* \*

Ёнғокнинг сирти қора-қура бўлса, мағзи ҳам шунақа қора-қура, пучқоқ бўларкан. Одамни-чи?..

\* \* \*

Яна ёнғок ҳақида: ёпишқоқ ёнғокни ўғлини келинидан қизганган қайнонага ўхшатиб юбордим.

\* \* \*

Бир тур чумолилар кўпинча иккита-иккита, учта-учта бўлиб юради. Бу бежиз эмас. Иккита-иккита юрганда олдиндагиси рўпарасидан келган чумоли билан “саломлашади”, орқадагиси саломлашмайди, бу билан улар вақтдан ютишса керак.

Дангаса, ишёқмас, шошқалоқларини иккитаси

ўртага олволади. Ўртадаги чумоли шошса олдиндагисини оёғини босиб олади, судралса орқасидаги унинг оёғини босиб олади. Хуллас, буни сабр-тоқат, йўл юриш дарслари, дегим келди.

\* \* \*

*Уч* киши кўчада кетиб борардилар. Ёши улуғ бир киши дарвозаси тагига чиқиб турган эди. Салом беришди. У нимагадир алик ҳам олмади, эътибор ҳам қилмади.

– Саткаи салом кет, – деди биттаси.

– Мусулмон одам ҳам шунақа бўладими, – деди иккинчиси.

– Бечоранинг бошига бир иш тушгандир, бунақа пайтда одамнинг на кўзи кўради, на кулоғи эшилади, – деди учинчиси. Шуниси кўзимга чин мусулмон бўлиб кўринди.

## ТУШ ҲАМ БИР ИШОРА

*Бир* куни замонамизнинг улуғ адибларидан бирини туш кўрдим. У киши тўртта устунни тиклаб, мана шу уй бўлади, дермишлар. Мен қадимги синчли уйлардан бўларкан-да, дейишимни биламан, устунлардан бири кулаб тушди. Орадан икки кун ўтиб Омон Мухтор оламдан ўтди. У чиндан ҳам адабиётимизнинг устунларидан эди. Омон Мухтор 9 май, 2013 йил, жума куни Минор қабристонига дафн этилди.

## СЎНГГИ ЭШИК

2013 йил 23 май куни халқимизнинг севимли ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳаёт эдилар. Пойтахтдаги барча нашриётлар Гафур Ғулом боғига икки кунлик китоб байрамига тўпланган, кўргазма ва сотув расталаридан Ўткир аканинг асарлари ҳам ўрин олган эди. Камина “Шарқ зиёкори” кўргазмасида китобхонларни кузатар эдим. Нашриётимиз “Аср ошган асарлар”

туркумида машҳур ёзувчиларнинг асарларини лотин имлосида чоп этган эди. Бир китобхон келдида, ҳавасланиб, ушбу китобларни катта пулга бирваракайига сотиб олди. Кимсан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимовларнинг китоблари бўлса, бундан ортиқ бойлик бор эканми? Унга қизиқиб, иккинчи китобхон ҳам пулини санай бошлади.

– Узр, – деди дўкончи қизимиз Раънохон, – сизга қолганда биттаси кам бўб қоладиган бўлди.

– Ҳеч, киси йўқ, – деди харидор, дўконинглар қаердалигини биламан, камина ўша ердан тўлатиб оларман.

– Афсуски, дўконимизда ҳам қолмаган, лекин қайта нашрга буюртма бердик, бир-икки ойда чиқиб қолади.

Гап Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик орасида” романи ҳақида борарди. Қандоқ яхши, у кишининг асари тезда тугаб кетибди. Китобининг талаш бўлиб кетиши ҳамма замонларда ҳам ёзувчи учун энг катта мукофот бўлган. Адибнинг кайфиятини кўтарган яна ва яна ёзишга ундаган. Мен шу заҳоти Ўткир акага қўнғирок қилиб, у кишини хурсанд қилсаммикан, деб ўйладим. Бироқ товлари йўқлигини билардим. Жони оғриб ётганда қўнглига бу гаплар сиғармикан, деган хаёлга бордим ва фикримдан қайтдим. Кўргани борганда айтсам, бошқа гап. Яна мени қўнғирок қилишдан қайтарган нарса шу бўлдики, у киши бунақа мақтов гапларни кулоқларининг тагидан ўтказиб, шунчаки эшитар, гапни дарровда бошқа ёққа буриб юборардилар. Бир марта, мен унда “Саодат” журналида масъул котиб бўлиб ишлардим. Бош муҳарриримиз Зулфия она сўраб билингчи, Ўткиржон бизга бир ҳикоя ваъда қилувдилар, деб қолдилар. Ўткир ака унда “Шарк юлдузи”да бош муҳаррир эдилар. Учрашдим. “Ваъдам эсимда, ҳикоя бўб қолди, тез кунда олиб бораман”, дедилар қисқагина қилиб. Дарҳақиқат, у киши

сал кунда “Куёш тарозиси” номли ҳикояларини олиб келдилар. “Юринг, опанинг ёнларига бирга кириб чиқайлик, сирлари босади”, дедилар. Опа Ўткир аканинг кўлларидан ҳикояни олиб, ғоятда мамнунлик билан ташаккур айтдилар. “Йўғе, олдин ўкиб кўринг, опа”, деб Ўткир ака хижолатдан қисиниб кетдилар. Опа ҳали китоб бўлиб чиқмаган, “Дунёнинг ишлари” асари ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар. Газета ва журналлардан парчалар ўқиган эканлар. “Ҳамманиям онаси бор, ҳамманиям онаси оламдан ўтади, ҳаммаям сиздек ёзолмайди, Ўткиржон”, дедилар. Ўткир ака бу мақтовлардан ёйилмай қайтага тобора кичрайиб борардилар. Устозига тик қарай олмаган биринчи синф ўқувчисининг ҳолига тушган эдилар. Ўша кун у киши Зулфия опага икки оғиз сўз айтдилар, холос: “Ташаккур, раҳмат”. Мақтов ўзини билмаган одамни талтайтиришини, ўзини билган одамни аксинча, эзиб ташлашини ўшанда кўрган эдим.

Яна бир гап, ўзбекистонлик ноширлар Саудиянинг пойтахти ар-Риёд шаҳрига жаҳон китоблар кўргазмасига бордик. Йўлимиз Туркия орқали бўлгани учун у диёрга тушиб ўтдик. Шунда эшитдикки, Туркиянинг барча олий ўқув юртларида ўзбекистонлик ёзувчилар Одил Ёкубов ва Ўткир Ҳошимовнинг асарларини ўрганиш икки йиллиги бошланган экан. Буни эшитиб ғоятда хурсанд бўлдик. Сафардан қайтгач, бу хабарни Ўткир акага етказиш учун кўнғироқ қилдим. У киши нимагадир бир зум жим бўлиб қолдилар. Кўз олдимга Зулфия опанинг ҳузуридаги ҳолат келди. Ниҳоят тилга кирдилар: “Ташаккур, “Икки эшик ораси” романим ҳам Хитойда чоп этилибди, униям эшитдим, ҳали китобни кўрганим йўқ”, дедиларда гапни дарровда одатдагидек бошқа ёққа буриб юбордилар.

Каминани кўнғироқ қилишдан қайтарган нарса у кишининг ўз ижодларига бўлган ғоятда хокисорлиги, камтарлиги ва мен айта олмаётган ғалати кечинмалару, ички бир нарсалар эди. Кўнғироқ қилмай хато

қилганимни ва армонда қолганимни эртасига англаб етдим. Китоб байрамининг иккинчи куни 24 май, жума куни ёзувчимиздан ажраб қолганимизни эшитдик. У кишининг ҳаётдан кетиши қалблар, фикрлар, туйғулар байрами китоб байрамига тўғри келиши ҳам Яратганнинг бир инояти эди, назаримда. Китобхонлар ёпасига ёзувчининг асарларига ёпишдилар. Расталарда бирорта ҳам китоблари қолмади. Гўё шу билан кадрдон адибининг жонини қайтариб, бу дунёда олиб қолмоқчидек. Кўзда ёш билан, ёзувчи асарларини бағриларига босар эдилар. Ўлим хабарига ишонмай, наҳотки... дегандек бир-бирларига мўлтираб қарашарди. Китобхонлар китоб байрамидан у кишининг дафн маросимига оқдилар. Ёзувчимиз икки эшик орасида яшаб, сўнгги эшик – Қозиробот кабристонига, “Дунёнинг ишлари” китобининг қаҳрамонига айланган волидалари ёнига қўйилдилар. Энди охиратда кирар эшиклари Жаннат эшиклари бўлсин, омин!

## УЗУК

*Кўш*нилар кулупнай экиб, деҳқончилик қилишарди. Бу йилги мавсумда Сарвихонга Худо бериб қолди. Бировлар эгатидан бир тоғора, ярим тоғора кулупнай териб олганда, бу кишим икки, уч тоғоралаб териб оларди. Ҳосили ҳам нақд тухумдек-тухумдек, бозорнинг олди. Қўли-қўлига тегмайди.

– Сарвихон манаман деган тадбиркорларни ҳам орқада қолдириб кетди, – деб кулиб қўйишарди кўшнилар. Бу хайрихоҳликдан кўра кўпроқ кўролмасликка, кинояга ўхшаб кетарди. Гап шундаки, ўтган йилги мавсумда Сарвихон кулупнай териб юриб, қимматбаҳо узугини йўқотиб қўйган эди. У етти пуштидан ўтиб келаётган феруза кўзли ноёб буюм эди. Ҳатто хамир қорганда ҳам қўлидан ечмасди. Ўғиллари билан кулупнай пушталарини элак-элак қилиб қидирди, топилмади. Ахири умидни узди.

- Топган-топалоқники бўлса, бизам қидириб кўрардик, – деганлар бўлди.

– Ерда қолиб, чириб кетгандан кўра ҳалолингиз бўлсин, фақат қулупнай кўчатларга эҳтиёт бўлсангиз, бўлди, – деди у.

Қидирувчилар ҳам эринмай пушталарни бир-бир сим тўрдан ўтказишди. Аммо йўқолган матоҳ топилмади-ю, бироқ меҳнатнинг натижаси бу йилги ҳосилда ўзини кўрсатди. Бир эмас, ўнталаб узукнинг пули кўзга кўриниб қолди. Киноянинг боиси, йўқолмаган узукни йўқолди, деб олдинига ўғилларини, кейинига бошқаларни ҳам лақиллатди демокчи бўлишарди кўшниси тушмагурлар. Аммо бу гапларни Сарвинисо кўнглига олмади. Бу бежизга эмас, узук баҳонасида ерга қандок қилиб ишлов бериш кераклигини Худойимнинг Ўзи кўзимизга кўрсатиб кўйди-ку, шунинг ўзи бир мўъжиза эмасми, деб ўзига ўзи таскин берди.

Бу йилги мўл ҳосил териб олиниб, хозанаги қолганда мураббочиларга ҳадя қилиб юборди. Шунда мўъжиза юз берди. Ҳа, узук топилди. Бир кун олдин роса жала куйган эди. Тупроқни ювиб, юзага чиқариб кўйибди. Бироқ Сарвихон “Топган – топалоқники”, деб лафз қилиб кўйгани учун узукни қайтадан нақд пулга сотиб олди.

## ФАРЗАНД

Унинг бошига мусибат тушди. Ёлғизгина ўғли автохалокатга учраб, ҳаётдан кўз юмди. Келин туширмоқчи эди, орзуси етим бўлиб қолди. Ўзи ҳам ёлғиз ўғил эди, отасининг чироғини ёқиб ўтирарди. Энди унинг чироғини ким ёқади?

Гўрковга хабарга борганлар уни баттар ғам-андухга ботирди, қабристон тўлиб қопти, маййит кўйилмаяпти экан. Аммо ўн беш, йигирма йил нари-берисида биронта қариндоши ўтган бўлса, қабрини очиб, кўйса

бўларкан. Унгаям рози-ризолик хат-хужжат керак экан. Шу ўғли туғилганда отаси раҳматлик дунёдан ўтган эди. Шунга ҳам йигирма икки йил бўпти. Ох, дунёнинг ишлари-я, буванинг қабрига энди набира кириб борса-я...

Бунинг учун у қабристонга бориши, отасининг қабрини гўрковга кўрсатиши керак эди. Шунда унинг юраги бир музлади-ю, кўнглидан нималар ўтганини ёлғиз ўзи билди, қабристонга қараб кетди.

Хуллас, у қабристонда гўрковни орқасидан эргаштириб у ёққа юрди, бу ёққа юрди, отасининг қабрини мана шу деб кўрсатиб бера олмади.

– Бизда қабристоннинг картаси бўлади, қабр тошидаги рақамини эсласангиз, дарровда топиб оламиз, – деди гўрков уни хижолатдан қутқармоқчи бўлиб.

– Эслолмаяпман-да, – деб у кутилмаганда гўрковга бақириб берди, гўё тополмаганига гўрков айбдордек. Гўрков индамай нари кетди...

## ЙИГИТ

Улар тўртинчи қаватдан жой сотиб олиб, илк бора айвонга чиқиб нонушта қилишарди. Йигитнинг кўзи рўпарадаги худди шундай айвонда кир ёяётган қизга тушиб қолди. У илгари ҳовлида яшаганигами, бундай ҳолни кўрмагани учунми, ғалати бўлиб кетди. Дарровда орқа ўгириб, нонуштани қилаверди. Ота-онаси эътибор қилмади ҳам. Йигитнинг юраги бир турланди-ю кўнглидан бир нималар ўтди. Шу бир нималар уни ишга отланган жойидан орқага қайтарди. Истиҳолага бориб, сустлик қилишни хохламади. Бояги хонадонга чиқиб борди. Эшикни онаси тенги бир аёл очди. Салом берди, ўзини танитди. Ҳозиргина кўрганларини ва айвонга парда тутсалар яхши бўлишини қийналиб бўлса ҳам айтди. Ўғли тенги боланинг ақл ўргатиши аёлга ёқмади. Хойнаҳой ота-онасининг гапи билан чиққанов, деган хаёлга борди.

– Айвон биззики, мабода кўзийларга тўғанок бў-

лаётган бўлсак, ўзийлар парда тутволақолийлар, айланай, – деди кесатиб.

– Биз-ку парда тутволамиз-а, бошқалар-чи, бошқалар томоша қил-е-б ўтиравиришса, қизингизми, келинингизми – уларнинг шаънига яхшимас-да, опоқи.

Бу гапдан кейин аёл жимиб қолди. Йигит кўзига анча баъмани, мулоҳазали кўринди. Йигит кечки пайт ишдан келиб, айвонга чиқиб, рўпарага кўзи тушди-ю хурсанд бўлиб кетди. Хайрият, гаплари осмонга учмапти. Гапни тушунадиган одамлар экан. Аммо иш бу билан тугамади. Кечқурун эрта билан кўрган аёли эри билан уларникига кириб келди. Уй муборак, деб танишган бўлишди. Шу пайт меҳмон эркак чапанирок эканми, йигитнинг отасини сўроққа тутиб қолди:

– Ўғлингиз уйланганми?

– Йўқ.

– Унаштирганмисиз?

– Йўқ.

– Унда биз ўғлингизга харидор...

– Харидор?

– Мени бир мастура қизим бор, бозори қизиб, совчи устига совчи келиб ётибди, хаёлимда униси ўпоқ, буниси сўпоқ. Менга худди сизнинг ўғлингизга ўхшаган танишми-нотанишми ишқилиб, аёлларнинг шаънини ўйлайдиган, ҳимоя қиладиган куёвтурра керак, хўп десангиз куда бўлсак... Камига аёл йигитнинг эрталабки гапларни айтиб берди. Шундан кейингина йигитнинг ота-онаси нима гаплигини тушуниб етдилар.

Хуллас, тўй бўлди. Тўйнинг таърифи оғиздан-оғизга ўтиб, мана сизларга ҳам етиб келди...

## ЗИЁРАТ

Отанинг кампири оламдан ўтиб қолди. Таъзия ва маъракаларидан кейин ота фарзандлари билан кабристон зиёратига борди. Ичкари киргач нимагадир у киши йўлни бошқа ёққа қараб солди.

– Адажон, ойим бу ёқда ётибдилар, – деди катта ўғил, адашиб қолдилармикан деган хаёлда. Ота адашмаган эди. Орқамдан юринглар, дегандек ишора қилди. Бир жойга борганда фарзандлар отанинг ниятини пайкаб қолишди. Оналари тириклигида шу ердаги қабр бошига келиб, симсим йиғлаб, тиловат қилардилар. Бу ерда марҳуманинг ота-онаси ётарди. Ота Куръон тушириб бўлгач, оҳиста деди:

– Онамни руҳи шод бўлсин десангиз, олдин у кишини дунёга келтириб, катта қилган ота-онасини зиёрат қилинглар, қабрга қараб, гул-пул экадиган бўлсангиз ҳам худди шундай. Шундагина онажонинглар қабрида беҳижолат, сизлардан рози бўлган ҳолда ётадилар. Энди юринглар, у кишининг зиёратига борайлик...

## ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

Ҳиш кунлари ҳам тоғдаги боғҳовлига борадиган одатим бор. Шаҳарга қайтишдан олдин, навбатдаги боришимизга сандал учун тараша ўтинлар тайёрлаб қўяман. Чўғи сандалга солинадию ўтириши билан одамнинг танаси яйраб кетади. Бўғинлар юмшайди. Шуларни орзулаб борсак, тайёрлаб қўйган ўтиним йўқ. Ҳа, уйимга ўғри тушибди. Атрофга аланглаб, симдевор оша қўшни томонга кўзим тушиб қолди. Ҳовли бесаранжом, ҳаммаёк қора куя, куллар сочилган. Хойнаҳой темир ўчоқда овқат қилишган, ортиб қолган бир-иккита тараша кўзимга иссиқ босилди. Қўшним яхши йигит, аммо кўнгли бўш, ўртоқлари тоққа чиқиб чанғи учиб келамиз, деган бўлса, калитни бериб юборган...

– Дунёда қанақа одамлар бора, бировникини сўрамай-нетмай ҳам оладими, ҳеч жаҳонда? – деб кампирим жиғиллади.

– Зап гапирасанда, кимдан сўрайди, биз шаҳарда бўлсак? – дедим кулиб.

– Йўфакан деб, бировнинг ҳовлисига тушаверадими, ахир, бу харомку?

Кампиримнинг бир оғиз “харомку” деган сўзидан кейин миямга бир фикр урилдию, шошиб қолдим. Қўл телефонимдан дарровда кўшнимга кўнғирок қилдим. Боғҳовлидалигимни айтиб, дачасига кимлар келганини сўрадим. Нозикрок ўртоқларим эди, тинчликми, деб хавотирланди.

– Тинчлик, лекин ўша ўртоқларинг ҳовлимга тушиб, ўтин ўғирлашибди, ўғирлик ўтинга пишган овкат харом бўлади, шундан кейин зурриёд бўлиб қолса борми, у катта бўлганда қўли эгри, ўғри бўлади...

У гапимни охиригача эшитмай, хўп десам, пул ёки бир машина ўтин тушириб берадиган бўлди.

– Гапимни охиригача эшит, – дедим жаҳлим чиқиб, менга сенинг пулинг ҳам, ўтининг ҳам керакмас, мен ўша ўтинга розиман, ҳа, мингдан-минг розиман, шуни уларга айтиб қўйсанг бўлди, олам гулистон, ҳалқуми тозаради, – дедим.

– Ҳа-а, гап бу ёкда денг, – деди у енгил тортиб, бўпти, айтиб қўяман, албатта, айтаман.

## ШАҲАРЛИК КЕЛИН

*Ш*аҳардан қишлоққа келин тушди. Орадан бир ой ўтказиб, дугоналари келинпошшани йўқлаб келмоқчи бўлдилар. Йўлда бора туриб, у ҳақда гап кетди:

– Шундоқ илмли қиз қишлоққа увол бўлди-де, – деди биттаси юракдан ачиниб.

Ҳа, биз тўрт йилда битта ажнабий тилни зўрға ўрганганда, у тўрт-бештасини қойил қилиб ташлади-я, воҳ... иқтидорига домлалар ҳам тан берарди. Институтда обқолмоқчиам бўлишди-я...

– Севгининг кўзи кўр бўлади, деганлари шу эканда...

– Қишлоқда нима қиляптийкан, билдиларингми?

– Ойисининг айтишича, мактабда жой йўғакан, аммо куёвбола бир ҳафта, ўн кунда деҳқончилигимиздан деб, асалдан тортиб, сарёғ, сут-қатик, тухумгача ташлаб кетишидан эри билан фермерлик қиляпти шекилли.

– Эссиз ўрганган инглиз, олмон, форс, япон, рус, малай тиллари, бари савил қобди-да, шуғулланмагандан кейин эсдан чиқиб кетади.

– Фермерлик қивотган бўса, энди ҳайвонлар тилини ўрганаётган бўлса керак, у тил жинниси...

Улар келинпошшаникига келиб, ҳангу-манг бўлиб қолдилар. Уни, товукхонаданми, молхонаданми чиқиб келса керак деб ўйлашган эди. Аксинча, келинпошша бир уйда тўрт-беш болага олмончадан дарс берарди. Келганларини билдириб, уни ишдан қолдирмадилар. Қайнонанинг қистови билан ичкари уйга кирдилар.

– Ўрисчани ўрганаётган болалар ҳозиргина келиб кетишди, – деди қайнонаси келинидан мамнун бўлиб, – ҳозирчилари немис тилига қизиқадиганлари, ҳали инглизчасига келишади, Малайзияга бориб ишлайман деган икки бирдек йигитам бор, уларга малай тилини ўргатади, барака топгур, яна денглар, – деб кулди қайнона, – туманимизда учта ишбилармон япон боракан, уларга ўзбек тилини ўргатади, келинимни бош қашишга вақти йўқ, шу форс тилисигина етим бўлиб турибди-да, ана шунақа, ҳовлимиз институтга ўхшаб қолган, кизларим...

– Биз бўлсак уни фермерлик қиляпти деб юрибмиз, опоки.

– Фермердан қолишадиган жойимиз йўқ-да, айланайлар, – кулди қайнона, товук бокмаймиз, лекин тухумимиз тайин, сигир, бузоғимиз йўқ, бироқ сут-қатик, қаймоқ узилмайди. Келинимиз, барака топкур, тил ўргатганига пул олмайди, кимнинг хонадонида қанақа имконияти бўлса шунга кўнаверади. Қассоб гўштдан, асаларичи асалдан, деҳқон деҳқончиликдан дегандек... Бу келинмас эртақдаги “очил дастурхон”, деди қайнона. Ҳаммалари яйраб кулишди.

## ЖИГАРЛАР

Аканинг ишлари юришгандан юришарди. У қишлоқда гўшт, сут етиштирадиган фермалар ташкил қилган, уларни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш учун турли-туман цехлар очган, цехларнинг ишга тушиши қишлоқда байрам бўлиб кетарди. Ош берилар, ёши улуғларга тўнлар кийдириларди. Баҳор кезлари, илик узилди пайтларда дошқозонларда ҳалим пиширилиб, хонадонларга тарқатиларди. Салдаёқ ака кимсан – сахий, фалончи тadbиркор бўлиб эл оғзига тушди.

Ука бўлмиш ойликчи эди, камтарона яшар, аканининг ютуқларидан беҳад кувонар, у уюштирган издаҳомларда оёқ-қўл бўлиб хизмат қиларди. Баъзилар акангни бирорта цехини юргизсангчи, ойликка қараб ўтиргунча, деб ақл ўргатган бўларди. Ука бўлса бунақа ишларга менда уқув йўқдир-да, кейин ака-ука бир жойда ишлаш ноқулай бўлса керакда, деб ўз аравасини ўзи тортиб юраверарди. Лекин бир эмас, икки ўғли мактабни битириб, шартнома билан ўқишга кирди-ю, дўпписи тор келиб қолди. Аммо ичида акасига ишонди. Етти ёт бегоналарга ҳомийлик қиляптиларку, ўз жигарларига бефарқ бўлмаслар? Хотини:

– Тортинчоғлик қилманг, муллакамдан ёрдам сўранг, бола йиғламаса она сут бермайди, – деб қистади.

– Бу гап мендан олдин акамнинг қулоғига етиб борган, иложи йўқдирки, индамаяптилар, – деб ука истиҳола қилиб, аканинг олдига бормади.

– Шу, бошим кал – кўнглим нозиклардансизда, – деб хотини ачитди.

Ахири бировдан узоқроқ муддатга қарз олиб, шартнома пулларини тўлади. Ука ўйлаб қараса, ойликдан ошириб, айтган муддатда қарзини тўлай олмас экан. Ҳали ўқишнинг кейинги йиллари ҳам бор. Ишончли

фирма билан келишиб, четга ўрмон кесгани борадиган бўлди. Бундан ҳам аканинг хабари бўлди, аммо “қўй, ука”, демади. “Бир қориндан талашиб тушган жигарига қайишмаган бунақа сахий акадан ўргилдим, юртга ош бериб, тўн кийдириб, ҳалим тарқатгунча жигарингга карашмайсанми, номард”, дегувчилар бўлди. “Ҳа, олдин хеш – кейин дарвеш!” “Мабодо ўгаймасмисизлар”, деб хотини ҳам ачитиб олди. Баъзилар: “Акаси тўғри килади, бу дунёда ҳамма ўз бошига тушган корни ўзи кураши керак”, дерди. Хуллас, ака кимсан – фалончи, деб оғизга тушмаганда бу гаплар урчимаган ҳам бўларди.

Шундай қилиб, ука фарзандлари ўқишни битиргунча ўрмон кесиб, пул жўнатиб турди. Бу пайтда нимагадир аканинг ишлари оркага кетди. Атрофда янги заводчалар қурилиб, унинг маҳсулотлари ўтмай қолди. Цехлари бир уюм, бир уюм темир-терсакка айланди-қолди. Бир айлантирганни – чир айлантирар, деб бола-чақали ўғли автоҳалокатга учраб, учта невараси етим қолди. Бу ташвишни хотини кўтара олмай, тузалмас, оғир дардга чалинди. Ука шундоқ гуриллаб турган акасининг бирдан ўчиб қолганига ачинди, лекин кўлидан нима ҳам келарди.

Бир куни аканинг кичик ўғли унга кўнғироқ қилди. Адаси қон қусиб ётганмиш. У ишини ташлаб, етиб келди. Дўхтирлар билан гаплашди. Жигар тугаяпти экан. Жарроҳлик амалиётигина акани олиб қолиши мумкин экан. Амалиётнинг энг арзони Ҳиндистондамиш. У ҳам кўкида анча-мунча тураркан. Пулга чақиладиган бор нарсани сотиб, амалиётга яраша захира тўплашди. Лекин яна муаммо чикди, донорнинг нархи ҳам жарроҳлик амалиёти билан бир хил нархда экан. Энди нима қиламиз? Ука ҳеч иккиланмай жигаргўшаси – акажонисига жигарини берадиган бўлди... Эшитганлар ох, деб юборди, ука ҳам ногирон бўлиб қолмасайди...

## ҚАБРИСТОНДА ЎҒРИ

Опа-ука Фотима билан Хусан қабристонга оналарининг зиёратига боришди. Қабр тошига кўнган чангни артиб-суртиб, Қуръон ўқиб, қабр бошидан кетгилари келмай, ўтириб қолдилар.

– Онажоним олти фарзанд катта қилган бўлсаларда, жудаям адолатли эдилар, биримизни ортиқ, биримизни кам кўрмасдилар, жойлари жаннатдан бўлсин, – деди Хусан хўрсиниб.

– Гўдаклигимизда қизиқ бўлганакан, – деди Фотима, иккаламиз ўртаси бўлинган битта беланчакда ётар эканмиз, сен ювош экансан, йиғламасақансан, мени бўлса тез-тез қорним очиб, йиғлайверарканман. Охири овозимдан сенам уйғониб кетиб, йиғлашга тушаркансан. Шундан кейингина онамлар келиб эмизарканлар. Йиғлаяпти, деб мени бир марта бўлса ҳам ортиқ эмизмасақанлар. Буни мен сезиб, қолиб, юзингга уриб, йиғлатадиган бўпман. Буни онам кўриб қолиб, беланчагимизни ўша куниек ажратган эканлар...

Улар беозоргина кулишди. Онажонларининг кўплаб меҳрибонликларини эслашди. Ҳа, қабристон эслайдиган, эслатадиган жой. Бошқа пайтда иш, турмуш ташвишлари дегандек... Ниҳоят, эгизаклар биз яхшимиз, сизам яхши ётинг онажон, деб кетишга чоғландилар. Шу пайт Фотима сумкасини кўйган жойидан тополмай қолди. Укам уёқ-буёққа олиб кўйдимикан деб ундан сўради.

– Сумкангизни кўрмадим, яхшилаб қаранг, – деди Хусан.

– Йўқ-да, манави ерга кўйган эдим, – деб йўлакнинг четини кўрсатди Фотима.

Хусан хайрон бўлиб, атрофга кўз югуртирди. Нариберида ўзларига ўхшаган зиёратчилар кўринди.

– Ичида паспортим, қўл телефоним, пул, пластик карточкам бориди, ука, биров обкетган бўлса-я? – калалаги учди Фотиманинг.

– Нималар деяпсиз, бу ер қабристон-а, опа?

– Шунга ҳайрон бўляпманда, укажон.

Тавба, бировдан сўраш ҳам нокулай бу ерда, бошлари қотди уларнинг.

Нима қилишларини билмай, йўлак чеккасидаги ўриндикка ўтириб қолишди. Уларни қийнаётган нарса паспорт масаласи эди. Қўл телефону пуллар сатқан сар.

Шу пайт анча наридан биров: “Ҳов эркаклар, ким бор, бу ёкка келинлар”, деб ташвишли овоз бериб қолди. Ҳусан тура солиб, ўша ёкка шошилди. Фотима яна бошқатдан атрофни қараган бўлди. Қайдадир ит ҳуриди. Наҳотки ит кўтариб кетган бўлса?

Бир оздан кейин Ҳусан қайтиб келди. Қўлида Фотиманинг сумкаси.

– Вой мени сумкамми, укажон ҳозиргина кўнглимдан ўтиб турувди, ит кўтариб кетган экан-да?

– Қанийди шундай бўлса, кўрингчи нарсаларингиз жойидамикан?

Фотима севиниб, дарровда сумкасини титиб чиқди. Ҳаммаси жойида.

– Қаттан топтинг, укажон?

– Сумкани ростданам ўғри урган экан, у қабристоннинг орқа тарафидан чиқиб кетмоқчи бўлганми, ишқилиб, гўр ўпирилиб тузоққа тушиб, камига ўпирилган жойнинг қабр тоши сурилиб, нақ кўкрагидан сиқиб қопти. Тошни кўплашиб кўтариб, чиқариб олдик. Ёнида сумкангизни кўриб, олиб келавердим.

– Вой ўлай, ўғри ўлиб қоптими, укажон? – ачинди Фотима.

– Э, унақаларга ачинманг, юринг кетдик...

## БИРОВ...

Беҳзод Темирйўлчилар коллежини битираётганда устози бир сирни очиб қўйди. Маълум бўлишича, устози марҳум адасининг яқин дўсти бўлган экан. Уч

йилдан бери айтмай келаётган экан. Бехзоднинг бува-си, бувиси, амма ва амакилари бор экан, шаҳарнинг номдор маҳаллаларидан бирида яшашаркан. Бойбадавлат одамлар экан. Буни Бехзод билмасди. Она-си айтмай яшириб келаётган экан. Энди катта йигит бўпти, онаси хохламаса ҳам қариндошларини топи-ши керак экан. Бехзоднинг боши ғовлаб кетди. Онаси отанг ҳам етимча эди, менам етимча эдим, иккита етимча топишиб, турмуш қургандик. Чақалоқлигингда отанг тузалмас дардга чалиниб ўлиб кетди, сенинг ҳам пешанангга етимлик ёзилган экан, дерди. Ҳали-ханузгача уларнинг уй-жойи йўқ, ижарада яшаб кели-шарди. Онаси оқсочлик қиларди.

Бехзод туртиниб-суртиниб, бировларнинг қоши-қовоғига қараб ўсгани учунми, анча мулоҳазали йи-гит бўлган эди. Шунинг учун устозидан эшитган гап-лар ҳақида онасига айтиб ўтормади. Устози айтган маҳаллага бориб, хашаматли дарвозанинг тугмачаси-ни босди. Эшикни онасига ўхшаган бир хотин очди. Қўлидаги супургиси ва кийим бошининг юпинлигидан оқсоч бўлса керак, деб ўйлади. Бехзод марҳум адаси-нинг исмини айтиб, ўзини танитди. Аёлнинг қўлидан супургиси тушиб кетди, бир аҳволга тушди.

– Воҳ, сиз ҳаққингизда ҳечам эшитмагандим, бал-ки адашгандирсиз, мен бекамдан сўраб чиқайчи, – деб ичкари кириб кетди.

Бир оздан кейин аёл қайтиб чиқиб, уни ҳовлига бошлади. Бехзод оқсоч онасининг орқасида юравериб бунақа хашаматли ҳовлиларни кўп кўрган, шунга ун-чалик ҳайрон бўлмади. Ҳовлининг нариги бошидан бир кекса одам ялтироқ аравачада унга қараб келавер-ди. Бехзод бу киши бувам бўлсалар керак, деб у томон илдам юрди ва салом берди. Шу пайт чолнинг кўзлари ҳайратдан аланг-жалапг бўлиб, ногиронлар аравачаси-дан туриб кетай деди.

– Ҳалча, Ҳалча, деяпман, – деб бақирганича Бех-зодга кучоқ очди чол, – буни кара, ўглинг Қудратилла тирилиб кепти, тирилиб...

Чол Бехзодни бағрига босиб, ёш боладек чўлп-чўлп юзларидан ўпар, кўзларидан оқаётган шашкатор ёшларини тия олмасди. Аммо бувиси бувасидек аҳволга тушмади. Уни олдин сўраб-суриштириб невараси эканига ишонч хосил қилгач:

– Онанг катта йигит бўлдинг, бор энди ҳақингни талаб қил деб юборибди-да, – деди, – аммо билиб қўй, онанг сенга аталган меросни аллақачонлар олиб бўлган, ҳа, уй олиб бермоқчи бўлган пулимизни ўғирлаган, шундан кейин уни уйдан хайдаб юборганмиз, онангга айт, бошқа хомтама бўлмасин.

– Ҳов, Ҳалча, нималар деяпсан, ўтган ишга саловат, ўша ёмон келининг болангинг боласини сумбатдек қилиб, олдинга юборибдику, яна нима керак сенга, уй-жойларни гўрингга обкетасанми, бир жонлик атаворсангчи унинг ўрнига...

– Эй, мияси айниган чол, тинчгина юрганда бошимни ғалвага тикманг...

Бехзод ховлидан тезроқ чиқиб кетишни ўйларди. Чол кўлларига ёпишиб, қўйиб юбормас, уни бошқа кўролмай қолишидан кўркарди. Охири чол қўйин чўнтагидан бир даста пул чиқардида:

– Ма болам, кеп тур, бувингни гапига эътибор кима, бўйларингдан ўргилай сени, бир томчи сувдек отангни ўзи бўбсан, – деди.

– Йўк, – деди Бехзод, – онамлар етимча деб бировлар пул тикиштира олмагин, деганлар, олмайман.

– Мен бировмасман, болам, ундай дема...

Бехзод ҳашамдор ховлидан қандай қилиб чиқиб кетганини билмай қолди. Чикдию, худди қафасдан қутилгандек бўлди. Онасига тухмат қилиб, ҳеч нарсасиз хайдаб юборишганини ҳам тушуниб етди. Бўлиб ўтган бу воқеа ҳақида онасига ҳам, коллеждаги устозига ҳам чурқ этмади.

## РЎЗАДОРНИНГ ДУОСИ

Тўлқинжон такси хайдайди. У паккага бориб турди. Бу ерда навбат деган нарса бўлмайди, пулига келишдими бас, кетаверишади. Кўриб турибди, бир отахон олд тарафдан таксичиларга бир-бир учраб келяпти. Чолнинг борадиган жойи узоқ, ё пулга зикналик қияпти. Охири ота унгача етиб келди.

– Ассалому алайкум, отахон, хўш хизмат? – деди у одагий мулозамат билан.

– Жанозага келовдим, болам, автобусга тоқат йўқ, нафас қисади, – деди у шундоғам қийналиб нафас оларкан.

– Бунинг устига рўзаям тутгандирсиз? – кулди Тўлқинжон.

– Ҳа, рамазондан ўргилай, унга етмаганлар қанча.

– Хўш, нима қил дейсиз?

– Нима дейишимни билиб турибсизу, болам.

– Автобуснинг пулига, шунақами?

– Шунақа.

– Бўлти ўтиринг, эрталабда бир дуоингизни олай.

Сал юрмай иккита аёл қўл кўтарди. Шаҳарнинг чеккасини айтиб, нархига қийишмади. У отани манзилига етказиб, сизники табаррук деб, автобусга деб қўйган пулини олди, шундай қилса ота хурсанд бўлишини ўйлади. Чол дуо қилди, “мендан қайтмаса Худодан қайтсин”.

– Албатта қайтади, – деди Тўлқинжон қувноклик билан.

– Вой ўлай, шундан шунга шуми? – жовуллади йўловчи аёллар, бунча қурумсоқ бўлмаса бу чоллар.

Нимагадир ота тушиб кетгандан кейин машинага қанот битти. Йўллар ҳам равон бўлиб қолгандек. Чорраҳалар очиқ. Хизр бувага йўликқан бўлсалар-а? У мижозларни манзилга етказиб, таксичилар тўхтайдиган жойда бир оз нафас ростлаб, кейин орқага қайтмоқчи бўлди. Кун қизиб, йўл тафти уриб, одамни лоҳас қила бошлаган эди.

– Ҳов окоси, – деди таксичилардан бири, – мижозингни олиб келдингми, энди аланг-жаланг қилмай, туёғингни шиқиллат, эртадан бери пашша кўриб ўтирибмиз, билсанг...

Тўлқинжон “хўп” дедию йўлга тушди. Шу пайт тор кўчадан бир йигит чопа чиқиб, кўл кўтарди.

– Жон ака, – деди йигит, ялингудек бўлиб, – иккита меҳмоним бор, ярим соатда аэропортга етказиш керак, Москва билан Тошкент вақтини адаштириб қўйибмиз, ҳақиқа гап йўқ.

– Ярим соат-да, – деб соатига қаради Тўлқинжон, бояги йўлдаги равонликни эслаб, – Худо йўлни очса, ҳеч гапмас, – деди.

Ҳа, Худо йўлини очди. Меҳмонлар учоқдан кеч қолмади. Тўлқинжон кун бўйи топадиган насибани ярим кундаёқ топди-қўйди. Ҳа, ога айтгандек унга Худодан қайтди...

## ТАҚДИР ПИЧОҒИ

*Б*ир танишим бор эди. Юрак хуружига учраб оламдан ўтиб қолди. Таъзиясига боряпману ўйлайман: дўконлар очиб, роса гуриллади, кейин “синди,” мана энди ўзи ҳам “синиб”ди. Нимага шундай бўлди? У қаерда ҳатога йўл қўйди? Хаёлимга бир ривоят келди. Ўртаҳол бир хонадоннинг сигири бўлади. Жониворни ҳар куни эрта билан соғиб олиб, далага ҳайдашади. Бузоқчаси сутга тўймай мараганича орқасидан бўзлаб қолади. Сигир шу бугун боламни сутга тўйдирмасамми, деб ўт қидириб кетади. Кеч бўлиб, бузоқчасини соғиниб уйга қайтганда озгина кенакка алданиб, боласини унутади ва эгаси бор сутини соғиб олади. Боласи яна она сутига тўймай бўзлаб қолаверади. Ҳар куни аҳвол шу. Охири бундай яшаш сигирнинг жонига тегибди. Исён кўтариб, бир челақ сутни тепиб, тўкиб юборибди. Бу ҳол эртасига ҳам, индинига ҳам такрорланибди. Бека сигири қилиқ чиқарганидан эрига шикоят кепти.

– Бўпти, депти эри, – энди сигирни далага ҳайдамай, уйда боқамиз.

Сигир бундоқ қараса, ҳаёт бошқачамиш. Егани олдида, емагани кетида. Охур тўла ем. Боласи ҳам биккидек, бўлиб семириб ётибди. “Эй мол, – депти сигир ўзига-ўзи, – шу киликни олдинроқ қилсанг бўлмасмиди, воҳ бир чимдим ўт излаб юрган кунларим-а?” Сигир сал кунда семириб, йилтиллаб кетибди.

Кунлардан бир кун у бундоқ қараса оёқлари боғлиқ, тепшасида пичоқ қайраб қассоб турганмиш. Оҳ, – дебди у бир чимдим ўт қидириб юрган пайтларини эслаб, – ўша кунларим қандоқ бахтли кунлар экан-а, аттанг...

Дўстим ҳам худди шу сигирнинг ҳолига тушган эди. Охир-оқибат тақдир пичоғи бошида яраклаганда, кеч бўлган эди...

## ЖАННАТИ АДАЖОН

*М*обут одамлар елкасида қўлма-қўл борар, бир қизалоқ нималар бўлаётганини тушунмай “адажон, менам бораман”, деб эргашиб йиғламагани ҳам йиғлатарди. Гўдак отасини қаерга олиб кетишаётганини билганда шундай дермиди? Маййитни қабристонга қўйиб келдик ҳамки гўдак йиғидан тўхтамаган, ҳар бир эркакка ёпишиб, адажонисини сўрарди: “Адажоним кани, нимага сизлар билан келмади?” Аммо ҳеч ким унга адажонингни кўмиб келдик, дея олмасди. Юрагим тўлиб, сабрим чидамай, унга бир нималар дегим келди. Аста бориб, қизчанинг қўлидан тутдим. У умид билан менга тикилди. Кўзларининг ичи қизариб, юраги куйиб, лаблари ёрилиб кетибди. Бир чеккага бошладим. У саволларига жавоб берадиган одамни топиб олгандек жон деб менга эргашди. Сув ичирдим, сал ўзига келди. Пинжимга тикилиб, оғир хўрсинди.

– Худони биласанми, кизим? – деб бармоқларим

билан сочларини тарадим. У менга шошиб қаради-да:

– Худо бигга, адажоним айтган, – деди бийронгина қилиб.

– Адажонинг шунақа деган бўлса, барака топсин, у жаннати одам экан, – дедим, – эслаб кўрчи адажонинг яна нималар деган?

– Худо айтганини қилиш керак...

Сухбатимиз Аллохдан бошлангач аста-секин қалов топа бошлади.

– Э, баракалла, – дедим астойдил қувониб, – сен мен ўйлагандан ҳам ақлли қиз экансан. Адажонинг тўғри айтибди. Худонинг айтганини ҳамма қилиши керак. Мана, Худо адажонингни олдига чақирди. Адажонинг хўп деб кетди.

– Лолани адасини нимага чақирмади. Воҳидни ада-си юрибди-ку, – қайта пиқиллашга тушди қизча.

– Унақа деб бўлмайдиди, қизалоғим. Худо ўзи хохлаган одамларини чақириб олади, сенинг адажонингни хохлабдим, шунга чақириб олди-да.

– Худо адажонимми яхши кўрадимми?

– Бўлмасамчи, сендек қизчасига Худони танита-дию ёмон кўрадимми?

– Дода, – деди у эркаланиб, Худо жаннатда туради-ми?

– Воҳ, жаннатниям биласанми?

– Биламан, адажоним айтганлар, Худонинг айтганини қилсанг, жаннатга тушасан деганлар...

– Айтдим-ку, адажонинг ростанам жаннати экан.

– Дода, адажоним қайтиб келадими?

– Ана холос, жаннатга ҳамма кирсам дейдию, сен қайтиб келишни хоҳлайсанми?

– У ерда адажоним касал бўмайдими?

– Бўмайди!

– Ойим билан кўргани борамизми?

– Худо хоҳласа борасизлар, қизим...

– Қачон борамиз?

– Худо чақирганда-да, асалим.

- Качон чақиради?
- Унисини билмадим, качон чақирришни Худонинг ўзи билади.
- Дода?
- Лаббай, кизим.
- Лола билан Воҳид адажонимни сўрашса жаннатга кетган, дейми?
- Ҳа, ҳа... шундай дегин, албатта, шундай дегин, доно кизим. – Энди менга айтчи, адажониси жаннатга кетган кизлар йиғлайдими, йиғламайдими?
- У иккиланиброк бош кимирлатди. Йиғламасликка ваъдасини олдим.
- Уч кун аза ичида кизчани кузатдим. У йиғламади.

### **РАМАЗОННИ КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?**

*У*здаҳомда эдик, бир йигит секин ёнидаги дўстидан сўраб қолди:

- Отпуска қилмадингми ҳали, ўртоқ?
- Рамазонда олмоқчиман.
- Ие, иш пайти яхшимасми, қайтага кун ўтганини билмай қоласан?

Бу суҳбатга биров эътибор қилди, биров йўқ. Аммо моҳи рамазоннинг муборак номи каминага бир воқеани эслатиб юборди.

Ҳа бир киши бировдан қарздор бўлиб қолган эди. “Худо хоҳласа, қарзимни рамазонгача узаман”, деб қарз берганни ишонтирди у. Аммо рамазон яқинлашгани сари безовта бўла бошлади. Сабаби пулни топа олмаган эди. Ўттиз кун рўзани қарз-ҳаволасиз, тинчгина тутишни орзулаган эди-да. Лекин осмон узоқ, ер қаттиқ, деганларидек... Рўзғорда ҳам пулга чақадиган ҳеч вақо йўқ. Рамазонга уч кун қолганда унинг дардидан хабар топган дўсти келиб:

- Ўзимда бўлса қанийди, лекин бир танишимдан обериб туришим мумкин, – деди уни ноқулай

ахволдан куткармоқчи бўлиб, – ваъда бериб қўйгансан ахир, ваъдага вафо қилиш керак.

Дўстининг меҳрибончилигидан унинг кўнгли бир ёришдию, аммо унамади.

– Йўк, дўстим, – деди қатъий, бировнинг дўписини бировга кийдириш дурустмас. Худо кўриб турибдику, яхшиси ҳожатимни чиқарган одамга узримни айтиб, муддатини орқароққа чўздираман. Йўк деса унда сенинг айтганингни қиламиз.

У иложсизлигини айтгани қарз берувчиникига отланиб турганда нотаниш бир киши уни сўраб келиб қолди.

– Мен, – деди у ўзини танитиб, – сизга пул олиб бериб турмоқчи бўлган дўстингизни дўстиман. Дўстингиз пулни мендан олиб, сизга бермоқчи эди. Жавобингиздан мен кўп таъсирландим. Тўғри, бу дунёда бировнинг дўписини бировга кийдириб юрганлар сон мингта, аммо бировнинг этаги билан бировнинг айбини ёпиб бўлмайди, хуллас, гап бундай, сиз мен кидирган одам экансиз, закот қарздорларга берилса савоби катта бўлади, деб эшитганман, закотимни олиб, дуо қилинг...

У закотдорга миннатдорчилик билдириб, Аллоҳга шукроналар айтиб, уни қарз берган одамга тезроқ етказай деб кўчага чиққан эди, унинг ўзи машинасида келиб қолди.

– Узр, деди у ерга қараб, сизни келишга мажбур қилиб қўйдим, энди отланиб хузурингизга бораётган эдим.

– Хижолат бўлмасинлар, мен қарзимни сўраб келмадим, ундан воз кечганимни айтиб қўйгани келдим, рамазон муборак бўлсин, – деб машинасига ўтирдию жўнаворди.

У орқасидан ҳай-ҳайлаганича қолаверди. Яратгани кудратини қаранг, бир кунда ҳам қарздан кутулиб, ҳам закотдор бўлиб қолса-я.

## БОЛАКАЙ

*Ш*ом туша бошлаган сари буви шўрликнинг юраги безиллайдиган бўлиб қолди. Набираси нуқул хархаша қилади:

– Бувижон, жон бувижон, Худодан сўранг, ойимлар шу бугун тушимга кирсинлар, жудаям соғиниб кетдим.

Бола бувижонисининг қўлидан ҳамма нарса келади деб ўйлайди. Шундоқ ҳам тўкилиб юрган буви шўрлик баттар тўкилади. Ҳаҳ боласи тушмагур-а, у сенинг онанг бўлса, менинг болам-ку, Унинг ўрнига менинг жонимни олиб, у яшаса бўлмасмиди.

Бир куни набира мактабдан хадеганда уйга қайтавермади. Буви бечора чопачопа мактабга борди. У ердан топмади. Ўртоқлариникига бир-бир бош сукди. Уйга қайтса, ҳар тугул келиб турган экан.

– Қайларда қолиб кетдинг, болам, бунақада мени адоёи тамом қиласанку, – койиган бўлди буви.

– Ойимми олдига бордим, – деди бола.

– Вой ўлмасам... – кўрқиб кетди буви, гўристонга-я, у ёқда нима қилдинг?

– Аҳрор ўртоғим айтдики, – деб бола жим бўлиб қолди.

– Нима деди, Аҳрор ўртоғини?

– Ойингни гўрига бориб, кўзингни юмиб ўтирсанг кўзингга кўринади, деди...

– Вой ўлмасам, кейин бордингми?

– Бордим, битта амаки бетга юрма, деб хайдаворди.

– Шунақайкан менга айтмайсанми, болам, бирга борардик. Кўркмадингми, болам?

– Нимага кўркаман, ахир у ерда ойимлар ётибдиларку.

Шу куни болакай мириқиб ухлади. Буни буви сездди.

– Яхши ухлаб турдингми, болажоним, – деб орқа вошларини силаб эркалади.

– Ҳа бувижон, бугун яхши ухладим.

## ХУДОЙИМНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛГАН КОМПЬЮТЕР

Назира хола хусусий шифохонада даволанди. Кушдек енгил тортиб, қон босимлари жойига тушди. Бироқ дори-дармон сарф-харажатлар ҳақидаги тўлов қоғозини қўлига тутқазिशганида капалаги учди.

– Ахир бу мени уч ойлик пенса пулимку, болам, – деди дўхтирга қараб.

– Майли, сиқилманг, бувижон, – деди дўхтир, – ҳозир тўлаб кетинг, демаялмиз, уч ой ичида обкелиб берсангиз бўлди, иложсизларга шунақа имтиёзимиз бор.

– Вой, иссиқ жон, ўлиб қолсам нима бўлади, болам.

Дўхтир ўзини тутолмай кулиб юборди:

– Ўлмайтурсиз-да, бувижон.

Назира хола уйга келиб, у-бу нарсани пулга чақиб кўрди. Илинадиган ҳеч вақо қолмапти. Дард ўлсин, ҳамма нарсани еб тугатади. Қизига айтолмайди, куёвидан истиҳола қилади, жўжа бирдек жон. Холага бир нарса нашъа қилиб кетди. Тавба, бир дарддан кутулиб иккинчисига тутилса-я! Дунёнинг ишлари қизиқ эканда. Хохласанг унисини ол, хохласанг бунисини. Аммо буниси ёмон дард, тегирмон тошидек эзиб туради. Бўйнида қарз билан ўлиб кетишдан Худонинг Ўзи асрасин... Дўхтирам қизиқчи одам экан, ўлмайтурсиз, дейди-я. Бунинг иложи борақанми? Аммо-лекин инсофли одамлар экан. Тўлаш муддатини уч ойга чўзиб беришдику...

Эртасига почтальон нафақа пулини олиб келди.

– Вой, нима қиляпсан, болам, бу менинг пулиммас, – деди хайрон бўлиб хола.

– Исми-шарифингизни ёзиб кўйишибдику, сиззики бўлмай яна киммики бўларди, бўлаколинг, хали кирадиган уйларим кўп, – шоширди у.

Назира хола пулни олиб, санаб кўрса нақ уч ойлик пенсаси экан. Шифохонадагилар пенса берадиганлар билан боғланибди-да, мени сиқилиб яна касал бўлиб қолмасин дейишибди-да, вой барака топкурларей... Яхши одамлар кўпда дунёда...

Назира хола пулнинг тахини бузмай шифохонага элтиб топширди. Уйга келганида кўнғироқ бўлиб қолди. Энди уч ой нафақа пули олмай турар эканлар. Компьютер адашиб, уч ойлик нафакани олдиндан бериб юборганмиш.

– Вой кампютерийлардан айланай, уни уришиб юрманглар яна, у янглишмаган, Худойимнинг айтганини қилган, ҳа...

### **КИТОБ ЭГАСИ НЕГА ЙИҒЛАДИ?**

*Н*асибахоннинг тушига бувиси раҳматли кирибди. Катта бир маъракадамишлар. Кўлларида китоб, нукул овоз чиқариб ўқирмишлар. Атрофида ўтирган хотинлар “Ҳа, ўқинг, ўқинг-а, отин ойи...” деб қисташармиш. Насибахон китобни танибди. У китоб сандикда кулфлоглик турарди. Сочи жамалак пайтлари эди. Бувиси китобни кечалари ҳамма ухлаганда, ё кундуз кунлари уйда ҳеч ким бўлмаганда ўқирдилар. Ҳовлида салгина бегона шарпа сезсалар, дарровда яширишга шошилардилар. Бугун нечук кўркмаяптилар, яна издаҳомда баралла овоз чиқариб ўқияптилар, деб хайрон бўлармиш Насибахоним.

Уйқудан уйғондию, хаёл суриб кетди. Ўша китоб ҳали ҳам бувиси қандай кўйган бўлса шундайлигича сандикда турибди. Китоб бувисидан онасига, онасидан Насибахонга ўтди. Онаси раҳматли китоб ҳақида шундай деган эди:

– Уйидан бунака китоб чиққанларни қамашган, бо-

лам, эҳтиёт бўл, мабода пулга зориқиб қолсанг, илмли бир одамни топгинда, оғзингга сикқанича сўрайвер...

Худога шукр, юрт мустақил бўлиб, бунақа китоблар ҳам эркинликка чиқди. Лекин Насибахон уни ҳалигача бировга кўрсатгани йўқ. Пулга ҳам муҳтожлик бўлмади. У ўйлаб-ўйлаб тушидан яхши фол олди. Китоб энди сандиқда ётмай эркинликка чиқиши керак. Энди бунақа китобларни ўқийдиганлар ҳам кўпайди. Тушида китобни бувиси бекорга қатта издаҳомда ўқимадилар-ку. Бу – сандиқдан ол, болам, деган бир ишора бўлса керак.

Насибахон, китобни ўқиб кўринг-чи, деб кишлоқ имомига олиб борди. Имом китобни бир ойча ушлаб, Насибахонга қайтариб берар экан: “Масалалар китоби” экан, яхши нарсалар бор экан, фойдаландим, деди.

Китоб қайтиб сандиққа тушмади, китоб жавондан ўрин олди. Аммо шундан кейин Насибахоннинг бувиси яна тушига кирди. Раҳматли энди китобни бағрига босиб, нукул хўнг-хўнг йиғларди, холос. У бирон-бир хато иш қилиб қўйдимми, китобни имомга бермаслигим керакмиди, деган хаёлларга бориб қолди?

Насибахон китоб сандиққа қайта тушмаганидан хавотирдамиканлар, деб илгаригидек ипак матога ўраб сандиққа жойладиямки, барибир ўзгариш бўлмади. Тушларида бувиси раҳматлини безовта кўраверди.

Насибахон охири китобни олиб, шаҳарга тушди ва малрасадан бир илмли одамни топиб, воқеани баён қилди. У киши ўзида ҳам худди шунақа китоб борлигини, қолдирса, қиёслаб кўришини маълум қилди. Лекин тушнинг таъбирига келганда жўяли бир гап айтмади. Орадан бир ҳафта ўтиб, Насибахон яна шаҳарга тушди.

– Гап шундаки, – деди китобни олиб қолган киши, – варақлари орасидан яқиндагина йиртиб олинбди, қолганлари жойида, аммо шу туришда ҳам қўлланма ўрнида мадрасаларда фойдаланса бўлади.

Насибахоннинг кўз олдига кишлоқнинг имом домласи келди. Наҳотки...

Кишлоқ имоми Насибахоннинг олдида кизариб, нокулай ахволга тушди. Бунчаликка боришини кутмаган экан. Хато иш қилганини бўйнига олди. Варақларни жой-жойига қўйиб, китобни таъмирлаб берди. Насибахон уни фойдаланиш учун мадраса талабаларига қўш қўллаб топширгач, ором топти.

### **ҲУКМ ЧИҚАРИШГА БУНЧАЛАР ШОШАМИЗ-А?**

Ҳамина навбатдаги жума намозида айвонга зўрға илиниб қолдим. Мендан кейин келганлар тақир ерга жойнамоз тўшай бошладилар. Шу пайт масжид ҳовлисига оқ рангли “Ласетти” кириб келди. Ҳамма хайрон. Рулда тепакал бир киши, ёнида эса икки юзи кип-кизил, улуғ ёшли одам ўтирарди. Уларнинг отаболалиги шундоқ сезилиб турарди.

– Оббо, – деди ёнимдаги кишининг энсаси қотиб, – қўйиб берса машина билан меҳробгача чиқиб боришадди, булар.

– Тавба, одамам шунақа бефаҳм бўладими, ҳеч бўлмаса отаси бир нарса деса бўлмайдими?

Камига бир одам деразадан бошини чиқариб, овоз берди.

– Ҳов ука, жаноза бор-а...

Бу жаноза ҳовлида ўқилади, машинангни ол дегани эди.

Тепакал киши овоз берганга ҳам ён атрофдагиларга ҳам эътибор қилмай отаси ўтирган томонга айланиб ўтди-да, эшикни очиб, отасига ёрдамлашмоқчи бўлди. Ота “ўзим” дегандек унамади, ўғил сал ўзини орқага олди. Ота аввал оёқларини машинадан тушириб, кейин икки қўлини икки ёққа тираб, қаддини ростлади-да, шу туришда қўлини кўксига қўйиб ўтирганларга салом берган бўлди. Ўғли машинанинг орқа юкхонасини очиб, бир курси обкелиб отасини суябгина ўтқазди. Маълум бўлдики, ота инсулт бўлган, оёқлар

ярамай қолган. Ўғил отанинг ёнига ўзи учун жойна-  
моз солиб, машинани ташқарига олиб чиқиб қўйди.

Ох, ҳукм чиқаришга бунчалар шошамиз-а?

## АҲЛИ КИТОБЛАР

Тоғ ҳавоси салкин, куз шамоли эсади. Ёввойи олчалар, наъматаклар яланғоч шохчаларга тизилиб, “мени териб ол”, деб турибди. Тоғ олчасини жигарга даъво дейишади. Демак, қонни тозалайди. Наъматак дамламаси асабларни тинчлантиради, кайфиятни кўтаради, қон босимини туширади. Демак, юракка даъво. Кийик ўтлар хали ҳам баргини тўкмай, салгина эпкинга ўткир хид таратиб димоқни ёрай дейди. Камина Худо берган бу неъматлардан териб, тоғдаги боғ ҳовлимга тушиб келаётиб, ёшлари ўтиброк қолган иккита рус аёлга кўзим тушди. Бунақа кампирлар электр поездда атайлаб шаҳардан чиқиб келишади. Куз ҳавосида сайру саёҳат қилиб, мен мактаётган неъматлардан териб қайтишади. Бизнинг кампирлар тўй-тўркиндан бўшамайди. Кампирлар мени кўриб, тоғлик деб ўйлашди шекилли, қийналиб бўлса ҳам ўзбекчалаб салом беришди. Кейин мендан қандайдир зиёратгоҳни сўрашди. Елка қисиб, бу яқин атрофда зиёратгоҳ йўқлигини айтдим.

– Чинор деган жой борми? – сўради улардан бири.

– Бор, лекин зиёратгоҳмас, одамлар шунчаки дам олиб кетадиган жой, – дедим.

– Янглишяписиз, жаноб, одамлар ҳеч қачон бир ерга шунчакига келмайдилар. Ўша жойга Худонинг нури тушиб турган бўлади. Уларни нур чакиради. Бунақа жойда дуолар қабул бўлади, орзу ва ниятлар ушалади. Биз шаҳардан шуни деб келдик.

Рус халқи ҳамма нарсага илм кўзи билан қарайди, деган ўйда уларни Чинор чойхонаси томон йўллаб юбордим. Гапларидан бир мантиқ туйиб, улардан хурсанд бўлдим.

Эртаси куни Куръони Каримдан бир оятнинг маъно

---

*Дуо олган келинчак*

таржимасини қидираётиб, нимагадир кечаги аёлларни эсладим. “Оли Имрон” сурасининг бир юз тўқсонинчи оятида шундай дейиларди:

“Аҳли китоблар орасида туни билан сажда қилган ҳолда Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб чиқадингиз тўғри жамоа ҳам бор”.

### ТАСОДИФМИ Ё ТАҚДИР?

Ҳалимаҳон қайнонаси олиб келган кўйлакни кўриб, донг қотиб қолди. У киши касалхонада фаррош бўлиб ишлардилар. Кўйлак кўзига иссиқ босилмаганда эътибор қилмаган бўларди. Эслади, бу кўйлакнинг газламасини ўзи олиб, ўзи бичиб, ўзи тиккан. Шогирдларига ишонмаган. Кўйлак қандок қилиб қайнонасининг қўлига тушиб қолди экан? Наҳотки...

Эри ўлиб, Ҳалимаҳон бир этак бола билан тул бўлиб қолди. Чеварлик кўлидан келарди. Шу ишга шўнғиди. Қайнонаси набираларимга ҳарна ёрдам деб шифохонага фаррошликка кирди. Чеварнинг номи чиқиб, буюртмачилар кўпайди. Маҳалладаги бир бадавлат одам етимларни ўйлаб, цех очиб, сармоя ажратди. Ишлари юришгандан юришди. Сармоячининг пулини қайтариб, мустақил ҳам бўлиб олди. Лекин қўли очик сармоячини чин дилдан рози қилишни ўйлади. Саломга яраша алик... Бозорга тушиб сармоячи отахонга тўн, дўппи, кийикча, кампирига энг қимматли газламадан олиб, мана шу кўриб турган кўйлакни тикди. Шогирдлари билан олиб боришганда чол-камбир энг қимматли совғадек қабул қилиб дуо қилишган эди...

– Кўйлагингиз таниш, бизнинг устахонадан чиққан, – масаланинг тагига етмоқчи бўлди Ҳалимаҳон.

– Ишхонадан болам, битта менгамас, бошқаларгаям беришди. Ҳалиги сизга цех очиб, сармоя берган отахон борку, ўша кишининг кампири бу кийимларни кийиб тўзита олмайман, деб сатта охорлик

кийимларини шифохонамизга ташлаб кетибди. Шулардан биттасини менга ҳам илинишди, айланай. Беморларнинг хурсанд бўлганини айтмайсизми. Роса савобнинг тагида қолди-да, барака топкур.

Ҳалимахоннинг беихтиёр кўзига ёш келди. Ўшанда қайнонасига ҳам шу газламадан олиб тикиб бермоқчи бўлган эдию, қўли калталиқ қилган эди. Ажабо, кўйлакнинг қайнонасининг кўлида туриши тасодифми?.. Асло, Худонинг ишида тасодиф бўлмайди!

### ҚОВОҚ СОМСА

Электропоезд Бўстонлик тоғлари томон шошарди. Ҳа, кўп бора тилга олинган боғ ҳовлимизга борардим. Мен чикқан вагонда танишлар кўринмади. Биламан, манзилга етгач, униси у вагондан, буниси бу вагондан тушиб келишади. Айниқса, ён кўшним, физик олим, ҳам ёзувчи, ҳам рассом Қудрат Дўстмухаммаднинг келиши аниқ. У энг интизомли “дачачи”лардан.

Электропоезд ҳар доимгидек гавжум. Айниқса, юриб савдо қиладиганларнинг жағи тинмайди. Сомсачилар, хаспчилар, қурутчилар, мевачилар... Уларни кўравериб, таниш бўлиб қолганмиз. Айниқса, битта сомсачи опа бор. У кишининг вагонга чикқани дарровда билинади. Ҳозиргина тандирдан узилган сомса хиди вагонларни тутиб кетади. Иштахани китиклайди.

Бугун у киши қовоқ сомса қилиб чиқибди. “Қовоқ сомса” деб ёнимдан ўтиб кетди. Беихтиёр ҳазрати Пайғамбаримизнинг қовоқни яхши кўрганлари ҳақидаги ҳадисни эсладим. Орқасига қайтганда оламан. Кўшним Қудрат акани меҳмон қилай, деб кўнглимдан ўтказдим. Аксига олиб сомсачи аёл бошқа қайтиб келмади. Ё вагондан тушиб кетган, ё сотиб бўлган. Ниятим амалга ошмай қолди.

Боғ ҳовлига боргач, маслаҳатингиз керак, деб Қудрат ака чақириб қолди. Борсам, чой дамланган, дастурхонда боя мен ололмаган қовоқ сомсалар турарди...

## БОЙ ОТА

Бу ҳовлининг палапонлари аллақачон учирма бўлиб, кизлар узатилган, ўғилларнинг бири кўп қаватли уйда, бири участкада, эски ҳовлида икки кўздек бўлиб чол ва кампир қолишган. Лекин маҳаллада чолнинг кимсан – фалончи бой бўлиб номи чиққан. Бошига иш тушган одам борки югуриб отанинг ҳузурига келади ва қарз кўтариб кетади. Бунинг учун отахон алоҳида олди-берди қарз дафтари ҳам тутган. Ваъдасида турганларни ота яхши кўриб алкаб кўяди. Беш қўл баробар эмас, баъзилар қарз олиб, ваъдасида турмай судраб юради. Албатта, отанинг пешанаси тиришади.

Ўғил-қизлари тез-тез келиб туришади. Ота кўпинча ишлик одамдек уйда бўлмайди. Бу пайтда қарздорлардан қарзини ундиргани кетган бўлади. Фарзандлар жиғибийрон бўлишади:

– Шу ишни ташласалар-чи, ҳамма катори яшасалар-чи...

– Бу касаллик, оталаринг ўшанга чалиниб қолган, – деб кулади кампири.

– Тунов куни бир йиғинда кўриб, уялиб кетдим, бой отамилар, шунга яраша кийиниб юрсалар бўлмайдим, ойи?

– Вой, битта кўйлагини иккита қисачи, қимайди, ҳа... Кечаси ювиб, қуритиб қўяман, эрта билан яна ўшани кийиб олади. Яқинда биттасининг уйига қатнай-қатнай берган қарзини ундириб ололмади. Ахири нима қилди денглар, эшитган одам кулади, қарз ўрнини ўз пенсаси билан коплаб қўйди, тавба, айтяпманку оталаринг касал деб...

– Ҳа-а-а-а... унда отамиз ростданам савдойи бўлиб коптилар, ойи...

Баҳор кунларининг бирида савдойи ота оламдан ўтди. Ҳа, бир кун ҳам термилиб ётмади, ажал селдек келиб, елдек олди, кетди. Воҳ, бутун маҳалла оёққа

турди. Ким автобусга, ким ғассолга, ким гўрковга чопган... Ҳамма, тобутга етишсам, бир қадам бўлса ҳам кўтарсам дейди...

Таъзия ўтиб, қарздорлар қарзини олиб кела бошлаганларида, дафтар очилдию катта бир сир ҳам очилиб қолди. Бой отани бой қилган, раҳматли акалари Маҳмуд ака эканлар. У киши дунёдан тоқ ўтган. Ўлганидан кейин жойини сотиб, пулини шу йўсин одамларга хизмат қилдиришни васият қилган эканлар. Ҳа, бой отанинг бойлиги у кишининг зиммасидаги омонат экан, “Болаларим, – деб ёзиб қолдирган эди ота, – мен шунча йил акамнинг васиятига амал қилиб яшадим, менадан кейин у кишининг бойлига сизларга мерос бўлиб қолади, бошқа меросхўрлари йўқ, хоҳланглар ишни давом эттиринглар, хоҳланглар уни бўлашиб олинглар”.

Кичик ўғил кўп қаватли уйдан ҳовлига кўчиб ўтиб, бой ота бўлиб, у кишининг ишини давом эттира бошлади...

## АҲМАД ОҒА

Аҳмад оға эндигина ишга келиб турган эди, котибаси кириб қабулига одам келганини айтди. Келувчи унга хат узатиб:

– Шу омонатни сизга бериб юборишди, – деди.

Аҳмад оға бундан бир неча ой муқаддам чет эллик тижоратчи билан учрашиб қолган эди. Фойда кўраман деб олиб келган моли бизнинг юртда ўтмай қолибди. Шунга бу ердан юртига мол олиб кетиб зарарини қопламоқчи, унга пул керак экан. Аҳмад оғада унақа пул йўқ эди. Лекин ҳожатбарор дўстлари орқали мусофирнинг ҳожатини чиқарди. Юртимиздан ноумид кетмасин, деди. Тижоратчи юртига боргач, ваъдасида туриб, пулни қайтарди. Икки ўртада турган Аҳмад оға хайрият, деб енгил тортди. Салда бу воқеа эсидан ҳам чиқиб кетди. Хат ўша тижоратчидан эди. Аҳмад

оға уни олиб келувчининг олдида ўкиди. Унда салом аликдан кейин сизга озгина халя бериб юбордим, дейилган эди. Ахмад оға нима экан у дегандек меҳмонга қаради. Меҳмон кўйнидан каттагина конверт чиқарди. Очиб қараса – пул. Ахмад оғани бир юк босгандек бўлди, аммо тижоратчиларга хос касалик деб тушуниб, икки энлик хат ёзди-да, жилмайиб меҳмонга юзланди:

– Бу омонатни эгасига қайтариб обориб берсангиз, бизда ҳожат чиқарганга ҳақ олмайдилар, – деди ва шу заҳоти энгил тортди.

### ГАП ШАМОЛЛАМАСИН...

Ҳозиргина поезд келган, вокзал гавжум. Киракашлар мижоз чақиради.

– Қайга обориб кўяй, ака, – деди киракаш бир йўловчига яқишлашиб. У манзилини айтди.

– Яхши, кетдик, ё шерикларингиз борми?

– Бир ўзимман, ҳаки қанча бўлади?

– Берганингиз, ака, – деди у атайлаб овозини бандлатиб.

Бу жавоб бошқа йўловчиларга ҳам ёкиб тушди. Бир зумда машина тўлиб, жойидан жилди.

– Ҳаммаям сизга ўхшаб бориға барака қилсада, ука, – деди йўловчилардан бири киракашга пахта кўйиб, – беш кўлни оғизга тикқан билан насиб қилгани бўлади-да, тўғрими?

– Шундайкуя, киракашларга ҳам осонмас, насибасини кўчага сочиб кўйган-да, – деди ҳайдовчи.

– Мана, сиз биз билан кийишмадингиз-ку?

– Менми, мен киракашмасман, кўчага савоб учун чиққанман, – деб кулиб кўйди ҳайдовчи.

– Савобга, воҳ шунақасиям бўларканми?

– Ҳеч кими йўқ бир онахон бор эдилар, – деди ҳайдовчи, – шу киши оламдан ўтиб қолдилар. Мусулмончилик, кўни-кўшнилар қараб турмадик. Обориб жой-

ларига кўйдик. Энди, кичикроқ бўлсаям битта жонлик сўйиб худойича қивормокчимиз. Шунга уч-тўртта машинаси борлар кўчага чиққан жойимиз, – деб шофёр йигит жим бўлиб қолди.

– Воҳ, биззи пулимиз худойига ярарканда, қандок яхши.

Бу гаплар ораларидаги битта йўловчига заррача ҳам таъсир қилмасди. Гап кўшмай безрайиб ўтирарди. Афтидан, у ҳаммадан кейин тушадиган. Салда уч киши тушиб қолди. Савобга биз ҳам шерик бўлиб қолайлик, деб ҳайдовчига керагидан зиёд пул ташлаб кетишди.

Охирги мижоз манзилига етиб, ҳайдовчига ўқрайиб каради-да:

– Фирибгар, – деди тап тортмай, – ўтган йили ҳам худди шу чўпчакни айтиб, пул шилвоган эдинг, кампиринг бир йилда неччи марта ўлади, ўзи, ҳе, Худодан кўрқмаган?

Кутилмаганда ҳайдовчи қаҳ-қаҳ отиб, кулиб юборди.

– Ўпкангизни босинг, ака, тирикчилик деб кўйибдилар буни, олдин кампирни ўзи борми-йўкми, деб сўрасангизчи? Майли, сиздан олмайман, боровринг, фақат гап шамолламасин...

## ТАҚДИР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўп қаватли иморатларнинг бирида туғилган кун бўларди. Кўни-кўшни дўсту ёр тўпланган. Туйқусдан шамол туриб, очик турган дераза кўзларини то эгалари ёлгунча тарақлатиб у ёқдан, бу ёққа обориб, обекла бошлади. Баъзилари чил-чил синди ҳам. Бир катта дарахтни қарсиллаб кетгани, енгил машиналарнинг кўрикчи сигналлари ишлаб кетгани эшитилди. Машинаси борлар пастга қараб шошишди. Дарахт иккита машинани босиб тушибди, тепа томлари пачоқланиб кетибди. Иккови ҳам меҳмонларники бўлиб чиқди.

Мезбон йиғламоқдан бери бўлиб турибди, ахир уни деб келишган-да. Қўшнилардан ким арра, ким болта кўтариб чикиб, машиналарни тузоқдан қутқаришди. Шу пайт эзилиб, нима қилишини билмай турган уй эгасини биттаси секин четга тортди:

– Кўп ташвиш қилавурманг, баттар бўлишсин, бу ҳам уларга кам, – деди.

Чиндан ҳам машиналарнинг эгалари кўпчиликка отнинг кашқасидек бўлиб қолган, олий ўқув даргоҳларига ўқишга кирадиганларга пешкашлик қиламан деб, пасткашлик қилиб юришарди. Машиналар ҳам ўша ҳаром пулларга келгани маълум эди.

Шу воқеадан кейин улардан бирининг кўзи очилди. Қилиб юрган ҳаром ишларидан қўл силтади. Иккинчисининг эса кўзи очилмади. Сал кунда янги машиналик бўлиб олди. Аммо тақдир у билан бира тўласига ҳисоб-китоб қилиб кўяқолди. Кўча четидаги тўсикқа урилиб, машинаси билан ёниб кетди...

## ҲИММАТ

Харидор гилам дўконига кириб, энг қимматини танлади. Дўкончи хурсанд бўлиб кетди. Қиммат бўлгани учун ҳам у дўконнинг бир чеккасини кўпдан эгаллаб ётарди. Аммо харидор шунақасидан яна битта топиб берсагина, жуфт қилиб олишини айтди ва телефон рақамини қолдирди. Дўкончи сўраб-суриштириб қўшниларидан гиламнинг шеригини топди. Харидор келиб пулини тўлади ва манзилини айтиб, ўша ерга элтиб беришини илтимос қилди. Дўкончи молни олиб, йўлга тушди. Борса, у етим болалар уйи экан...

## СИРҒА КИМНИКИ ЭДИ?

Онаизор оламдан ўтди. Опа-сингил отин ойи билан ювғичи келгунча маййитнинг бошида пиқиллаб йиғлаб ўтиришди. Отин ойи ювғичи келганини эши-

тиб кўшни хонага чиқди. Хонада опа-сингил қолдилар. Опа секин синглисини туртди.

– Ювғичи бу ёққа киргунча ойимларнинг қулоғидаги бриллиант зиракни ечиб ол.

– Йўғе, нималар деяпсиз?

– Олмасанг ювғичи менга қолдиришибди, деб об-қўяди, расми шунақа.

– Олақолсин, – ҳиққиллади сингил.

– Ойим билакузукни менга бериб, қулоғимдаги сирға синглингга, деган эдилар.

– Ечолмайман, ўзингиз ечақолинг.

– Унда зирак ечганники бўб қолади-да...

– Майли...

– Гапингда тур кейин, хафа бўлиш йўқ.

– Хўп...

Опа аста зиракка кўл юборди. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Майитнинг боши бир томонга бурилиб, зиракни яширди. Опа кўркқанидан додлаб ўзини кўшни хонага урди.

– Ҳа, – деди отин ойи ҳайрон бўлиб, – нима бўлди?

– Ойим тирик, тириклар...

Воқеадан хабар топган отин ойи мархуманинг исмини айтиб, фалончихон, омонатингизни эгасига ечиб беряпман, рози бўлинг, деб бошини тўғрилади ва сирғани ечиб, кичик қизга топширди...

## ОТА ЎГИЛ

Ўигит иш билан шаҳарга тушди. Ошхонага тушлик қилгани кириб, бир отахон билан бақамти бўлиб қолди. Ота қизиқувчан эканлар, қаерданлигини сўраб-суриштирди. Ўигит қишлоғини айтди. Отахон қишлоқни билишлигини айтиб, кимнинг ўғли эканини сўради? Ўигит отасининг исмини айтди. Отахон йигитга синчков тикилиб:

– Эслагандекман, отангизни пешанаси кенг, қошлари ўсиқ, кўзлари катта-катта эди шундайми?

Билмадим, – деди йигит кулиб.

Нимага билмайсиз, – хайрон бўлди отахон, – одам ўзининг отасиниям билмайдим ҳеч жаҳонда.

– Узр, мен отамга ҳечам тик қарамаганман.

## УСТУНЛИК

*У*кки киши электропоездда ёнма-ён газета ўқиб боришарди. Бирини ўзбек, иккинчиси рус. Икковлари ҳам газетани ўқиб бўлиб, тахлай бошлашди.

Шунда ўзбек йўловчи рус кишидан газетасини ўқишга бериб туришини сўради, айти пайтда кўришингиз мумкин, дегандек ўз газетасини таклиф қилди. У кўз қирини ташлаб, ўзбекчани билмайман, дегандек бош чайқади. Унис эса ўрисча газетани ҳам берилиб, узоқ ўқиди...

## ТОНГИ БАДАНТАРБИЯ

*Т*онг отмасдан Анҳор бўйига чиқамиз. Ким югуради, ким юради, ким турникка осилади, ким бир жойда эгилиб, ўтириб-туриш машқларини бажаради. Хуллас, эрталабки бадантарбия-да. Лекин кўм-кўк майсалар усти турли-туман сувхалталар, катта-кичик баклашкалар, сигарет қутилари, қоғозлар билан “бежалган” бўлади. Бу Анҳор бўйида сайр қилганлар, чўмилганларнинг иши.

Мен ҳеч бир иккиланмай, жон деб шу атрофдан каттароқ елим халта топаман-да, кўзга тўғаноқ бўлаётган ўша нарсаларни у ёқдан-бу ёққа юриб, неча марта эгилиб, туриб, теришга тушаман. Ҳам машқ қилиб соғлигимни тиклайман, ҳам майсалар юзини чиройли қилиб, маза қиламан...

Бир куни биттаси сўраб қолди:

– Кўриб юрибман, сиз ҳар куни шу ишни қиласиз, бунга ҳақ оласизми?

– Оламан, одамларнинг гуноҳ ва савоб ишлари тарозига қўйиладиган кунда...

## КИМ АВЛИЁ

Махсум ямоқчи бир кунда авлиёга айланиб қолса бўладими? “Авлиё ота, дам солиб қўйинг”. Авлиё, ота ёшларнинг никоҳини ўқиб қўйинг”. “Дуо қилинг, фарзандлик бўлай”. Махсум бу гапларга гоҳ қулади, гоҳ жаҳли чиқади, келганларни мен авлиё эмасман деб қайтаради. Агарда ўша куни тилини тийгандаку бир яхши ямоқчилигини қилиб юрган бўларди.

Ўша куни ҳаво айнидию қаттиқ жала ёғиб, сел сой бўйидаги катта-кичик дўконларни, хатто цемент кўприкча олиб кетди. Бу пайтда қишлоқ оқсоқоллари маърақада ўтиришарди.

– Оббо, – деди кексалардан бири Махсум ямоқчига қараб, – бизни маҳсини куни битган экан-да, бунақа бўлишини билганимда обормай турардим, аммо-лекин хироми асил эди-да.

– Ташвиш қилманг, бизни дўконга жинам урмайди.

– Ола, – деди бошқаси, – шундоқ цемент кўприкни супириб кетганда, чой яшиқдан қилинган дўкон қоларканми?

– Қоладиям-да, – деб яна катта кетди ямоқчи.

Дарҳақиқат, офат содир бўлган жойга бориб ҳамма хангу манг бўлиб қолди. Сойда шағал ортаётган экскаваторни сел оқизиб келиб, ямоқчининг дўконига қалқон қилибди-да, ўтиб кетибди. Бор-йўғи бир пой маҳсигина йўқолибди. У ҳам дарахт шохига илиниб қолган экан, келтириб беришди. Не-не ғиштли дўконлар ер билан битта бўлибдию ямоқчининг эпламача дўкони омон қолибди.

Бу, албатта, анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди. Унинг ёнига ямоқчининг маърақада ўтириб, катта кетишлари кўшилдию у кароматгўй авлиёга айланди-қолди. Ҳазилкаш жўралари ҳам тавозе билан кўлларини кўксига қўйиб, ўзларини тортиб қолишди. Бу ҳол узок давом этиши мумкин эмас эди. У ўйлади-

ўйлади, охири бир тўхтамга келиб, навбатдаги маъракада дилидагиларни тўкиб солди:

– Мени эшитинглар, азизлар, бу дунёда ҳар бир одам худди менга ўхшаб кароматгўй, авлиёга айланиб қолиши ҳеч гапмас. Агарда у бировнинг дилини оғритмаса, хафа қилмаса. Худойим ҳам унинг дилини оғритмас экан, хафа қилмас экан. Камина қулингиз бир умр ана шундай яшаб келяпман. Шунгами, ўша кун катта гашириб юбордим. Буни қарангки, фаришталар омин деб, гапим рост чикиб қолди, бор гап шу. Мени авлиё деб қийнаманглар, мен ўзингиз билган ўша ямоқчиман...

## ИНСОН ДЕГАНИ?

*И*нсон дегани унутувчи, эсидан чиқариб кўювчи дегани деб кўп гапирамиз ва шу билан қайсидир маънода ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилган бўламиз. Лекин кўпроқ нимани унутиб кўямиз-у нимани эсдан чиқариб кўямиз? Ҳамма гап шунда!

Ишхонамиз юристи билан бир ишни битириб келиш учун йўлга отланганимизда у: “Илюжи бўлса, ўзингиз ёзган китобингиздан бирортасини олволсангиз”, деб қолди. Ишимизнинг китобга алоқаси бўлмаса ҳам, йўқ демадим.

“Бу идорани яхши биламан, – деди у йўлда бора туриб, – бир оғиз “ҳа” ёки “йўқ” дейиш учун ҳам икки ҳафта сарсон қилади. Китобингизга дастхат ёзиб берсангиз, зора юмшашса”. Юригимизнинг ўзи китоб шайдоси, ёзувчининг тириги борки қидириб, топиб дастхат олмай тинчимади. Бораётган жойимиздагиларни ҳам ўзига ўхшатди шекилли.

Дарҳақиқат, бордик, бизни бир одам хушламайгина кутиб олди.

– Анови кунги масала бўйича келдик, – деди юригимиз мажбуран тиржайиб, кейин мени унга таништирди, – бу акахонимиз ёзувчилар, нашриётимизда

ишлайдилар. У шундай деб менга “китобни олинг”, дегандек имо қилди. Шеригимнинг ишчанлиги менга ҳам юкди. Дарровда сувхалтадан китобни олиб:

– Китоб деҳқончилик, – дедим, яна пора деб ўйламасин деб.

Шеригим у кишининг исм-шарифини айтиб, “Китобга дастхатингизни кўйиб беринг, бир эслаб юрсинлар”, деди. Мен дастхат ёзиб, кўшқўллаб акахонимизга узатдим. У киши кўлимдан китобни олар экан, “Овора бўлибсизлар-да”, деб кўйди-ю аммо юзида ўзгариш бўлмади. Шеригим тушмагур яна бир чаккон ҳаракат билан унинг кўлидаги китобни олди-да, варақлаб:

– Мана суратлари, ўзлари ёзганлар, – деди мени кўрсатиб.

Рўпарамдаги одам китобни ёзувчининг ўзидан олаётганини энди тушуниб етди ва бирдан юмшади. Хайрият! Юригимизнинг уддабуронлиги иш берди-ёв. У кўлимни қисиб, раҳмат айтди ва боягидан чиройи очилди. Буни қарангки, ишимиз ҳам бирпасда бита қолди. Акахонимизнинг ҳузуридан от мингандек чиқдик. Орқага қайтйпмиз-у, шеригим:

– Ана, кўрдингизми, ака, шу китоб деганини сеҳри бор-да, ўзи тош-метин одамларни ҳам эритворади, яна уни ёзувчининг ўз кўлидан олсам, воҳ... – деди оғзи кулоғига етиб.

– Аммо лекин сизгаям қойилман, дипломатиянги зўракан, қилни қирқ ёраркансиз.

Иккаламиз ҳам бир-биримизни кўкка кўтариб мактардиг-у, ишимизни ҳамирдан кил суғургандек битириб бергани эсдан чиқарган эдик. Инсонмиз-да...

### **МЕН ТОМОН ЮРИБ КЕЛСА...**

Ўз чилласи. Ҳамма ўзини соя-салқинга олган. Лекин мен шу жазирамада паспорт столига боришим керак. Олдинда чет эл сафари кутяпти. Афсуски, у ер анча ичкарида, жамоат транспортлари бормади. Йўл

танобини тортай, жазира кучини кесай деб, Аллоҳни зикр этиб, йўлга тушдим. Тердан рўмолчам жикка хўл бўлди. Манзилга етай деганда бир “Дамас” атайлаб менга тақаб келиб тўхтади. Қарасам, ЖЭКимизнинг бошлиғи Зарифбой.

– Ҳа, ака? – деди у, бу жазирамада нима қилиб юрибсиз, дегандек менга қараб.

Мен қўлимдаги қоғозни унга тутдим. У кўриб:

– Бунга паспорт столимас, маҳалланинг муҳри керак, чиқинг машинага, – деди. Жон деб чикдим. Толикқан эдим. Машина ойнасидан гир-гир шабада юриб, кўнглим яйради. Ғувиллаб, маҳалла идорасига бордик.

– Сиз ўтира турунг, муҳрни ўзим урдириб чиқаман, – деди Зарифбой машинани салқинга олиб. Мени овора қилгиси келмади, барака топкур. Орқасидан “Сизи менга Худо етказди,” деб алқаб қолдим.

Бир зумдаёқ у орқасига қайтиб чиқди. Муҳр котибада экан, у йўқ эмиш. Рухим тушди, энди шу ерда қолиб, котибани кутаман.

– Ташвишланманг, – деди Зарифбой, менга қараб, – маҳалланики бўлмаса бизникиям ўтовради. Бу гапдан кўнглим яна тоғдек кўтарилди. ЖЭКдан у ёғига уйимиз бир кадам-да.

Ишим битиб, Зарифбойнинг хузуридан чиқар эканман, ўйлай бошладим: Мен Аллоҳни зикр қилиб, канча юрган бўлсам, қайтишда шунча йўлни осонгина босиб ўтдим, ортиқча сарсонгарчиликлардан кутулдим. Худойим таолонинг: “Бандам Мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб бораман”, дегани шу бўлса керак-да.

## МУҲТАРАМ ЗОТЛАР

*У*лфатлар билан гапда ўтирардик. Уйга таркаш олдидан наҳорги ош эсга тушиб қолди.

– Менинг машинада уч кишига жой бор, ола кетаман, – деди хожатбарор дўстларимиздан бири. Маши-

наларга бўлиндик. Аммо шу пайт ҳалиги дўстимизга кўнғироқ бўлиб қолди. “Э-э... – деди ғоятда синиклик билан у, кейин – “бўпти, бўпти”, деб худди кўнғироқ қилган одам қаршисида тургандек қўлини кўксига кўйиб жилмайди. Бизга нима гаплигини айтмаёқ, шу захоти кимгадир кўнғироқ қилди. Куёвига экан, унга ўзи банд бўлиб қолганини, эртага бизларни ошга олиб боришини тайинлади.

– Э, хижолат бўлманг, кўчада машина кўп-ку, – дедик биз бу ёқда.

– Хижолатлиги йўқ, барибир куёвим ҳам ошга боради, уйланаётган йигит улфати бўлади, – деди у бизни хотиржам қилиб. Биродаримиз кимни ошга олиб боришини айтиб ўтирмади. Биз ҳам ижикилаб сўрамадик. Ким бўлса ҳам жуда обрўли, мухтарам зотга ўхшарди. Бу ёғини энди эртага ошга борганда билиб оламиз.

Ошда дўстимиз ҳадеганда кўринавермади. Олдинроқ келиб, ичкари кириб кетган бўлса керак. Ошдан кейин яна қидириб қолдик. Ана у, ўртада, икки бирдек одамни кўлтиғидан олиб, тўйхонадан чиқиб келарди. Эътибор қилсак, биз ўйлаган мухтарам зотларнинг кўзлари кўрмас экан. Дарровда биз ҳам истикболларига ишошиб, уларни дўстимизнинг машинасига ўтқазиб, кузатиб кўйдик...

## КЎЗНИ ОЧГАН КЎЗЁШЛАРИ

Эрта билан ишга келсам, бир ходимимизнинг хонасидан аёл кишининг йиғи авози эшитилиб қолди. У бўғилиб-бўғилиб, тутилиб-тутилиб йиғларди. Оббо дедим кайфиятим тушиб, ходимимиз яна ичибди-да, яна уйига бормаи ишхонада ётиб қолибди-да. Хойнаҳой хотини бояқиш хавотир олиб келган, энди бу машмаша раҳбарнинг қулогига етади. Яқиндагина уни ишдан бўшатмоқчи бўлганди. Бўшаса қаёққа боради, уни ким ҳам ишга ола-

ди, бола-чақасининг холи нима кечади? Раҳбардан унинг гуноҳини сўраб, ўзини ҳам ўртага олиб, яхшилаб “тузлаган” эдик. Охирги марта ўртага тушишимиз деб писанда ҳам қилиб қўйган эдик. Мана энди ҳаммаси тамом. Бошқа орага туша олмаймиз. Шу, ходимимиз ўзи яхши одам-у ичкиликка келганда иродаси мўрт-да. Дикқат қилсам йиғлаб, юрак бағри эзилаётган аёл хотинимас, ўзимизнинг ходимамиз, ха, овозидан таниб қолдим, ажабо... У билан ораларида йиғи-сиғи қиладиган нима бўлиши мумкин? Ҳайрон бўлдим-у, аммо хонага ботиниб кира олмадим. Ходимамизнинг куйиниб айтган мана бу гаплари мени турган жойимда михлаб қўйди:

– Сиздан битта идорада ишлайдиган касбдош, сингил ўрнида ўтиниб, ўтиниб сўрайман, ичманг, бу исқоти ичкиликдан ким барака топибдики, сиз барака топасиз, умрингизни хазон қиляпсиз-ку. Худо кўрсатмасин бир гап бўлса, азобга ким қолади, хотинингиз-у, бола-чақангиз қолади. Болаларингиз отасиз қанчалик бўйнини қисиб қолишини билсангиз эди? Хотин кишига ҳам ота, ҳам она бўлиш осонаканми?.. Рўзғор – ғор, деб қўйибдилар. Бу ёққа тортсанг у ёққа етмайди, у ёққа тортсанг бу ёққа...

Юрагим эзилиб, қулоқларим чип битди. Хонамга кириб ўтириб қолдим. Ҳамкасбини деб куйиб-пишаётган ходимамизни яхши биламан. Муштипаргина, эри ўлиб, бир этак бола билан қолди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб сув келса симириб, тош келса кемириб ётибди... Ўзининг бошига тушган азоблар ўзидан бошқа яна бир хонадоннинг бошига тушишини хохламаяпти-да, у жонсарак. Қанийди унинг гаплари ходимимизнинг у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетмаса? Минг афсуски шундай бўлади. Биз эркаклар унга ким неча марта нималар демадик-у? Э, машойихлар бекорга бўлмаганга – бўлишма, демаганлар...

Ажабо, кутилмаганда, ходимимиз ўзгарди, ичмай

кўйди. Ҳа, тақа-тақ тўхтади. Нима бўлганда ҳам ходимамизнинг кўзёшлари унинг кўзларини очди шекилли, юракдан айтган сўзлари у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетмади, юрагига ўрнашди шекилли... Ишқилиб шундай бўлсин...

### ЯНА ОНАИЗОР ҲАҚИДА

Ўғил дардга чалинди. Жўжабирдек хонадон боши-охири йўқ ташвиш ичида қолди. Айниқса, кекса онани ғам босди. Ота-она борки, фарзанд доғини кўрмасам, болам орқамда қолса, дейди. Лекин суриштиришса, дарднинг даъвоси бор, бунинг учун четга бориб операция қилдириш керак экан. Ўғилнинг сахий дўстлари қарашворишди. Уйдагиларнинг ичига чирок ёнди. Онаизор йиғлаб-йиғлаб дуо қилди... Бўлмаса ўғлининг зурриётидан чевара ҳам кўрган, аммо айни пайтда у кишига чевара ҳам, ўғил ҳам баробар эди. Ўғил йўлга чиқар экан, бувиси билан бир хонада ётиб турадиган бўйсара кизига алоҳида тайинлади: “Телефонга хушёр бўлиб тур, кўнғирок қилсам дарровда бувингга бер”.

Ўғил ўн икки кун чет элда бўлди. Ҳар куни икки-уч бор кўнғирок қилиб, уйдагиларнинг аҳволидан хабардор қилиб турди. Ажабланарлиси, ҳар сафар кўнғирок қилганида гўшакни онаизор кўтарарди. Худди хонадонда бошқа одам йўқдек. Бундан ўғил, албатта, хурсанд бўлар, кўнғирок қилишдан мурод ҳам онаизорини хотиржам қилиш эди-да. Ҳатто, операциядан чиқиб, хушсизлантириш дориси тарқаб-тарқамас экан беихтиёр уйга кўнғирок қилгани эсида. “Жоним болам”, деб онаизори овоз берган эдилар. Кейин билса, ўшанда соат Тошкент вақти билан тунги иккилар экан.

Ниҳоят, у дардлардан фориг бўлиб, уйга қайтди. Хонадон бағри тўлди. Ташвишлар ариди. Эрта билан ўғил нонуштада одатдагидек онаизорни кута бошлади.

У киши билан нонушта қилишни соғинган эди. Бирок онаизордан дарак бўлавермади. У қизига қараб:

– Бувижонингдан бир хабар олиб кўясанми, кизим, – деди.

– Бувижоним-ми, бувижоним маза қилиб ухляптилар, дадажон, – деди кизчаси.

– Йўғ-е, бунақа пайтда ухламасидилар шекилли... – хавотирга тушди ўғил.

– Сиз билмайсиз-да, дадажон, бувижоним, сиз у ёқдалигингизда сираям ухламадилар, мана энди, маза қилиб ухляптилар...

### **КЎПНИНГ ТАШВИШИ...**

*Б*ир дўстимизга кўнғироқ қилиб, кўпнинг ташвишидан гап очсам, “Э, кўятуринг, у гапларни”, деб ўз ташвишидан гапира кетди... Ана, холос...

### **ГУВОҲЛАР**

*О*хиратда одамзод бу дунёда қилган гуноҳ ишларидан сўралади. Агарда қилмадим деб тонса, кўзлари ёлғон гапиряпти, мен кўрдим, кўллари мен ушладим, деб гувоҳлик берар экан. Камига ўша гуноҳ иш содир қилинган жойлар, парандаю-даррандалар, ўсимликлар, хатто акс садогача, шундай бўлган эди, деб гувоҳлик берар экан. Воҳ, биз одамлар канчамиз-у кузатувчиларимиз канча?

### **БИЛИБ-БИЛМАЙ...**

*Б*аъзи кишилар билиб-билмай жума кунлари пешин пайтига турли-туман тадбирлар белгилаб қўйишади. Албатта кўпчилик у тадбирларда қатнаша олмайдилар. Аммо тирноқ ичидан кир қидирадиганларга баҳона топилади. “Булар атайлаб издаҳомларини жумага тўғрилашади”, деб фиску-фасод тарқатишади.

## ЖАННАТ ТАШВИШИ

*Б*ир одам ғалатироқ гап қилиб қолди. Унинг айтишича шу пайтгача, оламдан неча миллиардлаб одам яшаб ўтибди, яна неча миллиарди яшаб ўтар экан, шунча одам жаннатга сиғармикан?

Унинг бу саволига аниқ бирон нарса дея олмадим.

Буни қарангки, шу куни кечкурун телевизорда коинот ҳақида кўрсатув бўлиб қолди. Ҳикоя қилинишича, Куёш ҳажм жиҳатдан сайёрамиздан миллион марта катта экан. Еримиз унинг битта тишининг қавагига индамай жой бўлиб кетаркан. Куёш тизимидан ташқарида яна бир шундай сайёра бор эканки, у куёшдан миллион марта катта экан. Куёш унинг тишининг қавагига индамай жой бўлиб кетаркан. Ҳозирги энг тезучар самолётларимиз ўша сайёранинг у четидан бу четига учиб ўтмоқчи бўлса, нақ бир минг икки юз йил керак бўлар экан. Воҳ... ана маҳобату ана кудрат... Яна бир гап, галактикада катта-кичиклиги худди бизнинг сайёрамизга ўхшаган тўққиз миллиарддан зиёд сайёра сузиб юраркан. Субханаллоҳ, биз бўлса жаннатга сиғамизми, йўқми, деб ташвиш қилиб юрибмиз-а...

## КИМНИНГ КЎЗИ ЎТКИР?

*Б*увини йўқлаб уч томондан уч қизалоқ набиралар келди. Учовиям тенгкур, қақажон, бижир-бижир. Уларнинг иккитаси бувининг атрофида гирди-капалак. Биттаси эса ўзига иш топиб, ҳали дераза токчалари, газ плитаси, музлаткични артиб-суртиб ётибди. Шу пайт бувижонга игнага ип ўтказиш зарур бўлиб қолди.

– Мен ўтказаман, мени кўзим ўтки-и-р, – деди биттаси.

– Йўк, меники сеникиданам ўткир, китобни узокданам ўқий оламан, – деди иккинчиси.

Учинчи набира бу мусобақада иштирок этмай, ўз иши билан ўзи овора эди.

– Йўқ, – деди буви кулиб, – энг кўзи ўткирингиз, ана, – деб ҳаммаёкни тозалаб, чинни-чирок қилаётган набирасини кўрсатди...

## АШҚОЛ-ДАШҚОЛ

Дам олиш куни, дарвоза кўнғироғи чалиниб қолди.

– Қарачи, – деди ота ўғлига, – ким экан?

– Тунов кунги ашқол-дашқолчи уста кепти, – деди ўғли уйга қайтиб кириб.

– Оббо... – пешанаси тиришди отанинг. – Қаерданам ўша куни ашқол-дашқолдан гап очдим-а, бир чеккада ётувди ош-нон сўрамай. Ёғочлари асл экан, қопламасини ўзгартирсак янгидан зўр бўлади, сотворсангиз ҳам фалон пул, деб уста уни қиздирди. Мана энди дарровда пул сўраб келган бўлса керак. Булар учун қармоққа илинтирвогунча-да. Бўлмаса айтдия, хизмат ҳаққига шоширмайсиз, деб...

Уста кўзига анча ғариб, касалманд кўринди. Ранг кўр – хол сўр... Хизмат ҳаққига бўлмаса ҳам дори-пориға пул сўраса керак.

– Қани, уйга... – деб йўлигагина мулозамат қилди у. Устаси тушмагур зўрға турган эканми, ройишлик бериб, ичкари юра қолди. Бир пиёла чойдан кейин уста елим халтасини титкилаб, турли-туман лахтакларни олиб, унинг олдиға кўйди.

– Қопламасига қайси рангини танлайдилар, бари асл, тоза моллар, рангига келишсак бўлди? – деди уста. Нимагадир унинг бармоклари асабий титрар, оғзидан сўзи тушиб кетай дерди.

– Эй, устаси тушмагур-сй, айтовдим-ку сизға сал шошилманг деб, ҳозир манавиниси десам пулидан келасиз, менда бўлса ўша пул йўқ, ҳозир. Қаерданам оғзимдан чиқиб кетди ўша ашқол-дашқоллар? Ўзингиз тузукмисиз, ишқилиб, мазангиз йўққа ўхшайди-ку? Лекин дори-пориға бўлса бир иложини қиламан. Ол-

дин ўзингизни яхшилаб ремонт қилволинг, устаси тушмагур.

Уста унга ғалати каради-да, яна сув халтасини титкилаб, унинг олдига бир даста пул кўйди. Пулки, нақд кўкидан...

У ҳеч нарсага тушунмай, қотиб қолди. Дарровда раҳматли отасини эслади. Онаси отасидан олдинроқ ўтган, отаси кейинчалик, инсулт бўлиб, тилдан қолган эди. Падари сўнги нафасларида кўзи билан бир курсига ишора қилгани ёдида, у бўлса курсини суриб ёшимга ўтир деяптилар, деб шундай қилган, музлаб бораётган оёк-кўлларини шувало укалай бошлаган, ота эса салдаёқ жон таслим қилган эди...

– Бу пуллар курсидан чиқдими? – сўради ўпкаси тўлиб.

– Билармидингиз? – хайрон бўлди уста. Нимагадир энди устанинг юзига қон югурган, кўзлари чақнар, бояги ҳолсизликдан ном-нишон қолмаган эди. – Билсангиз нимага олиб қолмадингиз. Ҳа, бу пуллар ўшандан чиқди. Қаранг, ҳазилакам пулми, бу?

– Гап бундай, – деди у хўрсиниб, – бу бойликдан хабарим йўқ эди, ҳозиргина тахмин қилиб, билиб олдим. Майли гап ундамас, сизга минг раҳмат, ҳалол одам экансиз. Энди кўнглингиз тўлганича бу пулдан олинг, қолгани меники. Уста кутилмаганда қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди-да:

– Э, кўйинг-е, ўлган илоннинг бошини кўзгаманг, – деди.

– Гапингизга тушунмадим, уста?

– Э, кадрдон, менга бу оғир юкни кўтариб келишнинг ўзи бўлибдими. Шайтон васваса қилиб у деди, бу деди, э ха-а... Икки ўт ўргасида касаллар бўлиб қолдим десангиз. Охири шайтоннинг жигини эзиб, нафсимни тепкилаб-тепкилаб сизга рўпара келиб турган жойим. Қаранг, омонатни топширдиму, устимдан тоғ қулагандек бўлди. Сиз бўлса, яна шайтоннинг тегиримонияга сув куймоқчи бўляпсиз.

Уста шундай деб кетиш учун шахд билан ўрнидан кўзгалди... Энди у касал одамга ўхшамасди...

## ТУЗОҚ

Мухтабархон ишга борарди. Ногаҳон кўзи йўл устида ётган бир боғлам пулга тушди. Рангидан сезди, мўмайгина пул. Аммо олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай, довдираб туриб қолди. Шу пайт рўпарадан бир одам келди-да, шартта пулни олиб, шошганича кўп қаватли уйларнинг йўлагига кириб кетди. “Воҳ, – деди у ўзига-ўзи, ўшшайиб турмай, олақолмайманми-я?” Унинг хайровлиги тарқамай, олда башанг кийинган бир йигит пайдо бўлди-да:

– Опажон, сумкамни автобусда кесишган экан, бир пачка пул бор эди, шу йўлдан юрувдим, мабода топиб олган бўлсангиз суюнчисини бераман, – деди шошиб.

– Пулингизни ким олганини кўрдим, – деди Мухтабар, – у ҳув анови кўп қаватли бинонинг биринчи йўлагига кириб кетди, уни ўша ердан топасиз.

– Мен билан юролмайсизми, опа, ахир уни танийсиз-у?

– Узр, шундоқ ҳам ишдан кеч қоляпман, кўриниши паст бўйли, кора курткали, мўйлабли одам, боровринг...

– Кечирасиз, унда сизниям шундоқ кўрвосам, хотиржам бўлардим-да.

У шундай деб Мухтабарнинг пальтоси устидан шошибгина чўнтақларини пайпаслаб кўрди. – Узр, сумкангизниям кўрсатсангиз, айбга буюрмайсиз-да, энди...

– Вой ўлмасам, мени ким деб ўйлаяпсиз, – жахли чикди Мухтабарнинг, – мана кўрсангиз кўраколинг...

Йигит сумкани наридан-бери тити-пити қилган бўлди-да, минг бор узр айтиб, Мухтабар кўрсатган бинонинг йўлагига қараб чопа кетди.

Мухтабар ишга келиб, бўлган воқеани дугоналарига кулиб-кулиб гапириб берди.

– Воҳ, олдингиздагини олдириб ўтирибсиз-а, ҳеч бўлмаса яримини чўз, сендан олдин мен кўровдим демайсизми ўша олғир, ўлгурга?

– Ҳа-я, бизларни бир меҳмон қилардингиз, кўчадан топилгани кўчага кетарди... – кулишди дугоналари. Шу пайт кимнингдир қўл телефони жиринглаб, орадаги гап узилди, ҳамма ўз ишига шўнғиди. Мухтабар қизидан кўнғироқ кутарди. У мактабга боргач, кўнғироқ қилиб қўядиган одати бор эди. Кўнғироқ қилмаганига хавотир олди. Ўзи кўнғироқ қилмоқчи бўлиб пальтоси чўнтагини кавлади-ю ажабланди, телефони йўқ. Миясига қон ургандек бўлди. Шошиб сумкасини кавлаштирди. Баттар шошиб қолди. Пуллари ҳам йўқ. Шундагина у йўлдаги воқеа тузоқ эканини тушуниб етди... Вой, қилни қирқ ёрган олғирлар-ей...

### “ЭСЕМЕС”

*К*утилмаганда унинг бел оғриғи тутиб қолди. Оҳ-воҳ қилиб осмонга қараб ётган эди, қўл телефонига хабар келди. “Салом, эй менинг “дардкаш”, қадрдон дўстим, шу десанг, уйда беланги бўлиб ётган эдим. Ҳар тугул кеча оёққа туриб кетдим. Билсам, сен мени роса ғийбат қилиб, пўстагимни қоқиб, дардимни олган экансан. Белинг қалай, оғайни? Тез-тез шунақа меҳрибончилик қилиб тур”.

### МИНГ БИТТА САВОБ

*К*ечаси билан ҳўл қор ёғиб, баъзи дарахтлар шохи синиб тушди. Ишга келаётиб, серкатнов йўлақда каттагина шох синиб ётганини кўрдим. Йўловчилар шошиб-пишиб атрофидан айланиб ўтишарди. Мен ўтиб кета олмадим, ҳафсала билан шохни нари-бери сура бошладим.

– Кўяверинг, отахон, – деди кимдир, менга ачин-

ган бўлиб, – ҳозир шу ерни фарроши келиб, тозалаб кўяди...

Вой меҳрибонгина болам-а, дедим ичимда, фаррош битта бўлса, йўловчилар мингта, шу ишим билан минг битта савобга эга бўлиб турибман-ку!...

### ЯНА НИЯТ ҲАҚИДА

*У*кки хонадондан икки она бозорга отланаркан фарзандларидан сўради:

– Сизларга нима обкелай, асалтойларим?

– Китоб!

– Хўп, – деди биринчиси хурсанд бўлиб, – энг олдин сизларга китоб оламан, кейин пулнинг ортганига бозор қиламан. Иккинчи она ҳам болаларидан сўраган эди, улар ҳам китоб обкелинг, дейишди.

– Хўп, олдин бозор қиламан, пулим ортиб қолса китоб оламан, – деди буниси.

Биринчи она ўзи айтганидек олдин китоб дўконига кирди. Болаларининг ёшини айтиб, дўкончидан китоб сўради. Сотувчи жон деб бир нечта китобни онанинг олдига қўйди. Шу пайт орага бир одам қўшилди.

– Китобни дастхати билан оладиган бўлдингиз, мана бунисини мен ёзганман, – деди у.

– Вой, қандоқ яхши, болаларим хурсанд бўлишини билсангиз эди.

Иккинчи аёл ўзи айтгандек олдин бозор қилди, аммо болалари учун китобга сариқ чақа ҳам орттира олмади...

### ЎРИНЛИ ЖАВОБ

*У*лар тасодифан қабристон дарвозаси олдида учрашиб қолдилар.

– Ҳа, тинчликми?

– Зиёратга...

– Сизда зарур ишим бор эди, қайтасизми?

– Худо хоҳласа...

Савол ўринсиз-у, жавоб ўринли бўлди...

## ИСМ ҲАМ ҲУСН

*Б*ир болакай дарвозани қия очиб, ўртоғини чақирарди:

– Нажо-о-т, Нажо-о-т...

Ичкаридан “Нажот йўқ” деган ўшқирик бўлди... Эшитиб, сесканиб кетдим. Воҳ, қудратингдан, “Нажот йўқ”, деган сўз қулоққа қанчалар хунук эшитиларкан-а.

## ТУМОР

*Н*еварам машинасига осиб қўйгани тумор сотиб олибди. Кўрсатди. Бирам чиройли, санъат асарини қиворишибди, ўзиям. Махлиё бўлиб қолганимни кўрган неварам:

– Дода, ичидагисиям (ояти карима демоқчи) зўр бўлса керак-а? – деб қолди.

– Дарвоқе, машинага осиб юргандан, ичидаги оятини ёд олганинг минг марта яхши эмасми, болам? – дедим уни қизиқтириб.

– Мен ҳам шуни сотувчидан сўровдим, у нима ёзилганини билмасакан, дода...

– Шунақами, бунини йўли осон, ҳозир туморни очамизда, биламиз, қўямиз, розимисан?

У розилигини билдириб, бош ирғади. Эҳтиёткорлик билан туморни оча бошладик. Ана, холос... очдиг-у бобо ва набира бир-биримизга тикилганча қотиб қолдик. Бирдан мени кулги тутди, ёнимга неварам ҳам қўшилди... Яхшиям очганимиз, ичидан елимлаб қотирилган кипикдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Воҳ, устаси фаранг фирибгарлар-е, воҳ, уларни сотиб оладиган содда одамлар-ей...

## ОВҚАТ СОВИМАСИН...

Зиёфатда ўтирардик. Овқат устига овқат кира-вериб, ҳаммамиз тикка бўлиб қолдик. Шу пайт бир киши тўрида ўтирган ёши улугроқ отахондан савол сўраб қолди. Ўтирганлар, хайрият, овқатдан ҳам чалғир эканмиз, дегандек, енгил тортди.

– Балли, яшанг, – деди ёши улуг одам ҳам хурсанд бўлиб, – бу савол ҳозир кўпларни қизиқтириб қолган, – деб эндигина гап бошлаган эди, яна таом киритишди, дастурхончи у кишига юзланди:

– Тақсирим, овқат совимасин-а...

## ЧИЛЛА

Ўлик чиққан хонадоннинг келини туғуруқхонада эди, шу куни кўзи ёриди.

– Ох, – деди кўнгил сўраб кирган маҳалла аёлларидан бири, ҳаммани ўзига қаратиб, – чаток бўлибди-ку, иккита чилла бир бўлиб қопти?..

– Бу ёмонми? – бир аҳволда сўради уй бекаси.

– Мархум ҳам чиллалик, чақалоқ ҳам чиллалик, икковини кўшиб бўлмайти-да, айланай...

– Вой қудалари бор-ку, чилласи чиққунча чақалоқни қараб берайти-да, – орага қўшилди бошқаси.

– Қудаси бўлмаса-чи? – гапни шартта кесди отинойи.

– Бор-да, борлиги учун айтяпман, отинойи...

– Хўп, бўлмасачи, қудаси бўлмаганлар нима қилади, деяпман, айланай? – деб ўтирганларга кўз ташлади отинойи, – бировларнинг қудаси минг чақирим нарида бўлса, янги бўшанган келин боласини кўлтиқлаб ўша ёкка жўнайдимми?

– Ҳа-я, рост айтасиз, отинойи, – ҳар томондан чувиллашди хотинлар.

– Билмасанглар билиб қўйинглар, айланайлар, шарриатимизда бунақа ирим-сиримлар йўқ, чақалоқ туғу-

руқхонадан чиқибок тўғри ўз уйига келаверади, – деб бу жумбоққа нуқта қўйди отинойи.

Ҳалидан бери ғам босиб ўтирган уй бекаси енгил тин олди...

## ЭШИТГАНЛАРИМ

*Б*изнеснинг тили: “Харажатсиз ҳаракатнинг натижаси нолдир”.

\* \* \*

*Б*ировга чуқур казимокчи бўлсанг – ўз бўйинга ўлчаб кази, чунки ўша чуқурга ўзинг тушасан.

\* \* \*

*Б*ахтиёр дамлардан кейин бирдан бахтсизлик келиб қолса ажабланманг. Чунки улар азалдан эгизакдирлар.

\* \* \*

*Б*иров унга зор, биров бунга зор, қарилик эса – ҳар икковига зор.

\* \* \*

*Б*олангизга кам-кам беринг – бир камига яратади. Кўп берманг – бир кун келиб, юзингизни ерга қаратади.

\* \* \*

*М*иноятнинг боши дангасалик ва ишёкмасликдадир.

\* \* \*

*К*екса одамга учта нарса керак бўлади: юмшоқ сўз, юмшоқ таом ва юмшоқ тўшак!

\* \* \*

*У*кки киши бир-бирига дермиш:  
– Фил бўлганим яхшийди, овқатни хартумим билан ердим.

– Мен илон бўлганим яхшийди, овқатни ётволиб ердим.

\* \* \*

– Э, Худо, – дебди дангаса ётган жойида.  
Шунда ёнидаги шериги: “Мен учунам Худо девор, оғайни”, дермиш.

\* \* \*

**Т**окка бир кунлик сайрга чиққан жўралар бир-бирига қараб, мақтанишди:  
– Қойил, яримта қўйни еворибмиз-а...  
– Мана кўрасан, янаги сафар битта қўйни еворамиз.

\* \* \*

**К**адимда бир донишманд айтган экан:  
Замонлар келар, ҳамманинг тагида йўрға (машина дейилмоқчи) бўлади, аммо борди-келди зўрға бўлади.  
Дарҳақиқат, жигаримизнинг эшигининг тагидан “ғув” этиб ўтиб кетамиз-у, бош сукишга вақтимиз йўқ.

### **ЯНА КИМДАН ҚЎРҚАСИЗ?**

- Худодан қўрқасизми, кадрдон?
- Қўрқмай-чи, қўрқаман...
- Яна кимдан қўрқасиз?
- Худодан қўрқмагандан қўрқаман!

### **КЕТДИ ВА КЕЛДИ**

**Т**уш таъбирларини айтувчи устоз шогирдлари билан машварат килиб ўтирар эди, бир киши кириб:  
– Таксир, бугун тушимда бурнимдан қон кетибди, таъбири нима бўлади? – деб сўради.  
– Тез кунда қўлингиздан каттагина бойлик кетади, сабр қиласиз, – деб жавоб берди устоз.  
Орадан сал ўтмай яна бир киши кириб:

– Таксир, бугун тушимда бурнимдан қон келибди, таъбири нима бўлади? – деб сўради.

– Тез кунда қўлингизга каттагина бойлик келади, шукр киласиз, – деди устоз.

Шогирдлар хайрон бўлиб, устоздан сўрашди:

– Устоз, бир хил тушга икки хил жавоб бердингиз, бунинг сири нимада?

– Ҳамма сир туш айтувчининг лабзида: бири бурнимдан қон кетибди, деди, демак, ундан нимадир кетади, иккинчиси бурнимдан қон келибди деди, демак, унга нимадир келади. Биринчиси кетишга, иккинчиси келишга йўйилди, яна Аллоҳ билгувчидир...

## КУЗАТГАНЛАРИМ

*А*зим пойтахтимизнинг шундоққина биқинидаги Халқобод кишлоғида жанозада қатнашдик. Маййитни қабристонга олиб боргач, тобуткашлар иккига бўлиндилар. Маййитнинг яқинлари ичкарига қараб юрдилар, қолганлар эса дарвоза ёнидаги чиройли шийпонга жойлашди. Аслида бу ерни шийпон деб бўлмасди. Камида минг кишидан зиёд одам сиғадиган, чиройли ўриндиқлар қўйилган бир кошонага ўхшарди. Домла ўтирганларнинг эътиборини тортиб, инсоф ва диёнат, меҳр ва оқибат ҳақида маъруза қилди. Бу ўртада қабристонга кириб кетганлар маййитни қабрга қўйиб, даврага қўшилдилар. Шундан кейин домла Куръон ўқиб дуо қилди. Издаҳом тарқади. Бу ҳолатнинг маъқуллиги – тумонат одам қабрларни босиб, оёқости килмади, одоб сақланди.

## НИМАГА “ОНАМИЗ”ГА ЎХШАМАЙМИЗ?

*Ш*ундоқ улкан она Ер ҳам худди сизу биздек сувга ташна бўларкан. Аммо ташналигини осмондан тушадиган ёмғир томчилари билан қондираркан. Ана сабру мана сабр. Биз-чи, ташна бўлсак сувни челаги

биан бошимизга кўтарамиз... Ажабо, зуваламиз она ердан-ку, нимага онамизга ўхшамаймиз?

### ОСМОННИНГ КЎРПАСИ

*Б*улут бамисоли осмоннинг кўрпаси. Уни шунчалар увадасини чиқариб ташладикки, шимолга тортсак, жануб очилиб, ўт ичида қоляпти, жанубга тортсак, шимол очилиб, музлар эриб, дунёни сув босяпти, воҳ...

### ЎХШАШЛИК

*Т*ирнок ола туриб, шундоқ тошдек бир нарса юмшоқ гўшт орасидан ўсиб чиқади-я, деб хайратга тушдим-у, беихтиёр юмшоқ ер бағридан ўсиб чикқан баланд-баланд тоғлар кўз олдимга келди, нақадар ўхшашлик-а?!

### ЎЗИДАН ВА ЎЗИМИЗДАН

*Ё*шим бир жойга етиб шуни англадимки, ҳамма яхшилик Яратгандан-у, ҳамма ёмонлик ўзимиздан экан.

### НОСКАШ

*Б*ир носкашнинг: “Ана шаҳар-у, мана шаҳар, нос чекиб, тупиролмай, ютиб юбордим-а”, деганини эшитдим. Тозалик одамни тарбиялайди, деганлари шу бўлса керак-да.

### БИЛИМСИЗЛИКНИНГ ДАВОСИ

– *Б*у дунёда ўлимдан бошқа ҳамма дарднинг давоси бор, дейишади, билимсизликни-чи, унинг ҳам давоси борми?

– Бор.

- Айтинг, устоз?
- Билмаганни тўхтамай ва тортинмай сўрайвериш!

### АҚЛИ ВА АҲМОҚ

– *Айтинг*-чи, устоз, ақли билан аҳмоқни қандай фарқлаш мумкин?

– Ақли бир ишни бошлашдан олдин маслаҳат сўрайди. Аҳмоқ ишни пачавасини чиқариб бўлгандан кейин маслаҳат сўрайди.

### ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

*Маҳаллада* уч-тўртга безори бир бўлиб, қимор, ичкиликбозлик, муштумзўрлик ва ҳоказолар билан машғул эдилар... Уларга оқсоқолларнинг насиҳатлари ҳам қор қилмади. Маҳаллада ёши улуғ, дуоси қабул бўладиган бир отахон бор эдилар. Безорилардан безор бўлганлар у кишининг ҳузурига келишди-да:

– Жон тақсирим, уларни бир дуоибад қилинг, Худо жазоларини бериб, маҳалламиздан даф бўлишсин, – дейишди.

– Шундайми? – деди отахон астойдил бўлиб.

– Ҳа шундай, тақсирим, шундай...

– Қани, унда кўлингларни очинглар.

Барчалари жон деб дуога қўл очдилар.

– Омин, эй бор Худоё, бизларни ўша адашган бандаларинг билан бирга жаннатларингга кирит, омин Аллоху акбар...

– Э... бўлмади тақсирим, бўлмади, дўзахилар билан жаннатга кириб бўларканми? – норози бўлди келганлар.

Бўлиб ўтган бу воқеа безориларнинг кулоғига етди. Бирдан қарияга муҳаббатлари ортиб, кўзлари очилди. У кишининг зиёратига келиб, қилмишларига тавба қилдилар...

## КИРАКАШ

Келинг, бу яхши одамни киракаш бўлмаса ҳам киракаш дея қолайлик. У шаҳар чеккасида яшайдиган кудасиникига набира муборакка келиб, оркасига қайтаётган эди. Қиш чилласи, ҳаво совук. Йўл чеккасида қунишибгина турган бир эркак билан аёлга кўзи тушди. Аёлнинг кўлида йўргакланган бола. Йўлим бўлса олиб кетақолай, совукда қотиб туришмасин, деб машинасини тўхтатди.

– Қаёққа борасизлар?

– Ўрикзорга.

– Йўлим экан, ўтирақолинглар.

Эркак олдинга, аёл боласи билан орқага ўтирди. Ёш оила экан, нимагадир икковиниям қовоғидан қор ёғарди. Хойнаҳой уришиб қолишганга ўхшайди, бўлмаса эркак ҳам аёлининг ёнига ўтирарди. Эътибор килса, аёл кўзёши қиляпти. Агарда у чиндан киракаш бўлганда индамай кетаверган бўларди. Чикқан ҳар бир йўловчи билан дардлашадиган бўлса тонг отадими? Шунгами, у бефарқ бўла олмади. Сўраганнинг айби йўк, балки ёрдами тегиб қолар.

– Бу дейман, келин-куёв аразлашиб қолдингларми?

– Опам бўладилар, – деди йигит ҳолатни ўнглаб.

– Эй, узр ўғлим, узр, опангиз нимага хафалар унда?

Йигит шундай бир дардқаш инсон йўлиққанидан хурсанд бўлиб, кўнглини ёрақолди. Опа-ука она кўлида етим ўсган экан. Онаси новвойчилик қилиб, уларни катта қипти. Қизини узатиб, энди ўғлимни уйлайман деб турганда, қозоғистонлик бир одам келиб, тандир нони билан бизнес қилмоқчилигини, у ёқда бу ердагидек хуштаъм нонлар ёпа олишмаслигини айтибди. Шароитни яхшилаб, хужжатларни қонуний бўлишига ваъда берибди. Она уй-жойини ижарага топшириб, ўғли билан ўша ёққа жўнабди. Қунларнинг бирида бу ёқдан “эсемес” бориб қолти. “Машина олмоқчимиз, озроқ пул керак”. Укаси ўша пулни олиб,

шу бугун эрта билан етиб кепти. Поччаси ишга кетган, уйда куда хола бор эканлар. Йигит опаси сўраган пулни дастурхонга кўйиши билан машмаша бошланибди. Куда хола келинини ўзбошимчаликда, бефаросатликда айблабди. Ўғли ҳеч қачон қайнонаси билан қайин укасининг топган пулига машина олиб минмаслигини, мабода минадиган бўлса, унақа ўғилни ок-кўк киворишини айтибди ва келинини жаҳл устида уйдан ҳайдаб солибди. Ҳа, кўзига набираси ҳам кўринмапти.

– Энди йўл бўлсин? – деб машинасини четга олди у.

– Поччамни олдига, у киши дўконда ишлайдилар.

– Келин, пулни эрингиз сўратганмиди?

– Йўк, сўратмагандилар...

– Ана холос, кинодагига ўхшаб ўзингизча “сюрприз” килмокчи бўлибсиз-да, а?

–...

– Агарда эрингиз шу қайнонангизнинг ўғли бўлса, ҳозир боришингиз билан, худди, талоқ киворади-я. Бунақа ишлар бамаслаҳат қилинади, қизим. Қайнонангизни дарғазаб бўлганича бор. Онангиз бечора, қудам билан куёвим сўратгандир-да, қизим тинч ўтирақолсин, деб топганини бериб юборган. Энди гап бундок, яхшиси эрингизнинг олдига борманг, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин. Ҳозир уйингизга қайғариб олиб бораман, қайнонангизнинг оёғига йиқилинг, кечирим сўранг, ялининг, ёлборинг. Нима қилиб бўлса ҳам кўнглини ийитинг, қайнонангиз ҳамиятли аёл экан, кечиради. Шундай қилингики, бу машмаша қайнона келиннинг ўртасида қолиб кетсин, эрингизга етиб бормасин, қизим!

### ЛАФЗ

*И*нтернет бозори орқали бир буюм сотилди. Харидор эртасига келиб олиб кетадиган бўлди. Орадан сал ўтмай буюм эгасига яна кўнгирик бўлиб қолди. У

киши нарса сотилганини, ҳали интернет тармоғидан ўчиришга улгурмаганини айтди. Янги харидор қанчага сотилгани билан қизиқиб қолди. Бу одам ҳам яширмай айтақолди.

– Савдони бузинг, мен бир ярим баравар ҳақ тўлайман, ўша нарсани кўпдан қидириб юргандим, – деди янги харидор.

– Узр, савдони бузолмайман, лафз қилиб кўйганман, – деган жавоб бўлди.

– Хўп денг, икки баравар ҳақ тўлайман, – яна кизиқтирди у...

– Йўқ, дедим-ку, – деб у дарровда телефонни ўчирди.

Эртасига харидор келди.

– Мабодо савдони бузинг, икки баравар ҳақ тўлайман деганлар чиқмадимми, – сўради у кулиб.

– Буни сиз қаердан билдингиз?

– Ўша мен эдим, бир синаб кўрай-чи, дедим-да.

– А?...

## ШИРИН БОДРОҚ

Қария дўкон олдида йиғлаб турган болакайнинг олдидан чиқиб қолди.

– Ҳа, нима бўлди, болам, ким хафа қилди, сени?

Боланинг кўзи теппасида турган нотаниш отахонга тушди-ю йиғидан тўхтаб, шошганича, ширингина килиб:

– Ачаломалайкум, – деди-ю йиғини яна келган жойидан давом эттираверди. Унинг шундай бир аҳволда ҳам саломни қанда қилмагани қарияга ёқиб қолди ва уни хафа қилгани астойдил бўлиб атрофдан қидирди. Шу пайт дўкончи кўлида ширин бодрок олиб чиқиб:

– Ма, лўлилик қилма, ойингга айт, пулини олиб чиқиб берсин, – деди...

Бола аразлаб, тескари қаради, бодрокни олма-

ди. Маълум бўлишича, болакай ўйнаб дўконга кириб қолган-у ширин бодрокка қўл урган. Бундай нарсалар пулга сотилишини билмаган-да. Табиий, дўкончи уни уришиб, тарбиялаб қўймоқчи бўлган. Қария масалага тушунгач, дўкончидан ширин бодрокни сотиб олди-да, болага узатди:

– Ма болам, сен жудаям одобли бола экансан, йиғлаб туриб ҳам салом беришни эсингдан чиқармадингми, одам бўласан. Олақол, бу ўшанинг мукофоти, – деб болакайнинг пешанасидан ўпиб кўйди.

### ЯНА ШУҚР ҲАҚИДА

Дастурхонга қўядиган ҳеч вақом йўқ дейдиган замонда эмас, дастурхонга қўйилмаган нималар қолди деган замонда яшаяпмиз, шуқр қилинг, азизлар.

### СОҒЛОМ БОЛА

Соғлом онадан соғлом бола туғилади, деб кўп гапирамиз, Ота-чи? Она соғлом бўлиб, ота соғлом бўлмасачи?!

### ЎЗИМИЗ-ЧИ?

Нуқул болаларимиз китоб ўқимай кўйди, компьютер-у телевизордан ошмайди, деб нолиганимиз-нолиган. Ўзимиз-чи, ўзимиз китоб ўқиймизми? Қуш уясида кўрганини қилади-ку!

### ҚЎШНИ ЙИГИТ...

Бўй етган, ёлғиз ўғил автоҳалокатга учраб, ота-она бағрини доғлаб кетди. Она ётиб қолди. Ўғлининг кийим-кечакларини онаизор кўрмасин ҳам – куймасин ҳам деб унга-бунга бериб юбориш-

ди. Ундан эсдалик бўлиб, биттагина ноутбук қолди. Ота шуни хохлади. Бирок кўшни йигит ноутбук тураверса темир-терсакка айланиб қолади, менга сотинг, деб нархини айтди. Барибир отанинг кўзи қиймади. Рўзгорчилик, онанинг муолажасига пул зарур бўлиб қолди. Айни дамда ўша пул йўқ, нима қилса экан? Ўй суриб ўтириб, отанинг кўзи илинди. Воҳ... ўғли ўлмаган, шундоққина рўпарасида турганмиш. “Дадажон, – дер эмиш хамишадагидек меҳрибонлик билан, – нимага сиқиласиз, анавини сотингда, қўйинг”, деб ноутбукни кўрсатармиш...

Отанинг кўнгли бузилди, ох, болажоним-а, меҳрибоним-а, қоронғи гўрда ҳам сизларни ўйлаб ётибман дегин? Хўп, майли айтганингни киламан болам, ўлганлар тирик, тириклар ўлик деганлари шу-да. Кўшни йигит олмоқчи эди, зора пулинг эм бўлиб, онанг оёққа туриб кетса... Бирок кўшни йигит тижорат билан узоқроқ сафарга кетган экан. Уни кута олмайди. Дори-дармонга пул зарур. У газетадаги эълонларни қидириб олди-сотти жойини топиб, ишлатилган, аммо яхши сақланган ноутбук бўлса сотиб оладиган харидор топди. Телефон рақамигача ёзиб қўйилибди. Таваккал, кўнғироқ қилди. Харидор келди ва нотбукни кўздан кечириб, қанча дейсиз деб отага юзланди. Ота елка қисиб, кўшни йигит айтган нархни айтди. Харидор бўлса, унақа эмас, бунақа, деб уч баробар кўп нархни айтди. Отанинг ичидан бир нима узилгандек бўлди. Наҳотки кўшни йигит?.. Агарда у сафарга кетмаган бўлганида, албатта, ўша нархга сотган бўларди... Балки кўшни йигит тижоратчи бўлгани билан бунақа нарсаларни унчалик тушунмас. Менга бу харидорни Худонинг ўзи юборди, деб ўзига-ўзи таскин берди ота...

### **ЗИКР, ШУКР ВА САБР ҲАҚИДА...**

*Шо*шиб турган эдим, кўчага чиксам бир такси шундоқ олдимга келиб тўхтади-да, ичидаги йўловчини туширди. Дарровда хайдовчига юзланиб, борадиган манзилимни айтиб, иссиғида қанча бўлишини сўрадим? У, ўтиринг, деди савдолашмай. Ичимда, савдолашмалими, энди ўзидан кўрсин, дея машинага ўтирдим. У нимагадир тўлиб турган экан, юриш билан гап бошлаб қолди:

– Клиентлар ҳам ҳар хил бўладида. Ҳозирги одам машинага чикқандан тушгунча, кўлида тасбеҳ ўгириб, одамлар ундоғ бўлиб кетди, бундоғ бўлиб кетди, ношукр, бесабр деб, охири йўл ҳақини ярмини бериб тушиб кетди. Дийдиё қилгани нима бўлди-ю, нонимни яримта қилиб тушиб кетгани нима бўлди, вай номард-ей? – деб менга қараб қўйди. Таксичиларни билиб қолганман, гап бериб, гап олишни яхши кўришади. Шу билан сал бўлса ҳам чарчоғлари чиқиб, йўлнинг таноби тортилади-да.

– Хафа бўлманг, кўлига тасбеҳ ушлаган ҳар бир одам авлиё бўлиб қолмайди, унақалар ўзлари бесабр-у, сабрдан, ношукр-у шукрдан дарс беришади. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилма дейишади-ю ўзлари хиёнат қилишади. Ундай одамларда энг зарури зикр бўлмайди, ҳа зикрда гап кўп...

У менга “нима” дегандек қараб қўйди. Назаримда, сиз айтган зикр қанақа бўлади, демокчи бўлди шекилли. Ҳарқалай менга шундай туйилди.

– Аслида, – дедим мен, – нонингизни яримта қилиб тушиб кетган одам шукрнинг ҳам, сабрнинг ҳам боши зикрдалигини билмас экан. Билганда боши-охири йўқ, пойинтар-сойинтар гапларни қилмасди. Зикр бу, аввало, Худони таниш...

Шу пайт шаррос ёмғир куйиб, гапим бўлинди. У дарровда ойнаартгични ишта солди.

– Ана, – дедим менга жон битиб, – фалокатни олди-

ни олай деб дарровда ойнаарткични ишга солдингиз-а, аммо ёмғирни тўхтатиш кўлингиздан келмайди, тўғрими? Эътибор қилинг-а, ҳозир неча триллион тонна сув тепамизда, муаллақ осилиб турибди, бирданига тушиб кетса борми... Сувни булут ҳолида осмону фаллакка кўтарган Эгаси бандаларини ўйлаб, ерга томчилатиб туширяпти. Ана энди бу ёмғир сувларидан ариқлар, анҳорлар, дарёлар тўлиб, оқишини кўринг. Агар оқмай ерга сингиб кетса нима бўлади, чиқариб олиш кўлимиздан келадими, икки дунёда ҳам келмайди? Ана шунақа қилиб ўйласак, фикрласак, бу оламининг Яратувчисига яқинлашиб бораверамиз, қадрдон. Зикр дегани шу аслида.

Бу орада манзилга ҳам етиб келдим. Гап узилди, хаёлимда уловга мендан олдин чиққан йўловчи баҳона нималар демоқчи бўлганимни дедим шекилли...

– Ҳа-а... – деди таксичи бошини орқага ташлаб хузурланар экан, – олдин зикр, кейин шукр, ундан кейин сабр денг?

– Ўлманг, мана ҳақингизни олинг, – деб унга атаганимни узатдим. У бўлса кўлимни қайтариб, сиздан пулданам қимматлироқ нарсалар олдим, деб жўнаб кетди...

## БАРАКАЛЛА

Автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Йўловчилар тушдилар, чиқдилар. Охири орқасига жилд осиб олган бир болакай, кўзлари жовдираб, пастдан туриб ҳайдовчига мурожаат қилди:

– Амаки, пулим йўғиди, чиқвосам майлими?

Боланинг овозида истар-истамас, гурур, тортиниш, аммо ёлбориш йўқ эди. Агарда ҳайдовчи йўқ деб қолса пиёда жўнаворадигандек. Нима бўлганда ҳам боланинг сўрагани менга ёқди. Мабода ҳайдовчи йўқ деса “Чиқовур болам, пулингни мен тўлайман”, демоқчи бўлдим. Биладан, ҳайдовчилар, чипта сотувчилар

мактаб ўқувчилари билан унчалик чиқишмайди. Бировида пул бўлади, бировида йўқ. Ҳар тугул хайдовчи томонидан:

– Чиқақол, – деган рухсат бўлди. Олдинда ўтирган бир отахон бу ҳолатни кузатиб ўтирган эканми, хаммага эшиттириб, “Баракалла” деб кўйди. Бу супориш хайдовчигами, болакайгами, ишқилиб, айтилди-да. Мен ҳам хайдовчининг болажонлигидан хурсанд бўлдим. Уни ҳам мактабга борадиган болалари бордир, ахир. Хаёл билан бўлиб, бу воқеани деярли унутган эдим, навбатдаги бекатда бирдан яна бояги болакайнинг овози янграб қолди:

– Раҳмат, амаки...

У манзилига етиб, йўловчилар билан тушиб борарди. Шу пайт яна бояги отахоннинг овози эшитилди:

– Баракалла!

Шундагина супоришнинг эгаси болакай эканини англаб етдим, ичимда беихтиёр мен ҳам “Баракалла” деб кўйдим.

## УДДАБУРОН

Кишлоқда нима кўп, катта-кичик хонаки дўконлар кўп. Лекин кишлоқнинг бир чеккасида бир дўкон борки, у хамиша харидор билан гавжум. Айниқса, кишлоқ болалари уйга бирон нарса керак бўлса, ўша дўконга қараб чопаверадилар. Худди оҳанграбоси бордек. Ҳатто қўлидан бир иш келмайдиган кичкинтойлар ҳам оналарини шу дўконга қараб судрайдилар. Гап шундаки, дўкончи киши билмас муғамбир, уддабуронлардан. Дўконга кирган бола борки оғзини ширин қилиб чиқарворади, курук кўймайди. Унинг бу илтифоти нафақат болаларга, катталарга ҳам ёқади. Шундай бўлгач, савдонинг тегирмони ҳам юради-да. Мана, сир қаерда...

## АЖРИМ

*И*кки дўст бирга-бирга тижорат қилишарди. Кунлардан бир кун бири шайтоннинг гапига кириб, иккинчисига хиёнат қилиб қўйди. Ҳа, нафс деган бало-ю офат ғолиб келди. Лекин иккови ҳам бир-бирига ўрганиб қолмаганми, ажраб кетгилари йўқ эди. Хиёнат қилиб қўйгани, ўлдими, шеригим гуноҳимдан ўтса керак, деб ўйларди. У ҳам, хато кимдан ўтмайди, кечсам кеча қолай, деган қарорга келиб қўйган эди-ю, барибир шеригини яна бир бор синаб кўрмоқчи бўлди:

– Ке оғайни, бу ишнинг ажримини охиратга қолдирайлик-да, кўзни чирт юмиб, келган жойидан давом эттирайлик, нима дейсан? – деди. Бу билан шериги охиратдан кўрқадими, йўқми билмоқчи эди.

– Яхши ўйлабсан, оғайни, – деди у, – ўтган ишга саловат, у ёқларга ким ҳам бориб келибди, дейсан?..

Шу гапдан кейин у шеригидан қўлини ювиб, қўлтиғига урди...

## ЎГИТ

*Ў*ғил муборак ҳаж сафарига борди. Аллоҳнинг уйини тавоб қила туриб, беихтиёр раҳматли отасини эслади. Отаси бадавлат одам эди, аммо шу закот масаласида сал зикналиги бор эди. Ўғил шуни эслаб, йиғлаб туриб, Яратгандан отасининг гуноҳларидан кечишини сўради. Тавоф амалларини қилиб бўлгач, бир устунга суянди-ю, кўзи илинди. Хобида отасини кўрди, ота ўғлининг пешанасидан худди бола пайтидагидек ўпиб:

– Баракалла ўғлим, дуонинг қабул бўлиб, Аллоҳ мени қабр азобларидан қутқарди, – деди...

## ЎЛИМНИ АФЗАЛ КЎРГАН ОДАМ

*Ха*, ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан. Яна ким денг, кўли ҳамма ёққа етадиган, пул билан омон қолса шу одам ўлмаслиги керак бўлган одам. Чиндан ҳам у ўлмади қолиши, ҳаётда умргузаронлик қилиб юриши мумкин эди. Бироқ ўзи хоҳламади. Охират сафари билан ҳаммани ҳайратга солиб, кўпларнинг кўзини очиб кетди. Нима бўлган эди ўзи дейсизми?

Тузалиб, оёққа туриб кетиши учун қон қуйиш керак экан. Бироқ қон ҳадеганда топилавермади. Донор қидира бошлашди. Ниҳоят, шундай одам топилди. Хайрият! Бироқ у жуда катта пул сўради. Беморнинг яқинлари гап-сўзсиз, айтган пулини берадиган бўлди. У пулни олдиндан талаб қилди. Буни эшитган бемор кескин бош чайқади, донорнинг қонидан бош тортди. Қонимни у зикна, хасис одамнинг қони билан булғамайман, унга ўхшаб қолишдан кўрқаман, деди ва ўлимни афзал кўрди...

## ОМОНАТ

*Я*ратган Эгамнинг бандаларида омонати кўп экан. Аммо омонатлар ичида яна бири бор эканки, у ҳам бўлса зурриёд, бола тарбияси экан. Бу омонат омонатларнинг энг улкани экан. Бола тарбиясига бефарқ бўлган кишилар охиратда, албатта, шу омонатдан сўралар экан. Табиий, бандаси ожиз ва нотавон, яратган Эгамга бу омонатинг ҳаётини дунёда қолиб кетди, деб баҳона қилмоқчи бўларкан. Шунда Аллоҳ таоло ўша омонат хов дўзахнинг тагида ётибди, тушиб, уни олиб чиқ дер экан. У харсангдек жудаям оғир бир нарса бўларкан.

Банда дўзахнинг тагига тушиб, ўша нарсани елкасида кўтариб чиқа бошлар экан, энди маррага етдим деганда “омонат” елкасидан пастга қулар экан, яна тушар экан, яна обчиқар экан, яна қулар экан, бу

азоб абадий давом этаверар экан. Эй, боласига нафақа тўлашдан қочиб, ундан воз кечган, эй, хотинини бола-си билан кўчага хайдаб, ўз маишатини ўйлаб бола тарбиясини унутиб қўйган тошбағир оталар, эй, болани туғиб, кўча-кўйга ташлаб кетаётган аёллар, бу гаплардан хабарингиз борми? Унутманг, бола ҳам, унинг тарбияси ҳам Яратганнинг энг улкан омонатидир.

### ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

Эр ва хотиннинг ёшлари бир жойга етибди ҳамки фарзанд кўришмабди. Аммо ноумид бўлмабдилар. Аллох сабрларига яраша бир ўғил берибди, аммо хотини болани дунёга келтирибди-ю оламдан ўтибди. Ота фарзандини еру кўкка ишонмай, эркалатиб катта қилибди. Кексалик чолга ўз ҳукмини ўтказибди. Мадордан қолибди. Бир куни у ўғлига қўй гўшти егиси келганини айтибди.

– Бир оғиз сўзингиз, отажон, – дебди эрка ўғил, – эртага битта қора кўчкорнинг гўшти билан ёғи қонарага осилган бўлади, маза қилиб еймиз...

Чиндан ҳам ўғли айтгандек бўлибди. Қонарада гўшт-ёғлармиш... “Кел, – дебди ота, – бу гўшт-ёғни ейишдан олдин бир ўзимизни тарозида тортиб кўрайлик, еганимиз қанчалик юқиб, қанчалик семирарканмиз”. Ота-бола ўзларини тортиб кўришса, отанинг тоши ўғлиникидан икки баробар кам чиқибди. “Сиз қариб қолгансиз, мен ёшман, ҳали бу гўшт-ёғни егандан кейин янаям семириб кетсам керак”, дебди ўғил. Шундай қилиб, ота-бола қўй ёғи, қўй гўшти билан бир-бирларини роса сийлашибди. Ота кекса, камтомоқ – бир ҳисса еса, ўғил икки ҳисса ер экан. Ниҳоят, гўшт-ёғлар ҳам тугабди. Шунда ота ўғлига дебди: “Кел болам, тарозига яна бир чиқайликчи, бу зиёфат кимга қанчалик юқибди экан, билиб оламиз”, дебди. Тарозига чиқишса, ота икки баробар семирганмиш-у ўғлининг вазни ўзгармаганмиш.

– Воҳ, – дебди ўғил ҳайрон бўлиб, – мен сиздан икки баробар кўп сдим, нимага семирмадим экан?

– Эй ўғлим, – дебди ота, – сен кўй сўяман деганинда, ўғлим хойнаҳой кўшинининг бўрдоқисига кўз олайтирмасмикан, деб сендан олдин бўрдоқининг пулини бериб кўйган эдим. Лукма мен учун ҳалол эди, шунга кам есам ҳам танамга юкди, семирдим, куч-куватга тўлдим. Сен ўғирлик, ҳаром лукмани единг, билиб кўй, ҳаром лукма икки дунёда ҳам танамга сингмайди, – дебди.

Қиссадан ҳисса чиқарган ўғил тавба қилиб, ҳалол еб-ичишни касб қилиб, узоқ йиллар ота-онасининг чирогини ёқиб ўтирибди.

## ЧИРОҚ КЎТАРГАН

Бир қария хуфтонда мачитга қараб йўл олибди. Ўша куни ҳаво булут, кўча қоронғи экан. Сеними, шошмай тур, дебди шайтон ва уйдан чиқиши билан чолни чалиб йиқитибди. Энди уйига қайтиб кириб кетса керак, деб ўйлабди шайтон. Аммо ундай бўлмабди, қария ўрнидан тура солиб, у ёқ, бу ёғини қоқиб, суқиб, пайпаслаб кўрибди-да: “Э, Худо, бир гуноҳим борки йиқитдинг, хайрият суяқларим бутун, бу йиқилишимни гуноҳларимга каффорат қил”, дебди ва йўлида давом этибди. Ёмғир ёғиб, йўлда каттакон кўлмак ҳосил қилган экан. Шайтон уни тўғри кўлмакка бошлабди, бечоранинг оёғи тойиб, уст-боши лой, ҳамма ёғи шалаббо бўлибди. Ҳойнаҳой энди орқасига қайтиб кетса керак, деб ўйлабди шайтон. Қария яна ўрнидан турибди, у ёқ, бу ёғини пайпаслаб: “Э, Худо, бир гуноҳим борки йиқитдинг, ҳар тугул суяқларим бутун, бу йиқилишимни ҳам олдин содир қилган гуноҳларимга каффорат қил”, дебди ва йўлида давом этибди.

Шу пайт олдидан чироқ кўтарган бир йигит чиқибди.

– Ҳа, отахон, қоронғида йўл бўлсин?

– Мачитга, болам.

– Юринг, обориб кўяман.

– Э, кандоқ яхши йигит экансан, Худо сени менга етказди.

Нихоят, мачитга ҳам етиб борибдилар. Чол бу одобли йигит ҳам хуфтон намозига келяпти, деб ўйлаб:

– Қани, ичкари бошласинлар, ўғлим, – деди.

– Йўк, ичкари киролмайман, ишим зарил, – деди йигит.

– Унда кўлингни оч, бир дуо қилай.

– Йўк, дуоинг менга ўтмайди, – дебди йигит бирдан сенсирашга ўтиб.

– Воҳ, нимага энди? – дебди йигитнинг бирдан бетакаллуф бўлиб қолганидан ҳайрон бўлган қария.

– Нимагаки, мен шайтонман, биринчи бор йиқилганигда уйингга кириб кетасанми деб хурсанд бўлган эдим. Ундай қилмадинг, аксинча, йиқилишингни гуноҳларингга каффорат бўлишини Худодан сўрадинг. Иккинчи мартасида мен сени кўлмакка солдим, яна йўлингдан қолмадинг. Қарасам, мачитга келгунча йиқилиб, гуноҳларинг биттаям қолмайдиган, шунга сени чирок кўтариб олиб келиб кўйдим, чол.

– Шукр, минг бора шукр, – деб ўзини тута олмай қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборибди қария.

– Ҳа, бу шукроналик, менгами? – хурсанд бўлиб сўради шайтон.

– Э, сенга йўл бўлсин, малъун, душманамга чирок кўгартириб, хизматимга солиб кўйган Худойимга шукр қиляпман, – дебди қария.

Шайтон дод деб кўздан ғойиб бўлибди...

## **БИРИНЧИ ЎРИН ДАЪВОГАРИ**

*Биз* кексалар боғда сайр қилиб юрсак бир гуруҳ хаваскор рассомлар келиб қолишди. Устозлари уларга бир соат вақт орасида боғдаги хоҳлаган манзара-

ни чизишга буюрди. Бу болалардаги дид, гўзаллик, фаросат билан боғлиқ мусобақа эди. Ёш рассомлар боғнинг ям-яшил майсалари узра сочилиб, қалам, қоғоз мойбўёқларини ишга солишди. Шу туришда уларнинг ўзи истироҳат боғига гулдек бўлиб тушган эдилар. Уларни кўриб биз қариялар ҳам яйрадик.

Шу пайт бизга ҳам иш топила қолди. Болаларнинг устози бизларга хакамлик қилишимизни илтимос қилди. Жон деб рози бўлдик.

Белгиланган вақт тугаб, болалар очик майдонда ўз ишларини намойиш қила бошлашди. Боғнинг чиройли кўринишлари қоғозларга кўчган эди. Биз учта энг зўрини танлаган бўлдик.

Аммо жюри аъзолари ичидан ола чиқди, бир онахон фикримизга кўшилмай, ажи-бужи бир расмни ёқлаб, шунга биринчи ўринни берасизлар, деб туриб олди. Онахон ҳазиллашяпти шекилли, деб ҳаммамиз кулиб юбордик.

– Кулманглар, – деди онахон жиддий бўлиб, – бу болам табиатни ростакам яхши кўрар экан, келажакда ундан зўр рассом чиқишига ишонаман. Мен ҳаммаларини кузатиб турдим, у ўтирган жойини озода тутди, ундан на ёғимланган қоғоз, на сувдан бўшаган идиш қолди...

Бу гапдан кейин ҳаммамиз беихтиёр ҳозиргина болалар ташлаб чиққан ям-яшил майдонга юзландигу, оҳ деб юбордик. Боғдаги гўзаллик қоғозларга кўчган-у, ўзи ивирсиқ ҳовлига ўхшаб қолган эди. Биз онахоннинг зийраклигига тан бердик-да, у кўрсатган рассомга мукофотли ўринни лозим кўрдик.

## ТЕМИР ФАЛСАФАСИ

Довуд алайҳиссаломни темирчиликнинг пири дейишади. Чунки Аллоҳ таоло у кишига олов ёқиб, тошларни куйдиришни буюради. Тошлар ўтда эриб, сув бўлиб оқа бошлайди. Довуд алайҳиссалом

хайратга тушиб, улардан рўзгор учун ҳар хил анжомлар ясашга тушадилар. Дунё дунё бўлгандан бери неча минг пайғамбар келган бўлса, кўли ўтда куймайдиган ягона пайғамбар шу киши бўлганлар. Ҳатто совуқ темирлар ҳам у кишининг кўлида мулойим тортган. Шунда Довуд алайҳиссалом одамларга:

– Кўлингизга темирдан ҳасса тутиб, оёғингизга темирдан ковуш кийиб, ҳасса синиб, ковуш емирилиб кетгунча илм изланглар, – деганлар. Мана, неча минг йилдирки, ўша рамзий ҳасса ва ковуш инсоният хизматида. Илм билан ердан осмону фалакларга кўтариляпмиз.

### ЎЗИНГДАН КЎПАЙ...

Сафарда тун бўйи машинада йўл босиб, бомдод намозини йўл чеккасидаги бир кишлоқ масжидида ўқишга тўғри келди. Охирги қаторга илиндик. Такбирдан кейин ҳамма қиёмга қалқди. Бироқ ўнг тарафимдаги намозхон ўтирганича қолди. Кўзи илиниб қолганмикан, деган гумонда секингина туртиб кўйдим. Дарҳақиқат, мудраб қолган экан. Оёққа турди. Бироқ намозда ҳам уйқуси очилмай гоҳ менга, гоҳ нариги ёндаги одамга гандираклаб, тегиниб кетаверди. Намоз тугаб, эътибор қилсам, у бир болакай экан. Унинг уйидагилардан хафа бўлдим. Шунақаям жохил одамлар бўладими? Домла дуога қўл очди. Бола дуодан қуруқ қолмасин деб, уни яна туртиб кўйдим. Дуодан кейин болакай эшик тараф қолиб, гандираклаганича меҳроб тарафга қараб юра бошлади. Мен унга шошиб, эшик бу ёқда, дегандек йўл кўрсатган бўлдим. У бўлса эътибор қилмай туртиниб-суртиниб меҳроб томонга юра кетди.

Пойабзалларни кийиб, шошилмай масжиддан чиқаётиб, бирдан болакайга кўзим тушиб қолди. У соқоли кўксига тушган, озғин, новча бир отахонни кўлидан ушлаб, олдинга етакларди. Отахон кўрмас, те-

мир ҳассасини тўқиллатиб олдинга босарди. Кўрдим-у болакайга меҳрим тошиб, бағримга босиб олгим келди. Халқимизда ўзингдан кўпай, биридан буюрмаса, биридан буюради, деганлари шу бўлса керак-да...

### ОДАМ ЗОТИНИ БИЛИШ ОСОНМИ?

*Ма*ҳалламизга яхши усталар келганини эшитиб қолдим. Ҳовлида озгина бетон ишлари бор эди. Гаплашсам учтаси бўш экан, чиқақолишди. Аввало улар билан танишиб олдим. Шокиржон деганлари бошлиқ экан. Серҳаракат, уйланган, биринчи фарзандини кутаётган экан. Яна биттаси мўйлови энди сабза урган, ёш йигитча, исми Турсунали. Учинчилари ёши улугроғ-у кўринишдан бўш-бўёвгина, исми Аъзамжон. Тўрт боланинг отаси. Шундай қилиб, танишиб олганимиздан кейин иш бошланди. Эътибор қилсам ишнинг кўпроғи Аъзамжонга тушяпти. Сув олиб келган ҳам, бетонни аралаштириб қорган ҳам шу. Турсуналининг челагига бетонни ярим қилиб солган ҳолда (назаримда уни ёш деб аяйди шекилли) ўзиникига аямай солади. Ишбоши Шокиржон бўлса режа олиш, андова тортиш билан овора. Ора-чора шундоғам тиним билмаётган Аъзамжонни қистаб кўяди. Камига Турсунали ҳам бир нималар деган бўлади. Аъзамжон индамайди, ишдан бош кўтармайди. Бунчаям бўш-баёв бўлмаса бу одам. Яна тўрт боланинг отаси-я. Бунчаям шалвирайди, сал тил-забонли бўлганиям дуруст экан-да одамни.

Шуларни ўйлаб турсам бирдан Аъзамжонга телефон бўлиб қолди.

– Оббо, – деди у ёқда Шокиржон норози бўлиб. Турсунали бўлса ишшайиб қўйди. Аъзамжон бўлса шу кўнғирокни кутаётган эканми, чиройи очилиб, шошиб чўнтагига қўл юборди. Телефоннинг овозини атайлаб баландлатиб қўйган экан, у ёқдан ёш болаларнинг овозлари эшитила бошлади:

– Ассалому алайкум дадажон, қўлиз тузукми?

Шундагина эътибор қилибман, унинг чап қўли билагидан сириб боғланган экан.

– Тузук, болам тузук...

– Менга чупачупс обкелинг.

– Хўп болам, хўп...

Болалар шу зайл дадаси билан саломлаша бошлади. Бу ёқда Шокиржоннинг хуноби ошади, унинг нима деб нима қўяётганини Аъзамжон эшитмайди, хаёли болаларида, уларни соғингани сезилиб турарди. Ҳозир тўртинчиси билан салом-алик қиладию, гап тугайди деб турибман мен бу ёқда. Аммо саломлашишнинг иккинчи давраси бошланиб кетди. Ишбоши қўлидаги андовани тарақлатиб, бақириб берди. Турсунали Аъзамжонни туртиб қўйди. Боласи тушмагурлар отасининг иши бошидан ошиб ётганини улар қаердан билсин...

– Бўпти болаларим, бўпти, онангизни хафа қилманглар-а, хўпми, – деб телефонни ўчирди у.

– Ёмонам ишши белига тепишади-да шу болалариз, – деб тутун қайтарди Шокиржон. Ҳар куни ахвол шу-я...

Аъзамжон айбини ювиш учун шоша-пиша ишга ёпишди. У олдингидан ҳам ғайратланиб кетган эди. Ҳа, болажон одам экан, уларни роса соғинибди, бечора.

– Аъзамжон, – дедим салдан кейин уни гапга тутиб, – болаларингиз сизни роса соғинишибди, икки қайтадан саломлашишди ўзиям.

Аъзамжон оғир сўлиш олиб, деди:

– Сўрашганларнинг олдинги иккитаси синглимининг болалари, синглим ўлиб кетган, кейинги тўртгаси ўзимники. Бизда тартиб шунақа, олдин ўшалар мен билан салом-алик қилишади, кейин ўзимникилар. Ҳар куни бир марта дадалашмаса кўнгиллари ўрнига тушмайди, ўзимам шунга ўрганиб қоғанман.

Бу гапдан кейин бир қалқиб тушдим.

– Болаларни отаси-чи, тирикми? – дедим.

– Ҳа, бошқасига уйланиб, паққос кетворган. Бир ҳисобда шунисиям яхши бўлган, болалар икки уйлик бўлиб катта бўлмади...

Нафасим ичимга тушиб кетди, бир аҳволга тушдим. Беихтиёр унинг аёлини кўз олдимга келтирдим. Аёлиям ўзига ўхшаган экан-да, ўзини болалари қолиб, саломлашиш навбатини етимчаларга берса. Бу дунёда нақадар яхши одамлар кўп...

Воқеани кампиримга айтиб бердим, у ўтириб йиғлади. Шу билан тинчимади, сандиғини титиб, бир бўғча нарсани Аъзамжонга, хотинига деб ажратди. Кейин, сўрангчи, уларнинг ёши неччидайкан, деди. Каттаси ўғил, етти ёшда, бу йил мактабга бораркан. Кичиги уч ярим ёш, қиз бола экан. Эртасига анови бўғча ёнида янгиси пайдо бўлди. Кампирим бозорга тушиб, пенсия пулидан ўғил болага бошдан-оёқ мактаб формаси, қизчага кўйлақчалар олибди...

Камина Аъзамжон воқеасини ичимга сиғдира олмай, гап орасида ишхонамиздаги аёлларга ҳам айтиб бердим. Севара исмли ходимамиз бир энтикди-да:

– Менинг гапимни эшитинг, – деди, – маҳалламизда эрта сахар бир йигит қишлоқдан қатнаб қатик сотиб юради. Ҳамма ўшани қатиғини олади. Ёғлик, тошдек қаттик. Қўшнилари бор қатиғини мақташади-ю ўзини нукул ғийбат қилишади. “Сумбатдек йигит қатик сотмай ўл, бошқа иш топса бўлмасмикан, бундок уялмайдиам?” Мен, аксинча, йигитни ёқлайман. Қанийди, ҳамма йигитлар ҳам шундок бўлса. Анови икки букилиб, қўллари узилиб, қатик-сут сотиб юрган хотинларнинг ўғиллари йўқ дейсизми? Бу йигит онасини, опа-сингилларини аяб, шу ишни қилиб юрибди, баракка топсин, отасига минг раҳмат, тирикчиликнинг нима айби бор...

– Хо... қизларингиз етилиб турибди, мабодо совчи келса шу қишлоқи қатикчига берармидингиз? – деб улар энди мени жиғимга тегмоқчи бўладилар.

– Қанийди, қизимни жон деб бераман, аслида уйим,

жойим дейдиган йигитлар, шунақалардан чиқади, – дедим. – Ростданам, йўқ демайман...

## АЗАЛИЙ ТАШВИШ

*М*уборак рамазон кунлари охирлаб борарди. Ишхонамга кўнғироқ бўлиб қолди. Гўшакни олсам аёл киши.

– Узр, сиз мени танимайсиз, – деди у хижолат бўлиб, – ўғлимга дастхат билан китоб совға қилган экансиз, телефон рақамингиз ҳам бор экан, эсласангиз керак, кўлтиқ таёкли, ногирон бола.

– Ҳа, ҳа, – дедим эслаб, – ўғлингизни китоб дўконда кўриб қолувдим, бирон юмуш билан кўнғироқ қиляпсизми?

– Ўғлимнинг тузалиб кетишига умид бор экан, аммо кўлимиз калталиқ қиляпти, нимагадир ўғлим, шувало, сизга кўнғироқ қилинг деб туриб олди, шунга безовта қилаётганим.

Ўшанда мен болага ўзингни қарат, ҳали ёшсан, тузалиб кетасан, деган эдим. Бирон ёрдам керак бўлиб қолса, деб телефон рақамимни ҳам бергандим. Демак, муолажага яхшигина пул керак. Аёлга дабдурустдан бир нима дея олмадим. Ҳар эҳтимолга қарши уй телефонини ёзиб олдим. Шуларни ўйлаб, пулдорларга кўнғироқ қилгунимча орадан бир-икки кун ўтиб кетди. Мўлжалдаги пулни топишим билан аёлга кўнғироқ қилишни ўйлардим. Буни қаранг-ки, Аллоҳнинг марҳамат чироғи ёнди. Биздан юқори қаватда ишлайдиган бир аёл хонамга кириб келди. Салом-алиқдан сўнг у столим устига елим халтада бир нима қўйди-да:

– Закотим, ўрнига тушириб берсангиз, – деди, кейин катта бир вазифани уддалагандек шошиб чиқиб кета бошлади.

– Шошманг, синглим, дуо қилайлик, – дедим, – Худо хоҳласа, закотингиз ўрнига тушади, Дуоларингиз, энди, мустажоб бўлади.

– Қанийди, ўғлим ўқишга кириб кетса, – деди у чуқур хўрсиниб.

Ох, онажон, онажонлар-а... бири боласининг соғлигини ўйлаб ташвишда, бири ўқишини ўйлаб... бу – оналаримизга берилган азалий ва абадий ширин ва аччиқ ташвишлар бўлса керак.

## НАСИБА

Рамазон кунлари эди. Кампирим сахарликка нон олакелишимни қайта-қайта тайинлади. Масжид олдида нон сотилишини биларди. Қаричилик, нон олиш хаёлимдан паришон бўпти. “Энди нима қиламиз,” деб жиғиллади кампирим. “Ке, кўй, бир кун нонсиз сахарлик қилсак қилибмиз-да”, дедим уни тинчитган бўлиб. Сахарликка турдик. Шу пайт эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Хавотир олдим. Шу пайтда ким бўлиши мумкин? Очсам, куёвим Баҳром. Кўлида тугунча.

– Ҳа, тинчликми, – дедиму, хаёлимдан кампирим менга билдирмай кўнғироқ қилибди-да, вой тинчиманганей, деган ўй ўтди.

– Иш билан Қаршига борувдим, – деди куёвим, – кечки салқинда йўлга чиқиб, Самарқандга етганда сиз ёқтирадиган пўлоти нонларидан олволувдим, йўл-йўлакай ташлаб ўтай дедим, ичида озгина тандир гўшти ҳам бор, – деб тугунни кўлимга тутқазди.

– Кўрдингми, – дедим кампиримга мақтаниб, – Аллоҳ кудратли, хоҳласа насибани Қарши-ю Самарқанддан бўлса ҳам етказди, ана шунақа. “Энди нима қиламиз”, деб ташвиш чеккан пайтда пўлоти нонлар бизга қараб йўлга чиққан экан-у...

## БОШҚАЧА ОДАМ

Бозорда бир-бирига туташ бешта дўкон ёниб кетди. Аммо биттаси Худонинг кудрати билан ёнмай қолди. Ҳамма хайрон. Гап чувалди:

– Бу одам закотини тўлаб кўйган, ановилар тўламаган...

– Бекор гап, уларам тўлашган, мен гувоҳман...

– Унда гап нимада?

Гап нимадалиги кейинчалик маълум бўлди. Дўкони ёнмаган одам молини тенг олтига бўлдида, бир ҳиссасини ўзига олиб қолиб, қолганини жабрланувчиларга бўлиб берди. Шунда дўкони ёнганлар ҳам, бошқалар ҳам, “Биз ҳам шунақа қила олармидик”, деган хаёлга бордилар ва ҳали ҳануз жавоб топиш билан оворалар...

## ТАШАККУР, УСТОЗ

*Ш*огирд йигит ниҳоятда иқтидорли эди. Устози тўртта хорижий тилни билганда у ҳозирдан еттига тилда равон гаплаша оларди. Олий ўқув юртини, магистратурани тугатиб, чет эл докторантурасига имтиҳон топширди ва унга имтиёз билан қабул қилинди. Бу хушхабар шу захоти дўстлари, қариндош-уруғлари орасида тарқалди. Ота-онаси ҳам хурсанд. Шогирд суюнчилаш учун устози ҳузурига ошиқди. Устози уйда эди. Нимагадир у шогирдининг гапларига эътибор қилмади, ҳатто ўзини эшитмаганга солди. Шогирд бўлса ҳар хил хаёлларга борди. “Мен бораётган ўқишнинг нуфузи ҳам, номи ҳам дунёга машҳур, наҳотки устознинг бунга гаши келаётган бўлса? Бир оғиз ҳам миқ этмадилар-а, ё бошларига бирон мусибат тушдимикан?”

– Тинчликми, устоз, мазангиз йўқроқ кўринади? – унга хавотирли қаради шогирд.

Устоз яна миқ этмади. Нима бало, шундоқ нотик одам тилдан қолганми? Шу пайт устоз индамай шогирдининг тирсагидан ушлаб, қасрмонанд қурилган уйининг тепа қаватига бошлади. Шогирд ҳеч қачон тепа қаватга кўтарилмаган эди. Ана жиҳозлару, мана жиҳозлар, ана ноёб нарсалару мана ноёб нарсалар, шо-

гирд бунакаларини, ҳатто музейларда ҳам кўрмаган. Ниҳоят жуда истарали, чоққина шарқона хонага киришди. Хона ўртасида хонтахта, тўрт томонига кўрпачалар солинган, парёстиклар қўйилган, уйнинг тўридаги деворда эса ўрта ёшлардаги аёл билан эркакнинг сурати. Шогирд сизди – устознинг ота-онаси, қўйиб қўйгандек ўхшаб турибди. Устоз суратларга қараб, икки қўлини кўксига қўйиб, жимгина эгилиб салом ифода этди. Шогирд ҳам сеҳрлангандек беихтиёр устозига эргашди. У устози хузурига нимага келганини ҳам унутган эди.

– Мана, – деди устози ниҳоят тилга кириб, – ҳашаматни, мазаматларни кўрдинг, мен унвонлару, шоншухратни азиз ота-онамга алмаштирган оқибатсиз, нобакор ўғилман, билсанг. Бир вақтлар мен ҳам худди сендек учиб-қўниб чет элга кетдим. Илмда қўл урилмаган анча-мунча ишларни қилдим, юртма-юрт кезиб, симпозиумлардан бўшамадим. Мени улғайтириб, шундай мартабаларга етказган ота-онамни ўйламадим. Уларнинг бир кун ҳам хизматини қилмадим. Дастурхонларига ўз кўлим билан, ақалли, иккита иссиқ нон қўймадим. Оғизларига бир пиёла чой тутмадим. Ҳатто таъзияларига ҳам етиб кела олмадим. Юртимдан бегоналашдим, урф-одатларимиздан узоклашдим. Мана, ҳалигача одамларга аралаша олмайман. Худди кум-тошга ўхшайман. Буларнинг бари мен учун армон, армонки боши-охирини йўқ армон. Ўқишга қабул қилишганини ўзингдан олдин интернетдан ўқидим. Ўқидиму, ярам янгиланди, йиғладим. Ҳа... нима демокчилигимни билиб турибсан. Ҳозир сенда танлаш имкони бор, ота-онанг, жаннатмакон юртинг, дўстларинг, ҳеч нарсага алмашиб бўлмайдиган урф-одатларимиз-у, ёки...

Устоз оғир хўрсинди. Кейин шогирдининг елкасига қўлини қўйиб, беихтиёр жилмайди:

– Узр, табриклайман...

Шогирд устозининг ховлисидан укпардек енгил

тортиб чикди. Устози айтган армонларнинг бир учи унинг аллакаерларини жазиллатиб куйдира бошлаган эди. Устоз – устозда, шогирдининг кўзини очди, осмонни фалакда учиб юрган эди, охиста ерга олиб тушди. Ташаккур, устоз!

### **ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛГАН ОЛМА БИЛАН СУҲБАТ**

– *Ў*х-ў... бунча ҳусну тароватни, қаердан олдинг, қараб кўз камашади-я?

– Аллоҳдан!

– Э-э... бетинг бунча қаттиқ, тиш ботмайди-ю?

– Буниси одамлардан.

### **БИРИ-БИРИДАН ЎТГАН ҲАСАДЧИЛАР**

– *М*енинг бир ёмон одатим бор, биродар. Биров бировга яхшилик қилса ҳасаддан ич-этимни еб, ўлиб қолай дейман.

– Сизники меникининг олдида холва экан. Мен ўзимга яхшилик қилган одамгаям ҳасад қила бошлайман.

### **БУГУНГИ БОЙЛАР**

*Ў*тган замонда эмас, ҳозирги замонда бир бой бор эди. У нимага эришган бўлса, мактабда ўқитган устозидан деб биларди. Устози тарихдан дарс берганди. Шаҳри азимнинг бирон бир пучмоғи қолмаган эдики, шогирдларини олиб бориб, ўша жойнинг тарихини тўлқинланиб гапириб бермаган бўлса. Музейларнику кўяверасиз... Лекин Бухорои шариф, Самарқанд, Хива тарафларга олиб бора олмаган, катта бўлганинларда ўзларингиз кўрасизлар деган, шундай бўлса ҳам ўтмишга ҳурмат, юртга муҳаббат, урф-одатларга садоқат деган фазилатларни ёш юракларга ўчмас қилиб муҳрлаган эди. Бугунги кунда бойвачча йигит-

нинг ўғли ҳам мактабга қатнар ва отасининг устозидан сабоқ оларди. Устоз ўша-ўша шогирдларини шаҳар бўйлаб олиб юрар, бойнинг ўғли отасига кўрганлари, эшитганларини тўлқинланиб гапириб берарди. Ота учун бу гаплар янгилик бўлмаса-да, ўғлининг ҳикоясини мароқ билан эшитарди. Ота ўғлининг ўзиданам кўпроқ нарсаларни билишини хоҳларди. Бунинг учун ўғлим энди шаҳардан чиқиб, юрт кезиши керак, деб ўйларди. Ўзи олиб боргани билан тарихни устозичалик билмайди, у кишичалик чиройли қилиб гапириб бера олмайди. Хўш, нима қилиш керак? Болалар ёзги таътилга чиқишди-ю отанинг калласи, бирдан ишлаб қолди. Ҳа, одам зоти бир нарсага астойдил бўлса йўли топилади. “Сайёҳлик бюроси” орқали битта автобус ёлласа-да, устозини шогирдлари билан юртимиз бўйлаб сафарга йўлласа, сафар билан боғлиқ барча харажатларни кўтарса, қандоқ бўларкин?”

Устози собиқ ўқувчисининг бу қутлуғ ниятини, севина-севина, кўзларида ёш билан қарши олди. Сал кунда ҳашаматли бир автобус мактаб ёнига келиб тўхтади. Устоз ўқувчи шогирдларини олиб, учиб-кўниб сафарга йўл олди. Ота-оналар кузатар экан: “Оқ йўл, ой бориб, омон қайтинглар”, деб дуо қилдилар.

## АНЖИР МУРАББОСИ

*Н*имагадир ўша кун ишхонада кайфиятим йўқ, хаёлим паришон, қўлим ишга бормаёй ўтирардим. Кўнғироқ бўлиб қолди. Гўшакни олсам, кимдир келган, хужжати йўқлиги учун ичкари кўйишмаётган экан. Тушсам, марҳум шоир Аъзам Ўктамнинг хотини, журналист кизимиз Хулкар турибди. Салом-алик қилишдик.

– Кўқонга борувдим, – деди у, – Аъзам акамнинг яқинларидан сизга салом.

– Саломат бўлишсин.

– Бир йиғинда ўтирган эдим, – дея у муддаога ўта қолди, – бир онахон “Дуо олган келинчак” китобингизни ўқиган экан, мақтай кетди десангиз. Аввалига индамай маза қилиб эшитиб ўтирдим. Охири чидаб тура олмадим, сизни танишимни, Аъзам акам билан бирга ишлаганларингизни, тўйларимизда бўлганингизни айтиб мақтандим. Мақтандиму қўлга тушиб қолдим. Онахон кўярда-қўймай, ўз қўлим билан тайёрлаганман, деб мана бу ҳадяни уйидан олиб чиқиб сизга бериб юборди, – деб қўлимга сувхалта тутқазди.

Уни очсам, битта банкада анжир мураббоси.

### ПАШШАНИНГ КЎЗИ

*Ма*ктабда ота-оналар билан учрашувда эдик. Бир она боласининг китоб ўқимаслигидан шикоят қилиб қолди.

– Ўзингиз китоб ўқимасангиз керак, – дедим унга. Буни мен ўз ҳаётим тажрибамдан келиб чиқиб айтдим. Чунки фарзандларим ҳам худди шу онахондек набираларимнинг китоб ўқимаслигидан шикоят қилишар, шунда мен уларга “Ўзларингиз китоб ўқийсизми, нукул қаёқдаги сериалларни кўриб ўтирасизлар-ку”, десам жим бўлиб қолишарди. Бироқ бу она уйи тўла китоблигини, ҳатто мен ўқиб улгурмаган бир талай китобларнинг номларини ҳам айтиб ташлади. Мен бўлсам зиёли, китобхон оиланинг боласи, албатта, китобхон бўлади деб юрардим. Бу гаплардан кейин тилим айланмай қолди.

– Лекин, – деди она, – менинг жим бўлиб қолганимни кўриб, – шунақанги ғалати саволлар берадики, одамни шошириб қўяди.

– Ажабо, – дедим қулиб, – китоб ўқимайдиган бола қандай қилиб сизни шошириб қўйиши мумкин?

– Ҳа, шунақа, бир кун нима дейди денг: “Ойижон, нимага пашшанинг кўзи қизил”миш. Қаранг, шу ёшга кириб, пашшанинг кўзига қарамаган эканман...

Учрашувдан қайтаяпман-у хаёлим бояги онанинг гапларида: “Пашшанинг кўзи қизилмиш”. Мен ҳам шу ёшга кириб, пашшанинг кўзига қарамаган эканман. Ростдан ҳам қизилмикан? Шу пайт тилимга шундай бир олқишлар келди: “Эй болақай, биз сени китоб ўқимайди деб ёзгириб юрибмиз, сен бўлса ҳеч ким ўқимаган нарсаларни ҳалитдан ўқий бошлабсан, умринг узок, йўлинг нурли бўлсин!”

### ФАРЗАНДЛИК ТУЙҒУСИ

*Маҳаллада* бир хонадон бор эди. Аёли оқила-ю, аммо эри жангари, кўрс бир одам эди. Ёмоннинг бир қилиғи ортик деганларидек, у топганини ичарди. Буни у бепуштлигига, ўлиб қолса чироғини ёқадигани, орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигига йўярди. Ичиб, алаמידан чиққан бўларди. Қўни-қўшнилар билан тесқари, кирди-чикди қилмасди.

Кунлардан бир кун шу хонадонда кутилмаган воқеа юз берди. Қўни-қўшнилар хайратдан ёқа ушлаб қолишди. Сабаби ҳовлидан карнай-сурнай овозлари эшитилиб қолди. Ичавериб, томи кетиб қолди деса, карнай-сурнайчиларни нима жин урди экан? “Ҳа, пулини тўлагандан кейин, уларга нима, чал деса, чалаверади-да”. Хуллас, ҳовлига бирин-кетин қўшнилар тўплана бошлади. Улар не кўз билан кўрсинларки, уй ҳожаси ҳовлининг ўртасига тушиб олиб, қарс, бака-бум ўйинга тушиб ётибди. Чолғувчилар авжидан сал пастласа, “чалсанг-чи”, деб ўдағайлайди. Улар ҳам лунжини шишириб авжга чиқиб ётибди. “Ҳа, бечора-я, ростдан ҳам томи кетибди”, деб қўшнилар унга ачинишди.

Бу ғалати томоша давом этиб турсин-у, гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Бир оилада йигит бўй етди. Уни уйлаш керак. Эски ошхонани бузиб, ўрнига бир уй, бир даҳлиз курмоқчи бўлишди. Йигит бузиш жараёнида ошхонанинг

бўғотидан ранги-тусини билиб бўлмайдиган ўроғлик бир халгача топиб олди. Бир чеккага ўтиб, уни аста очди. Чириб, тўкилиб кетай деган газета қоғози орасидан бир сурат чиқди. Суратда йигитнинг онаси келинчаклик либосида, ёнида башанг кийинган бир нотаниш йигит. Воҳ, онасини-ку таниди, ёнидаги одам ким бўлди экан? Дадаси деса сираям ўхшамайди. Дадасининг куёвжўрасимикан? Йўқ, куёвжўра билан бунақа ҳолатда суратга тушиб бўлмайди. Бошлари бошларига тегиб турибди. Йигитнинг мияси ғовлаб, ҳеч нарсага тушуна олмай қолди. Қизиғи шундаки, онаси ёнида турган йигит ўзига жуда ўхшаб кетарди. Агарда уни ўзининг сурати билан ёнма-ён қўйса ака-ука дейиш мумкин. Тоғасимикан-а? “Сен раҳматли акам – тоғанга жуда-жуда ўхшайсан”, деб онаси кўп гапирарди. Онаси акаси билан келинлик либосида суратга тушган бўлса, унда бу сурат нимага ошхонанинг бўғотида қолиб кетган? Савол устига савол? Хаёлида сурат бир сирни яширгандек бўларди. Йигит отаси ишга, укалари мактабга кетганда онасини холи топиб, суратни кўрсатди. Онаси суратни кўлига олиб, титраб кетди. Бошини тиззасига қўйиб, унсиз тўлиб-тўлиб йиғлади. Оҳ онаизор-а, суратни ёкиб юборсанг бўлмасмиди? Келиб-келиб, у кимнинг кўлига тушибди-я? Ойни этак билан ёпиб бўлмас, деганлари шу бўлса керак-да. Онанинг бўғзидан зўрға ушбу сўзлар чиқди:

– Бу сенинг отанг, болам...

– Нима? – йигитнинг эси тескари бўлаёзди, – ўзимни дадам-чи? Ичида бир нима “чирт” этиб узилгандек бўлди.

– У сенга ўгай...

– Ўгай, қандай қилиб? Ахир улар мени ҳаммаданам яхши кўрадилар-ку?

– Ўгайлиги учун шундай қилади, менинг кўнглимга қарайди. Отанг баҳоси йўқ, яхши одам.

Йигит суратни топиб олганига, йигирма неча

йиллик сир ошкор бўлганига пушаймонлар еди. Топилмагани, ошхона бўғотида чириб кетгани минг марта яхши эди, ўша суратнинг. Қаерданам у уйланадиган, ошхона бузиладиган бўлди-я. Дадаси билан ўзининг ўртасига қандайдир парда тушгандек бўлди...

– Отанг раҳматли, – деб давом этди она, чуқур хўрсиниб, – тўйимиз бўлгандан кейин, пул ишлаб келаман деб, четга кетиб қолди. Ўшанда сен бўйимда эдинг. Ёшингга ҳам тўлдинг, аммо отангдан дарак бўлавермади. Охири хавозадан йиқилиб ўлгани ҳақида хабар келди. Аза очдик. Уйга қайтиб келдим. Ота-онам: “Боланг эсини танимай эрга тег, боланг эрингни отам деб ўссин”, деб турмушга беришди. Бор гап шу, болам...

– Отам қаерда ўлган, қаерга кўмилган, биласизми?

– Йўқ, болам... қайнотам мен келин бўлиб тушгунча оламдан ўтган, қайнонам касалманд эди. Битта-ю битта ўғлига қуйиб, эрта кунда у киши ҳам ўлди. Бунинг устига уйлари йўлга тушиб бузилиб ҳам кетди. Шундай қилиб, улардан ному нишон қолмади. Ҳа, ҳаёт шунақа экан... Энди болам ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, ҳа ақлли йигитсан, ҳамма нарсани тушуниб турибсан...

Йигит анча мулоҳазали эди. Онаси шундай гапирдики, гўё отасидан шу суратдан бошқа ҳеч вако қолмагандек. Йигит онасига “хўп” деди-ю, аммо фарзандлик туйғуси уни тинч қўймади. Отасини киши билмас қидирувга берди. Воҳ... ўлмаган экан, отаси топилди. Уй-жойлари ҳам бузилмаган экан... Онаси ҳалиги гапларни бу мавзуга бошқа қайтмасин учун тўқиб айтган экан. Нимага энди отаси билан онаси ажрашиб кетган? Бунинг энди унга кизиғи йўқ...

Ота бўлмиш, фарзанди борлигидан, уни излаб топганидан терисига сиғмай, ўз хурсандчилигини карнай-сурнай билан овоза қилиб ётибди. Ана шунақа гаплар...

## МАКТУБ

Аёллар гап-гаштак ўйнашарди. Бир куни гап қизиб турганда, ошга пашша тушди. Гап бераётган аёл ғалати аҳволда хонага хат кўтариб кирди. Ҳозиргина кимдир хатни дарвозахонага ташлаб кетганмиш. Конверт устига: “Фақат гапдаги опалар ўқисин”, деган ёзуви борлигига ҳайрон бўлиб, кўтариб кираверибди.

– Қани, очинг-чи, қорхатмасмикан ишқилиб, – деди ўтиришнинг кайвониси.

– Вой, ҳали қор ёғмади-ку?

– Ҳая, – чувиллашди хотинлар.

Уй эгаси хатни очиб, бир зум кўз югуртирди-ю, ранги-қути ўчди.

– Ҳа, нимаикан?

– Овозингизни чиқарсангиз-чи, бундоқ?

Аёл минг азобда, тутила-тутила хатни ўқий бошлади:

“Азиз аёллар... би-ламан сиз...сизлар гап-гаштагингиз-да бараканинг йўқлигидан кўп шикоят қиласиз. Барака қаердан ҳам бўлсинки, орангизда эрининг чўн... чўнтагига тушадиган кўли эгри хо... хотин бўлса. Шар...шариатда бекорга ўғрини кўли кес... кесилсин, демаган. Нимага деганда бу кўл энди ҳаром иш қилиб, ҳаром бўлиб қол... қолди. У кўл билан, ов...овқат ҳам еб бўлмайди, овқат пишириб ҳам бўлмайди. Энди гап бундай, ўша гап... гапдошингиз бу ишини тўхтатмаса, янаги йиғилишингизда келиб, сизларнинг гувоҳлигингизда тал... талоғини бераман, вассалом, бор гап шу.”

Аёллар бир-бирларига қараб, жим бўлиб қолишди. Қай биримиз экан, у кўли эгри хотин? Ана шундай ҳадик ва гумон ичида ер тагидан бир-бирларига қарар эдилар. Бундан азоби бўлмаса керак.

Бу галги ўтириш ўтиришдек бўлмади. Ҳамма минг хил хаёлда, минг хил гумонда уй-уйига тарқади.

Фақат кайвони: “Бу воқеа болаламасин, номимизга яхшимас”, деб хотинларни пишиклаб кўйди.

Катта бир ташвиш (ҳа кимга ташвиш, кимга томоша) билан кейинги гапга ҳам йиғилдилар. Ҳамма жамулжамми? Йўқ, бир аёл келмаган эди. Ҳамманинг кўзи бўш жойда эди... нахотки!..

## ТЎТИҚУШ ВА МУШУК

*(Ривоят)*

*Мадрасадаги сабоқлар пайгида илми толиблар устозидан сўради:*

– Устоз, паррандалардан қай бири сизга ёқади?

– Тўтиқуш, – жавоб берди устоз.

– Сабабини билсак бўладими?

– Тил ўргатсанг ўрганади, сиз билан бизга ўхшаб гапирди.

– Ҳайвонлардан-чи?

– Мушукни ёктираман, – деди устоз.

– Нимага энди айнан мушукни?

– Чунки Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам мушукни беозор жонивор деганлар...

Шогирдлар устозига тўтиқуш билан мушук ҳада қилишди. Иккала жонивор ҳам талабалар билан бирга яшай бошлади. Устоз ўқувчиларига ҳар куни битта калом – “Ла илаҳа иллоллох”ни такрорлайверарди. Такрорлаш шу даражага етдики, ўқувчилар зерикшиди.

– Устоз, “Ла илаҳа иллоллох”ни шу қадар кўп такрорладикки, ҳатто тўтиқушимиз ҳам ўрганиб олди, энди бошқа дарсга ўтайлик, – дейишди.

Устоз энди жавоб бераман деганда хонада бир нохуш воқеа юз берди. Мушук оч қолган эканми, қутилмаганда тўтиқушга ташланиб, бўғиб қолди. Ажратгунча бўлмай тўтиқуш бир-икки қийкириб-қийкириб, мушукнинг чангалида жон берди. Шунда устоз:

– Агарда ҳозир тўтиқуш қийқирмасдан “Ла илаҳа иллоллох” деб жон таслим қилганида сизларга янги дарс ўтган бўлардим. Бу улуғ, муқаддас калом тўтиқушнинг тилигагина жо бўлган эди, дилига эмас. Сизнинг ҳам ҳозирча тўтиқушдан фарқингиз йўқ, бу сўзнинг маъносига тушуниб етганингизда, янги дарс ўтайлик, демаган бўлардингиз, – деган экан устоз.

### КУЗАТГАНЛАРИМ

*У* Аллоҳ бериб турганда хуш ёқиб, миқ этмай юрди. Кунлардан бир кун Аллоҳ бермай кўйган эди, кўкракдан ажраган гўдакдек шундай айюҳаннос солдики...

\* \* \*

*Д*овучани данаги қотмасдан еса бўлади, қотгандан кейин эса пишгунча еб бўлмайди, гўё шу йўл билан ўзини ҳимоя қилади. Одам боласи ҳам шундай.

\* \* \*

*А*ллоҳ таолонинг кудратини қарангки, ҳамма нарсани жуфти-жуфти билан яратган. Ҳатто кечанинг жуфти кундуз, кундузнинг жуфти кеча. Бири иккинчисисиз яшай олмайди. Ҳар иккисининг кўшилиши – висол дамларидан янги кунлар туғилади.

\* \* \*

*Ҳ*аводаги мусбат ва манфий зарраларнинг кўшилишидан чакмоқ чақиб, ундан ерга миллион-миллион тонналаб азот (ўғит) ёғилади. Она замин эса шу захоти миллионлаб кўзиқоринларни туғиб беради.

\* \* \*

*Б*олангиз сизга нисбатан асабий ва кўрс бўлиб қоляптими, демак, билингки, у сизга берган саволларига жавоб ололмапти.

\* \* \*

Менинг бир дўстим бор. Дўстимнинг ҳам “дўсти” бор. У таклиф қилинган тўй-тўкинларга, таваллуд кунларига ўша “дўсти” билан бирга боради. Ўзи меҳмондорчиликдан қайтади, лекин “дўсти” қолади. У совғага тақдим этилган КИТОБ эди.

\* \* \*

Бир учрашувда таниқли, эл суйган адиб Ўткир Ҳошимов қуйидагиларни айтган эдилар:

“Китобхони йўқ асар – эгаси ташлаб кетган ҳовлига ўхшайди”.

“Асарнинг қандайлигига вақт баҳо беради”.

“Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Озод Шарофидинов акалар адабиётнинг юраги эдилар”.

“Бир марта ишлатиладиган шприцга ўхшаган асарлар кўпайиб кетяпти. Шуниси борки, шприцлар одамни даъволайди, анавиндай асарлар эса касал қилади”.

“Бир ўқувчим соғлигимни сўраб қолди. Юрагим санчаётганини айтсам, “Китобингизни ўқиб, юраги тош одам мен йиғладим-ку, янаям юрагингиз санчмасинми”, деди.

“Тўрт тийинлик перашкани еб ишдан – ўқишга, ўқишдан – ишга шошардим. Худога шукур, қирқдан ортик китоблар ёздим...”

“Одатда, ёзиш жараёни тез кечади, ўрганиш эса узок”.

“Ўзбекнинг оиласида отадан кўрқиб керак”.

## АЖАБО

Аллоҳ таоло ер юзидаги жамики махлуқотларни инсонга хизмат қилишга буюриб қўйган. Улар мик этмай Аллоҳнинг айтганини қиладилар, аммо инсон эса Аллоҳнинг айтганини қилмайди, Унга ҳамиша исёнда бўлади.

## ЭШИТГАНЛАРИМ

Олим бузилса, олам бузилади, дейишади.  
Шунисидан Худо сақласин.

## АЛЛОҲНИ ТАНИШ

Эски масжиднинг тоmidан сув ўтиб, ўпирили тушди. Бир ҳисобда яхши бўлди, катгарок қилиб янгисини, курамиз, дейишди маҳалладагилар. Бирок янги масжид кўшни ховлилар ҳисобига кенгайдиган бўлиб қолди. Баъзи кўшнилари келишилган нархга кўнди. Баъзилари нархини ошириб, фойдаланиб ҳам олди. Аммо шундай бўлдики, яна бир ховлини бузишга тўғри келди. Унинг эгаси бошқа диндан эди. “Йўқ, деб оёқ тираб олса нима қиламиз?” “Айтганини берамиз, бошқа иложимиз йўқ.” У қари кампир эди. Бир ўзи яшарди. Минг бир истиҳола билан кампирнинг хузурига кирдилар. “Йўқ” деб қўймасин деган ҳадикда бошқаларга берган нархдан кўпроқ айтишди. Бу пулга хоҳлаган жойдан хоҳлаган уйни сотиб олса бўларди. “Меросхўрларим бор, улар билан гаплашай”, деди кампир. Вакиллар ҳафта ўтиб, яна кампирга рўбарў бўлдилар. “Масжид Худонинг уйи, уйимни Худога сотсам, қандоқ бўларкин, у дунёда мени жаннатига киритмай қўймасмикан?” деди кампир ўй суриб. Бунақа гапни бошқалардан эшитмаган маҳалла вакиллари нима дейишларини билмай, ҳайрон-у лол бўлиб қолдилар. Кампир эса улардан жавоб кутарди...

## ГУЛЛИ КЎРПАЧА

Маҳалладошимизни дафн этиб орқага қайтардик.  
Жанозада қатнашганлардан бири гап очиб қолди:

– Битта қабрнинг бошига чиройли, гулли кўрпача тўшаб қўйишибдими, эътибор қилдингларми?

Дарҳақиқат, қабристондаги ўриндиклардан бири-

га кимдир кўрпача тўшаб кетган, ўрганиш бўлмаганигами эътиборни тортган эди.

– Бир бечора, ота-онаси тириклигида гулли кўрпачага ўтирғиза олмаган бўлса, энди тўшаб кўйгандир-да, – деди биттаси.

– Унақамасов, бир умр гулли кўрпачаларга ўтказиб юрган бўлса, тарки одат қилолмаган, ха, – деди иккинчиси.

– Ҳойнаҳой жигаргўшалари орасида амалдорроғи зиёратига бораман, деган бўлса ўшанга тўшалган, – деди учинчиси.

– Ҳарқалай кўрпача ўликларгамас, одамлар шунақа, жонини роҳатини биладиган бўлиб кетишган, – деди тўртинчиси.

Шу... одамларга ҳам хайрон қоласан киши, кўпнинг эътиборини тортмай, эл қатори яшаб юришса нима киларкин-а?..

## ТУПРОҚ ҲИДИ

У онасини тупроққа кўйган куни бир хушбўйлик туйди, бир хушбўйлик туйди.... Юрса ҳам, турса ҳам ўша бўй димоғидан нари кетмай қолди. Фаранг атирларининг ҳиди унинг олдида ҳеч гап эмас. Бу соғ тупроқ ҳиди эканини уч кундан кейин онасининг кабрига борганда билди. Хаёлида гўрковлар ана шундай хушбўйлик ичида бир умр маза килиб яшайдигандек. Атрофга аланглаб, қабр қазиётган гўрковлар томон юрди. Бу ерда соғ тупроқ ҳиди янаям гуркираб турарди. Гўрков йигитни кабрга алоқадор деб ўйлади шекилли:

– Тупроқ қаттиқ чиқди, ёрдамлашворинг, – деди.

– Хўп бўлади.

У тупроқ ҳидини туюб, бажонидил уларга қарашди.

Шу-шу бу хушбўйликни соғиниши билан қабристонга борадиган, гўрковларга қаращадиган бўлиб қолди.

Аллоҳ таоло тупроқ ҳидини бир бандасига мушк-анбар қилиб, уни савоб иш – гўрковликка тайёрлаётганини у хали билмас эди.

## ГЎРКОВ ЙИГИТ

*Бу* йигитнинг эса гўрковликдек савоб ишга мухаббати шундай бошланди. Буваси ошини ошаб, ёшини яшаб, омонатини топширди. У дадасининг тайинлаши билан гўрковга учраб, хилхонани кўрсатди. Маййитни пешинга чиқарадиган бўлдилар. Орадан хийла ўтиб, дадаси унга гўрковларга нонушта элтиб, хабар олишини айтди. Қабристонга келди-ю, капалаги учди. Дахлиздан энди бир кетмон ўйилибди, холос. Бу аҳволда пешинга эмас, асрга ҳам қабрнинг тайёр бўлиши даргумон. У савол назари билан кекса гўрковга қаради. У шогирдини яқиндагина топиб келганини айтди.

– Сизлар қоринни тўқлайверинглар, унгача мен қарашвораман, – деди йигит белкуракка ёпишиб.

Йигитга Аллоҳ шундай куч-ғайрат бердики, гўрковлар то чой ичиб бўлгунча, дахлизни охирлатиб кўяй деди. Ҳа, ташқарига тупроқ уйилиб кетди. Кекса гўрков иш тепасига келиб:

– Э барака топинг, сизни Худонинг ўзи етказди бизга, мени кўпроқ дахлиз қийнайди, унга, ҳа... мана шунақа ғайратли одам керак, шогирдим ёш-у дангасароқ..

Йигит аланглаб, шогирдни қидирди. У бамай-лихотир, нонуштадан кейин хузурланиб сигарет чекиб ўтирарди. Воҳ, буваси раҳматли сигарет чекканни жинидан баттар ёмон кўрарди. Маъракалардами, ишқилиб қаерда бўлмасин кашанда одам билан ёнма-ён ўтириб қолса, кийимларини уч кунгадовур ҳовлида шамоллатарди. Исирик тутатиб, кейин уйга киритарди. Келиб-келиб бувасининг қабрини шу кашанда қазийдими? Ахир сигарет хиди тупроққа

ўтириб қолади-ку. Йўк, қабрни охиригача ўзи қазийди. У кашандани яқинлаштирмайди. Кекса гўрков иши унаётганидан хурсанд бўлиб, шогирдини ёмонлай бошлади:

– Шогирдим тушмагур олдин ичарди, бўлмайди, мумкинмас, деб юриб, охири ичкиликни ташлатдим, бироқ хуморбости деб носвойга ўтиб олди, баччағар, носам ҳаром, қабристонга тупириб бўлмайди, деб унданам қайтардим, денг. Кўрмайсизми энди, сигаретга ўтиб олибди... Ҳа... иложим қанча, ҳаммаям бу ишга ёпишиб келавермайди, бўлмаса, энг савобли иш бу...

Бир маҳал гўрковнинг шогирди иш тепасига келди-ю, хайратдан хуштак чалиб юборди:

– Ўҳ-ҳў... зўрсиз-ку, экскаватор бўлиб кетинг-е, ака...

Йигит дахлиздан тепага чиққач, кекса гўрков лаҳад кавлагани пастга тушди. Гўрковнинг шериги қабр теппасида ҳамон сигарет тутатиб турарди. Йигит уни пастга тушишини хоҳламай, секин им қоқиб, йўлакка бошлади. Кейин устози унга қанча иш ҳақи беришини сўради. У айтди. Айтган пулини бериб: “Сиз бораверинг, охиригача ўзим қарашвораман”, деб жўнатиб юборди. Чекиши ҳақида индамади.

Гўрковга йигитнинг чапдастлиги, меҳнаткашлиги ёқиб қолди. Хўп деса ишга чакириб турадиган, кашанда шогирдидан воз кечадиган бўлди. Кейин, ўтганларни охирги йўлга кузатиб қўйиш катта савоб эканини, бу ишни кимдир қилиши кераклигини айтди. “Яхши, – деди йигит, – шогирдингиз кашандаликни ташлагунча сизга қарашиб тураман”. Улар телефон рақамларини алмашдилар.

Бу гапдан хабар топган кашанда шогирд, саросимага тушиб қолди. Қараса, оғзидаги ошни олдириб қўядиган, ҳа, бир куни ўтиб турган эди... Пул илгари иккига бўлинарди, энди... Бир куни у йигитга: “Энди келмай қўяверинг, чекишни ташладим”, деди. Бу

орада у ғайратлироқ ҳам бўлиб қолган эди. Аммо йигит иш борми, деб сўраб келишини қўймади. Унинг тирикчилиги билан қизиқишган эди: “Ҳа, энди Аллоҳ насибани бериб турибди, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ”, деб кўярди. Шогирднинг чин дилдан кашандаликни ташлаганига ишонган йигит қарашганига ҳақ ҳам олмай қўйди. У бу ишдан бошқача рух, бошқача кайфият туяр эди. Буваси гўё унга ўғит беришда давом этарди.

Бир куни қизиқ бўлди. Кекса гўрковнинг қизига совчи келди. Унаштирилди. У шогирди билан арзон мебель кидириб юриб, бир фирма дўконига дуч келишди. Бу ерда мебеллар, ҳатто бир йилга насияга ҳам берилар экан. Устама деган гаплари йўқ. Шунгами, бошлиқнинг хузурига кирувчилар кўп эди. Улар навбат кутиб, бошлиқнинг олдига киришди-ю, хангу-манг бўлиб қолишди. Не кўз билан кўришсинки, рўпараларида башанг кийинган гўрков йигит турарди...

### ЎҚИГАНЛАРИМ

*Р*удакий ҳазратлари айтадилар: Пул ва дунё бу – илондир. Уни овлаган одам илонбоздир. Илонбоз бир куни ўша илон домида жон беради.

\* \* \*

*Т*ама қилмаган хурдир, тама қилган тамага кулдир.

\* \* \*

*К*аноат қилган кул – хурдир, қаноат қилмаган хур – кулдир.

\* \* \*

*О*линган хар бир дам (нафас), ўлим сари бир кадам.

## ТАРБИЯ ВА ЖАЗО

Жун бўйи ёмғир ёғиб, эртасига ҳаво чарақлаб кетди. Машинани йўл-йўлакай “мойка”га олиб кириб, тўйга бораётсам, бир машина кўлмак сачратиб таъбимни расво қилди. Ойна очик эди, уст-бошим, машинанинг олди лойқа билан бежалди. Дока билан уст-бошимни артиб, бир ёқли қилган бўлдим-у, аммо машинани ювдириш учун “мойка”га қайтиб кирдим.

– Ҳа, дода, – деди шу ердаги йигитлардан бири хавотирланиб, – бирон нарсангиз қолиб кетибдими?

– Э, кўрмайсизми, – деб унга машинани кўрсатдим.

– Воҳ, ҳозиргина чиннидек қилиб берувдим-а, машиналар кўпайган сари бефаросатларам кўпайиб кетяпти. Уларни бундок жазолаб, тартибга чақириб ҳам бўлмаса?

Йигит машинани ювишга киришди. Шу пайт яна иккита машина “мойка”га кириб келди. Бири қора рангдаги “иномарка”, иккинчиси “Дамас”. “Иномарка”даги йигит машинасидан тушмади. “Дамас” ҳайдовчиси ювувчи йигитга пул узатиб:

– Анови машинани яхшилаб ювиб бергин, – деди. Кейин “иномарка” ҳайдовчисига:

– Ана пулини тўлаб қўйдим, энди правамни беринг, – деди.

“Иномарка”дан қора костюм-шим кийган, узун бўйли пўрим йигит тушиб келди. “Дамас” ҳайдовчи йигит унинг олдида жуда пачоқ, ғариб кўриниб кетди. Унга раҳмим келди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олифта олиб қўйган бўлса, демак, у ДАН ходими бўлса керак. Йўл ҳаракатини бузган бўлса, машинасини ювдирипти. Шу билан кутулармикан, бола бечора?

– Машинани ювдирадиган бўлсам ўзимниям пулим бор, – деди йигит “Дамас” ҳайдовчисига теладан қараб, – бироқ мен машинамни ўз қўллари билан ювиб беришини хоҳлайман.

– Э, нима, устимдан куляпсизми, ёмғирни мен

ёғдирибманми, кўлмакни мен килибманми? – жириллади йигит.

– Ўзлари менинг устимдан кулиб, лой сачратсалар майли-а, қани менам бир устиларидан кулай-чи, қанақа бўларкин? – деди йигит хотиржам.

Шундагина мен гап нимада эканини тушундим. Олифта йигит ҳам менга ўхшаб бежалганлардан экан. Ҳозиргина бунақаларни жазолаш ҳақида гаплашиб турган эдик. Эътибор қилсам, устидаги оҳори тўкилмаган костюмига ҳам лой сачрабди. Ҳол-ҳол бўлиб турибди. Энди йигитнинг ўзини тутиши, гап-сўзлари, қилаётган талаблари менга ҳам ёқа бошлади. Тўғри қилади, бунақаларнинг бурнини ерга ишқаш керак. Шундагина ҳовурдан тушиб юради.

“Дамас” ҳайдовчиси қараса бўлмайдиган, олифта йигит жуда тиралиб турибди.

– Бўпти, ювиб берсам кугуламанми, – деди зарда билан.

– Йўк, – деди йигит, – ҳали яна иш бор.

– Яна қанақа иш? – ҳайрон бўлди йигит.

– Олдин бу ишни бир ёқли қилсинлар, кейин гаплашамиз.

“Дамас” ҳайдовчиси капалаги учиб, ишга тушиб кетди. Бу орада менинг ишим битди. Бирок кўз олдимда бошланган машмаша нима билан тугаши мени қизиктирарди. Нихоят, йигит машинани ювиб, артиб ҳам бўлди.

– Мана бўлди, яна нима дейсиз? – дея йигитга хавотир билан қаради.

У устидаги костюмни ечиб, йигитга тутди:

– Бу костюмни кеча, – деб дўконнинг жойини ва отнинг калласидек нарҳини айтиб, – сотиб олган эдим, биринчи марта кўчага кийиб чиқишим эди, янгисини обкеладилар-да, кейин праваларини оладилар, каминани шу адресдан топадилар, – деб визиткасини костюм чўнтагига солиб, йигитга тутқазиб, машинасини миниб, жўнаворди...

Йигитнинг пешонаси тиришиб, анграйганича қолаверди... Ана сизга тарбия, ана сизга жазо... Ювувчи йигит ҳам “зўр” дегандек бошини ликиллашиб кўйди.

## ТАФТИШ

Масжид мутавалисининг олдида бир йигит кириб келди. Мутавали қандайдир ёзув-чизувлар билан овора эди. “Ҳозир” деди-ю, ўзи билан ўзи овора бўлаверди. Кейин йигитни кутдириб қўйганига хижолат бўлди шекилли:

– Шу, ҳисоб-китобга йўғман-да, болам, – деди узр сўрагандек дафтардан кўзини узмай, – ҳозир шу ишни охирлашиб қўймасам, кейин ҳаммасини бошидан бошлашимга тўғри келади. Хўш-ш...

– Калькуляторингиз йўқми? – деди йигит.

– Унақа нарсаларни ишлатишни билмайман, биздақаларга қадимги ўзимизни чўт бўлса-да, у курғурни сўратмаган жойим қолмади, йўқ... шу десангиз ҳозир минг сўмни йўқотиб ўтирбман-да.

– Минг сўмни, ёнингиздан кўша қолмайсизми, ё мен берайми?

– Воҳ, – деди мутавали йигитга астойдил юзланиб, – бу кўпчиликнинг пули-я, ўрни-ўчоғига тушмаса у дунёда, ўх-ҳ-ў... отнинг калласидек савол-жавоби бор-а. Минг сўммас, бир тийини ҳам бежо бўлмаслиги керак, ха...

Мутавали “ҳозир” деб яна қоғозга мук тушди. Йигит сездирмай хонадан чиқиб кетди. У тафтишчи эди. Мутавалининг устидан масжиднинг ҳақини ейди деб думалоқ хат тушган, ўшани текширгани келган эди... Мана текшириб ҳам бўлди.

## МЕҲМОНЖОН

Сувлари шарқираб оқиб турган водийнинг сўлим чойхонасида тўрт кишилик ош буюриб, чакчаклашиб ўтирардик. Кўшни сўрилар ҳам банд. Ҳар замонда: “Меҳмонжон, аччиққина чой...”, “Меҳмонжон, ошни обкелинг, бўлақолинг”, “Меҳмонжон, биз туряпмиз...” деган хитоблар бўлиб турар, “Мана, ҳозир” деган шўх-шодон овозлар янграб, ок яктак кийган йигитлар елиб-югуриб хизмат қилишарди.

– Бу йигитларнинг қай бири Меҳмонжон бўлди экан? – деб водийлик танишимга қарадим. У кулиб, бир воқеани айтиб берди. Майли қахрамонимизнинг исмини айтмай “У” деб қўя қолайлик.

У боғидаги ўрик билан гилосни битта фурага урди-да, қайдасан Россия, деб жўнаб қолди. Юртдан чиқиш билан қозоқ чўллари бошланди. Эҳ-ҳе... йўллар равон, бепоёндан-бепоён. Ҳар замон, бир замонда йўл четида овуллар учрайди. Бир жойга борганда эски сариқ “Москвич” йўлни тўсиб чиқди. Тўхташди. Бир мўйсафид билан ёш йигит уларга қараб юрди. Ҳайдовчи машинадан тушиб, нима гап, дея жавоб-муомала қилди. “Йўлтўсарлар”нинг иши битмади шекилли ҳафсалалари пир бўлиб, йўлни бўшатишга шошилишди. Ҳайдовчи бамайлихотир орқасига қайтиб, машинани ўт олдирди.

– Нима гап, тинчликми? – сўради У.

– Э... – деб қўл силтади ҳайдовчи, – арзимаган гап, нима эмиш, келинининг боши қоронғимиш, шунга бир ҳовуч мева бер, дейди, келинингизни деб бир машина юкни бузаманми, айниб қолади-ку, десам, ҳартугул тушуна қолди... У шундай деб газга зўр берди.

Қахрамонимизнинг ичида бир нима узилгандек бўлди. Хаёли қочиб, кўнглидан алланарсалар ўтди. Очик ойнадан поёнсиз чўл этакларига тикилди. Хаёлида машина юки билан бир ерда турибди-ю,

ер чирпирак бўлиб айланарди. У бояги жонсарак мўйсафид билан йигитни кўз олдидан ҳарчанд ҳайдашга ҳаракат қилар, ҳайдовчининг “арзимаган гап” деган сўзларини эсламасликка тиришарди-ю бўлмасди. Ҳа... бошиқоронғилик кимгадир арзимаган гап, кимгадир... воҳ...

– Тўхтатинг машинани, – деди У кутилмаганда. Ҳайдовчи зарурат бўлиб қолди шекилли, деб машинани четга олиб тўхтади ва баклашкадаги сувни унга тутди. Йўлга чиққандан бери таҳоратсиз юришмасди.

– Орқага ҳайданг!

– А, тинчликми?

– Ҳайдовринг.

Ҳайдовчи шеригининг юзидаги катъиятни кўриб, бошқа савол бермади. Юкли машина кучаниб, зўрға орқага бурилди. Унинг кўзи йўлда эди. Ота-бола ҳафсалалари пир бўлиб кетиб қолишган бўлса-я. Ҳа, уларни овулга кириб бўлса ҳам топади. Ҳартугул узоқдан сариқ “Москвич” кўзга ташланди. Бечоралар бирорта инсофлироқ машинани кутиб туришибди шекилли. Ҳайдовчи ҳеч нарсага тушунмай машинага дам газ бериб, дам секинлатиб борарди. “Ановиларнинг олдида тўхтанг”, деган гапдан кейин ниманидир тушунгандек бўлди. “Пломбани бузинг-да, “Москвич”нинг юкхонасини тўлдириб мева беринг, бир тийинини ҳам олманг, буёғи нима бўлса бўлди”.

Мўйсафид кўзига ёш олиб, қозоқчалаб бир нарсалар деди. У тушунди. “Сен бизни меҳмон қилдинг, сени Худо меҳмон қилсин”. Бу тортиқдан ўғлининг кўзлари ёнди. Ҳа, энди у келинчагини мевага тўйдиради. У қўчқордек ўғил туғиб беради...

Шу воқеадан кейин орадан бир йил ўтди. Боғлар яна пишиқчиликка кирди. Унинг хонадонида тўққиз йил деганда фарзанд дунёга келди. Яна қўчқордек ўғил. Қозок мўйсафид айтганидек Аллоҳ уни фарзанд

неъматни билан сийлади, меҳмон қилди. Фарзандининг исмини Меҳмонжон қўйди. Шукронасига чойхона қурди ва унинг номини ҳам “Меҳмонжон” деб атади.

## ХИЙЛА

Водийда кўпгина кексалар эшакни велосипедга алмашиб олгани маълум ва машҳур. Оппок соқолларини селкиллатиб миниб юришлари ҳеч кимни ажаблантирмайди. Насрулла Давроннинг ҳам отам замонидан қолган велосипеди бор. Тўй-ҳашам, саргарошхона, масжид, гузар йўлларида беминнат хизмат қилади. Бироқ тепкиси қурғур кетиб қолган, ҳар босганида ғирт-ғирт қилиб ғашга тегди. Ғиртиллаши кундуз кунлари кўча шовкинларида билинмаса-да, аммо эрта тонг бомдод маҳали кўпчиликка малол келади. Ҳатто итлар ҳам акиллашиб, эстафетани бир-бирига топширишиб, масжидгача кузатиб келишади. У кишининг тенгдошлари орасида ҳам велосипед минадиганлари анчагина. Бироқ уларнинг “тойчоқ”лари эгарланган отдек. Улар:

– Тойчоқни кўрсатворсангиз бўларкан, ғиртиллайвериб жонингизга тегмагани-чи? – дейишса “Ғиртиллаши ўзимга ёқади”, деб гапни қисқа қилади Насрулла Даврон. “Бошқаларни ўйламайсизми, бошқаларга ёқмаса-чи?” “Бошқалар қулоғига пахта тикиб олсин”. “Кўплашиб янгисини оберақолайлик?” “Устимдан кулманглар”. Унинг ўзига яраша кўрслиги ҳам бор.

Охири чоллар имом домлага киши билмас арз қилишди. Ахир Насрулла Даврон имомнинг орқасида туриб, намоз ўқийди-ку, айтганини қилар.

Бир куни бомдоддан кейин қизик бўлди. Одатдагидек ҳовлига чиқишиб, бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашиб, тарқамоччи бўлиб туришганда, имом домла гап ташлаб қолди:

– Шу десанглар, анчадан бери тиззамнинг кўзи зиркираб, азоб берарди, дўхтирга учрасам, эрта сахар бирпас-бирпас эскироқ, тепкиси оғирроқ валасапед мининг, янгилари кушдек енгил, оёққа куч бермайди, деди.

– Ана, – деди Насрулла Даврон, – оғзи куло-фига етиб, – мен бу қари қирчангини бекорга мин-майман-да, унинг шунақа ҳеч ким билмайдиган зўр томонлари бор. Меникини минаколинг, домлажон, – деб шалак аравасини кўш-қўллаб имомга тутди. У кўрсроқ бўлгани билан соддароқ ҳам эди.

– Яхшиси менга сотиб кўяқолинг, – деди имом домла асл мақсадга кўчиб.

– Ҳа, йўқ, ўзиммиям тиззаларим оғрийди. Мас-жиднинг ҳовлисида миновринг, бирпас-бирпасга экан-у, кутиб тураман...

Имом домланинг тоши Насрулла Давронга қараганда оғирроқ эди. Учинчи куни тепки жонивор охирги марта “ғирт” этди-ю, узилиб тушди... Имом домла янги тепки кўйдириб берди-ю, олам гулистон бўлди. Маҳалла ҳам тинчиди, итлар ҳам...

## НИҲОЯТ ТҮЙ...

Ох, бу кунни мен ҳеч қачон эсимдан чиқара ол-масам керак. Ҳаётимда неча марта суннат тўйларини кўргандирман, аммо бу тўйни... эсласам э, ҳа... юрагим уриб, олам кўзимга бошқача кўриниб кетади. Ҳа, ра-дио ҳовлисида байрамона кайфият. Карнай-сурнайлар чалинган. Овоз кучайтиргичдан болалар кўшиқлари янграган... Автобусларда етимхона болалари кўчиб келишди. Тўй болаларни қизларимиз ясантириш би-лан овора. Аммо уларнинг юзлари кулгани билан, кўзлари жикқа ёш. Болалар нималар бўлаётганини тушунишмас, шу сарполар менгами дегандек ҳайрон бўлишарди. Устиларига зар тўн, бошларига жиғали

дўппи кийганларида ҳақиқий шахзодаларга ўхшаб қолишди. Худди тушдагидек...

Ниҳоят тўй болаларни кийинтириб ҳовлига олиб чиққанимизда, ўртоқлари уларни кўриб қотиб қолишди. Либосларини силаб, бошларидаги жигали дўппиларини кийиб кўрмоқчи бўлишарди. Нималар бўлаётганини ҳамон тушунишмасиди. Чунки булар маҳалладаги болаларга ўхшаб, суннат тўйларини кўриб, улғайишмаган эди-да.

Мен тўйни расман очиб берсинлар деб иш бошимиз Азиз акани шувало қидираман. Қани топсам. Ҳеч ерда йўқлар. Бир маҳал Абдурашид имо қилиб қолди. Қарасам Азиз ака бир чеккада, дарахтга суяниб, мук тушиб ўтирибдилар. Бориб:

– Нима бўлди, Азиз ака чарчадингизми, – дедим.

У киши “йўқ” дегандек бош чайқаб менга қарадилар. Кўзлари йиғидан қизариб кетган эди.

– Хато иш қилдик, – деди Азиз ака алам билан, – ҳаммаларини шу тўй болалардек кийинтирганимизда бошқа гап эди. Ўн тўртта болани кўнглини оламиз деб, бошқаларини ўкситиб кўйдик... ўзи шундоғам кўнгиллари ярим эди, багтар қилдик...

Ҳа, Азиз ака ҳақ эдилар. Лекин бундан ортиғига кучимиз етмас эди, иложимиз йўқ эди. Азиз ака сўзлайдиган аҳволда эмас эдилар. Радиомизнинг директори, Барно Ражабов тўйни очиб бердилар. Мусиқалар чалинди, катта-ю кичик тўй болалар билан ўртага чиқиб ўйнади. Кўриб турибман юқори қаватлардаги муҳарририятларнинг ходимлари дераза кўзларига ёпишиб, тамоша қилишяпти.

Ниҳоят болаларни ясатилган дастурхон атрофига таклиф қилдик. Ана ўша дамда мен ўзимни йўқотаёздим. Азиз акадан ҳам багтар аҳволга тушдим. Болалар бир қўллари билан нонга, иккинчи қўллари билан ширинликка ёпишдилар. Ҳа, уларга иккита қўл камлик қиларди. Бўрсилдоқ буличка, тешиккулчаларни катта-катта тишлашарди. Кўзлари оч эди. Бу ёқда

қизларимиз уларнинг бошини силаб, нонга тўйиб олманглар болажонлар, ҳали ош ҳам бор дейишарди. Қарасак болалар нон билан тўйиб қоладиган. Дарровда ошни ҳам суза қолдик. Шунда нима бўлди болалар кўлидаги нарсаларни қўйса биров олиб кўядигандек, энгашиб оғизларини ошга чўздилар. Дод деб тесқари қараб олдим. Бу ҳолат нафақат мени ҳаммани “оҳ” дегизиб юборди. Ҳа не-не тош юракларни эритди, не-не кўзларни йиғлатди.

Каминани шу аҳволда битта муаммо қийнарди. Муаммо болаларни суннат қилиш билан боғлиқ эди. Уларни етимхонага қандоқ олиб борамиз? Бирор кун ётишлари керак-ку. Нимага бу тарафини ўйламадик экан. Шу пайт болалар орасида юрган Ақром акага кўзим тушди. У киши ҳар бир тўй боланинг ёнига бориб, бошини силаб, меҳр кўрсатардилар. Сездим, шундай қилиб тўй болаларни ўзларига ўргатиб, ўртоқ қилиб оляптилар. Суннат қилиш пайтида чўчимасликлари учун. Бу барча усталарга хос одат.

Ақром акани бир чеккага тортиб, дардимни айтдим. У киши кулдилар-да:

– Бу гапни бошида айтмоқчийдим, аммо вақти соатини кутаётгандим, бу ерда уларни фақат думалатиб оламиз. Эртага деддомга бориб, кўлларини ҳалоллаб кўяман, – дедилар.

Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. дарҳақиқат, Ақром ака эртасига Азиз ака билан бошлаган ишимизни охирига етказдилар.

**МУНДАРИЖА**

Орденли Даврон .....	5
Чумолининг ини .....	6
Бағрикенглик .....	7
Кўз тегмасин .....	7
Китоб .....	8
Кутилган ташвиш .....	9
Инсоф уйғонди .....	11
Дарс .....	14
Новвогранг кўйлак .....	17
Бугунги ёшлар .....	20
Помидор .....	23
Тўшак .....	24
Қайсар бола .....	26
Мамаризо тоғанинг сабоқлари .....	27
Ғойибдан келган овоз .....	31
Гилос .....	33
Калимаи шаҳодат ва ҳужжат .....	35
Мархумнинг тиңчи нега бузилди? .....	36
Билмагани Аллоҳ кечиради .....	39
Салам .....	40
Сўнги жилмайиш .....	40
Қабристондаги чироқ .....	42
Ваъданинг баҳоси .....	45
Ибодат ва одоб .....	48
“Томи кетган йигит” .....	50
Кўрикхона .....	54
Довонда .....	57
Синов .....	61
Қарс икки кўлдан .....	63
Йигит кишининг “ҳижоб”и .....	65
Соғинч .....	67
Тунги тапшиф .....	70
Баланд тепаликдаги ёруғлик .....	74
Хиёнатчининг жазоси .....	76

*Оила китоби*

---

Кўчада – шайтон! .....	78
Шайтон тузоғи .....	81
Шайтоннинг мардикори .....	83
Ўзини жазолаган одам .....	85
Зиёрат .....	90
Барака ва тижорат .....	94
Ака ва ука .....	96
Қуръон ва асал шифо .....	98
Йўл ҳақи .....	100
Ёруғ куннинг ҳосиласи .....	102
Ҳалоол бўлса, топилади .....	104
Она қарғамаган эди, аммо... ..	107
Қабрдаги нур .....	110
Қарз гап .....	112
Иккинчи умр .....	114
Мактаб .....	116
Дуо олган келинчак .....	118
Ҳукм .....	120
Ибрат .....	121
Совға .....	121
Сен .....	122
Асал ҳиди .....	122
Янги ҳовли .....	125
Ният холис бўлса... ..	127
У ёқда ҳам толиби илм .....	128
Окибат .....	129
Мушукни ким кўмади? .....	131
Тавбага содиклик .....	132
Сахарлик .....	135
Сипов ойи тортиқлари .....	137
Сабок .....	139
Ҳадя .....	141
Ғофил банда .....	142
Хайрли тун .....	143
Саодатли кун .....	147
Бир сабоқ .....	153

Зиёфат .....	155
Ададсиз ҳамд .....	156
Хуш амал .....	159
Бир даста гул .....	160
Ажр муборак .....	163
Тавба .....	166
Жаннатийлар .....	167
Аллоҳга осон .....	168
Катта томоша .....	169
Тилсим .....	171
Зарра мисколича яхшилик .....	174
Савобга шериклар .....	175
Шунақаси ҳам бўлар экан .....	176
Икки доно бир бўлса .....	178
Ариган дард .....	180
Бир тола қил .....	183
Савобнинг кушандаси .....	184
Чинор .....	186
Унутилмас байрам .....	189
Насиба .....	190
Ўқинишга пошилма .....	191
Худони таниган одам .....	191
Шунақаси ҳам бўлар экан-да! .....	192
Шоколад .....	193
Кўча ҳақи .....	194
Йўлда .....	195
Ажаб савдолар .....	196
Навбат .....	198
Ота ўғити .....	199
Мухлиса қакажон .....	201
Ҳурлик неъматини .....	202
Ҳарамдаги кумрилар .....	204
Ризқ .....	205
Ҳадя .....	206
Қоровул .....	208
Қалови топилди .....	209

Бугунги кунлар .....	211
Бакироқ ва мулойим .....	214
Икки хил ўғирлик .....	215
Обод ватан .....	215
Ўзингиздан сўранг .....	215
Театр .....	215
Қарс икки қўлдан .....	215
Хушёрхонада .....	216
Бойлик .....	217
Вақт .....	217
Учинчи одам .....	217
Лўлигина қизим .....	219
Эшитганларим .....	222
Тест .....	223
Ошиқ-маъшук .....	223
Ахборот нима? .....	223
Ҳақиқат нима? .....	223
Ўқиганларим .....	223
Кўрганларим .....	224
Кузатганларим .....	224
Туш ҳам бир ишора .....	225
Сўнгги эшик .....	225
Узук .....	228
Фарзанд .....	229
Йигит .....	230
Зиёрат .....	231
Лукман ҳалол .....	232
Шахарлик келин .....	233
Жигарлар .....	235
Қабристонда ўғри .....	237
Биров... ..	238
Рўздорнинг дуоси .....	241
Тақдир пичоғи .....	242
Жаннати адажон .....	243
Рамазонни ким қандай кутиб олади .....	245
Болакай .....	247

Худойимнинг айтганини қилган компьютер .....	248
Китоб эгаси нега йиғлади? .....	249
Хукм чиқаришга бунчалар шошамиз-а? .....	251
Аҳли китоблар .....	252
Тасодифми ё тақдир? .....	253
Қовок сомса .....	254
Бой ота .....	255
Аҳмад оға .....	256
Гап шамолламасин... ..	257
Тақдир ҳисоб-китоби .....	258
Ҳиммат .....	259
Сирга кимники эди? .....	259
Ота ўғил .....	260
Устунлик .....	261
Тонгги бадантарбия .....	261
Ким авлиё .....	262
Инсон дегани .....	263
Мен томон юриб келса .....	264
Мухтарам зотлар .....	265
Кўзни очган кўзёшлари .....	266
Яна онаизор ҳақида .....	268
Кўпнинг тапвиши... ..	269
Гувоҳлар .....	269
Билиб-билмай .....	269
Жаннат ташвиши .....	270
Кимнинг кўзи ўткир .....	270
Ашқол-дашқол .....	271
Тузок .....	273
“Эсемес” .....	274
Минг бигга савоб .....	274
Яна ният ҳақида .....	275
Ўринли жавоб .....	275
Исм ҳам хусн .....	276
Тумор .....	276
Овқат совимасин... ..	277
Чилла .....	277

Эшитганларим .....	278
Яна қимдан кўркасиз? .....	279
Кетди ва келди .....	279
Кузатганларим .....	280
Нимага “онамизга” ўхшамаймиз? .....	280
Осмоннинг кўрпаси .....	281
Ўхшашлик .....	281
Ўзидан ва ўзимиздан .....	281
Носкаш .....	281
Билимсизликнинг давоси .....	281
Ақлли ва аҳмоқ .....	282
Ҳидоят йўли .....	282
Киракаш .....	283
Лафз .....	284
Ширин бодрок .....	285
Яна шукр ҳақида .....	286
Соғлом бола .....	286
Ўзимиз-чи? .....	286
Кўшни йигит .....	286
Зикр, шукр ва сабр ҳақида... ..	288
Баракалла .....	289
Удабурон .....	290
Ажрим .....	291
Ўгит .....	291
Ўлимни афзал кўрган одам .....	292
Омонат .....	292
Луқмаи ҳалол .....	293
Чирок кўтарган .....	294
Биринчи ўрин даъвогари .....	295
Темир фалсафаси .....	296
Ўзингдан кўпай .....	297
Одам зотини билиш осонми? .....	298
Азалий ташвиш .....	301
Насиба .....	302
Бошқача одам .....	302
Ташаккур, устоз .....	303

Хориждан келтирилган олма билан сухбаг .....	305
Бир-биридан ўтган ҳасадчилар .....	305
Бугунги бойлар .....	305
Анжир мураббоси .....	306
Пашшанинг кўзи .....	307
Фарзандлик туйғуси .....	308
Маклуб .....	311
Тўтиқуш ва мушук .....	312
Кузатганларим .....	313
Ажабо .....	314
Эшитганларим .....	315
Аллоҳни таниш .....	315
Гулли кўрнача .....	315
Тупроқ хиди .....	316
Гўрков йигит .....	317
Ўқиганларим .....	319
Тарбия ва жазо .....	320
Тафтиш .....	322
Меҳмонжон .....	323
Хийла .....	325
Ниҳоят тўй .....	326

*Адабий-бадий нашр*

**Эркин МАЛИК**

**ДУО ОЛГАН КЕЛИНЧАК**

*(Оила китоби: ҳикоялар, пандномалар)*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2019

Муқовада мусаввир Ортикали Қозоқов асаридан фойдаланилди.

Муҳаррир *Қодиржон Қайумов*  
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноат*  
Техник муҳаррир *Жулдиз Кадирова*  
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*  
Мусаххиха *Шарофат Хуррамова*

**Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 йил.**

Теришга берилди 01.03.2018. Босишга рухсат этилди 02.05.2019.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоги 17,64. Нашриёт-ҳисоб табоги 16,07. Адади 8000  
нусха. Буюртма № 528. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

20000

84 (54) 4

M-22



16+

ISBN 978-9943-26-772-5



9 789943 267725